

**Раҳим Ҳасанов**

**МАКТАБДА ТАСВИРИЙ  
САНЪАТНИ ЎҚИТИШ  
МЕТОДИКАСИ**

*(Олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг  
талабалари учун дарслик)*



**Тошкент  
Ўзбекистон Республикаси  
Фанлар академияси  
«Фан» нашриёти  
2004**

Ушбу дарслик бўлгуси умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчилари учун тасвирий санъатни ўқитиш методикасидан керак бўладиган барча назарий ва методик билимларни беради. Дарсликда умумий ўрта таълим мактабларида тасвирий санъатни ўқитиш тарихи, бу фаннинг вазифалари дарс ва дарсдан ташқари машғулотлар мазмуни, тасвирий санъатни ўқитишнинг назарий ва методик асослари каби масалалар ўз аксини топган. Шунингдек, унда ўқитувчига бўлган замонавий талаблар, унинг мактабдаги ташкилий ишлари, ўз билимларини мустақил ошириш йўллари, болаларни тасвирий санъатга қизиқтириш, ўқитишда замонавий педагогик технологияларни қўллаш, талабаларга тасвирий санъатни ўқитиш методикасидан амалий ва мустақил ишлари масалаларига доир илмий ва методик тавсиялар берилган. Дарсликнинг деярли барча бўлимлари иллюстратив материаллар билан бойитилган бўлиб, улар талабаларга материалларни пухта ва осон ўзлаштириш имконини беради. Мазкур дарслик олий ўқув юртларида тасвирий санъат ўқитувчилари тайёрлайдиган факультетларнинг талабалари учун мўлжалланган бўлсада, ундан олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг бошланғич таълим методикаси факультет ва бўлимлари талабалари, умумий ўрта таълим мактабларининг тасвирий санъат ўқитувчилари бемалол фойдаланишлари мумкин.

Дарслик олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошидаги Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан нашрга тавсия этилган. (39-сонли баённома, 6-декабр 2003)

Тақризчилар:

педагогика фанлари номзодлари Б.Бойметов, Ў.Нуртоев, М.Ғуломов

х 4903010000-з-845 Рез.2004

М 355 (04)-2004

© Ўзбекистон Республикаси

ФА «Фан» нашриёти, 2004йил

**ISBN 5-648-03059-2**

# КИРИШ

## Тасвирий санъатни ўқитиш методикаси хақида умумий тушунча

**Мазмуни:** 1. Методика. 2. Умумий методика. 3. Хусусий методика. 4. Методика тарихи. 5. Ўқитиш методикасига бўлган қарашлар.

Ўқитиш методикаси деганда таълим ва тарбияни мақсадга мувофиқ амалга оширишнинг энг самарали йўл ва услублар йиғиндиси тушунилади. Машғулотни методик жиҳатдан тўғри ташкил этиш эса ўқитувчининг ўз олдига қўйган мақсадига ҳам боғлиқ. Шу билан бирга қисқа ва оддий йўллар билан, оддийдан-мураккабга бориш принципида маълум кетма-кетликда эришиш назарда тутилади. Бошқачароқ қилиб айтганда, ўқитиш методикаси тўғри танланганда ўқувчилар кўзда тутилган ўқув материални пухта ўзлаштирадilar ва уларда ўзлаштириш даражаси бир қадар юқори бўлади.

Методика сўзининг ўзи икки хил бўлади: улар умумий ва хусусий методика ҳисобланади.

Умумий методика мактабда олиб бориладиган барча таълим-тарбия ишларига, хусусий методика эса у ёки бу ўқув предметига нисбатан қўлланилади. Методика, кўпинча педагогика, психология ва санъатшунослик, эстетика соҳасидаги назарий хулосаларга таяниб иш қўради.

Педагогик назарияда уч хил метод бўлиб, асосан нутқий, намойиш этиш ва амалий ишдан иборатдир. Бу методлар ўз ўрнида майда методларга ҳам бўлинади. Масалан, нутқий метод ҳикоя қилиш, тушунтириш, суҳбат, китоб билан ишлаш в.б. шу каби методлардан ташкил топади.

Кўргазмали метод эса кузатиш, намойиш этиш кабилардан, амалий иш эса машқ, расм ишлаш, ижодий иш, ўйин каби методларга бўлинади.

Ўқитувчилар фаолиятида «услуг» деган сўз ҳам ишлатилади. «Ўқитиш услуги» деб биз ўқитиш методларининг айрим қирраларини тушунаимиз. «Ўқитиш услубларидан» ўқитиш методи ташкил топади.

Масалан, «намойиш этиш» методи асосида ўқитувчи машғулот ўтказганда, у экранга санъат асарининг тасвирини техника воситаси орқали туширади. Бу жараёнда ўқитувчи суратдаги бирон шаклни йирик қилиб кўрсатиши усул ҳисобланади. Шу ўринда экрандаги сурат тасвири юзасидан савол-жавоб ўтказилганда ҳам бу юқоридаги усулнинг давоми ҳисобланади.

Ўқитувчи ўқитиш методларига асосланиб иш юритганда у рангшунослик, перспектива, ёруғсоя, композиция қонунлари ва уларнинг хусусиятларидан келиб чиқади. Шуни ҳисобга олиш лозимки, тасвирий санъатнинг у ёки бу турининг назарий асосларини ўргатганда ёки тасвирий санъатнинг у ёки бу фаолият турини ўқитганда ўқитувчи бир хил методлардан фойдаланиши мумкин эмас.

Ўқитиш методикасининг тарихи жуда узоқларга яъни кишилар қачон бир-бирларига расм чизишни ўргата бошлаган пайтларига бориб тақалади. У кишилик жамиятининг тараққиёти даврида такомиллашиб борган, давр ўтиши билан ўқитувчилар, олимлар унинг янгидан-янги қирраларини очганлар ва у мутахассислар орасида тарқалган.

Шуни ҳам қайд қилиш лозимки, шаклланган ҳар бир метод шаклан бир хил бўлса-да, уни бир ўқитувчи, иккинчи ўқитувчидан ўрганиб, шундайлигича қўллаётмайди. Уни ҳар бир ўқитувчи ўз мактабидаги моддий-техникавий шарт-шароитлар, болаларнинг билим ва малакаларининг савияси, дарс мавзуси унинг ўзига хос хусусиятлари ва бошқа шу кабиларни ҳисобга олиши лозим. Шунга кўра бошқа ўқитувчи қўллаётган ва яхши самара бераётган бир метод бошқа ўқитувчи фаолиятида яхши натижа бермаслиги ҳам мумкин.

Шунинг учун қўллашга мўлжалланган ҳар бир метод педагогик фаолият давомида тажриба-синовдан ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Синов бир марта эмас, бир неча марта ўтказилиши лозим бўлади. Чунки, бир синфга мўлжалланган бир методика бошқа вақтда юқорида қайд қилинганидек, шароитга қараб бошқа синфда бошқача натижа бериши мумкин. Танланган ва қўлланиб келинаётган ҳар бир метод шаклан ўзгармай қолса ҳам, мазмунан ўзгариши ҳам мумкин. Ўқитувчининг тўхтовсиз изланишлари, тажрибалари асосида унинг янгидан-янги қирралари очилаверади. Мутахассислар орасида тасвирий санъатни ўқитиш методларига



турлича қарашлар мавжуд. Бир гуруҳ мутахассислар ўқитиш методлари ягона тизим, ягона талабларга жавоб бериши лозим деб ҳисоблайдилар. Уларнинг фикрларига қараганда, ҳар бир метод жамият тараққиёти давомида шаклланиб бўлган, уни ўзгартирмасдан шундайлигича қўллаш лозим. Бошқа гуруҳ мутахассисларининг фикрларига қараганда ўқитиш методининг асосини ҳар бир ўқитувчининг шахсий иш тажрибаси ташкил этиши керак. Бизнингча, масалага бундай ёндошиш тўғри эмас. Таълим-тарбия соҳасида ўқитиш методлари қотиб қолмайди, у доимо тараққий этади. Бунда ўқитувчининг тажрибаси албатта, катта рол ўйнайди. Шундай экан, педагогик амалиётда синфдаги шарт-шароитларни ҳисобга олиб, шаклланган методика асосида ҳам, ўқитувчининг шахсий тажрибаси асосидан ҳам фойдаланавериш лозим.

Ўқитувчи ўқитиш методикасини иш жараёнида ўз-ўзидан эгаллайвермайди. У иш жараёнида изланиши, синов ишларини ўтказиши, кўп адабиётлар ўқиши, илғор тажрибаларни ўрганиши ҳамда улардан тегишли хулосалар чиқариши асосида пайдо бўлади. Шунингдек, у жамият тараққиёти даврида шаклланган ўқитиш методларини танқидий нуқтаи назардан таҳлил этиши ва уни замон руҳига мослаштирган ҳолда қайта ишлаши асосида намоён бўлади.

XVII-XIX асрларда умумий ўрта таълим мактабларида тасвирий санъатни ўқитиш методларини такомиллаштиришда чет эл педагогларидан Жон Локк, Жан Жак Руссо. Иогани Генрих Песталоцци, Петер Шмидт, А.Сапожников, Г.Гиппиус, Н.Крамскойлар катта ҳисса қўшган бўлсалар, XX асрда рус педагог-олимларидан Е.С.Кондахчан, Г.В.Лабунская, Н.Н.Ростовцев, В.С.Кузин, Е.Е. Рожковалар, Ўзбекистонда тасвирий санъатни ўқитиш методикасини оёққа тургазишда рассом-педагоглардан М.Набиев, Б.Орипов, Қ.Қосимов, Б. Азимоваларнинг хизматлари катта бўлди.

# 1-БОБ ТАСВИРИЙ САНЪАТНИ ЎҚИТИЛИШИ ТАРИХИ

## 1.1. Чет элларда тасвирий санъатни ўқитиш тарихидан

*Мазмуни:* 1. Тасвирий санъатни ўқитишга доир дастлабки маълумотлар ва уларнинг характери. 2. Европада Уйғониш даври rassomларининг хизматлари. 3. Расм чизишга ўргатишдаги ўзига хос турли қарашлар. 4. Россия мактабларида тасвирий санъатни ўқитилишини ўзига хос хусусиятлари. 5. XX асрда собиқ иттифоқ мактабларида тасвирий санъатни ўқитилиши.

Жаҳонда тасвирий санъатни ўқитилиши ҳақида дастлабки маълумотлар етарли бўлмасада, бироқ қадимги Миср ва Юнонистонда эрамиздан аввалги 3- асрларга доир материаллар ҳам мавжуд. Қадимги Мисрда тоғ қояларига ўйиб ишланган ҳайкаллар, шунингдек рангтасвир асарлари ўзининг юксак бадиийлиги ва ишланиш техникаси жиҳатидан кишиларни ҳайратга солиб келмоқда. 1-расм.

Шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, бундай санъат асарлари қандай шаклда бўлишидан қатъий назар уларни махсус мактабларсиз яратиб бўлмайди. Кишилар ўз тажрибаларини кейинги авлодларга турли йўللар билан ибтидоий жамоа давридан бошлаб ўтказиб келганлар десак янглишмаган бўламиз. Бунга энг қадимги Мисрда расм чизишга ўргатишга доир тарихий манбалар гувоҳлик беради. Тасвирий санъатни ўқитилиши билан одамлар қадимдан шуғулланиб келганликлари кўпроқ қадимги Миср манбаларида сақланиб қолган. Миср мактабларида расм ишлашга ўргатиш муҳтазам равишда чизмачилик билан боғлиқ ҳолда амалга оширилган. Тарихий маълумотларга қараганда мактабни тугаллаб чиқётган ёшлар маълум майдон юзасини ўлчаш ва уни қоғозга тушураоладиган, бино планини чиза оладиган, ариқ ва каналларнинг схемасини тасвирлай оладиган бўлишлари талаб этилган. Расм болаларни ёзиш саводини чиқаришда ҳам катта аҳамиятга эга бўлган.



1-расм

Масалан «о» ҳарфини ўргатиш учун оёқ расми, «қ» ҳарфини ўргатиш учун қўл расми чиздирилган.


Болаларни расм чизишга ўргатишда қўлни эркин ҳаракат қилишига алоҳида эътибор берилган. Эркин, енгил, равон чизиқлар чизиш доскада ёки папирус қоғозларда бажарилган.

Шуни ҳам алоҳида қайд қилиш лозимки, бу давр мактабларида фақат болалар ўқиганлиги сабабли уларга ниҳоятда юқори талаблар қўйилган.

Шунинг учун ҳам талаб ва кўрсатмаларга риоя қилинмаганда болалар қаттиқ жазоланган, ҳаттоки ёғоч билан калтакланган.

Миср мактабларида расм чизишга ўргатиш назарияси бор-йўқлиги маълум бўлмаса-да, айрим расм чизиш қоидалари қўлланилган. Ўқитувчилар расм чизишни (шакл, ранг, ўлчов, тузилиши в.б.) табиғни кузатиш асосида эмас, кўпроқ намунадан, схемадан кўчириш орқали ўргатганлар.

Айрим маълумотларга қараганда, Мисрда расм чизишга ўргатиш қадимги Юнонистондан анча аввал бошланган. 2-расм. Италиятлик ХУ аср меъмори, артисти, ёзувчиси ва олими Л.Б.Альберти шундай деб ёзди: «Мисрликларнинг ёзишича, рангасвир ишлаш уларда Юнонистондан олти минг йил аввал мавжуд бўлган». (5.40)




2-расм

Расм чизишга ўргатиш қадимги Юнонистонда ҳам ўзига хос йўналишда амалга оширилган. Уларда расм ишлашга ўргатишда табиғатни, бутун борлиқни ўрганишга, унда гўзалликларни идрок этишга алоҳида эътибор берилган. Расм ишлаш учун ёғоч тахта устига асалари мўми суртилган ва унинг устини бўёқ билан си-

дирга бўялган. Расм ана шу юза устига ўткир металл ёки суяк билан чизилган. Нотўғри чизилган расм қўл билан ишқаланиб, чизиқлар ўрни тўлдириб ўчирилган. Сўнгра текис юзага янги расм ишланган.

Эрамиздан аввалги 432 йилда Юнон ҳайкалтароши Поликет киши танаси аъзолари ўргасидаги мутаносиблик, пропорционалликка доир намуна сифатида «Дорифор» ҳайкалини яратди. Кейинчалик у барча махсус бадий ва бадий бўлмаган мактабларда ўргатилди. 3-расм.



3-расм

Юнон rassomлари борлиқни ва турмушдаги гўзалликларни кузатиш асосида тасвирлашни қонун ва қоидаларини ишлаб чиққанлар. Уларнинг фикрича гўзаллик, кўпроқ хушбичим, тартиб, ритм ва симметрия, бўлақлар ўртасидаги муганосиблик, тўғри математик муносабатларда ифодаланади. 4-5-расмлар.



4-расм


Кейинчалик Юнонистонда расм ишлашнинг бир неча ўзига хос мактаблари пайдо бўлган. Улар орасида тасвирий санъат ва уни ўқитиш тараққиётида Сикион мактаби катта роль ўйнаган. Бу мактабда ўқитиш ишлари илмий асосда ташкил этилган бўлиб, болалар кўпроқ табиатга, унинг қонуниятларини билишга қаратилган.

Бу мактабни битирганлар орасида Памфилдек машҳур рассомлар ҳам бўлган. Памфил расм чизишнинг таълимий ва тарбиявий аҳамиятини кўрсатиб берган. Бу ҳақда унинг замондоши Плиний шундай деб ёзган эди: «Унинг саъйи ҳаракати билан аввал Сикионда, сўнгра Юнонистонда ҳамма болаларга расм чизишни ўргатиш лозимлиги белгилаб қўйилган. Бошланғич таълим расм чизишдан бошланиши қайд қилинган эди.

Уйғониш даврида Италия тасвирий санъати ва уни ўқитиш методи катта роль ўйнаган. Бу даврда расм чизиш умумий таълим берадиган ўқув предметлари қаторига киритилди. Машҳур рассомлардан Ченнино Ченнини, Леон Батиста Альберти, Леонардо да Винчилар бу борада эътиборга лойиқ ишларни амалга оширганлар. Уларнинг асарларида фан ва санъат ўртасидаги алоқалар, пропорция, перспектива, анатомия масалалари асосий ўринни эгаллади. Уларнинг фикрларига кўра натурага қараб расм ишлаш ўқитишнинг асосини ташкил этиши лозим ҳисобланган.

Айниқса, Леонардо да Винчи тасвирий санъатни ўқитиш методикаси тараққиётига катта таъсир кўрсатган. У ўзининг «Книга о живописи» номли ишида рассомчиликни жиддий илмий фан соҳаси деб қаради. У кўп йиллар давомида анатомия, ранг, киши аъзолари ўртасидаги мутаносиблик қонуниятларини ишлаб чиққан. (18. 87)


Тасвирий санъатни ўқитишни такомиллаштиришда Уйғониш даврининг немис рассомларидан А.Дюрернинг хизматлари катта бўлди. У биринчи бўлиб расм ишлашни



5-расм

енгиллаштириш учун геометрик методни ўйлаб топди. Учинг фикрича ҳар қандай буюм, қисм ва юзалар асосида геометрик шакллар ётади. Шунинг учун чизишда у ёки бу нарсаларни тасвирлашда аввал геометрик шакллар чизиб олиниши лозим, кейин улар умумлаштирилиб, ҳақиқий тасвир ҳосил қилинади. Кейинчалик унинг бу методи Дюпюи, Ашбе, Чистяков кабиларнинг педагогик фаолиятларида кенг қўлланила бошланган. Ҳозирги кунларда ҳам бу метод ўз кучини йўқотганича йўқ. 6-расм.

Ўйғониш даври rassomларининг катта хизматлари шундан иборат бўлдики, улар тасвирий санъатда анатомия, перспектива, ёруғсо-




6-расм

нинг бениҳоя катта аҳамиятини асослаб бердилар. Натижада санъат асарлари ўзининг юксак бадиийлиги ва реалистиклиги билан томошабинларни лол қолдирадиган бўлди. 7-расм

Шунга қарамасдан тасвирий санъатни ўқитиш тизимини яратиш уларга насиб этмади. Бу муаммолар асосан XVI асрдан бошлаб ечила бошлаган. Бир қатор академиялар ташкил этилиши ишни енгиллаштиради. Бундай академиялар Флоренция, Рим, Балон каби шаҳарларда очилди. Аввалги вақтларда бундай мактаблар хусусий шахслар томонидан ташкил этилган бўлса, энди давлат ва жамоалар ҳам бунга ўз улушларини қўша бошлаган эдилар. Бу ўқув юр-тлари орасида машҳур rassom, ҳайкалтарош ва муаллим ака-ука





Каррачилар ҳамда унинг амакиваччалари Агостино ва Аннибале томонидан очилган бадиий Академия кўпроқ из қолдирди. Улар яратган ўқитиш тизимида ўқув материалларини тез ўзлаштириш, ўқувчиларни илмий билимлар, мунтазам машқ, қонун-қоидалар асосида расм ишлаш малакаларни ҳосил қилиш асосий ўринни эгаллади. 8-расм.

Бу рассом-муаллимлар ўзларидан аввал ўтган рассомларнинг тажрибалари ва ютуқларини умумлаштириб, талабаларни шу асосда ўқитишга ҳаракат қилдилар. Улар ўз фаолиятларида ёруғсоя, колорит, ранг, конструкция, анатомия, перспектива масалаларига алоҳида эътибор бердилар. Айрим тарихий ва санъатшунослик маълумотларига қараганда Дюрерлар томонидан бир қатор назарий ва амалий қўлланмалар яратилган.



7-расм



8-рasm

Лекин улардан айримлари сақланиб қолган, холос. 9-расм.

Академик тизимга кўра жиддий илмий билимларсиз расм иш-



9-расм

лашни ўрганиб бўлмади. Болалар расм чизиш орқали борлиқни билиб борадилар. Бу сифат ҳар бир шахс учун, у қайси соҳанинг мутахассиси эканлигидан қатъий назар зарур деб ҳисобланди.

Кейинчалик Балон академияси таъсирида Парижда, Венада, Берлинда, Мадридда, Петербургда, Лондонда ана шундай академиялар очилди.

Тасвирий санъатни ҳамма умумтаълим мактабларида ўқитилишининг фойдали эканлиги буюк чех педагоги Я.А.Коменский-томонидан унинг «Буюк дидактика» асарида ривожлантирилди.

Умумий таълим тизимида расм ишлашни такомиллаштиришда француз олими Ж.Ж.Руссонинг фикрлари диққатга сазовордир. У ўзининг «Эмил или воспитание» номли китобида борлиқни билишда натурага қараб расм ишлашнинг аҳамияти катта эканлигини исботлаб берган. Унинг фикрича расм чизишни кўпроқ табиат кўйида амалга ошириш самаралидир. Чунки, болалар табиат кўйида нарсаларни ҳақиқий ранги, перспектив қисқаришларини кўргазмали равишда ўз кўзлари билан кўрадилар, унинг қонунларини онгли равишда тушуниб етадилар. (29. 313).

Европа педагоглари орасида расм чизишни умумий таълим мактабларида алоҳида ўқув предмети сифатида ўқитилиши ва уни такомиллаштиришда И.В.Гёте (Германия), И.Г.Песталоцци, И.Шмидт ва П. Шмидт (Швецария), А. Дюпюи ва Ф. Дюпюилар (Франция) катта ҳисса қўшдилар.

Умумий таълим мактабларида расм ишлашда натурал методдан кўра геометрик методни афзалликларини Н.Песталоцци, П.Шмидт

ва И.Шмидт каби педагоглар ёқлаб чиқдилар. Натижада, мактабларда расм чизишга ўргатишда иккита қарама-қарши натурал ва геометрик методга асосланган икки оқим пайдо бўлди. Натурага асосланган расм чизишни устунликларини Я.А.Коменский, Ж.Ж.Руссо, И.В.Гётелар ёқлаган бўлсалар, геометрик методни кўпроқ И.Г.Песталоцци, И.Шмидт ва П.Шмидт, Ф.Дююилар асослашга ҳаракат қилдилар.

Лекин, XIX асрнинг иккинчи ярмидан геометрик метод Европанинг кўп мамлакатларида қўлланила бошланди. Шундай қилиб, XIX аср ўрталарига келиб, Европада расм чизиш фан тарзида умумий таълим мактабларида ўқитилиши анча ривож топди. Бу соҳада рассом ва муаллимлардан ташқари санъатшунослар, педагог, психологлар, врачлар шуғуллана бошладилар. Расм чизишни ўқитиш методологиясига доир бир қатор адабиётлар нашр этила бошланди. Бу борада Кульман, Пранг, Эльснер, Баумгарт, Аусберг, Брауншвиц, Тэдд қабилар жонбозлик кўрсатдилар. Булар томонидан яратилган адабиётларда расм чизиш қоидалари, унинг методикасида қарама-қарши фикрлар бўлса-да, бироқ натурал метод борасида бундай қарама-қарши фикрлар рўй бермади.




XX аср бошларида болалар тасвирий ижоди борасида биогенетик назария юзага келди. Бу оорада немис олими Г.Кершенштейнер, рус санъатшуноси А.Бакушинский, америкалик Ж.Дьюилар фаоллик кўрсатдилар. Уларнинг фикрига қараганда болалар бадиий ижодига аралашмаслик керак. Улар эркин ижод қилишлари лозим. Уларнинг ижодига аралашиб таълимни тезлаштириб бўлмайди. Чунки, ҳар бир бола ёшига мос равишда аввалдан белгилаб қўйилган босқичларни босиб ўтади. Бу босқични ўтамасдан, иккинчисини ўзлаштириб бўлмайди ёки уларнинг ижодига аралашиб, уларнинг фикрлари, ҳис-туйғуларини ўзгартириш мумкин эмас. Шунинг учун болаларнинг ижодига раҳбарлик қилиш, аралашиб жиноятдир деб ёздилар. Кейинчалик бу ғоя «Эркин тарбия» номини олди.

Расм чизиш Россия мактабларида умумий таълим ўқув предмети сифатида XVIII асрнинг бошларида пайдо бўлди. Бу даврда расм чизиш денгиз академияси, хирургия мактаби, кадетлар мактабида. фанлар академияси қошидаги гимназияда, қизлар тарбия билим юртида ўқитилган.

Бу ўқув юртларида расм чизишга ўргатиш рассомлар тайёрлаш

учун эмас, балки ёшларни касбий фаолияти ва келажак ҳаётларида фойдаланишлари учун керак бўладиган соҳа деб қаралар эди.

1934 йилда рус rassomi A. Сапожников биринчи бор умумий таълим мактаблари учун «Курс рисования» номли дарсликни яратди. Мазкур дарслик натурага қараб расм чизишга асосланган эди. Дарслик реалистик расм ишлаш асосида қурилган бўлиб, унда перспектива, ёругоя қонунлари ҳам ўз аксини топган эди. 10-расм. Шу билан бир қаторда Сапожников сим, картон, гипс каби материаллардан нарсалар тузилиши, перспектив қисқариши, ҳажмига доир методик кўргазмали қуроллар мажмуасини ҳам яратди.



Муаллифнинг тавсияларига кўра ҳар қандай натура асосига турли ҳажмли ва юзали геометрик шакллар ётиши, шунинг учун ҳам расм чизишда геометрик методдан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги баён этилган.

Россияда тасвирий санъатни умумий таълим мактабларида ўқитилишига доир йирик фундаментал асар яратганлардан бири Г. А. Гиппиус бўлди. Унинг «Очерки теории рисования как общего учебного предмета» номли асарида ўша даврдаги

10-расм

расм чизишга ургатишдаги энг илғор ғоялар ўз аксини топган эди. (12.)

У-6523/1



Россия мактабларида расм чизиш оммавий тарзда ўқитила бошлангач рассом-ўқитувчиларнинг етишмаслиги муаммоси пайдо бўлади.

Махсус ўқитувчилар тайёрлаш мақсадида 1825 йилда Москвада Строгонов номидаги техникавий расм билим юртида янги бўлим очилиб, унда расм ўқитувчилари тайёрлана бошлади. 1879 йилдан эса Санкт-Петербург бадиий академияси қошида расм ўқитувчилари тайёрловчи курс очилди. Бу курслар учун дастур, методик материаллар тайёрлашда бадиий академия профессори П.Чистяков фаолият кўрсатди. Бу даврда тузилган дастур ва қўлланмаларда А.Сапожниковнинг геометрик кўчириш методлари амалиётдан чиқарилиб, мактабда расм дарси фақат натурал метод асосида расм ишлашдан иборат эканлиги қайд қилинди. Мазкур дастур ва қўлланмаларда болалар тасвирий фаолиятларига эркинлик бериш лозимлиги ҳам белгилаб қўйилди. Расм чизиш муаммоларини ҳал қилишда XIX аср бошларида Москва ва Петербург шаҳарларида ташкил этилган «Расм ўқитувчилари жамияти» эътиборга лойиқ ишларни амалга оширди. Бу даврда мутахассислар орасида расм чизишга ўргатиш масалалари катта қизиқиш уйғотган бўлишига қарамадан бу соҳада қарама-қарши ғоялар ҳам кучайди. Ана шундайлардан бири формалистик оқим эди. Бу оқимнинг вакиллари-дан Кершенштейнер ва Дюпюи ғояларини Россияда ташвиқот қилишда Бакушинский катта рол ўйнади. Унинг фикрича бадиий тарбияда «Мактаб» керак эмас, болаларни ўқитиш ҳам керак эмас, улар хоҳлаган ишларини бажарсинлар, ўқитувчи фақат кузатиб туриши лозим.

1918 йилда Петербургда нашр этилган В.И.Бейер ва А.К.-Воскресенскийларнинг «Рисование на начальной ступени обучения в связи с лепкою и черчением» номли қўлланмаларида натурага қараб расм ишлаш, иллюстратив расм ишлаш, декоратив расм ишлаш ва суратларни кузатиш бўлимлари мавжуд эди.

Бадиий таълим ва тарбиядаги бу қарама-қарши оқимларнинг пайдо бўлишига Россияда 1917 йилдаги давлат тўнтариши ва собиқ Советлар ҳокимиятининг ўрнатилиши сабаб бўлди. Таълим ва тарбиядаги бу назария кейинчалик хукмрон бўлган большевиклар партияси томонидан қаттиқ танқид остига олинди ҳамда бадиий тарбия коммунистик тарбия вазифаларини рубёга чиқаришга қаратилди.

1931 йил 5 сентябрдаги «О начальной и средней школе» номли давлат қарори асосида мактаб дастурларида бу ўқув предметининг мақсад ва вазифалари қайта кўриб чиқилди. Рус совет бадиий таълимининг шаклланишига катта таъсир кўрсатганлардан бири Д.Н.Кардовский эди. Бу бадиий таълим тизими реалистик санъат принципларига асосланган бўлиб, Д.Н.Кардовскийнинг ташаббуси ва саъйи-ҳаракати билан 1942 йили Москва педагогика институти қошида бадиий-графика факультети очилди.

Россияда расм чизиш методикасини такомиллаштиришда 1933 йилда ташкил топган «Болалар бадиий тарбияси марказий уйлари» муҳим аҳамият касб этди. Бу марказ фаолияти билан боғлиқ ҳолда П.Я.Павлиновнинг «Графическая грамота», Н.Радловнинг «Рисование с натуры», «Сборник заданий по рисованию», Я.Башилов ва Е.Кондахчанларнинг «Детский рисунок» ва бошқа қўлланмалари чоп этилди.

Россияда, шунингдек, Совет Республикаларида расм чизишни ривожланишида 1943 йилда ташкил топган Россия педагогика фанлари академияси катта роль ўйнади. Кейинчалик бу академия асосида 1967 йилда СССР педагогика фанлари Академияси ташкил топиб, унинг таркибида бадиий тарбия илмий-тадқиқот институти очилди. Бу институт умумий ўрта таълим мактабларида эстетик тарбияга доир илмий-методик тадқиқотлар олиб боришда асосий марказ бўлиб қолди. Бу борада Россия Маориф вазирлиги тасаруфида ташкил этилган мактаблар илмий-тадқиқот институти ва унинг тасвирий санъатни ўқитишга оид лабораторияси диққатга сазовор ишларни олиб борди.

Россияда иккинчи жаҳон урушидан сўнг самарали фаолият кўрсатганлардан бири Е.Кондахчан эди. У ўзининг «Методика преподавания рисунка в средней школе» номли қўлланмасида бу борадаги илғор тажрибаларга асосланиб реалистик санъат ва расм чизишга ўргатишнинг асосини натурага қараб расм ишлаш эгаллаши лозим деб ёзди. У Россияда 1925-50 йилларда кенг ташвиқот қилиб келинган Бакушинскийнинг «Эркин тарбия» назариясига қарши чиқиб, таълим ва тарбияда ўқитувчининг катта раҳбарлик фаолиятини қаттиқ туриб ҳимоя қилди. У «Эркин тарбия» назарияси ўқитувчи ролини камайтирувчи ва ўқитишда тартибсизликни вужудга келтирувчи «метод» деб ўз фикрларини асослашга ҳаракат қилди.

XX асрнинг иккинчи ярмида ўқитиш методикасига доир қатор

илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди. Натижада, расм чизиш бўйича 1963-70 йилларда I-VI синфлар учун синов дарсликлари тайёрланиб, нашр этилди. Бу дарсликлар В.В. Колокольников (I ва 2-синфлар), С.А. Фёдоров, М.Н. Семёнова (3 ва 4-синфлар), Е.Е. Рожкова, Е.Л. Херсонская (5-синф), Е.Е. Рошкова ва Л.Л. Макоед (6-синф)лар муаллифлигида тайёрланди.

Россия мактабларида таълим мазмунини ислоҳ қилиш борасида ҳукумат қарорлари асосида расм чизиш ўқув предметини мақсад ва вазифалари ва таълим мазмуни бир неча бор қайта кўриб чиқилди. Натижада, 1970 йилда «Рисование» ўқув предметининг номи «Тасвирий санъат» деб ўзгартирилди. Бу номда тайёрланган дастурда эстетик тарбия вазифалари ҳамда рассомлар асарларини ўрганилишига доир қисмлар кенгайтирилган эди.

Россияда XX асрнинг иккинчи ярмида «Тасвирий санъат» ўқув предметини ўқитилишини яхшилашда бир қатор педагог олим ва методистлар фаолият кўрсатдилар. Натижада «Рисование» дарсликларидан ташқари кўплаб илмий-методик ва методик адабиётлар нашр этилди. Бунда Г.В. Лабунская, В.В. Алексеева, В.С. Шербаков, А.Г. Шиманская, А.В. Карлсон, Г.И. Орловский, Р.И. Коргузалова, А.С. Бражникова, Н.Н. Ростовцев, В.С. Кузин, Е.В. Шорохов, Т.Я. Шпикалова, Б.П. Юсов кабилар самарали меҳнат қилдилар.

Бу даврда яратилган қуйидаги илмий-методик ва методик адабиётлар диққатга сазовордир: А.П. Фомичев таҳрири остида «Методика обучения рисованию в восьмилетней школе» (- Москва, 1963), Г.В. Лабунская «Изобразительное творчество детей» (- Москва: Просвещение, 1965); Н.Н. Ростовцев «Методика преподавания изобразительного искусства в школе» (- Москва: Просвещение, 1974), В.В. Алексеева «Изобразительное искусство и школа» (-Москва: Сов. художник, 1968), В.С. Шербаков «Изобразительное искусство. Обучение и творчество» (-Москва: Просвещение, 1969), А.Г. Шиманская «Перспективное рисование в школе» (-Москва: Учпедгиз, 1959), А.В. Карлсон «Дидактика и методика на уроках рисования» (-Москва: Учпедгиз, 1959), Р.И. Коргузалова «Тематическое рисование в школе» (-Москва Учпедгиз, 1959), Г.И. Орловский «О художественном образовании учителя рисования» (-Москва: Учпедгиз, 1961), З. Масленникова «Работа красками в школе» (-Ленинград: Учпедгиз, 1959), В.С. Кузин «Основы обучения изобразительному искусству в общеобразовательной шко-



ле» (-Москва: Просвещение, 1979), Т.Я.Шпикалова «Народное искусство на уроках декоративного рисования» (-Москва: Просвещение, 1974), В.В. Шорохов «Тематическое рисование в школе» (-Москва: Просвещение, 1975) в.б.

Россияда тасвирий санъатни ўқитишнинг психологик асослари ҳақида ҳам илмий-тадқиқотлар олиб борилиб, бу ҳақда бир қатор адабиётлар нашр этилди. Бундай ишлар қаторига П.С.Выготскийнинг «Воображение и творчество в школьном возрасте» (-Москва: Госиздат, 1930), Е.И.Игнатъевнинг «Психология художественного творчества» (-Москва: Знание, 1971), В.С.Кузиннинг «Психология» (-Москва: Высшая школа, 1982), П.М. Якобсоннинг «Психология изобразительной деятельности детей» (-Москва: Учпедгиз, 1930) в.б.ларни киритиш мумкин.

Россияда 1970 йилларга келиб умумий ўрта таълим мактабларида тасвирий санъатни ўқитиш мазмунини тўғри белгилаш ва уни такомиллаштириш борасида бир қатор олим ва рассомлар гуруҳи пайдо бўлди. Булардан бири бадиий тарбия илмий-тадқиқот институти тасвирий санъат лабораториясининг мудири, профессор Б.П.Юсов, иккинчиси Россия мактаблар илмий-тадқиқот институтининг тасвирий санъат лабораториясининг мудири, профессор В.С.Кузин, учинчиси Собиқ Иттифоқ рассомлар Уюшмасининг котиби, уюшма қошидаги эстетик тарбия комиссиясининг раиси рассом Б.М.Неменский эди.

Улар мустақил равишда алоҳида-алоҳида олим ва методистлар гуруҳини ташкил этиб, тасвирий санъатдан синов дастурларини яратдилар.

Биринчи ва учинчи гуруҳ олимлари томонидан тузилган дастур «Тасвирий санъат ва бадиий меҳнат» деб номланиб, у I-X синфларда ўқитиш учун мўлжалланган эди. Б.П.Юсов раҳбарлигида тузилган дастур ҳар бир синфда бу ўқув предметини икки соатдан ўқитилишини назарда тутган эди.

В.С.Кузин раҳбарлигида тузилган дастур эса 1-7-синфларда ҳафтасига 1 соатга мўлжалланган эди. Бу дастурлар 1985 йилларга қадар Собиқ Иттифоқининг ўндан ортиқ мактабларида синовдан ўтказилди. Бу дастурлар катта ижобий-натижалар берганлигига қарамасдан амалиётга жорий этилмади. Бироқ, ундаги айрим илғор ғоялар янги тузилган дастурларда ўз ифодасини топди.

Россияда 1970-2000 йиллар давомида олиб борилган ишлар мазмуни турли-туман бўлди. У эстетик ва бадиий тарбияга доир

халқаро, федерация миқёсида илмий-амалий анжуманлар ўтказиш, илмий-методик тўпламлар нашр этиш, ўқувчиларнинг ижодий кўргазмаларини ташкил этиш йўналишларида амалга оширилди.

## 1.2. Ўзбекистонда тасвирий санъатни ўқитилиши

**Мазмуни:** 1. Ўзбекистонда тасвирий санъатни ўқитилишига доир дастлабки маълумотлар. 2. Ўзбекистонда XX аср бошларида тасвирий санъатни ўқитилиши. 3. «Эркин тарбия» назариясининг Ўзбекистон мактабларига кўрсатган ижобий ва салбий жиҳатлари. 4. Ўзбекистонда бадиий таълимнинг шаклланиши. 5. Ўзбекистонда бадиий тарбия уйлари ва уларнинг иш мазмуни. 6. Иккинчи жаҳон уриши ва ундан кейинги йилларда бадиий таълим. 7. Тасвирий санъатдан ўқитувчи кадрлар тайёрлаш. 8. Тасвирий санъат ўқитувчиларининг ўқув-методик мажмуалар билан таъминлаш.

Ўзбек халқи ўзининг қадимги тасвирий, амалий, меъморчилик санъатлари ва маданияти билан фахрланса арзийди. Чунки, Ўзбекистон худудида эрамиздан аввал ҳам тасвирий санъатнинг рангтасвир, ҳайкалпорошлик турлари ва меъморчилик ниҳоятда ривожланган бўлиб, уларнинг намуналари Варахша, Афросиоб, Халчаён, Тупроқ қалъа, Болалик тепа, Айргом, Далварзин тепа, Фаёз тепа, Қўйқирилган қалъа, Ажина тепа, Тешик қалъа ва бошқа бир қатор жойлардан топилган. Яна шуни ҳам қайд қилиш лозимки, бу асарлар эрамиздан аввалги 4-1-асрларда яратилган бўлиб уларнинг ёши 5-6 минг йилга тўғри келади. Бу асарларнинг бадиийлиги ҳозирги замон рассомлари ва ҳайкалтарошларининг асарларидан қолишмайди десак муболага бўлмайди. 11-расм. Бундай юксак бадиий савиядаги асарларни ўша даврда тўпланган илгор тажриба, тасвирий санъат мактабларисиз яратиш мумкин эмас. Маълумки, санъат бир неча авлоднинг кўп йиллар давомида шакланган анъаналари, устанинг шоғирга ўтказган билимлари асосидагина тараққий топади. Бу эса сўзсиз умумий бадиий таълим йўналишида бўлмаса ҳам, касбий бадиий таълим шаклида ривожланганлигидан далolat беради. Маълум даврларда Ўзбекистон худудидаги санъат тараққиётида узилишлар рўй берганлигининг

сабаблари, Искандар Зулқайнар, мўғиллар, араб, рус истилолларига бориб тақалади. Амир Темур мустақил давлат тузган даврда тасвирий санъатнинг миниатюра турини гуллаб-яшнагани ҳам бунинг яққол далилидир. Амир Темур даврида миниатюра ва китоб графикаси шунчалик тез ривожландики, у на фақат Шарқ, ҳаттоки Европа мамалакатлари санъатига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Натижада, Самарқанд, Бухоро, Хирот миниатюра мактаблари билан бир қаторда Бағдод, Табриз, Шероз, Озарбайжон, Ҳинд, Исфахон, Турк миниатюра мактаблари ҳам шаклланди ва ривожланди.

Мазкур миниатюра мактаблари rassomчиликдан касбий таълим йўналишида ривожланган бўлса-да, лекин улардан умумий таълим тизимидаги тасвирий санъатни ўқитишда бемалол фойдаланса бўлади. Хусусан, умумий ўрта таълим мактаблари учун тайёрланган дастурларда санъатшунослик асослари, рангтасвир ва қаламтасвир ишлаш, натурага қараб тасвирлаш, борлиқни идрок этиш бўлимлари мавжуд бўлиб, касбий бадиий ва умумий бадиий таълим тизимлари ўртасига қатъий чегара қўйиб бўлмайди. Тасвирий санъатнинг назарий асослари ҳисобланган ранг, ҳажм, перспектива, композиция асослари кабилар, ҳам касбий, ҳам умумий таълим тизимида ўрганилади. Фақат тасвирий санъатни ўқитилишида талаба ва болаларнинг ёшлари, идроки, психологик хусусиятлари, тасвирий малакалари ҳисобга олинмиши лозим, холос.

Тасвирий санъат тарихида буюк наққош ва мусаввир Камолидин Беҳзодга Хиротлик Мирак наққош устозлик қилгани, унга миниатюра рангтасвири сирларини ўргатгани ҳақида маълумотлар



11-расм

бор. Шунингдек, устоз Мироқ наққошнинг Хирот «Нигористони» (Санъат академияси) бўлганлиги ва унда Комолиддин Беҳзод тарбия олганлиги ҳам маълум.

Профессор Ориф Усмонов ўзининг «Камолиддин Беҳзод ва унинг наққошлик мактаби» номли китобида Беҳзод Табризда яшаган вақтда нафис тасвирий санъат мактабини яратганини қайд қилади. У ерда мусаввир ўз атрофига энг истеъдодли ёшларни тўплагани, уларга санъатининг сир-асрорларини ўргатгани ва Табризда Султон Муҳаммад, Мирзо Амир, Оқо Мирак, Музаффар Али, Султон Муҳаммад Нур, Шомухаммад Нишопурий, Юсуф Мулло, Мир Али, Ризо Аббосий, Маҳмуд Музаҳхиб, Мавлоно Ёрий, Хасан Бағдодий, Абдулла Шерозий, Дарвеш Муҳаммад, Мир Саид Али, Қосим Али, Херавий сингари ўнлаб истеъдодли мусаввирларни тарбиялаганлигини ёзади. Унинг шоғирдлари Беҳзоднинг тасвирий санъат услубини давом этирганлари ҳам расмий маълумотлардан аён.

Ўзбекистонда ҳозирги замон таълим тизимининг пайдо бўлиши XX асрнинг биринчи чорагига тўғри келади. Россияда Октябрь инқилоби сўзсиз унинг мустамлакаси ҳисобланган Туркистонга ҳам катта таъсир кўрсатади. Янги тузум ўзини кўрсатиш мақсадида эътибордан четда қолган чоризимнинг мустамлака ўлкаларига эътибор қаратди. Шу мақсадда у бир гуруҳ фан ва маданият вакилларини Туркистонга юборди. Шулардан бир гуруҳи Санкт-Петербург ва Москвалик рассомлар эдилар. Уларнинг бир қисми ижодий иш билан шуғуллансалар, айримлари ёшлар бадиий таълимига ўз эътиборларини қаратдилар. Бу рассомлар Туркистоннинг йирик шаҳарларида бадиий студиялар ташкил этдилар, ўз асарларининг кўргазмаларини ўтказдилар.

1918 йилда Тошкентда бадиий коммуна очилади, бир йилдан кейин Самарқандда Туркистон ўлка бадиий халқ мактаби ишга тушади. 1920 йилда Андижонда рангтасвир мактаби, Янги Бухорода санъат тўғараги ташкил этилди, мусулмонлар учун тасвирий санъат курслари очилди. Бир йилдан сўнг республикада бадиий мактаб ва студиялар сони 29 тага етди ва унда шуғулланувчилар сони 500 кишидан ошиб кетди. 1921 йил кузида очилган бадиий политехникумда 170 ўқувчидан 150 таси ўзбеклар эди.

1924 йилда Тошкент тасвирий санъат музейи қсшида бадиий студия очилди. Унда М.Куприянов (Машхур Кукриникслар гуру-

хидан), С.Чуйков, маҳаллий ёш рассомлардан Ў.Тансиқбоевлар ёшлар билан машғулотлар олиб бордилар. 1927 йилга келиб Тошкент ва 1929 йилда Ўзбекистон пойтахти ҳисобланган Самарқандда бадиий билим юрти ташкил этилди. Бу билим юртига кўпроқ маҳаллий ёшлар қабул қилинди. Бу билим юртининг асосий мақсади рассомлар тайёрлаш бўлса-да умумий ўрта таълим мактаблари учун ўқитувчилар тайёрлаш борасида ҳам маълум роль ўйнади.

Шу билан бирга таълим тизимида эстетик ва бадиий таълим масалаларига ҳам эътибор қаратила бошланди.

1918 йилда умумий таълим мактаблари учун ишлаб чиқилган «Основные принципы единой трудовой школы» номли асосий ҳужжатда «Эстетик таълим деганда қандайдир содда болалар санъатини ўқитилишини тушунмаслик лозим, у хиссиёт органлари ва ижодий қобилиятларни мунтазам ривожлантириб боради ва у гўзалликдан завқланиш ва уларни яратувчанлик имкониятларини кенгайтиради. Бу элементдан маҳкум қилинган меҳнат ва илмий таълим жонсиз гавдага ўшаб қолади. Чунки, ҳаётдаги завқ ва ижод қувончи меҳнатнинг ҳам, илмнинг ҳам якуний мақсадидир» деб ёзилган эди. Бу ҳужжат Ўзбекистон мактаблари учун ҳам асос қилиб олинди.

Болалар ижоди билан шуғулланаётган кўпчилик рассомлар болалар ижодини идеаллаштирдилар ва Европада кенг тус олган «Эркин ижод» деб аталувчи тушукунликка юз тутган назариядан келиб чиққан қарашларни ёқладилар. Бу йўналишдаги мутахассислар педагог фақат бола ижодини эркин ривожлантириши ва малакасини оширишга ёрдам бериши лозим деб қарадилар. Мана шундай мутахассислардан бири Петербурглик санъатшунос А.В.Бакушинский эди. У ўзининг «Художественное творчество и воспитание» номли китобида бадиий тафаккур ва бадиий ижодга тўлиқ эркинлик бериш керак, болаларнинг бадиий дидини, бадиий асарини «тузатиш», «қотилик ҳисобланади» деб ёзди. Бу фикр ўша давр педагогика назариясига тамомила зид эди. (6.54).

Маълумки, жамиятнинг тарихий ривожланиши билан кишиларнинг психологияси ҳам ўзгариб боради. Кишилар, хусусан, болалар эса уларни ўраб олган муҳитда асосан таълим билан тарбиянинг уюшган ҳолдаги таъсирида ривожланади. Асрлар давомида йиғилган ўзларининг тажриба билим ва малакаларини ёшларга утказадилар. Натижанда ёшларнинг дунёқарашларини шаклланди.

тириш, билим ва ижодий қобилиятларини ўстириш кўп жиҳатдан тарбиянинг йўналишга боғлиқ бўлади.

Ўқитувчи ёки тарбиячининг таъсир кучини тан олмаган, болаларни ўқитувчидан ажратиб қўйган «Эркин ижод» назарияси ёшларнинг бадиий тарбиясига таъсир кўрсатди. Бу назария Ўзбекистонда нашр этилган дастурларда ва умумий таълим ва тарбиявий ишларда ўз аксини топди.

Хусусан, Ўзбекистон мактаблари учун 1935 йилда нашр этилган «Расм ва лой иши» номли дастурда «Эркин расм чизиш» бўлими мавжуд бўлиб, бу бўлимга I синфда 8 соат, II синфда 6 соат, III синфда 4 соат, IV синфда 2 соат вақт ажратилган эди.

Собиқ иттифоқ ҳукуматининг 5-сентябрь 1931 й. «О начальной и средней школе», 25 август 1932 й., «Об учебных программах и режиме в начальной и средней школе» номли қарорларида мактаблар ишини янада такомиллаштириш тadbирлари ишлаб чиқилган бўлиб, уларда таълим-тарбия жараёнида маҳаллий материаллардан фойдаланиш таъкидлаб ўтилган эди. Шу ҳукуматнинг 12 февраль 1933 й. «Об учебниках для начальной и средней школы» номли қарорида «Ҳар бир ўлка ва вилоятларга ҳалқ маорифи коммисариатининг руҳсати ва унинг тасдиғи билан ўлкашунослик материаллари асосида бошланғич синфлар учун ўқув китобларини нашр этиш ҳуқуқи берилсин» деб кўрсатиб ўтилди.

Натижада мактаб дастурлари қайта кўриб чиқилди. Расм дарсларининг асосини натурага қараб расм ишлаш, мавзу асосида расм ишлаш, декоратив расм ишлаш, санъат ҳақида суҳбат ўтказиш машғулотлари ташкил этди. Бу дастурларда ўлкашунослик материаллари кўп бўлмасада, ҳар қалай ўз аксини топди, энг муҳими бу дастурда дарсдаги ўқитувчининг етакчилик роли катта эканлиги белгилаб қўйилди.

Мазкур назария юзасидан Россияда ҳам, Европада ҳам катта тортишув ва танқидий фикрлар билдирилди. У бадиий тарбия соҳасида ҳам салбий, ҳам ижобий роль ўйнади. Унинг салбий томони болалар ижодига раҳбарликни инкор этилиши ва педагогика назариясига зид йўл тутилганлиги эди.

Ижобий томони эса кўпроқ болалар тасвирий ижодига этиборни кучайтириш, болалар шахсига хурмат ва муҳаббат билан муносабатда бўлиш, педагогик ҳамкорликка йўналтирилган мусоҳабалар ва ижодни рўёбга чиқариш билан белгиланади.

1924 йилга келиб мактаб ўқув режаларида расм дарслари ўз ўрнини топмаган бўлса-да айрим рассомлар болалар тасвирий ижодини ривожлантиришга ҳаракат қилдилар. Ана шундай иқтидорли ёш график рассомлардан бири Искандар Икромов эди. У 1925 йилда «Маориф ва Ўқитувчи», кейин «Аланга» журналларида расм чизишга доир мақолалар эълон қилди. 1932 йилга келиб унинг «Расм чизишни ўрганиш қўлланмаси», 1933 йилда эса «Китоб ва журналлар қандай нашр этилади» альбоми нашр этилди. 1935 йилда рассомнинг «Ҳарф ёзишни ўрган» китоби ҳам чоп этилди. Бу мақола ва китоблар ягона меҳнат ва политехника мактаблари талабалари асосида яратилган «Расм» предмети дастурларига мос эди. Мазкур ишлар фақат умумий таълим мактаблари учунгина эмас, балки тасвирий санъат студиялари, клублар, ҳаваскорлик гуҳарақлари, графикани мустақил ўрганувчилар учун ҳам аҳамиятли бўлди.

1920 йилги ўқув режаларида санъатга доир ўқув предметларига тегишли ўрин ажратилмаган бўлса-да, 1929 йилга келиб бу камчилик бартараф этила бошланди. Мактабларда махсус расм ўқув предметлари ўқитила бошланди. Лекин, Ўзбекистон мактаблари Россия мактаблари учун яратилган дастурлар асосида ишлай бошлади. Бу дастурлар маълум миқдорда Ўзбекистон шароитига мослаб локализацияланган эди. Шу муносабат билан Ўзбекистон халқ морифи комиссарлиги тегишли жойларга юборилган хатида шундай дейилган эди: «Мажмуанинг мақсади унга тегишли материал мазмуни, мажмуа билан ишлаш методлари локализация қилинади. Ўқитувчи олдиндан ўлкашунослик материалларини тўплаб олган ҳолда, ўз тумани ҳаётига оид энг характерли жиҳатларни дастурга киритади».

Шу муносабат билан бошланғич синф «Расм ва лой иши» дастурига ўлка материаллари кирита бошланди. Улар теварак-атроф табиғатига доир нарсалар, Ўзбекистон халқ амалий санъатига доир материаллар эди.

Тасвирий санъат предмети методикаси шаклланишида 1934 йилда Тошкентда, кейинчалик Республикамизнинг ҳар бир вилоят марказларида ташкил этилган «Марказий бадиий тарбия уйлари» катга роль уйнади. Бу тарбия уйлари ўқувчиларни бадиий жиҳатдан гарбиялашга оид дастурий ва методик материалларни ишлаб чиқди.

Бадиий тарбия уйларида бошқа шўбалар билан бир қаторда

тасвирий санъат шўъбаси ҳам бўлиб, унда уч йиллик тасвирий санъат студияси ҳам ташкил этилган эди.

Бу бадиий тарбия уйдаги иккинчи шўъба болалар расмларининг кўригини ташкил этиш билан шуғулланган. Учинчи шўъба эса ниҳоятда серқиррали бўлиб, унинг асосий вазифаси болалар билан расм дарсларида иш олиб борувчиларга методик ёрдам кўрсатиш ҳисобланарди. Шунингдек, бу шўъба қўйидаги ишларни ҳам олиб берган:

- тасвирий санъат студиялари учун машғулотлар дастурини ишлаб чиқиш;
- мактаб тасвирий санъат тўғарақлари учун машғулот мавзуларини ишлаб чиқиш;
- 1-б синфларда расм машғулотларининг мазмуни ва мавзуларини ишлаб чиқиш;
- 1-б синфларда расм дарсларининг аҳволини ўрганиш ва ўқитувчиларга методик ёрдам кўрсатиш;
- шаҳар мактабларининг расм ўқитувчилари учун семинарлар ташкил этиш;
- Республика вилоятларидан келган ўқитувчилар ва тўғарақ раҳбарлари учун семинарлар ташкил этиш ва уларга тегишли ёрдам кўрсатиш.

1936 йилдан бошлаб Республика миқёсида юзага келган пионер уйи ва саройлари таълим-тарбия, оммавий-бадиий, техникавий, табиатшунослик каби бир қатор иш шакллари узида мужассамлаштирган муассаса эканлигини кўрсатди. Натижада, бадиий тарбия уйлари унинг вазифалари ана шу пионер уйлари ва саройларига олиб берилди. Пионер уйи ва саройларининг сони йилдан-йилга ошиб бориб, сифат жиҳатдан янги мазмун кашф эта бошлади.

Республикамиз учун тайёрланган ва нашр этилган дастурлар мазмуни ва вазифаси жиҳатидан Россия мактаблари учун тайёрланган дастурдан деярли фарқ қилмаган, лекин унинг ҳамма бўлимларида маҳаллий шароит ва материаллар маълум миқдорда ҳисобга олинган эди. Хусусан, нарсага қараб расм чизиш дарсларида Республикамизга хос бўлган предметлар ва табиат маҳсулотлари, декоратив ишлар бўлимида ўзбек амалий санъат намуналарини чиздириш тавсия этилган эди.

1939 йилларда мактабларда расм дарсларининг асосий вазифаси ўқувчиларда тасвирий малакаларни ўстириш, кўпроқ расм чизишга



Ўргатишдан иборат бўлиши лозим деб топилди. Шунинг учун ҳам расм дарсларида тарбиявий томонларга етарлича эътибор берилмади.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида ва қисман ундан кейинги йилларда ҳам расм дарсларининг вазифалари ўзгарди, унинг мазмунида таълимдан кўра тарбиявий жиҳатлар кучайтирилган бўлиб, унда асосий эътибор ватанпарварлик ва байналминал тарбияга қаратилди. Шу мақсадда расм дарслари ватанпарварлик ва байналминал мазмундаги тасвирий санъат асарлари билан бойитилди. Улар кўпроқ рассомларнинг немис-фашист босқинчиларининг кирдикорларини очиб ташлашга қаратилган асарлардан иборат эди.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг «Расм» предметининг ўқитилишига эътибор кучайтирилди ва у мактаб ўқув режаларида тегишли ўринни эгаллади. 1947-48 ўқув йили учин тузилган ўқув режада «Расм» учун ҳафтасига I-синфда 1 соат, II-синфда 1 соат, III-IV-синфларда 0,5 соатдан, V-синфда 1 соат вақт ажратилган бўлиб, натижада умумий ҳафталик соатлар 4 соатни ташкил этди.

1950-60 йиллар давомида тайёрланган ва нашр этилган дастурларда «Расм» ўқув предметининг вазифаси урушга қадар тузилган дастурлардан фарқ қилди.

1953 йилда нашр этилган дастур «Расм солиш» деб номланиб у ўқувчиларни тарбиялашда катта роль ўйнаши таъкидланган бўлса, 1956 йилда нашр этилган «Расм» дастурида эса бу предметнинг вазифаси ўқувчиларни эстетик жиҳатдан тарбиялаш вазифасига хизмат қиладиган ва ўқувчиларни ҳар томонлама камол топтиришга ёрдам берадиган ўқув предметларидан биридир деб кўрсатилди. (27.147).

1958-59 ўқув йилига келиб, ўқув режасида расм чизишга ажратилган соатлар ошди ва у 1-6 синфларда ҳафтасига 1 соатдан ўқитила бошланди.

Умуман олганда, 50-йилларда Республика ҳукумати томонидан мактабларда расм предметининг ўқитилишига бўлган эътибор кучайди. Бу аввало мактаблар учун ўқитувчи кадрлар тайёрлашда ўз аксини топди. Маълумки, мактабда бадиий таълимни ривожлантириш кўп жиҳатдан педагогик кадрлар тайёрлашга боғлиқ эди. 1950 йилларда бу масала билан Самарканд ва Тошкент бадиий билим юрғларини бирлаштириш натижасида ташкил топган П.П. Беньков номидаги бадиий билим юрти шуғуллана бошлади. Бу бадиий билим юрти халқ хўжалигини, хусусан умумтаълим мак-

табларини юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёжини қондира олмас-да, мактабларда расм ўқув предметларнинг ўқитилишини сифат жиҳатидан яхшилашга маълум миқдорда таъсир кўрсатди. Бу таъсир мактаблар билан бир қаторда, мактабдан ташқари олиб бориладиган семинар, конференция, йиғилишларда ҳам ўз ифодасини топди. Шунингдек, бадиий билим юртини битириб чиқувчилар мактабларда ташкил этилган кўргазмаларда ҳам иштирок этдилар.

Тасвирий санъатнинг ўқитилишини такомиллаштиришда 1955 йилда Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтида ташкил этилган бадиий-графика факультети катта роль ўйнади. Мазкур факультетда кундузги, кечки ва сиртқи бўлимлар орқали юқори малакали кадрлар тайёрлана бошланди. Шунинг ҳам қайди қилиш лозимки, мазкур факультетда дастлабки йилларда кадрларни касбий тайёргарлиги анча юқори бўлиб, ўша йиллар бу факультетда машғулотларни Республикамизнинг йирик рассомлари олиб бордилар. Масалан, Ўзбекистон халқ рассоми А.Абдуллаев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган рассомлар Ю.Елизаров, М.Саидов, А.Юровский, Т.Оганесов, шунингдек Ленинград бадиий академиясини ва Москва бадиий институти янгигина битириб келган ёш лекин таланти рассомлар Р. Чориев, Н. Ковина ва бошқалар шулар жумласидандир.

1964-70 йилларда кадрлар тайёрлаш бошқа йўналишларда амалга оширилди. Бу даврда бошланғич синф методикаси факультетларида «Бошланғич синф ва тасвирий санъат ўқитувчиси» мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрланди. Бундай йўналишлардаги мутахассислар Тошкент, Урганч, Қарши, Наманган педагогика институтларида тайёрланди. Кейинчалик бу йўналиш ўзини оқламагач, яна Тошкент ва Бухоро педагогика институтларида бадиий-графика факультетлари очилди.

1970 йилда тасвирий санъат ва чизмачилик ўқитувчиси мутахассислиги бўйича Тошкент ва Бухоро педагогика институтлари билан бир қаторда Андижон, Каттақўрғон, Самарқанд, Ангор, Хива, Хўжайли, Шаҳрихон педагогика билим юртларида ҳам кадрлар тайёрлана бошланди.

1980 йил бошларида тасвирий санъат ўқитувчиси ихтисослиги бўйича йилига тайёрланган кадрлар сони 800 кишидан ортди. Бу фақат Ўзбекистон умумий ўрта таълим мактабларининг тасвирий

санъат ўқитувчиларига бўлган эҳтиёжларини яқин йилларда қондириш мумкинлигини билдирар эди.

Болаларга расм чизишни ўргатиш бўйича илмий, методик ишлар кўламини кенгайтириш мақсадида 1960 йилда Ўзбекистон педагогикаси фанлари илмий татқиқот институти қошида мусиқий-бадиий таълим бўлими ташкил этилди. Бу бўлим Ўзбекистон мактабларида тасвирий санъатни ўқитиш методикасига доир бир қатор долзарб масалаларни татқиқот қилишга киришди. Улар «Тасвирий санъатдан 1-3 синф ўқувчиларининг билим, малака ва кўникмалари даражасини аниқлаш» «Нарсага қараб расм чизиш машғулотлари самарадорлигини ошириш йўллари», «Бошланғич синфларда мавзу асосида расм чизиш жараёнида эстетик тарбия», «Ўзбекистон мактабларида тасвирий санъатни ўқитишнинг мазмуни ва методикасини такомиллаштириш», «Ўзбекистон декоратив-амалий санъати воситасида кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларни эстетик тарбиялаш», «Эстетика асослари ва санъатшунослик» дан факультетив курс, «Ўзбекистон умумтаълим мактабларида наққошлик тўғрисидаги машғулотларининг мазмуни ва методикаси», «Мактабда тасвирий санъатни бошқа ўқув предметлари билан ўзаро боғлиқлиги» ва бошқа татқиқотлар шулар жумласидандир. Ўтказилган татқиқотларнинг натижалари асосида мактаблар учун дастурлар, дарсликлар, қўлланмалар, илмий, методик тавсиялар ишлаб чиқилди ва улар Республика мактабларига тадбиқ қилинди.

Яна бу бўлим ўз фаолияти давомида тасвирий санъатни ўқитишга доир илмий ходим, татқиқотчи-аспирантлар ҳамкорлигида қуйидаги ишларни тайёрлади ва нашр этди: «Тасвирий санъат» (1-3 синфлар учун дастур. -Тошкент: Ўқитувчи, 1965-1981); «Тасвирий санъат» (4-6 синфлар учун дастур. -Тошкент: Ўқитувчи, 1967-1981); «Наққошлик» (Мактаб ва пионер уйлари ва саройлари учун дастур. -Тошкент: Ўқитувчи, 1976); «Тасвирий санъат ва лой иши» (Мактаб тайёрлов гуруҳлари дастур.-Тошкент, 1980) кабилар шулар жумласидандир.

1965 йилдан бошлаб Педагогика фанлари илмий-татқиқот институтининг эстетик тарбия бўлимида тасвирий санъат ўқитиш методикаси бўйича олиб борилган ишларни тартибга солиш мақсадида дарслик яратишга киришилди. 1969 йилда 1- синф учун «Тасвирий санъат» (А. Жильцова, Р. Ҳасанов); 1974 йилда 11 синф учун «Тасвирий санъат» ( Р. Ҳасанов, А. Жильцова); 1976

йилда III синф учун «Тасвирий санъат» ( Р. Ҳасанов, А. Жильцова); 1977 йилда IV синф учун «Тасвирий санъат» ( Р. Ҳасанов, Б.Орипов ва бошқалар) нашр этилди. 1-3 синфлар учун нашр этилган дарсликлар кейинги йилларда бир неча бор қайта чоп этилди.

1970 йилдан бошлаб мактабларда институтнинг тасвирий санъатни ўқитиш муаммоси юзасидан эстетик тарбия шўъбаси қошида Тошкент ва Бухоро педагогика институтларининг ўқитувчилари, Ушинский номидаги ўқитувчилар малакасини оширишга қайта тайёрлаш Марказий институти ва вилоят ўқитувчилари малакасини ошириш институтнинг методистлари, Ўзбекистон маориф ва зирлигининг методистлари, аспирант-тадқиқотчи сифатида илмий-тадқиқот ишларини олиб бордилар. Мазкур масалалар билан бир қаторда мактаб тасвирий санъат ўқитувчилари ҳам шуғулландилар.

Ўзбекистон умумтаълим мактабларида тасвирий санъатни ўқитишни яхшилашда олиб бориладиган тадқиқотларнинг натижаси сифатида қуйидаги нашр қилинган методик қўлланма ва кўргазмали қуроллар алоҳида аҳамият касб этди: «Нарсанинг ўзига қараб расм чизиш» (Р. Ҳасанов), - Тошкент: Ўқитувчи, 1969; «Бошланғич синфларда нақш чизиш методикаси» (Р. Ҳасанов), - Тошкент: Ўқитувчи, 1972; «Тасвирий санъатдан таблицалар» (Р. Ҳасанов), - Тошкент: Ўқитувчи, 1975 ; «1-3 синфларда тасвирий санъат дарслари» (Р. Ҳасанов),- Тошкент: Ўқитувчи, 1977; « Расм чизиш ва уни ўқитиш методикаси» (З.Эгамбердиев, Р.Ҳасанов ва бошқалар),- Тошкент: Ўқитувчи, 1977; «Тема асосида расм чизиш жараёнида эстетик тарбия» (Р.Ҳасанов), -Тошкент: Ўқитувчи, 1980; «Бошланғич синфларда тасвирий санъат дарслари» (Р.Ҳасанов), - Тошкент: Ўқитувчи, 1983; «Ёш авлодни санъат воситасида эстетик тарбиялаш» (Р.Ҳасанов),-Тошкент: Ўзбекистон, 1982; «Мактаб чизмачилик, тасвирий санъат кабинетларини ташкил этиш ва ўқувчилар билан олиб бориладиган тарбиявий ишлар» (Б. Орипов),-Тошкент: Ўқитувчи, 1974; «Тасвирий санъат дарслари самардорлигини ошириш омиллари» (Б.Орипов), - Тошкент: Ўқитувчи, 1978; «Наққошлик» (Қ.Қосмов), - Тошкент: Ўқитувчи, 1982. Яна шу нарсани ҳам қувонч билан таъкидлаб ўтиш лозимки, Педагогика фанлари институтининг эстетик тарбия бўлими 1970 йилдан бошлаб мунтазам равишда мақолалар тўпламини нашр эта бошлади. Бу тўплам бўлим илмий ходимлари, тадқиқотчи-аспи-

рантларнинг ишларидан ташкил топган бўлиб, уларда тасвирий санъатни ўқитишга катта ўрин ажратилган эди.

Тасвирий санъатнинг ўқитилишини яхшилашда А.Шоҳамидов, М.Набиевларнинг 1964 йилда нашр этилган «I-IV синфларда расм дарслари» методик қўлланмаси, О.Апухтиннинг 1965 йилда нашр этилган «Санъат ҳақида суҳбатлар» номли қўлланмалари ўқитувчилар томонидан илиқ кутиб олинди.

1970-йилга келиб тасвирий санъат ўқитувчиларининг иш тажрибалари кўзга кўрина бошлади ва уларнинг фаолиятлари анча фаоллашди. Нагижада мамлакатимизда бирқатор маҳоратли ўқитувчилар А. Шоҳамидов (Тошкент шаҳри, 22 мактаб), Э.Рисқуллаев (Тошкент шаҳри, 81-мактаб), Белоношкин (Тошкент шаҳри, 188-мактаб), О. Дадахонов (Наманган шаҳри, 26-мактаб), А.Абдуллаев (Шаҳрихон шаҳри, 1-мактаб), И.Бобониёзов (Урганч шаҳри, 35 мактаб-интернат), Г.Туроббоев (Наманган шаҳри, 29-мактаб), К. Мансуров (Тошкент вилояти, 27-мактаб), П. Мустафоев (Шаҳрисабз шаҳри, 6-мактаб), А.Маннонжонов (Наманган вилояти, 12-мактаб) ва бошқалар шулар жумласига киради. Шунингдек, Республика педагогик ўқишларига қатнашаётган муаллимлар сони ҳам ортди. Масалан, 1963 йилги Республика педагогика ўқишларида биронта ҳам тасвирий санъат ўқитувчиси қатнашмаган бўлса, 1970 йилга алоҳида эстетик тарбия шўъбаси ташкил этилди. 1972 йилда эса «Эстетик тарбия» шўъбасида «Тасвирий санъат» кичик шўъбаси иш олиб борди ва унда 17 та маъруза тинглади. Кейинги педагогик ўқишларда маърузачиларнинг сони яна ҳам кўпайиб борди. Таълим-тарбия жараёнида яхши натижаларга эришиб, педагогик ўқишларда муваффақиятли қатнашганликлари учун бир қатор таниқли ўқитувчилар вазириликнинг мукофотларига ҳам сазовор бўлдилар.

Тасвирий санъат ўқитувчиларининг маҳоратини ошириш ва илғор педагогик тажрибаларни ташвиқот қилишда Республика миқёсида ўтказилаётган семинар ва конференциялар катта роль ўйнади.

1969 йилда эстетик тарбияга бағишланган Республика семинар кенгаши 1970 йилга келиб анъанавий Республика конференцияга айланди ва у ҳар йили галма-галдан Республикаимизнинг вилоятларида ўтказиб турилди. Самарқанд, Жиззах, Хоразм, Бухоро, Наманган, Андижон конференцияларида ўқитувчи, тарбиячи, халқ маорифининг раҳбар-ҳодимлари билан бир қаторда илмий ходимлар,

методистлар ҳам маърузалар билан иштирок этдилар. Маърузаларда долзарб масалаларни кўтариб чиқдилар. Бундай илмий-амалий конференциялар фақат Республика миқёсида эмас, балки вилоят, шаҳар, туман миқёсида ҳам ўтказиб турилди.

Ўзбекистон вазирлар маҳкамасининг 1966 йил 31 декабр қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Вазирлар кенгашининг 1967 йил 22 мартдаги фармойиши асосида Ўзбекистон мактабларидаги таълим мазмунини аниқлаш бўйича комиссиялар тузилди. Бошқа фанлар қатори мактабларда тасвирий санъат бўйича ҳам комиссия ишлади. Бу комиссияга мактаб ўқитувчилари, халқ маорифининг ходимлари, методист, илмий ходим, rassom, санъатшунослар жалб этилди.

«Тасвирий» санъат деб номланган янги дастур лойиҳаси шу вақтгача амалда қўлланиб келинган «Расм» предмети асосида Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтида яратилди.

Уни тузишга юқорида қайд этилган қарор асос бўлди:

а) мактабда таълимнинг мазмуни ва стратегиясини фан, техника ва маданият тараққиётининг ҳозирги даражасига мос келтириш;

б) мактабда таълим ва тарбияни ҳаёт билан, меҳнат билан боғланишини янада мустақкамлаш;

в) бир-бирига боғлиқ бўлган ўқув фанлари ўртасида алоқа ўрнатиш. Бу орқали ўқитиш самардорлигини ошириш, зарур билимларни эгаллашда болаларнинг билиш ва фикрлаш қобилиятларини ўстиришга ёрдам бериш;

г) ўқувчиларнинг ўқув машғулотлари ва мустақил ишларининг кенгайтирилиши, уларни ортиқча иш билан банд қилмаслик ва хоказолар.

Шунингдек, дастурни тузишда қуйидаги томонлар ҳам ҳисобга олинди:

а) сўнгги йилларда яратилган Ўзбекистон тасвирий санъати асарларидан кенг фойдаланиш;

б) бошланғич таълимни 1-3-синфлар билан чегараланиши муносабати билан бошланғич ва 4-6-синфларда тасвирий санъат машғулотлари мазмунига аниқлик киритиш.

в) замон талаблари асосида тасвирий санъат предметининг вазифаларини аниқлаш;

г) натурадан расм чизиш дарслари учун ўзбек халқининг ҳаётида кенг қўлланиладиган нарсалар ва истеъмол буюмларидан кенг

фойдаланиш;

д) декоратив расм дарсларида ўзбек халқ амалий санъати намуналаридан чизиш учун тавсия этиш.

Мазкур дастурда шартли равишда ҳажмсиз деб қисобланган нарсаларнинг расмини (папка, дафтар, портфель, барг ва бошқалар) **ишлаш** 1-3- синфлардан 4-синфга ҳам кўчирилди.

1967-68 ўқув йилидан бошлаб янги дастур лойиҳаси Республикамизнинг Наманган, Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳрининг қатор мактабларида синаб кўрилди.

Ўзбекистон Маориф вазирлиги ва Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтининг текширувлари натижасида янги таълим мазмуни кўпчилик ўқувчилар томонидан яхши ўзлаштирилмаётганлигини кўрсатди. Шунингдек, дастурдаги бадиий куриш-ясашга доир материаллар эса ўқувчилар кучига мос эмаслиги ҳам маълум бўлди. Шунинг учун бу бўлим кейинги йилларда дастурдан чиқариб ташланди.

Янги дастур ўқувчиларнинг эстетик тарбиясига алоқадор бўлган ташкилотлар муассаслар, уюшмаларнинг фаолиятини қуйидаги йўналишларда фаоллаштиришни назарда тутган эди:

а) ҳар йили мантазам равишда ўқувчилар расмлари республика кўргазмаларини ўтказиш;

б) тасвирий санъат бўйича олиб борилаётган илмий-тадқиқотлар кўламини кенгайтириш натижасида мактаб тўғраклари, санъат мактаблари, педагогика билим юртлари ва институтилари учун бир қатор дастур, дарслик, қўлланма ва тўпламлар тайёрлаш ва нашр этиш;

в) умумий таълим мактабларида йирик рассомлар асарларидан кўчма кўргазмалар ташкил этиш;

г) Ўзбекистон рассомлар уюшмаси қошида ўқувчилар эстетик тарбияси бўйича комиссия ташкил этиш.

Мактабларда сўнгги йилларда тасвирий санъатнинг ўқитилишини яхшилаш бўйича бир қатор йирик тадбирлар ўтказилган бўлса-да бу соҳада кескин ўзгаришлар рўй бермади. Чунки, кўпчилик тасвирий санъат ўқитувчилари махсус маълумотга эга эмас эдилар. Беньков номидаги бадиий билим юртиги биртирувчиларининг кўпчилиги мактабларда тасвирий санъатдан ҳафталик дарс соатлари кам бўлганлиги сабабли у ерда кўп куним топишмас эди. Олий махсус маълумотли ўқитувчилар тайёрлайдиган Ни юмий номи ТашДПИ-

нинг бадий-графика факультетининг битириб чиқадиган ёшларнинг ўқитувчилик фаолиятлари ҳам ана шундай тугарди.

Тасвирий санъат ва чизмачилик ўқитувчиларининг етишмаслиги унга жиғий эътибор беришликни талаб этди. Натижада Ўзбекистон маориф вазирлиги коллегиясининг 1974 йил 26 августда «Педагогика ўқув юрларида мусиқа ва ашула, тасвирий санъат ва чизмачилик ўқитувчиларини тайёрлаш ва бу предметларнинг Республика умумтаълим мактаблари ва педагогика ўқув юрларида ўқитилишини янада яхшилаш ҳақида»ги қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон маориф вазирлигининг мазкур қарори Қорақалпоғистон Республикаси маориф вазирлиги, Республика вилоятлари, Тошкент шаҳар ҳалқ маорифи бўлимларига ҳамма умумтаълим мактаблари, ўқув юрларини махсус маълумотли мутахассислар билан таъминлаш чораларини кўришни, вазирликнинг режа-моллия бошқармасига, олий ва ўрта махсус педагогика ўқув юрларининг мусиқа, бадий-графика факультетларида мусиқа, тасвирий санъат ва чизмачилик ўқитувчиларини кечки ва сиртқи бўлимларида ҳам тайёрлашни мақсадга мувофиқлигини кўриб чиқишни юклади.

Тасвирий санъатнинг ўқитилишини яхшилаш борасида қабул қилинган Ўзбекистон маориф вазирлиги коллегиясининг Ўзбекистон рассомлар уюшмаси бошқармаси билан ҳамкорликдаги 1979 йил 27 июнда «Мактабгача тарбия муассасаларининг тарбияланувчилари, ўқитувчилар ва педагогика ўқув юрларининг ўқувчи-ёшлари бадий тарбиясини янада яхшилаш чоралари ҳақида» қабул қилган қарори салмоқли ўринга эга бўлди.

Қарорда ўтган даврда тасвирий санъат бўйича ҳалқ маорифи ва рассомлар уюшмаси тизимида қўлга киритилган ютуқлар тилга олинди ва камчиликлар, уларнинг бартараф этиш йўллари кўрсатилди. Хусусан, унда Қорақалпоғистон, Республика вилоятлари, Тошкент шаҳар ҳалқ маорифи бўлимларига, педагогика ўқув юрларининг раҳбарларига тезкорлик билан мактабгачава мактабдан ташқари тарбия муассасалари, мактаблар, педагогика ўқув юрларида бадий тарбияни яхшилашнинг аниқ тадбирларини ишлаб чиқиш топширилган эди.

1980 йилнинг апрелида Тошкентда «Ўқувчи ёшлар бадий тарбиясининг аҳволи ва унги яхшилаш чоралари ҳақида» деб номланган семинар кенгаш ўтказилиши мазкур қарорни бажаришда-



ги дастлабки қадам бўлди. Мазкур тадбирни Маориф вазириликнинг тарбиявий ишлар бўлими, рассомлар уюшмаси билан ҳамкорликда ўтказди. Кенгашда 400 дан ортиқ ўқитувчи, тарбиячи, халқ маориф ходимлари, илмий ходимлар иштирок этди, юздан ортиқ маърузалар тингланди ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

1981 йил мартда собиқ иттифоқ рассомлар уюшмасининг ташаббус асосида Тошкентда навбатдан ташқари «Ўқувчи ёшларни бадиий-эстетик тарбиялашнинг вазифалари» мавзусида Бутуниттифоқ илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

1981 йил Ўзбекистон маориф вазирилик Т.Н.Қори Ниёзий номидаги педагогика фанлари илмий тадқиқот институтига тасвирий санъатдан янги дастур лойиҳасини ишлаб чиқишни топширди.

Ўзбекистон умумтаълим мактабларининг бошланғич (1-3) синфлари ва IV-VI синфлар учун «Тасвирий санъат» янги дастурлари тайёрланди ва унда куйдагиларга риоя қилинди:

1. Ўзбекистон тасвирий ва амалий санъатлари, адабиёт ва муסיқа асарларидан ўринли фойдаланиш.

2. Ўзбекистон табиати, табиат маҳсулотлари, турмушда қўлланадиган нарсалардан кенг фойдаланиш.

3. Ўзбекистон кўп миллатли Республика эканлигини ҳисобга олган ҳолда байналминал тарбияга кўпроқ эътибор бериш.

4. Материаллар танлашда Ўзбекистон мактаблари ўқитувчиларининг билим даражалари паст эканлигини ҳисобга олиш.

5. Ўзбекистон мактаблари ўқитувчилари бадиий қизиқишиларини ҳисобга олиш.

Янги дастурга ўтиш бўйича Ўзбекистон маориф вазириликда кенг кўламдаги иш режаси ишлаб чиқилди. Унда янги дастур бўйича ўқитувчиларни қайта тайёрлаш, ўқув методик мажмуалар ишлаб чиқиш ва нашр этишга алоҳида эътибор берилган эди. Хусусан, тасвирий санъатдан I-III- ва IV-VI синфлар учун дастурлар тайёрланди ва нашр этилди.

Кейинчалик янги дастурлар асосида Р.Ҳасановнинг «Бошланғич синфларда тасвирий санъат дарслари», «Биринчи синфда тасвирий санъат дарслари», «Иккинчи синфда тасвирий санъатни ўқитиш», «Учинчи синфда тасвирий санъат дарслари», «Мактабда тасвирий санъатни ўқитишни такомиллаштириш йўллари» номи методик қўлланмалари чоп этилди. Ўзбекистон мактабларида тасвирий санъатни ўқитишга доир Республикада биринчи бор «Ўзбек мактаблари-

да бадий таълим ва тарбиянинг методик асослари» номли монография Р.Ҳасанов муаллифлигида тайёрланди ва «Фан» нашриёти томонидан нашр этилди. Бу даврларда Р.Ҳасановнинг «Тасвирий санъат», «Ўзбекистон тасвирий санъати тарихи» номли факультатив машғулотлар дастурлари биринчи бор ишлаб чиқилди ва мактабларга етказилди.

Бу даврга хос бўлган жиҳатлардан яна бири тасвирий санъат таълими мазмунини такомиллаштириш эди. Шу мақсадда 1-4-синфлар учун «Тасвирий санъат ва бадий меҳнат» дастурлари яратилди. Бу дастурлар тасвирий санъатни ҳар бир синфда қафтасига 2 соатдан ўқитилишига мўлжаллаб тузилган эди.

Шунингдек, бу даврларда тўрақлар учун Қ.Қосимовнинг «Наққошлик», А.Восиқовнинг «Рангтасвир», А.Мирзахмедовнинг «Ёғоч ўймакорлиги», О.Худоёрованинг «Қашгачилик» дастурлари ҳам нашр этилди.

1980 йилларда Ўзбекистон умумий ўрта таълим мактабларида тасвирий санъатни ўқитишни такомиллаштириш мақсадида кенг кўламда кадрлар тайёрлаш, илмий-амалий конференциялар, семинарлар ўтказиш, ўқитувчиларни тегишли илмий ва методик адабиётлар билан таъминлаш, санъат байрамлари танловлар ўтказиш каби бир қатор ишлар амалга оширилди. Шунга қарамасдан, умумий ўрта таълим мактабларида тасвирий санъатни ўқитилиши талаблар даражасида бўла олмади. Чунки, мактабларда дарс олиб бораётган ўқувчиларнинг кўпчилиги махсус маълумотга эга эмас эдилар. Тасвирий санъатни ўқитишдаги моддий-техникавий асос, хусусан, дарслар учун зарур бўлган гипсли геометрик шакллар, қуш ва ҳайвон тулумлари, мева ва сабзавотларнинг муляжлари, таблица ва репродукциялар, дипозитив, диафильм, кинофильмлар Россиядан келтириляётганлиги сабабли улар кўпчилик мактабларда мавжуд эмасди. Мактабларда хоналарнинг етишмаслиги оқибатида кўпчилик жойларда тасвирий санъат хонаси ташкил этилмай қоларди.

### **1.3. Мустақиллик йилларида тасвирий санъатнинг ўқитилиши**

*Мазмуни:* 1. Тасвирий санъат таълими концепцияда ўқув предмети олдига қўйилган вазифалар. 2. Тасвирий санъатдан давлат таълим стандарти мазмуни. 3. Мустақиллик йилларида яратилган ўқув-методик маж-

муалар, уларнинг муаммолари. 4. Мустақиллик йилларда олиб борилган диссертацион тадқиқотлар. 5. Тасвирий санъат ўқитувчиларини тайёрлаш.

Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб Республикамизда халқ таълимини тубдан ислоҳ қилиш, уни жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари даражасига олиб чиқиш масаласи кун тартибига қўйилди. Шу мақсадда 1992 йилда «Таълим тўғрисида»ги қонун эълон қилинди. Бу ҳужжатда кўрсатилган режа ва тадбирларни амалиётга жорий этиш давлат сиёсатининг устивор йўналиши деб қаралди.

Натижада умумий ўрта таълим мактабларидаги барча ўқув фанлари қатори «Умумтаълим мактабларида тасвирий санъат таълими концепцияси» ҳам тайёрланди ва у Ўзбекистон халқ таълими вазирлиги коллегиясининг 5 май 1993 йилги 5-5 сонли қарори билан тасдиқланди. Мазкур концепцияда қайд қилинганидек, уни тайёрлашда қуйидаги омиллар ҳисобга олинган эди:

- мустақил Ўзбекистон шароитидаги ўзбек боласини шакллантиришга бўлган замонавий талаблар;

- таълим-тарбияни миллий маданият ва санъат асосида амалга оширишни кучайтириш;

- таълим-тарбияни амалга оширишда Ўзбекистон Шарқ мамлақати эканлигини ҳисобга олиш ва шу асосда бадиий таълим мазмунига тегишли ўзгартиришлар киритиш;

- мактабдаги бадиий таълимни амалга оширишда болаларни фикрлашга, ишга ижодий муносабатда бўлишликни кучайтириш, уларни юксак дид ва маданиятли қилиб шакллантиришга қаратиш;

- мактабда болаларни тасвирий санъатдан билим ва малакаларни пухта эгаллашларига қаратиш, шу асосда табақалаштирилган бадиий таълимни жорий этиш;

- Ўзбекистон мактабларида тасвирий санъат таълими мазмуни-ни дунё стандартлари даражасига олиб чиқиш.

Бу ғоялар сўзсиз баркамол комил инсонни шакллантиришга замин бўлиб, унда тасвирий санъатни ўқитишнинг яқин ва узоқ йилларда ривожлантиришга мўлжалланган йўналишлари баён этилди.

Концепциядан тегишли хулосалар чиқарган ҳолда тасвирий санъатдан давлат таълим стандарти ва вариатив дастурларни ишлаб чиқиш ишлари бошлаб юборилди. Натижада 1-4-синфлар учун

270 соатга мўлжалланган «Тасвирий санъат ва бадиий меҳнат», 1-7-синфлар учун 245 соатга мўлжалланган «Тасвирий санъат» дастурлари тайёрланди. Шунингдек, 1-8 синфлар учун мўлжалланган 560 соатли «Тасвирий санъат» дастури ҳам ишлаб чиқилди. Бу дастурлар кўп нусхада нашр этилиб, амалиётга жорий этилди. Янги дастурлар миллий мустақиллик мафкураси асосида тайёрланган бўлиб, улар тасвирий санъат ўқув предметининг мақсад ва вазифалари, таълим мазмуни, моддий-техникавий асосларида ўз ифодасини топди. Тасвирий санъат дарсликларини яратиш билан бир қаторда ўқитувчилар учун ўқув-методик адабиётлар ҳам тайёрланди. Натижада биринчи синф ўқитувчилари учун «Тасвирий санъат ва бадиий меҳнат дарслари» (-Тошкент: Ўқитувчи, 1997), Р.Ҳасановнинг 5-синф ўқитувчилари учун «Тасвирий санъат дарслари» (-Тошкент: Ўқитувчи, 1997.) номли қўлланмалари чоп этилди.

Янги дастурлар асосида тасвирий санъат дарсликларини яратиш муаммоси пайдо бўлди. Натижада 1996-1998 йиллар давомида 1-4 синфлар учун «Тасвирий санъат ва бадиий меҳнат» дарсликларини яратилди, бироқ улардан 1998 йилда фақат биринчи синф дарслиги чоп этилди, холос. Мазкур дарслик Ўзбекистон мактаблари учун рус, қозоқ, қирғиз, туркман, тожик, қорақалпоқ тилларида ҳам нашр этилди. Бошқа синфлари эса 1999 йилда янги ўқув режалари ва таълимнинг давлат стандартлари ишлаб чиқилиши муносабати билан нашр этилмай қолди. Таълимнинг давлат стандартида бу ўқув предметига ҳар бир синфда ҳафтасига бир соатдан вақт ажратилган эди.

Р.Ҳасановнинг факультатив машғулотлар учун «Тасвирий санъат» (1989), «Ўқитувчининг ўзи устида мустақил ишлаш дастури» (1993), «Тасвирий санъат дарсликларини яратиш мезонлари» (1994), О.Худоёрованинг «Ўзбекистон мактабларида тасвирий санъатни ўқитиш тарихидан» (1993), Б.Бойметов ва Н. Толиповларнинг «Мактабда тасвирий санъат тўрагаи» (1995) номли рисоллари ҳам амалиётчиларга етказилди.

Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтининг «Санъат ва чизмачиликни ўқитиш назарияси ва методикаси» бўлимида «Ўқувчиларни тасвирий санъатдан мустақил ишлари», «Тасвирий санъатдан синфдан ташқари ишлар методикаси»га оид тадқиқотлар ҳам олиб борилди.

1995 йилда буюк наққош ва мусаввир Камолиддин Беҳзод

таваллудининг 540 йиллиги муносабати билан педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтида «Камолиддин Бехзод ҳаёти ва ижодини урганишнинг педагогик аҳамияти» мавзусида Республика илмий-амалий анжумани ўтказилди. 2000 йилда эса Камолиддин Бехзод таваллудининг 545 йиллиги муносабати билан «Камолиддин Бехзодни жаҳон тасвирий санъати ва таълим тизимига таъсири» мавзусида ана шундай анжуман ўтказилди. Иккала анжуман материаллари ҳам тўплам шаклида чоп этилди.

1997 йилда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги янги таҳрирдаги қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ҳужжатларининг эълон қилиниши катта тарихий воқеа бўлди. У амалдаги таълим тизимидан тубдан фарқ қилувчи янги тизим бўлиб, унда таълим соҳасини 1997-2006 ва ундан кейинги йиллар учун иш режаси ва тараққиёти белгилаб берилган эди.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да эстетик туркумдаги фанларни ўқитилишига алоҳида эътибор берилган бўлиб, хусусан унинг «Ўзлуксиз таълимни ташкил этиш ва ривожлантириш принциплари» қисмида ўзлуксиз таълимнинг фаолият кўрсатиш принципларидан бири таълимнинг ижтимоийлашуви деб қаралди. Унда таълим олувчиларда эстетик бой дунёқарашни ҳосил қилиш, уларда юксак маънавият, маданият ва ижодий фикрлашни шакллантириш лозимлиги қайд этилади (1.44)

Ушбу ҳужжатда дастурни рўёбга чиқаришнинг биринчи босқичида барча фанлардан давлат таълим стандартларини яратиш ва амалиётга жорий этиш белгилаб берилди. Барча фанлар қатори «Тасвирий санъат» ўқув предметида таълимнинг давлат стандарти ҳам тайёрланди. (3.41-42), Мазкур стандартда ўқувчиларни 1-7 синфларда тасвирий санъатдан ўзлаштиришлари лозим бўлган билим ва малакалар белгилаб берилган эди. Унда тасвирий санъат ўқув предметида мақсад ва вазифалари, фаолият турларига доир кўрсатмалар ҳам баён этилган бўлиб, тасвирий санъат машғулотларининг турлари сифатида борлиқни идрок этиш (1-4 синфлар), бадиий қуриш-ясаш (1-4 синфлар), натурага қараб тасвирлаш (1-7 синфлар), санъатшунослик асослари (1-7 синфлар), композиция (1-7 синфлар) бўлимлари қайд қилинди.

Вазирлар Маққамаси томонидан қабул қилинган давлат таълим стандарти бўйича 1999 йилда ўқув режаларига ўзгартиришлар киритилди. Унга кўра тасвирий санъат ўқув предмети 1-7 синфларда

ўқитилиб, унинг номи ҳамма синфларда «Тасвирий санъат» бўлиб қолди. Бу ўзгаришлар асосида янги дарсликлар яратиш муаммоси пайдо бўлди. Бу дарсликлар 2001 йилда Р.Ҳасанов томонидан 1-3 синфлар учун тайёрланди. Лекин, улар Республика халқ таълими Вазирлиги дарсликлар сонини кўпайиб кетганлигини ва ж қилиб уларни нашр этишни лозим топмади. Булардан бири биринчи синф дарслиги 2001-2004 йилларда чоп этилди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон умумий ўрта таълим мактабларида тасвирий санъатни ўқитишни такомиллаштириш борасида бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилиб, яхши натижаларга эришилди. Бу тадқиқотларнинг натижалари диссертация шаклида ҳимоя қилинди. Улар Р.Ҳасановнинг 1994 йилда «Ўзбекистон умумтаълим мактабларида бадий таълим ва тарбиянинг мазмуни, шакл ва методлари» мавзусида докторлик, А.Турдалиевнинг 1996 йилда «Тасвирий санъат дарслари ва дарсдан ташқари машғулотлар жараёнида ўқувчиларни бадий касб-ҳунарларга йўллаш», О.Худоёрованинг 1997 йилда «Ўзбекистон умумтаълим мактабларида тасвирий санъат ўқитилишининг шаклланиши ва тараққиёти» мавзуларидаги номзодлик диссертацияларидир.

Мустақиллик йилларида тасвирий санъат ўқитувчиларини тайёрлашга алоҳида эътибор берилди бошланди. Хусусан, 2002 йилга келиб Тошкент, Бухоро, Наманган, Гулистон, Андижон давлат университетларида, Нукус, Ангрен, Жиззах давлат педагогика институтларида махсус факультет ва бўлимлар фаолият кўрсата бошлади. Тасвирий санъат ўқитувчилари Хива, Денов, Шаҳрисабз, Қарши, Самарқанд, Каттақўрғон, Жиззах, Андижон педагогика билим юртлири қошида ҳам тайёрланди.

Мустақиллик йилларида Р.Ҳасанов томонидан тайёрланган ва чоп этилган 1-7- синфлар учун «Тасвирий санъат» дастури (1994 й.), «Тасвирий санъат таълими концепсияси» (1995 й.), «Тасвирий санъатдан давлат таълим стандарти» (1999 й.), «Тасвирий санъатдан давлат таълим стандартларини амалиётга жорий этиш» (2000 й.), номли ишлари мамлакатимиз умумий ўрта таълим мактабларида тасвирий санъатни ўқитилишини яхшилашга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди.

## 2-БОБ

# ТАСВИРИЙ САЊЪАТ ТАЪЛИМИНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

**Мазмуни:** 1. Мактабда тасвирий санъат машғулотларининг мақсади. 2. Тасвирий санъат машғулотларининг вазифалари. 3. Тасвирий санъат машғулотларининг бошқа фанларни ўқитишдаги аҳамияти.

Умумий ўрта таълим мактабларида тасвирий санъат ўқув предмети мақсади баркамол, комил инсонни унинг бадий маданиятини шакллантиришга қаратилади.

Тасвирий санъат ўқув предмети ҳар бир инсон учун зарур бўлган бадий маданиятга доир элементар билим ва малакалар беради. Чунки, ҳар бир ўқувчи келажақда қайси соҳада ишлашидан қатъий назар у ишдан ташқари вақтларида дам олиши, ҳордиқ чиқариши, иш вақтида сарфланган қувватини тиклаши керак бўлади. Бунга у юксак бадий савияда ишланган санъат асарлари билан музей, кўргазмалар ва бошқа жойларда танишиш, уларни идрок этиш, улардан завқланиш орқали эришади. Шунингдек, кўпчилик ўқувчилар ўзларининг келажақ ҳаётларида маълум миқдорда расм ишлашларига тўғри келади. Расм чизишни билиш, фақат рассомлар, дизайнерлар, меъморлар учунгина эмас, у ўқитувчилар, инженерлар, мединлар, қурувчилар, агрономлар, ҳарбийлар, олимлар учун ҳам зарурдир. Уларнинг ҳар бири ўз фаолиятларида расм, схемалар, диаграммалар, эскизлар орқали сўз билан тушунтириб бўлмайдиган ўз ғоя ва фикрларини тасвирлаб кўрсатишга ҳаракат қиладилар. Лекин, бу мактабларда тасвирий, амалий ва меъморчилик санъатларидан чуқур ва кенг билим ва малакалар бериш керак экан, деган маънони билдирмайди. Мактаблар ўз номига кўра умумий ўрта таълим мактаблари деб номланиб, болаларга бошқа фанлар қатори тасвирий, амалий ва меъморчилик санъатларидан умумий, элементар билим ва малакалар беришни вазифа қилиб кўяди. Яна шуни ҳам кайд қилиш лозимки, умумий ўрта таълим мактаблари рассомларни тайёрламайди, иқтидорли болалар билан ишлаш, уларни ривожлантириш билан ҳам шуғулланишни назарда тутмайди. Рассомлар тайёрлаш, иқтидорли болалар билан ишлаш мактаб тўғрақларида, махсус мактаб ва акаде-

мик лицейларда, коллеж ва олий ўқув юртларида амалга оширилади. Шунинг учун умумий ўрта таълим мактабларида ҳаддан зиёд, болаларни қийнаб қўядиган, ортиқча зуриқишга олиб келадиган топшириқлар беришга ҳаракат қилиш тўғри эмас. Мактабларда тасвирий санъатдан бериладиган элементар билим ва малакаларга яраша ўқитиш методларини қўллаш зарур бўлади. Бироқ тасвирий санъатдан олий ва ўрта махсус ўқув юртларида қўлланилаётган ўқитиш методларининг айрим жиҳатларидан фойдаланиш инкор этилмайди. Шунингдек, улардан тўлалигича умумий ўрта таълим мактабларида фойдаланиш ҳам педагогик жиҳатдан тўғри эмас.

Мактабда тасвирий санъат машғулотларининг вазифалари ҳақида тўхталганда уларни шартли равишда икки қисмга бўлиш мумкин:

1. Тасвирий санъат дарсларининг ўзига хос, махсус вазифалари ҳисобланиб улар: борлиқдаги ва санъатдаги гўзалликларни кўра билиш, идрок этиш, тушуниш ва қадрлашга ўргатиш; эстетик ва бадиий дидни ўстириш; болалар бадиий фикр доирасини кенгайтириш; бадиий ижодий қобилият ва фантазияни ривожлантириш; тасвирий санъатнинг назарий асослари (ёруғсоя, рангшунослик, перспектива, композиция) билан таништириш; расм ишлаш, ҳайкал ясаш, бадиий қуриш-ясаш юзасидан элементлар малакалар ҳосил қилиш; кузатувчанлик, кўриш хотираси, чамалаш қобилияти, фазовий ва образли тасаввурларни, абстракт ва мантиқий тафаккурни ривожлантириш; тасвирий, амалий меъморчилик санъат асарларини тушунган ҳолда ўқий олишга ўргатиш; санъатга нисбатан қизиқиш уйғотиш, уни қадрлашга, севишга ўргатиш.

2. Тасвирий санъат дарсларининг қўшимча вазифалари, улар: борлиқни, ҳаётни билишга кўмаклашиш; миллий ғурур ва миллий истиқлол мафкурасини амалга ошириш; болаларда ахлоқий (ватанпарварлик, байналминал); меҳнат, жисмоний тарбияни амалга ошириш; болаларни турли касб ва ҳунарларга йўллаш.

Тасвирий санъат ўқув предметининг мақсади ва вазифалари ҳақида тўхталганда яна шуни қайд қилиш лозимки, у мактабда ўқитиладиган деярли барча ўқув предметлари билан боғланади ва улар юзасидан материалларни ўзлаштиришга самарали таъсир кўрсатади. Айниқса, у ўқиш, адабиёт, география, табиатшунослик, биология, тарих, математика, меҳнат дарсларида алоҳида аҳамият касб этади. Тасвирий санъат, ҳаттоки физика, жисмоний тарбия, кимё, мусиқа дарслари учун ҳам фойдалидир. Шуни ҳам қайд қилиш лозимки,



тасвирий санъат эстетик тарбияни амалга оширишга қаратилган бўлса-да, у ахлоқий, меҳнат, экологик, жисмоний тарбия дарслари самардорлигини оширишга ҳам хизмат қилади.

Ҳар қандай ўқув предмети таълим мазмунида, албатта, ўзбек халқи яратган беқийс бой, маданий ва маънавий меросни ўзига асос қилиб олиши лозим. Шундай экан, ўзбек халқининг дунёга машҳур бўлган меъморчилик, амалий ва тасвирий санъат асарларини мактабларда бошқа материалларга қараганда кенгроқ ва чуқурроқ ўргатилиши талаб этилади. Шу билан бирга мактабларда таълим мазмунининг вилоят ва шаҳарлар бўйича табақалаштирилиши ҳам мақсадга мувофиқдир. Чунки, Ўзбекистоннинг вилоят, шаҳар, ҳаттоки қишлоқларида амалий санъат ва меъморчиликнинг ривожланишида ўзига хослик бор. Буни Бухоро, Самарқанд, Каттақўрғон, Риштон, Шаҳрисабз, Нурота, Марғилон, Ёзғувон, Ургут, Хўжайли ва бошқа шаҳарларнинг санъатида ҳам яққол кўриш мумкин.

Миллий санъатимиз бизнинг фахримиз, уни биз кенг ўрганишимиз табиий ҳолдир. Лекин, жаҳонда ҳамма халқлар томонидан тан олинган умуминсоний бадиий қадриятлар ҳам мавжуд. Уларни ўқувчиларга ўргатмасдан туриб, халқимиз жаҳон маданиятида ўз ўрнини топа олмайди. Акс ҳолда, ўқувчиларимиз миллий қобилиятга ўралишиб қолиб, жаҳон дурдоналаридан баҳраманд бўла олмай қоладилар. Шунини алоҳида қайд қилиш лозимки, кўп асрлик миллий-бадиий маданиятимиз (тасвирий санъат, декоратив-амалий санъат, меъморчилик санъати) ҳақида тегишли билимлар бериш билан бир қаторда ўқувчиларга тасвирий ва амалий санъатдан бериладиган малакаларни унутмаслигимиз зарур.

Мактабда тасвирий санъат эстетик тарбияни амалга оширишга йўналтирилган асосий ўқув предмети ҳисобланиб, у қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

- ўқувчиларнинг табиат, санъат ва ҳаётдаги гўзалликларни идрок этишга ўргатиш;

- ўқувчиларнинг эстетик дидини тарбиялаш, гўзалликни баҳолай олиш қобилияти, ҳақиқий гўзалликни хуник воқеа ва нарсалардан фарқлай билишга ўргатиш;

- шахснинг тасвирий-ижодий фаолиятида ўзини кўрсата билишга, ҳатти-ҳаракатини кўллаб-қувватлаш ва ҳаётга гўзаллик киритиш малакаларини ўстириш;

- болаларнинг бадиий фикр доирасини кенгайтириш ва бошқ-

алар.

Тасвирий санъат ўқув предмети ўз характериға кўра эстетик тарбиянинг асосини ташкил этувчи эстетик идрок, эстетик завқ, эстетик ҳис-туйғу, эстетик дид, эстетик мулоҳаза, эстетик баҳолаш, эстетик ижод каби сифатларни ўстиришда катта роль ўйнайди. Декоратив композиция дарсларида ўқувчилар нақшлар, амалий санъат буюмларидаги гўзалликни ҳис қиладилар ва ўзлари ҳам шундай композициялар тузишга ҳаракат қиладилар. Шу мақсадда, болаларға ҳалқ амалий санъати намуналари кўрсатилади, уларнинг шакл ва рангларини таҳлил қилиб берилади. Ўқувчилар ўзбек ва қардош ҳалқларнинг нақшларини кузатиш ва ўрганиш орқали уларнинг шакл ва рангларидаги гўзалликларни, шакл ва рангларининг гармоник бирлигини тушунадиган бўладилар. Минг йиллар мобайнида устадан-устаға, қўлдан-қўлга ўтиб, ҳар жиҳатдан такомиллашиб, гўзаллашиб борган ҳалқ санъати намуналари болаларни хайратға солади ва уларда тажрибали усталар каби ифодали амалий санъат асарлари яратиш иштиёқи пайдо бўлади. Гуллар, ҳайвонлар ва парандаларни натура сифатида кузатиш ва таҳлил қилиш жараёнида ўқитувчи уларнинг тузилишидаги шакл, ранг, ўлчовлари, ҳаракатларидаги нафосатни қайд қилади.

Ўқувчиларни табиатдаги нарсаларнинг ёрқин ва ялтироқлиги, нафис ва тозаллиги, улар бўлақларининг қайтарилиши ёки алмашиниши, симметрик тарзда жойлашуви тўлқинлантиради. Табиатдаги гулларнинг ранг ва шаклларининг турли-туман бўлиши, капалак ва ниначилар, қушларнинг енгил парвози, баҳорги ва кузгу манзараларнинг чиройи, манжунтолнинг сулувлиги, майсазорларнинг қуёш нури остида жилваланиши, уй деразаларининг кечги мийтиллаб кўриниши ҳаяжонлантиради. Болаларда бундай эстетик ҳис-туйғунинг ўсиши, уларда предмет ва ҳодисалар хусусиятларини эстетик баҳолаш малакаларининг шаклланишиға олиб келади. Болаларнинг фаолиятларида образли ибораларнинг, яъни «хушбичим», «қувончли», «байрамдагидек» ишлатилиши уларда борлиқ ва ҳодисаларни эстетик идрок этиш малакалари шаклланаётганлигидан далолат беради.

Ўқувчиларнинг эстетик идрокини тарбиялашда табиатдаги ранг гаммаларининг болалар томонидан идрок этилишиға алоҳида эътибор берилади. Болаларни фақат ранг номларини билишларига эмас, балки уларни кўра билишларига, теварак-атрофдаги чиройли ранг

бирикмаларини қидириб топишга ҳам ўргатилади.

Ўқитувчи шохча ва барг чиқарган дарахтларни болаларга кўрса-тиш орқали ёш барглари ранги оч яшил ва нозик эканлигини қайд этади. Баҳорги ёмғирдан сўнг ўсимлик баргларининг тозалигини, уларни худди ювиб қўйгандек кўриниши, улардаги ёмғир доналарининг кумушдек ялтираб кўринишини такидлайди. Куз фаслидаги табиатда дарахт баргларининг сариқ ва қизғиш ранглари-нинг олтин тусга кирганлигини, тўкилган баргларнинг шилди-раб «гаплашиши» образли кўринишда ифодаланади. Болалар ўз расмларида уй, дарахт, қушлар, ҳайвонлар, одамлар, транспорт воситаларини тасвирлайдилар. Бундан улар сўзсиз тасвирланувчи-ларнинг ўлчовлари, пропорциялари, фактураси, шакллари, ран-гига дуч келадилар ва уларни расмда композицион жиҳатдан тўғри жойлаштиришга ҳаракат қиладилар. Бу эса уларнинг тузилишидаги пропорционалик, мукамаллик, мақсадга мувофиқлик ҳақида фикр юритишга ундайди. Болалар нарса ва ҳайвонларни шакл ва ранг жиҳатдан ўзига жалб этадиган томонлари, уларни қайси то-мондан чиройли кўриниши, уларнинг яхши ва фойдали томонла-ри нимадалиги ҳақида ўйлайдилар. Ўқувчилар табиатдаги нарса ва ҳодисалар ҳақида ўйлар эканлар, ўқитувчи ўз эътиборини улар-нинг тушунчасига мос бўлган воқеа ва ҳодисаларнинг гўзаллиги ва мукамаллигига қаратади. У гўзаллик кечинмалари орқали бо-лаларни теварак — агрофдаги ҳодиса ва воқеаларни баҳолай олиш-га ўргатишга ҳаракат қилади, инсонпарварлик, Ватанга муҳаббат, меҳнатга муҳаббат ҳис-туйғуларини уйғотади.

Ўқитувчи санъатшунослик асослари дарсларида ўлкамиз табиа-ти, ҳалқимизнинг фидокорона меҳнаги, буюк аждодларимизнинг мустақиллик учун қаҳрамонона кураши каби мавзуларда яратил-ган кўплаб асарларни намоиш этиш ва таҳлил қилиш жарғёнида улардаги нозик нафосатни очиб беришга ҳаракат қилади. Бу борада рассомлардан Ў.Тансиқбоев, Н.Қарахан, А.Мўминов, Л.Са-лимжонова, И.Жабборов, Ч.Ахмаровларнинг юксак бадиий сави-яда яраган асарлари алоҳида аҳамият касб этади.

Тасвирий санъат болаларни борлиқни, ҳаётни билишга ёрдам беради. Улар нарса ва ҳодисалар расмини чизишга киришишдан аввал нарсаларнинг тузилиши, шакли, ўлчовлари, ранги, фазо-вий ҳолатларини ўрганадилар ва уларни ўз ишларида тасвирлайди-лар. Кузатилаётган жонли нарсаларнинг ҳаёти ҳақида ҳам тасаввур-

га эга бўладилар, натижада болаларнинг дунё ҳақидаги тасаввурлари чуқурлашади ва кенгаяди, хотиралари ривожланади.

Тасвирий санъатнинг тарихий, батал жанридаги рангтасвир асарлари, адабий асарларга ишланган иллюстрацияларни кузатиш асосида болалар минг йиллар олдин яшаб ўтган аجدодларимизнинг турмуш тарзи, маданияти, кийиниши, иш қуролларини билиб оладилар. Ўша даврдаги бинолар, ўсимликлар, хайвонлар, буюмларнинг тузилиши, шакли, ранги, ўлчовлари ҳақида тасаввурга эга бўладилар. Маълумки, болалар, тарихий, батал, манзара, турмуш, напорморт, анимал, афсонавий жанрларда ишлаган расмларда тарихий воқеалар, жангу-жадаллар, ҳалқлар ҳаёти, хайвонлар, шаҳар ва табиат манзаралари ҳақида кўпгина билимларга эга бўладилар.

Ўқувчиларни мантиқий ва абстракт фикрлашга ўргатишда тасаввур ва хотирани, ижодкорлик ва фантазияни ривожлантиришда мактабда тасвирий санъатни олдига тушадиган биронта ҳам ўқув предмети йўқ. Умумий ўрта таълим мактабларида ижодий фикрлашга ўргатишда катга ўринни эгаллайдиган фанлардан математика ҳам бундай имкониятга эга эмас. Хусусан, математика дарсларида ўнта масалани бир йўл ёки бир формула асосида ечилса, тасвирий санъат дарсларида ўқувчилар бир масала (топширик) ни бир неча йўл билан ечадилар, у сўзсиз болаларни фикрлашга, ижодий ўйлашга йўналтиради. Айтайлик, ўқувчи у ёки бу ҳаётий ёки афсонавий мавзуларда композиция ишлаш жараёнида, мавзу билан боғлиқ бўлган воқеани эслашга ҳаракат қилади. Бунда воқеа қайси даврда, қаерда ёки бошқа сайёралардами, сув остидами, табиат қўйнидами ёки уй ичидами, расмда одамлар тасвирланадими ёки хайвонларми, тасвирланадиган мавжудотларнинг тузилиши, шакли, ранглари, ўлчовлари қанақа бўлишлиги ҳақида ўйлайдилар.

Энг муҳими, қозғоз юзасида расмини мазмун, композицион жиҳатдан қандай жойлаштирилишидадир. Шунингдек, тасвир вариативлик, комбинация, муқобиллик ва бошқалар асосида ишланади. Болалар расм ишлашда тасвирий санъатнинг назарий асослари-ёруғсоя, рангшунослик, перспектива, композициянинг қонун ва қоидаларини тасаввур қиладилар ва қўллайдилар. Улар ўз расмларини ижодий, янги, қайтарилмас мазмунда бўлишлигига ҳаракат қиладилар.

Тасвирий санъатни ўқитиш жараёнида қўйиладиган топшириқлар эса ўқувчиларни бирданбир ва бетакрор ўз шахсини, ақлий имкониятларини намоён этишга йўллайди. Болалар ўқув топшириқларини ечишда ўзларини ижодкор бўлишга ундайдилар. Улар ижодкор учун аввалдан маълум бўлган йўлдан муаммони тез ва осон ҳал қилиб қўяқолмай, балки масалани янгича, қайтарилмас ечимлар орқали ўзларининг ижодкорлик ва ҳаёлотларини, меъёр ва уйғунлик сифатларини ишга соладилар. Натижада, маълум миқдорда оргинал, янги қайтарилмас ижод маҳсули дунёга келади.

Ижодкорлик, ижодий фикрлайдиган шахслар улар оддий ижрочилар эмас, улар жамиятни ривожлантирувчи асосий кучидир. Шунинг учун ҳам жамиятимизга роботсимон ижрочилар эмас, фикрловчи, изланувчан, ижодкор, ташаббускор кишилар керак. Жамиятимизнинг равнақи кўп жиҳатдан ана шундай кишиларга боғлиқ. Жамиятимизда фикрлайдиган, изланувчан, ижодкор, ҳаётда кўзда тутилмаган ҳар қандай вазиятларда муаммони тез ва осон ечимини топа оладиган кишилар ҳалқимизни тараққиётининг янги босқичга кўтарадилар.

Ижодий тафаккур бутунлай янги ғоялар ва тасаввурларни вужудга келтиради, шахсда яширинган қобилият ва имкониятларни, ўзига хосликни рўёбга чиқишга ёрламлашади. Шуни ҳам алоҳида қайд қилиш лозимки, бундай сифатлар фақат олимлар учунгина эмас, балки ҳамма соҳада ишловчилар (инженерми, врачми, дехқонми, нонвойми в.б) учун муҳимдир.

Шунинг учун ҳам таълим тизимида тафаккур ва ижодкорликни ривожлантириш асосий вазифалардан бири деб қаралади. Шу нуқтаи назардан қараганда умумий ўрта таълим мактабларида ижодий тафаккурни ўстиришда тасвирий санъат дарслари бошқа фанлар орасида энг катта ўринни эгаллайди.

Ўқувчиларнинг ижодкорлиги эса кўпроқ болаларда диққат ва тасаввурни ўстириши билан боғланади. Ўқувчи айниқса, бошқа сайёралар, сув ости дунёси, афсонавий ҳайвонлар (дев, кентавр, сув париси, денгиз шохлари в.б.) билан боғлиқ расмлар ишлаганда тасаввурни кучли ишга солмасдан туриб топшириқни самарали ҳал қилолмайди. Қолаверса ҳар бир ижодий ишни тасаввурсиз ва диққатсиз ечиб бўлмайди. Шунингдек, бу масала болаларда ҳис-ҳаяжонни ривожлантириш билан боғлиқ. Маълумки, болалар ниҳоятда ҳаяжонга бой бўладилар. Болаларни нарсалар тасви-

ридаги турфа ранг ва шакллар, реал ва афсонавий образ ва кўри-нишлар, воқеа ва ҳодисалар ларзага солади, уларни тўлқинлантиради.

Тасвирий санъат ўқув предметининг муҳим вазифаларидан бири, у болаларда кузатувчанликни ўстириш, борлиқни кўра билиш, қолаверса шу орқали хотирани ривожлантириш ҳисобланади. Маълумки, одамзод теварак-атрофдан олаётган ахборотларнинг деярли 90 фоизидан ортиғини кўз орқали олади, қолган 10 фоизини қулоқ, бурун, оғиз в.б. аъзолар орқали ўзлаштиради. Бундан кўри-ниб турибдики, кишилар фаолиятида кўз ва хотирани ривожлантириш ниҳоятда катта аҳамият касб этади. Бу сифатлар болалар томонидан борлиқни идрок этиш машғулотларида, шунингдек, нагурадан тасвирлаш, санъатшунослик асослари машғулотларида алоҳида аҳамиятлидир. Бундай дарсларда ўқувчилар нарсалар ва ҳодисаларнинг тузилиши, шакли, ранги, ўлчовлари, фазовий жойлашуви, ҳаракат гўзаллигини кузатадилар ҳамда уларни ўз хотираларида сақлаб қўлишга ҳаракат қиладилар. Кузатувчанликни моҳияти шундаки, бунда болалар нарса ва ҳодисалар ҳақида кенг ва чуқур тасаввурга эга бўладилар. Масалан, кузатувчанлиги ривожланмаган кишилар гулни кузатар эканлар унга нисбатан юзаки ёндошадилар, яъни гул банди, гули, япроқлари, гул рангига ўз эътиборларини қаратадилар. Кузатувчанлиги ривожланган кишилар эса гулларнинг гул банди, гули япроқлари ва бошқаларнинг ўлчовлари, ўлчов нисбатлари, ҳар бир қисмининг ранги, япроқ ва гулбаргларининг жойлашувини бир кўришдаёқ эслаб қоладилар. Болаларнинг кузатувчанлиги ва синчковлиги ўз ўрнида нарсалар ҳақидаги маълумотларни хотирада яхши сақланиб қолишига таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам хотирани, айниқса кўз хотирасини ривожлантиришда тасвирий санъат ўқув предметининг қанчалик аҳамиятли эканлиги ойдинлашади.

Тасвирий санъат дарсларининг энг муҳим вазифаларидан бири тасвирий, амалий ва меъморчилик санъатлари асарларини ўқишга ўргатишдир. Тасвирий санъат асарлари эртақ, ҳикоя, дoston, роман каби маълум бир мазмунни акс этиради. Бироқ уни китоб ўқигандек ўқиб бўлмайди. Тасвирий санъат асарларини ўзига хос тили бор. Уларни билган кишиларгина ўқий оладилар. Хусусан, рассомлар чизиқлар, ранглар, ўлчовлар, композиция, пропорция, ритм, симметрия шакл каби ифодалилик воситалари ёрдамида асар

мазмунини очиб берадилар. Бу борада шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, санъат асарлари, айниқса, тарихий, турмуш жанридаги асарлар, айрим ҳалқ ва мамлакатлар ҳақида тўла-тўқис ва кенг қамровли маълумотларни ўз ичига олади. Буларни ўқий олган шахсларгина асарларда илгари сурилган ғояларни, тасвирланган мазмунни чуқур идрок эта оладилар. Шунингдек, улар асарнинг бадиий қийматини аниқлай оладилар ва унга тегишли баҳони ҳам бера оладилар. Шу билан бир қаторда асарлардаги гўзаллик, кўтаринкилик, қаҳрамонлик каби сифатлардан мамнунлик ва завқланиш ҳосил қиладилар.

Тасвирий санъат ўқув предмети ёшларнинг эстетик тарбиясида аҳамиятли бўлибгина қолмай балки, ахлоқий тарбияда ҳам салмоқли ўринни эгаллайди. Айниқса, тасвирий санъат дарслари ёшларда миллий ғурур ва миллий истиқлол мафқурасини шакллантиришда, ватанпарварлик ва байналминал тарбияда, дўстлик ва ўзаро ёрдам ғояларини ташкил топтиришда катта кучга эга. Мактаб тасвирий санъат дастурига назар солар эканмиз унда Ватанимизнинг буюк ўтмиши, ватандошларимизнинг мустақиллик учун олиб борган курашлари, Ўзбекистоннинг нафосатга тўла табиати, ҳалқлар дўстлиги ғояларини ифода этувчи тасвирий санъат асарлари билан тўлиб тошганигини шоҳиди бўламиз. Масалан, она-тутпроқ учун кураш олиб борган Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Спитамен, Муҳанна каби буюк ватандошларимиз ҳаёти ва образларини, Ўзбекистоннинг рангоранг гўзал манзараларини, ўзбек ҳалқининг Республикамизда яшаётган бошқа миллат вакиллари билан тинч-тотув меҳнат қилаётганлигини ифодаловчи тасвирий санъат асарлари мавжуд. Уларни ўрганиш жараёнида болалар санъатнинг қонун ва қоидалари билан танишадилар, юқорида қайд қилинган мазмунда расмлар ишлайдилар, Ўзбекистоннинг ширин-шакар ва рангоранг мевалари, гулларидан тузилган натюр-мортлар расмини ишлайдилар, натижада уларда Ватанга ва ўз ҳалқига нисбатан меҳр-мухаббат, миллий ғурур каби сифатлар шакллантирилади.

«Даладаги ишлар», «Кўчат ўтказиш», «Ҳосилни йиғиб териб олиш», «Фермада», «Бизнинг қурилишларимиз» каби мавзуларда расм ишлаш, ҳалқимизнинг турли соҳадаги (медиқлар, космонавтлар, ўқитувчилар, олимлар, маданият ва санъат арбоблари, қишлоқ хўжалиги ходимлари в.б.) шижоатли меҳнатини, меҳнат

қахрамонларининг образларини ифодаловчи тасвирий санъат асарларини намойиш этиш орқали болаларда меҳнат тарбияси амалга оширилади.

Ҳозирда умумий ўрта таълим мактабларининг вазифаларидан бири болаларни турли касб ва ҳунарларга йўллаш ҳисобланади. Маълумки, ҳар бир болада у ёки бу ҳунарга, илмга ҳаваси бўлади. Бу ҳавас ҳар доим ҳар бир болада очиқ намоён бўлмайди, айримларида очиқ, айримларида яширинган бўлади. Мактаб жамоасининг, ҳар бир ўқитувчиси ва тарбиячисининг вазифаси ҳар бир боладаги мавжуд ҳавасни ривожлантириш, яширинча ҳавасини рўёбга чиқариб, уларни санъатни тушуниш ва ҳурмат қилишга ўргатишдан иборат. Мактабдаги бошқа фанлар қатори тасвирий санъат дарсларида ҳам болаларни кўпдан-кўп ҳунар ва касбларга йўналтириш, уларни тарбиялаш имкониятлари бор. Хусусан, rassomлар томонидан ишланган санъат асарларида машҳур турли касб эгалари, бундай кишиларнинг иш жараёнлари (меҳнат қахрамонлари, хизмат кўрсатган кишилар, милиция ходимлари, олимлар, ўқитувчилар, инженерлар, деҳқонлар в.б.) акс этади. Шунингдек, тасвирий санъат ҳақида олиб бориладиган суҳбатларда машҳур ҳалқ амалий санъати усталари, rassomлар, ҳайкалтарошларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида фикр юритилади.

Тасвирий санъат дарсларида болалар турли касб ва ҳунарлар ҳақида расм ишлайдилар (Масалан, «Новвой», «Фермада», «Қурилишлар», «Олимлар мунозараси», «Циркда», «Отчопарда», «Фазога парвоз», «Спорт ўйинлари», «Чавандоз», «Кураш», «Саҳнадаги ўйин», «Ҳайвон ўргатувчи», «Ҳосилни йиғиб териб олиш», «Дорбозлар», «Автопойга», «Сехргар», в.б.). Бундай машғулотларда ўқитувчи сўзсиз сувратда акс этган касбларнинг мазмунига тўхталарди ҳамда бу касбларга болаларни қизиқтиради.

Ҳозирги кунда болалар орасида мактабдан бешиш ҳолларининг кўпайиш кузатилмоқда. Болаларда маданиятнинг пастлиги, уларнинг бўш вақтларини санъат, спорт билан тўлиқ банд қилиб қўйилмаганлиги, ўқиш жараёнида болаларнинг қизиқишларининг ҳисобга олинмаганлигининг, болаларга мактабда инсон эмас меҳнат ресурслари сифатида қараб келинаётганлиги оқибатидир. Бундан буён таълимни инсонпарварлаштириш талабаларидан келиб чиққан ҳолда тоталитар тузум даврида мактабларда ва мактаблардан ташқари муассасаларда рўй бериб келган камчиликларни бартараф этиш,



таълим ва тарбия ишларини миллий истиқлол мафкураси асосида амалга ошириш ҳозирги куннинг асосий вазифалардан бўлиб турибди. Шунингдек яхши билиш лозимки, бадиий маданият асосларидан ҳисобланган тасвирий санъат, бу болаларнинг кўнгил очувчи ўқув предмети эмас, балки болаларга ижодкорликни, тафаккурни бадиий-эстетик дидни, фаҳм-фаросатни ўстирувчи, шунингдек кўзга тўғри келадиган ва ҳаётни билишга, уни ўзгартиришга, эзгуликни ёвузликдан фарқлашга ўргатувчи ўқув предмети дур. Тасвирий санъат ижодий ишлар жараёнида ўз вазифаларини бажара бориб болаларга қалб кўтаринкилигини олиб келади, уларнинг бадиий эҳтиёжларини қондириш имконини беради.

### 3-БОБ

## ТАСВИРИЙ САЊЪАТ

## МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ МАЗМУНИ

### 3.1. Тасвирий санъат давлат таълим стандарти

**Мазмуни:** 1.Тасвирий санъатдавлат таълим стандарти. 2.Стандартнинг моҳияти 3.Тасвирий санъатдан мажбурий минимал талаблар. 4.Стандартнинг бажарилишини назорат қилиниши. 5.Стандартда тасвирий санъат предметининг мақсад ва вазифаларининг белгила-ниши. 6.Стандартда тасвирий санъатдан фаолият тур-ларини акс этиши. 7.Стандарт материалларини та-лаблар даражасида бажарилиши.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 август қарорига кўра 1999-2000 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим мактабларида барча фанлар қатори тасвирий санъат таълими бўйича ҳам давлат стандартлари жорий этилди. Давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиши аввало Ўзбекистоннинг мустақиллиги, унинг жаҳон ҳамжамиятига фаол кириб бораётган-лиги билан боғланади.

Ҳозирда ҳар бир фан бўйича, шу қатори бадиий-эстетик туркумдаги фанлардан давлат таълим стандартларининг яратили-ши, уни ҳукумат томонидан тасдиқланиши катта илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган воқеадир. Мазкур стандартлар Ўзбекистон тарихида биринчи бор яратилиши бўлиб, у республикамиз мактаб-ларида таълимни юқори илмий-методик асосда ташкил этиш ҳамда уни жаҳон стандартлари даражасига олиб чиқишга шароит ярата-ди.

Стандарт давлат томонидан қўйилган талабларни тўғри ва бе-нуқсон бажариш учун имкон бериши билан бир қаторда амалиётда қўлланиб келаётган дастур, дастур, дарслик ва методик қўлланма-лардаги камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш ҳамда уни ўқити-лишини талаблар даражасини ташкил этиш имконини ҳам беради. Шунингдек, у мактабларда таълим ишларини назорат қилувчи таш-килотлар учун ҳам асосий ҳужжат вазифасини ўтайди.

Давлат стандартига кўра тасвирий санъат таълими мазмуни

бошланғич синфларда қуйидаги тўрт йўналишда баён этилган:

1. Борлиқни идрок этиш.
2. Бадиий қуриш-ясаш.
3. Натурага қараб тасвирлаш.
4. Композицион фаолият.

Бешинчи-еттинчи синфларда эса у қуйидаги уч йўналишда ўз аксини топган:

1. Санъатшунослик асослари.
2. Натурага қараб тасвирлаш.
3. Композицион фаолият.

Мазкур йўналишлар бўйича тасвирий санъат ўқув предметини ўқитишда ҳар бир ўқитувчи асосий эътиборни нималарга қаратилишини биллиб олиши керак бўлади. Тасвирий санъатни ўқитишда ўқитувчининг эътибор бериши лозим бўлган асосий жиҳатлар қуйидагилардан иборат:

1. Ўқувчиларни борлиқдаги (теварак-атрофдаги) ва санъат асарларидаги нафосатни кўришга, идрок этишга ва ундан завқланишга ҳамда қадрлашга ўргатиш.

2. Болаларни ижодий, абстракт, мантқиқий фикрлашга, айниқса ижодий қобилиятлари ва фантазияларини ўстиришга йўналтириш.

3. Тасвирий, амалий, меъморчилик санъатлари юзасидан назарий, бироқ умумий, элементлар билимлар бериш.

4. Ўқувчиларда кузатувчанлик, кўз хотираси, чамалаш, фазовий тасаввур каби шахс учун муҳим бўлган сифатларни ўстириш.

5. Расм ва нақш, ҳайкал ишлаш юзасидан тасвирий малакаларни ўстириш.

6. Эстетик ҳис-ҳаяжонни тарбиялаш ва ривожлантириш.

7. Санъатга қизиқишни ўстириш ва муҳаббатни тарбиялаш.

Бу вазифалар мактабда тасвирий санъат дарсини олиб борувчи ҳар бир ўқитувчини мутахассис бўлишлигини талаб этади. Чунки, стандарт мазмуни мутахассис ўқитувчилар учун мўлжаллаб тузилган.

Тасвирий санъат таълими давлат стандарти санъатнинг уч тури-тасвирий, амалий ва меъморчилик санъатлари мазмунини акс эттирган бўлиб, у аввало миллий ўзбек санъатини, унинг бадиий анъаналарини, айрим машҳур ўзбек тасвирий, амалий, меъморчилик санъатлари усталарининг ҳаёти ва ижодини, Ўзбекистонда санъ-

атнинг бу турлари ривож топган марказларни, Ўзбекистондаги йирик санъат музейларини билиш тасвирий санъат ўқув предметини вазифаларидан бири эканлигини қайд қилади. Бундан мақсад миллий санъат воситасида ўқувчиларга бадиий таълим бериш билан бир қаторда уларда шахсни эстетик, ахлоқий ва меҳнат тарбиясини амалга оширишдан иборатдир. Миллий ўзбек санъатини чет эл ва жаҳоннинг ҳозирги замон илғор санъатига қараганда кенгроқ ва чуқурроқ ўргатишдан мақсад ҳар бир ўзбек ўқувчиси ўз ҳалқининг тарихини, адабиётини билиши шарт эканлиги каби, унинг санъатини ҳам нисбатан кенгроқ билишига эришишдир. Миллий санъат таълим мазмунида пойдевор бўлиши лозим.

Уларни ўрганмасдан туриб, ёшларимиз бадиий маданиятли шахс бўла олмайди. Акс ҳолда миллий қобиққа ўралашиб қолиш оқибатида улар жаҳон стандартлари даражасига чиқа олмайдилар. Айниқса ёшларимиз қадимги Миср, Юнонистон, Ҳиндистон меъморчилиги, Афғонистон, Ироқ, Туркия миниатюра рангтасвир асарлари, Европада Уйғониш даври тасвирий санъати, ривожланган Ғарб мамлакатларининг ҳозирги замон тасвирий ва меъморчилик санъати намуналарини ўрганмасдан ва билмасдан туриб маданиятлашган шахс бўлиш мумкин эмас.

Давлат таълим стандартлари талабларини фақат ўқув режаларида ажратилган вақт ҳажмида муваффақиятли бажариб бўлмайди.

Чунки, юқорида қайд қилинганидек, таълим мазмунига доир ўқув-методик мажмуалар, моддий техникавий асос, юқори малакали ўқитувчиларнинг етишмаслиги, мавжуд муаммони бирмунча мураккаблаштиради. Бу эса ўқувчиларнинг дарсдан ва мактабдан ташқари мустақил ишларини ташкил этишни самарали шакллари ва йўлларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишни тақозо этади. Мазкур муаммо бевосита ўқувчиларнинг мустақил ишлари учун тегишли адабиётлар, хрестоматик материаллар, моддий-техникавий материаллар, ўқув ва методик йўл-йўриқларни ишлаб чиқиш билан боғланган. Ҳаттоки, бу масалада ота-оналарнинг вазифалари, иш мазмуни ҳақида ўйлаб кўриш, уларга маълум йўл-йўриқ ва тавсиялар бериш фойдадан ҳоли эмас. Масалага ана шундай ёндашув таълим стандартларида кўрсатилган билим ва малакаларнинг минимум даражасини ўқувчилар томонидан ўзлаштиришгагина таъсир кўрсатибгина қолмай, балки уни максимумга

кўтариш имконини ҳам беради.

Маълумки, болаларнинг таълим стандартлари асосида олган билим ва малакаларини қандай ўзлаштирганлик даражасини ҳам текшириб борилади. Бу эса стандартни синфлар бўйича ишлаб чиқиш лозимлигини тақозо этади.

У тасвирий, амалий, меъморчилик санъатлари бўйича атама ва иборалар, тушунча ва маълумотлар, ўзлаштирилиши лозим бўлган малакаларни ўз ичига олади. Бу материалларни болалар томонидан ўзлаштирилишини назорат қилишда эса уларнинг билимларини текширишга доир тест материалларини, болалар томонидан бажарилган тасвирий ишларни баҳолаш мезонлари ва бошқа материаллар тайёрлаш алоқида ақамият касб этади. Улар ўз ўрнида ўқувчиларнинг билим ва малакаларини тез ва осон баҳолаш имконини беради.

Давлат таълим стандартида тасвирий санъат таълими мазмунига бўлган мажбурий минимум талаблар баён этилган. Ўқитувчи уни бажариши шарт. Лекин ўқитувчи шу билан чегараланиб қолмасдан уни чуқурлаштиришга ҳаракат қилиши лозим. Бироқ таълим мазмунини юқори даражага олиб чиқаман деб болаларга керагидан ортиқ талаблар қўйиш, уларни қийнаш ҳам мумкин эмас. Шунини ҳам ёддан чиқармаслик лозимки, мактабларимиз номи умумий ўрта таълим мактаби деб аталади. Демак мактабларимизда умумий, элементлар билим ва малакалар берилиши лозим.

Давлат таълим стандартлари бўйича бошланғич мактабларнинг тўртинчи синфини битирувчи ўқувчилар бевосита кўйидагиларни билишлари лозим:

Тасвирий санъат дарсларида ишлатиладиган иш қуроллари ва материаллари — альбом, қалам, мўйқалам, стек, бўёқ, политра, гуашь, акварел;

— ранг номларини — оқ, қора, қизил, сариқ, мовий, яшил, зарғалдоқ, бинафша, зангори, жигарранг, кулранг, оч қизил, тўқ қизил, мошранг, сабза, пушти, қирмизи, пистоқи, ложувард, доларуй;

— тасвирий санъат дарсларида ишлатиладиган ўқув қуроллари билан тўғри муносабатда бўлиш қоидаларини;

— 15 та атрофида ижод қилувчи рассом ва ҳайкалтарошларнинг исми ва фамилиясини ҳамда уларни асарларининг номларини;

— 4-5 та лойдан ҳалқ ўйинчоқлари ва кулолчилик буюмларни

яратувчи кулолларнинг исми ва фамилиясини;

– асосий ва ҳосила ранглари, хроматик ва ахроматик ранглари, илиқ ва совуқ ранглари;

– нақш турларини-йўлсимон нақш, тўртбурчак нақш, квадрат нақш, доира нақш;

– амалий санъатда ишлатиладиган гул номларини-барг, дугбарг, себарг, ойгул, бодом, шобарг, пахтагул;

– амалий санъатда ишлатиладиган атамаларни – рассом, ранг, расм, шакл, аппликация, ритм, симметрия, асимметрия, суврат, формат;

– бадиий қуриш-ясаш ишларида ишлатиладиган – бадиий, табиий ва ташландиқ материалларни.

Бошланғич мактабларнинг тўртинчи синфларини битирувчи ўқувчилар кўйидаги малақа ва кўникмаларни ўзлаштиришлари лозим:

Оддий қалам, мўйқалам, стек, қайчи билан ишлай олиш; тўғри, оғма ва эгри чизиқлар чизиш; оддий нарсаларнинг шаклини қалам, мўйқалам стеклар билан тасвирлай олиш; маълум ўлчовдаги чизиқни бир нечта тенг бўлақларга бўлиш; акварель ва гуашь бўёқларидан тўғри фойдалана билиш, бўёқни эритиш, аралаштириш; асосий ранглари аралаштириш орқали ҳосила ранглари олиш; энг содда нақшлар чиза олиш; расм, суврат ва иллюстрацияларда ифодаланган табиат ҳодисалари (йил фасллари, об-ҳаво), қуш, ҳайвон ва одамларнинг характерли ва ҳаракатли ҳолатда тасвирлай олиш; манзара ва турмуш жанридаги сувратлар ҳақида элементар фикр юритиш (менга ёқди, ҳаммасидан ҳам ёқди, ёқмади кабилар); лой ва пластилин, табиий, бадиий ва ташландиқ материаллар билан ишлай олиш; белгиланган қоғоз юзасини текис бўяш; табиат манзараларидаги гўзалликни идрок этиш ва ундан завқланиш; ҳайкал ишлаганда улардаги образ ва нарсаларни ўзаро боғлиқ ҳолда тасвирлаш; лойдан ишланган ўйинчоқларни гуашь бўёғи билан бўяй олиш; расм ишлаганда қоғоз ўлчови ва форматини тўғри олиш; теварак-атрофдаги табиат манзаралари ва меҳнат жараёнларидаги гўзалликларни кўра олиш ва улардан завқланиш; тавсия этилган эртақ ва ҳикоялар мазмуни асосида расм ва ҳайкал ишлаш: нарсаларни расмини чизмасдан туриб уларни шаклини мўйқалам билан тегизиб олиш йўли билан ҳосил қилиш; ижодий тарзда йўлсимон, квадрат, тўртбурчак, доира шаклида нақшлар ишлай

олиш; нақшлар ишлашда геометрик ва ўсимликсимон унсурлардан бемалол фойдалана олиш; нарса ва ҳодисаларнинг фазовий ҳолатини расмда тасвирлай олиш; бола ўзи ясаган ҳайкалга безак унсурларини стек ёки қўл билан ҳосил қила олиш; мавзу асосида расм ишлаганда улардаги асосий ва қизиқарли унсурларни композицияда жой, ўлчов ва ранг жиҳатдан ажратиб тасвирлаш.

Еттинчи синфни битирувчи ўқувчилар куйидагиларни билишлари лозим:

Тасвирий санъат юзасилан:

– рассомларнинг асосий иш қуроллари ва ишлатадиган материалларини – молберт, этюдник, холост, мўйқалам, мастехин, бўёқлар, (ёғли, акварель, гуашь, в.б.) пастел, соус, угол, сангина в.б.;

– ҳайкалтарошларнинг асосий иш қуролари ва ишлатадиган материалларини – дастгоҳ, болға, стек, лой, тош, ёғоч, в.б.;

– графикачи рассомларнинг иш қуроллари ва ишлатадиган материалларини;

– рангтасвирда ишлатиладиган атамаларни (натура, фон, перспектива, чизиқли перспектива, ранг перспективаси, ҳаво перспективаси, уфқ чизиғи) эскиз, ёруғ, соя, блик, рефлекс, шахсий соя, тушувчи соя, жанр, композиция, репродукция, автопортрет, фреска, мозаика, витраж, дастгоҳли рангтасвир, миниатюра рангтасвири, монументал рангтасвир, декоратив рангтасвир, қоралама, ранглама, этюд, оригинал, слайд, колорит, гамма, мумтоз санъат; -ҳайкалтарошликда ишлатиладиган айрим атамаларни-дастгоҳли ҳайкалтарошлик, монументал ҳайкалтарошлик, пластик ҳайкалтарошлик, истироҳат-боғ ҳайкалтарошлиги, реал ҳайкалтарошлик, декоратив ҳайкалтарошлик, рельеф, горельеф, барельеф;

– графикада ишлатиладиган асосий атамаларни-гравюра, линограюра, литография, ксилография, эстамп, газета журнал графикаси, карикатура, плакат, зарҳал ҳарф, бошбезак, якуний безак, зарварақ, иллюстрация, этикетка, унаковка;

– Ўзбекистон худудидан топишган энг қадимги рангтасвир ва ҳайкалтарошлик намуналарини;

– Ўзбекистоннинг ҳозирги замон тасвирий санъатини;

– тасвирий санъатнинг жанрларини-мангара, турмуш, натюр-морт, тарихий, батал, портрет, афсонавий, анимал, марина;

– ранг номларини - барикарам, гулнор, нилгун, сийбоб, малла, садаф, ложувард, шингоб, новвоти, ахмар, тўтиё, фируза, новшадил, тўтигий, нилоби, тилла ҳал, кумуш хил;

– Ўзбекистон ва жаҳоннинг дунёга машҳур 5-6 рассомнинг ҳаёти ва ижодини;

– рангтасвир, ҳайкалтарошликда, графикада ижод қилувчи 50-60 рассом, ҳайкалтарош, графикларнинг исми ва фамилияси ҳамда уларнинг асарларини;

– тасвирий санъатдаги асосий оқимларни;

– Шарқ миниатюра рангтасвири мактабларини;

– Моварауннахр минатюра рангтасвири мактабларини;

– Ўзбекистон ва жаҳоннинг машҳур тасвирий санъат музейларини.

#### Амалий-безак санъати юзасидан:

Амалий безак санъати усталарининг асосий иш қуроллари ва уларнинг ишлатадиган материалларини;

– амалий безак санъатида ишлатиладиган айрим атамаларни - наққошлик, ганчқорлик, ёғоч ўймақорлиги, мисгарлик, каштачилик, сополдўзлик, зардўзлик, кўпбарг, чиннигул, гуллола, бодомгул, марғула, гулсафсар, қўшбанд, стилизация, ислимий, гирих, гулли гирих, номоён, очиқ нақшлар, чексиз нақшлар:

– амалий безак санъатида ижод қилувчи машҳур 10-15 усталарнинг фамилиялари ва исмларини;

Жаҳондаги машҳур 3-4 амалий санъат устасининг ҳаёти ва ижодини;

– Ўзбекистонда ҳалқ амалий безак санъати ривожтопган марказларни; Тошкентдаги Ўзбекистон ҳалқ амалий санъати музейини.

#### Меъморчилик санъати юзасидан:

– меъморчиликда ишлатиладиган асосий иш қуроллари ва материалларни;

– меъморчиликда ишлатилидагн айрим атамаларни - меъмор, жоме, минора, ровоқ, мезана, арк, гумбаз, макет, муқарнас, наво, кошин, мақбара, мехроб, пештоқ, пойдевор, васса (тоқи), пойусгун, эхром, ордер, готика, романтизм, баракко, классицизм, реннесанс, регистон, интерьер, экстерьер;

– Ўзбекистон худудидан топилган энг қадимги меъморчилик обидаларини – Афросиоб, Варахша, Болалик тепа, Тупроқ қалъа в.б.



- Ўзбекистоннинг IX-XIX аср ва ҳозирги замон машҳур меъморчилигини;
  - Жаҳоннинг қадимги ва ҳозирги замон машҳур меъморчилигини;
  - меъморчиликда ижод қилувчи 10-15 меъморларнинг исми ва фамилиясини;
  - Жаҳондаги машҳур 2-3 меъморнинг ҳаёти ва ижодини;
- Еттинчи синфни битирувчи ўқувчилар кўйидаги малака ва кўникмаларни ўзлаштиришлари лозим:
- теварак-атрофни ранг-баранг шаклларга ниҳоятда бой ва гўзал эканлигини ҳис этиш: тасвирланган предметларнинг шакли, тузилиши, ранги, ўлчовлари, фазовий ҳолатини мустақил таҳлил қила олиш;
  - тасвирий санъат асарларини идрок этиш ва уларни оддий тарзда таҳлил қилиш (мазмуни, ғояси, ифода воситалари);
  - ҳар бир тасвирий санъат асарини санъатнинг қайси тур ва жанрига хос эканлигини мустақил аниқлай олиш;
  - 2-3 нарсдан ташкил топган натюрмортнинг ўзига қараб расмини ишлаш;
  - ёруғсоя, рангшунослик, перспектива қонунлари асосида тасвирлай олиш;
  - мавзу асосида расм ишлаш учун қизиқарли мазмун танлай олиш;
  - адабий асарлар учун Шарқ мўъжаз рангтасвири услубида расм чиза олиш;
  - ҳайкалтарошликда одам, ҳайвон ва нарсаларнинг тузилиши, шакли ва уларнинг характерли хусусиятлари, ўлчовлари ва ўлчов нисбатларини кўра олиш;
  - ҳайкаллар ишлашда ҳайвон ва одам шакллариининг характерли хусусиятларини тасвирлай олиш;
  - лой ёки пластилин билан одам ва ҳайвонларни шакл, ўлчов ва ўлчов нисбатларини ҳисобга олган ҳолда ҳайкал ишлаш;
  - одам ва ҳайвон ҳайкалларини ҳаракатда тасвирлий олиш.
  - амалий санъат асарларини мустақил таҳлил қила олиш;
  - амалий санъат буюмларини кузатганда уларнинг турини аниқлай олиш;
  - амалий санъат буюмлари эскизини ишлаганда уларнинг функцияси, шакли ва безак бирлигини ҳисобга олиб тасвирлаш;

- амалий безак ишларида тегишли шаклларни стилизациялаш;
- илиқ ва совуқ колоритди бадий безак ишларини бажариш;
- бир неча бўёқларни аралаштириб мураккаб ранг бирикмаларини ҳосил қилиш;
- меъморчилик бинолари учун лойиха эскизини ишлаш;
- мавзули расмларни ранг ва ҳаво перспективаси асосида тасвирлаш;
- қаламтасвирда нарсаларнинг шаклига мос ҳолда уларни штрихлар ёрдамида тасвирлаш;
- бўёқлар билан ранглама, қалам билан қораламалар ишлаш.

### 3.2. Тасвирий санъат дарсларининг мазмуни

**Мазмуни:** 1.Тасвирий санъат машғулотлари мазмунини давлат таълим стандарти билан боғлиқлиги. 2.Тасвирий санъат машғулотларининг турлари. 3.Тасвирий санъат машғулотларининг ҳар бир турининг вазифаси ва мазмуни. 4. 1-4 ва 5-7 синфларда тасвирий санъат машғулотларининг ўзаро фарқи.

Умумий ўрта таълим мактабларида тасвирий санъат ўқув предметининг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ва таълимнинг давлат стандартларига асосланган ҳолда таълим мазмуни аниқланади. Тасвирий санъат дастурида унинг қуйидаги беш тури белгиланган:

1. Борлиқни идрок этиш (1-4 синфларда). 2. Бадий қуриш-ясаш (1-4 синфларда). 3. Санъатшунослик асослари (5-7 синфларда). 4. Натурага қараб тасвирлаш (1-7 синфларда). 5. Композицион фаолият (1-7 синфларда).

Борлиқни идрок этиш ўқувчиларнинг эстетик идроки, диди, мазкур соҳага доир тушунчалари, тасаввур ва хотираларни ўстиришда муҳим роль ўйнайди. Борлиқни идрок этиш машғулотлари одатда мавзули композицияларни бажаришдан олдин ўтказилиб, унда табиатдаги ва теварак-атрофдаги нафислик ва гўзалликни кўра билиш, идрок этиш натижасида олинган тассуротлардан амалий бадий-ижодий фаолиятларда фойдаланиш назарда тутилади. Шунингдек, табиатга қилинган саёҳат жараёнида зарур ҳолларда айрим объект ва ҳодисаларни қалам, бўёқ ва бошқа бадий

материаллар ёрдамида хомаки расмлари ҳам ишланади.

Бундай дарсларда болалар синф ва синфдан ташқарида ўсимликлар, ҳайвонлар, қушлар, балиқларни кузатадилар, табиатнинг турли фасллардаги кўринишлари, кафияти (қувончли, ғамгин, ўйчан ва ҳоказо) ҳақида тасаввурга эга бўладилар. Бошланғич синфларда борлиқни кузатиш ва улар ҳақидаги суҳбатлар ўқувчиларга ҳаётдаги баъзи бир ҳодисаларни кенгроқ билиб олишга ёрдам беради. У нарсаларнинг шакли, тузилиши, ранги кабиларни маълум миқдорда таҳлил қилиш ва умумлаштиришдек муҳим сифатларни ўстиришга ҳам имкон беради.

Табиат ва борлиқни кузатиш жараёнида болаларни уни севишга, асрашга ўргатилади. Табиатта қилинган саёҳатларда уларнинг айрим жиҳатлари фаслларга боғлиқ ҳолда ўзгариб туришлиги болаларга тушунтирилади. Шунингдек, бунда болаларни фазоий тасаввурлари ҳам ўстирилади ва планлик, чизиқли ва ҳаво перспективасига ҳам эътибор берилади. Борлиқни кузатиш бевосита тасвирий ижодий фаолият билан боғлиқ эканлиги, борлиқни билмасдан туриб сифатли тасвирий ишларни бажариш мумкин эмаслиги болалар онгиги етказилади.

Борлиқни идрок этиш машғулотларини вазифаларига риоя қилган ҳолда қуйидаги мазмунда машғулотлар ўтказиш назарда тутилади: 1. Куз, қиш, баҳор фаслларида табиатни ўзига хос хусусиятларини ўрганиш; 2. Гуллар, ҳашоратлар, декоратив балиқ ва қушларни кузатиш; 3. Табиат мўъжизалари, баҳорги ва кузги ишлар билан танишиш в.б.

Юқорида қайд қилинганидек, бундай машғулотлардан мақсад болаларни борлиқни билиш, ундаги нарса ва ҳодисаларни ўзига хос хусусиятларини, айниқса, тузилиши, шакли, ранги, ўлчовлари, ўлчов нисбатлари, фазовий ҳолатлари, уларни йил фаслларига қараб ўзгаришларини англаб етишларига эришишдан иборатдир. Ўрганиш зарур бўлган объектларни натурадан кузатишнинг имкон бўлмаган тақдирда ўқитувчи дарсда болаларни санъат асарларининг репродукциялари, слайдлари, фото нусхаларини намоиш этиш орқали ўз мақсадига эришади.

Бошланғич синф тасвирий санъат дарсларида ўқувчиларнинг қизиқишларива ижодкорликларини ошириш ва рассомчиликда ишлатиладиган турли материаллар билан кенгроқ таништириш мақсадида балий қуриш-ясаш ишлари ҳам олиб борилади.

Тасвирий фаолиятнинг бу қизиқарли тури учун дасгурда алоҳида соатлар ажратилган бўлиб, улар машғулотлар мазмунини янада бойитади. Қуриш-ясаш учун асосан уч хил материаллардан фойдаланиш назарда тутилади:

1. Бадиий материаллар (рангли қоғозлар, фольга, гулқоғозлар, пластилин, лой в.б.).

2. Табиий материаллар (дарахт барглари, шохлари, илдишлари, пўстлоғлари, мева ва сабзавотларнинг уруғлари, рангли тошчалар, буғдой ва арпа поялари в.б.).

3. Ташландиқ материаллар (ичимлик ва дори дармондан бўшган синтетик идишлар, гугурт қутичалар, пўкак, пенопласт, идиш қопқоқлари в.б.)

Бадиий қуриш-ясаш машғулотларида болаларни қайчи билан ишлаш, клей ёрдамида елимлаш, қоғозларни нарсалар шаклига мос ҳолда буклаш, ўраш, айрим бадиий ташландиқ ва табиий материалларни бир-бирларига қўшиш орқали тасвир яратиш каби малакалар ҳосил қилинади. Бу малакаларни ҳосил қилиш бошланғич синфлар дастурида бир қатор топшириқларни бажаришни назарда тутади. Улар қуйидагилардан иборат:

Турли шаклдаги қаламдон, қутича, ҳаво шари, байроқча, чойнак, лаган, машина, самолёт, ракета ва шу каби нарсаларни рангли қоғоз ва картондан тасвирини ясаш; ҳашоратлар – тилла қўнғиз, ниначи, капалак в.б.ларни рангли қоғозларни қирқиш орқали ҳосил қилиш; рангли қоғозларни қирқиш, буклаш ва елимлаш йўли билан осма ўйинчоқлар тайёрлаш; табиий материаллар ёрдамида балик, ҳашорат, қуш, ҳайвонларнинг тасвирларини ҳосил қилиш; рангли қоғоз, бадиий ва ташландиқ материаллардан аппликация, коллаж, папье-машье, аралаш усулда мазмунли композициялар (масалан, «Кўчада», «Космодромда»,) ишлаш; ташландиқ материаллар-сим, ип, каноп, газлама парчалари, пласмасс идишлар, гугурт қутичалари, пўкак, пенопласт, идиш қопқоқлари ёрдамида унча мураккаб бўлмаган транспорт (қайиқча, пирпирак, машина, трактор в.б.), қушлар (қалдирғоч, тўти ғоз, чумчук, лайлак, ўрдак, саъва в.б.), ҳайвонлар (тулки, бўри, қуён, айиқ, йўлбарс, ит, шер в.б.) нинг ўйинчоқ тасвирларини ишлаш; қуритилган барглар, рангли қоғозлар, шохлар ёрдамида очилган гул, гуллаган дарахт шохчаси тасвирини тайёрлаш в.б.

Бадиий қуриш-ясаш ишларида энг муҳим вазифалардан бири

бадий, ташландиқ материалларнинг ўзига хос жиҳатларини (қаттиқ, юмшоқ, мўрт, эгилувчан, оғир, енгил, оч, тўқ, в.б.) билиш ҳамда улар билан ишлаганда ўлчов ва ўлчов нисбатларини, тузилиши, шакли рангларини тўғри белгилаш талаб этилади.

Шунингдек, қуриш-ясаш ишларида қўлланадиган ўқув қуроллари ва материалларни билиш, табиий, бадий, ташландиқ материалларни бир-бирларидан фарқлай олиш ҳам талаб этилади.

Нарсалар шаклини кўра олиш ҳам бадий фаолиятнинг бу тури вазифасига киради. Бундай ишларни бажарганда иш жойини озода батартиб тутабилишга ҳам ўргатилади.

Санъатшунослик асослари бўлими ўқув предметининг муҳим қисмларидан биридир. У дастурда 5-7 синфларда мустақил бўлим сифатида ўзининг ўқув вазифалари тизимига эга ва у тасвирий, амалий-безак, меъморчилик санъатлари материалларидан ташкил топади. Мазкур бўлимнинг мақсади ўқувчилар томонидан санъат асарларини онгли идрок этиш ва баҳолаш, унинг жамият ва одамлар ҳаётидаги аҳамиятини тушунишга ёрдам беришдан иборатдир.

Санъатшунослик асослари бўлими ўқувчи шахсининг эстетик ривожига кўмаклашиб, уни жаҳон маданиятининг буюк дурдоналари ва санъат асарлари орқали теварак-атрофдаги ҳаёт гўзалликлари билан таништиради, бадий дидини шакллантиради, санъатни севишга ўргатади.

Ўқувчилар билан санъатшунослик асослари бўйича ўтказиладиган машғулотларда улар мумтоз маданий мерос билан таништириб борилади, унинг буюк анъаналари ва санъатнинг ҳалқ учун хизмат қилиши, санъатдаги турли оқимлар ва йўналишлар тўғрисида тушунчалар ҳосил қилинади.

Тасвирий ва амалий санъат асарларини идрок этишга оид ўқув материаллари ўқувчиларнинг амалий ишлари билан боғлангандир. Санъат асарларининг нусхаларини болаларга кўрсатиш ва уларнинг таҳлили ўқувчиларда санъатга қизиқиш уйғотади ва уларни шу соҳага йўллайди. Асарларни намойиш этишда болалар унда ифодаланган гоя, асосий фикр ва қўлланилган бадий-тасвирий воситалар билан таништирилади.

Декоратив-амалий санъатга доир санъатшунослик асослари дарсларида амалий-безак санъати, ҳалқ амалий-безак санъати, ўзбек ҳалқ амалий-безак санъати, либослар, ўзбек ва чег эл ҳалқларининг миллий либослари ҳақида билимлар бериш, ҳалқ усталари

ишлатадиган иш қуроллари ва материаллари билан таништириш назарда тутилади. Бундай дарсларда Тошкентдаги ҳалқ амалий санъати музейи ва Республикамиздаги ҳалқ амалий санъати ривож топган марказлар, Ўзбек ҳалқ амалий санъатининг машҳур номдондалари ҳисобланган Уста Ширин Мурадов, Ота Полвонов, Ҳамро Раҳимова қабилар ҳақида ҳам суҳбатлар ўтказиш режалаштирилган.

Меъморчилик санъати борасида эса меъморчилик санъати ва уни атроф-муҳит билан боғлиқлиги, меъморчиликда гўзаллик, мақсадга мувофиқлик ҳақида тушунчалар бериш, индивидуал ва ижтимоий меъморчилик, уларнинг турлари билан таништириш, биноларнинг вазифаси ва уларнинг эстетик ечимининг ўзаро боғлиқлиги, фасад ва интерьердаги декоратив безакларнинг характери, меъморчиликда қўлланиладиган асосий атамалар ҳақида фикр юритилади. Биноларнинг ташқи ва ички бадий безакларининг характери, уларда ишлатиладиган материаллар билан ҳам таништирилади.

Бу вазифаларни бажариш учун Ўзбекистон ҳудудидаги энг қадимги меъморчилик обидалари, Ўзбекистон IX–XIX аср меъморчилиги, Шарқ ва Ғарб мамлакатларида Уйғониш даври меъморчилиги, Ўзбекистон ва жаҳоннинг ҳозирги замон илғор меъморчилиги юзасидан машғулотлар олиб борилади.

Тасвирий санъатдан давлат таълим стандартларида қайд қилинганидек, болаларга санъатшунослик асослари қуйидагилар ҳақида билимлар беришни назарда тутди:

1. Тасвирий санъат-санъатнинг бир тури эканлиги ва унинг кишилар ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти. Ўзбекистон ҳудудида тасвирий санъатнинг тараққиёти (Афрасиоб, Варахша, Тупроқ қалъа в.б. жойлардан топилган тасвирий санъат намуналари). Тасвирий санъатнинг турлари (рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик) ва жанрлари (манзара, турмуш, натюрморт, портрет, тарихий, батал, анимал, афсонавий, марина). Рангтасвир турлари-дастгоҳли рангтасвир, монументал рангтасвир, миниатюра рангтасвири. Рангтасвир техникаси-фреска, мозаика, витраж.

2. Ҳайкалтарошлик турлари-дастгоҳли ҳайкалтарошлик, декоратив ҳайкалтарошлик, монументал ҳайкалтарошлик; Рельеф(барельеф, горельеф); юмалоқ ҳайкаллар.

3. Графика турлари-дастгоҳли графика, эстамп, плакат, китоб

графикаси; газета-журнал графикаси; тарғибот ва ташвиқот графикаси; этикетка, упаковка, в.б.

4. Моварауннаҳр миниатюра мактаби; Шарқ миниатюра мактаблари; Европада Уйғониш даври тасвирий санъати; Ўзбекистоннинг ҳозирги замон тасвирий санъати; Жаҳоннинг ҳозирги замон илғор тасвирий санъати; жаҳон тасвирий санъатидаги асосий оқимлар; дунёнинг энг йирик тасвирий санъат музейлари; Ўзбекистоннинг энг йирик тасвирий санъат музейи. Жаҳонга машҳур энг буюк рассомларнинг ҳаёти ва ижоди (Қамолиддин Беҳзод, Леонардо да Винчи, Ўрол Тансиқбоев, Чингиз Аҳмаров в.б.).

Натурага қараб расм ишлаш машғулотлари нарсаларнинг тузилиши, шакли, ранги, ўлчовлари, уларнинг характерли, типик белгиларини билиш имконини беради. Шу орқали болаларда кутатувчанлик, хотира, эстетик дид, образли тафаккур каби энг муҳим тасвирий малакалар шакллантирилади ва ривожлантирилади. Улар тик, ётиқ, оғма, эгри, тўлқинсимон чизиқларни чизиш, бўёқлар билан тегишли юзани бир меёрда бўяш, оч тусдан тўқ тусга ва аксинча тўқдан очга ўтиш, ўқувчилар тўғри ва эгри чизиқларни тенг бўлақларга бўлиш малакаларни ўзлаштирадилар. Чизилаётган расм мазмунидан келиб чиққан ҳолда қоғоз форматини тўғри танлашни ҳамда расмни қоғозда композицион жиҳатдан тўғри жойлаштиришни ўрганадилар. Шунингдек, расмни босқичлар асосида ишлашни ўзлаштирадилар.

Натурага қараб расм ишлаш машғулотларида ўқувчилар мўйқалам, рангли қаламлар, акварел, гуашь бўёқлари билан ишлаш йўллари ўрганадилар, имкони бор жойларда кўмир (уголь), соус, пастел, сангина каби материаллар билан ҳам иш олиб борадилар.

Амалий ишларда одам, ҳайвон, қушлар гавдасининг тузилиши, улар қисмларининг ўлчов нисбатлари, шакллари тўғри акс эттириш малакалари такомиллаштирилади. Ёруғсоя, рангшунослик, перспектива, композиция юзасидан назарий маълумотлар бериш билан бир қаторда ўзига қараб алоҳида ва натюрморт ишлаш юзасидан амалий ишлар бажарилади.

Тасвирлаш жараёнида натурани таҳлил қилиш, уларнинг қисмларини бир-бири билан таққослаш, умумлаштириш кабилар расм ишловчининг эътибор марказида бўлади. Бунда, айниқса, чизиқлар раволиги, рангларнинг нафис ва муганосиблиги, ифодаланган гўзалликни зеҳнлаб тасвирлай олишга алоҳида эътибор берилади.

Юқорида қайд қилинган вазифалар 1-2 соат давомида ва қисқа муддатда (5-10 дақиқа) бажариладиган қоралама ва рангламалар шаклида амалга оширилади. Бу ишлар алоҳида мавзу асосида ёки машғулот мазмунидан келиб чиққан ҳолда дарснинг бошланиш, ўрта ёки охирида амалга оширилади. Юқорида қайд қилинган вазифалар ва топшириқлар ўсимлик ва дарахт барглари, турли шакл ва рангдаги гуллар, мева ва сабзавотлар, хунармандчилик ва амалий санъат буюмларини алоҳида ва тўп ҳолда натюрморт тарзида расмини чиздириш орқали амалга оширилади.

Натурага қараб бажариладиган топшириқлар қуш ҳайвон, одам тасвирларини тўла ёки хوماки расмини ишлашни ҳам назарда тутди.

Бошланғич синфларда кўпроқ болаларнинг тасвирий имкониятларига мос келадиган байроқча, соат, ҳаво шари, ўйинчоқ машиналар, ниначи, капалак, тилла қўнғиз каби ҳашоратларни расмини ишлаш ниҳоятда қўл келди. Бундай машғулотлар учун натура танлашда ўқитувчи, уларнинг эстетик кўринишига, шакли, ранг жиҳатидан болаларда қизиқиш уйғотадиган бўлишлигига ўз эътиборини қаратади.

**Композицион фаолият** ўз мазмунига кўра уч қисмга бўлинади. 1. Рангтасвир композицияси. 2. Декоратив композиция. 3. Хайкалгарошлик композицияси.

Композицион фаолият ўқувчиларда бадиий-ижодий қобилиятни, ўз фикр ва таассуротларини расмда образли қилиб тасвирлаш ҳамда бадиий дидни ўстиришни мақсад қилиб қўйди.

**Рангтасвир композицияси** машғулотлари теварак-атрофдан олинган кўриниш ва ҳодисаларни унинг барча жанрларида (манзара, турмуш, натюрморт, тарихий, анималистик, афсонавий, марина) амалий ишлар шаклида бажаришни назарда тутди. Бу амалий ишлар бевосита ёруғсоя, рангшунослик, перспектива юзасидан олиб борилладиган назарий билимлар билан боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Бундай амалий машғулотларда болалар натурани кузатиш, (қоралама, ранглама, узоқ давом этадиган расм ишлаш) хотирадан, тасвирий санъат асарларидан олган билим ва малакаларга таянган ҳолда иш олиб борадилар. Ўқувчилар танланган мавзуга кўра унинг элементларини қоғоз юзасида бир-бирига боғлиқ ҳолда жойлаштириш, яхлит композицияни ҳосил қилиш, мавзу



мазмунига мос келадиган композицияни топиш учун бир хил хонаки ишлар, эскизлар ишлайдилар. Композиция тузишда болалар образларнинг типик белгиларини танлаб олиб, қисмларнинг урнини алмаштириб, қўшимча деталлар киритиш орқали композиция мазмунини бойитиш кабиларга алоҳида эътибор берадилар. Унда композициянинг бир бугунлиги, қисмларни, шаклларни, рангларни хиллаштириш ва улар ўртасидаги боғланиш ва контрастлик, асардаги ҳамма воситаларнинг бош ғояга бўйсиндириш каби қонун ва қоидалар ҳисобга олинади.

Рангтаъсвир композицияси дарсларида ўқувчилар бўёқлар билан тасвирлаш, тасвирда асосийни бургтириб кўрсатиш, тасвирда узок-яқинликни ифодалашда перспектива қоидаларига амал қилишни ўрганадилар.

Декоратив композиция машғулотларида бадий-безак ишларида фойдаланиладиган йўлсимон, квадрат, тўртбурчак, доира нақшлар, очик ва ёниқ нақшлар, номоён нақш намуналаридан кўчириш ва мустақил ижодий ишларни ўрганадилар. Бу ишлар бевосита буюм безаги билан боғлиқ ҳолда амалга оширилади.

Шунингдек, таклифнома, табрикномалар тайёрлаш каби амалий ишлар ҳам бажарилади. Миллий ва чет эл халқларининг либослари учун эскизлар тайёрланади, табиий шаклларни стилизациялаш юзасидан мустақил ишлар олиб борилади. Декоратив композиция машғулотларида халқ эртаклари, ҳикоялар, дostonлар, шеърлар мазмунига эскизлар ишлаш катта ўринни эгаллайди. Бунда болалар китобларни ички ва ташқи (муқова) безагига доир (бош безак, якуний безак, зарҳал ҳарф, иллюстрация) ишларни бажарадилар. Декоратив ишларда ўқувчилар буюмларнинг вазифалари, уларнинг шакли, безак элементларининг ўзаро боғлиқлиги ҳақида элементар тушунчаларга эга бўладилар ҳамда юксак маҳорат билан тасвирланган нарсаларни дидсиз, пала-партиш ишланган нарсалардан фарқ қилишни ўрганадилар.

Декоратив композиция дарсларида болаларга ҳар қандай нақшларнинг элементлари теварак-атрофдаги нарса ва ҳодисалардан олингани ҳақида тушунча бериледи. Бинобарин, нақш ишлаш машғулотларида расм ишловчи реал шаклни ўзгартириши, уни соддалаштириши, унга янги элементларни қўшиши мумкинлигини ўрганиб олади.

Шу билан бирга ўқувчилар турли халқларнинг бугунги декоратив-амалий ҳамда дизайн санъати билан танишадилар. Дизайн

ишларида болалар дазмол, чойнак учун таглик, қутича, либос учун безак эскизи, телевизор, кресло, енгил автомобилни янги маркаси эскизларини ишлаш билан шуғулланадилар.

Хайкалтарошлик композицияси машғулотларида одам, ҳайвон, қушларнинг алоҳида ҳайкаллари, спорт, ҳайвонот олами мавзуларида, халқ эртаклари асосида тасвирий ижодий ишлар бажарилади. Декоратив ҳайкалтарошлик ўқувчиларда турли декоратив безакли рельефлар ва ўйинчоқ ҳайкаллар ишлаш орқали махсус билим ҳамда малакалар ҳосил қилади. Ўзбек халқ кулолчилиқ санъати анъаналари асосида «Тойчоқ», «Кўзичоқ», «Бўталоқ» каби ўйинчоқ ҳайкалчалар ишланади. Фантастик мавзуларда, дев, ажларҳо, кентавр, сув париси, хумо қуши кабиларни декоратив ҳайкаллари ижодий тарзда бажарилади. Бундай машғулотларда болалар стек билан ишлаш, лой ёки пластилинни думалоқлаш, босиб япалоқлаш, силлиқлаш, чўзиш усулларини ўрганадилар.

Хайкалтарошлик машғулотларида икки хил иш услуби мавжуд бўлиб, уларнинг биринчиси алоҳида-алоҳида лой ёки пластилин бўлакларини бир-бирига ёпиштириш орқали ҳайкал ишлаш бўлса, иккинчиси яхлит лой бўлагига стек билан ишлов бериш орқали ҳайкал ишлашдир. Буларни болалар якка ёки гуруҳ бўлиб бажарадилар. Композициялардаги образлар сонига қараб, гуруҳдаги болалар сони кам ёки кўп бўлиши мумкин.

### **3.3. Тасвирий санъат бўйича дарсдан ташқари ишлар мазмуни**

**Мазмуни:** 1.Синфдан ташқари ишларнинг мақсад ва вазифалари. 2.Мактабда тасвирий ва амалий санъатдан тўғарақлар. 3.Тасвирий ва амалий санъатдан синфдан ташқари тадбирлар.

Тасвирий санъатдан синфдан ташқари ишлар умумий ўрта таълим тизимида муҳим ўринни эгаллайди. Улар тасвирий ва амалий санъат, меъморчилик каби санъат турлари бўйича амалга оширилади. Булар тўғарақ машғулотлари, учрашув, кўргазма, танлов, санъат кечалари каби қатор йўналишларда ўтказилади ва улар ўқувчиларни бадиий-ижодий эҳтиёжларини қондириш ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш, улардаги индивидуаллик ва интеъдодни

рўёбга чиқаришга хизмат қилади. Шу билан бирга у ёшларнинг бадиий ва эстетик фикр доирасини кенгайтиради ҳамда дидини ривожлантиради.

Тасвирий, амалий санъат ва меъморчиликдан ташкил этиладиган тўғарақлар умумий ўрта таълим мактабларининг барча синфларини қамраб олади. Улар кичик (1-4 синфлар), ўрта (5-7 синфлар), катта (8-9 синфлар) гуруҳлардан ташкил топади ва улар рангтасвир, ҳайкалтарошлик, графика, наққошлик, ганчкорлик, мисгарлик, каштачилик, ёғоч ўймакорлиги, бадиий сополдўзлик, шунингдек, меъморчилик, санъатшунослик тўғарақлари ҳисобланади.

Тўғарақлар санъатнинг у ёки бу тури ёки жанри асосида ҳам ташкил этилиши мумкин. Бу тўғарақларнинг турлари уларга ажратилган соатлар ҳажми ва таълим мазмуни болаларнинг истаклари, майллари ва мактаб имкониятлари, болаларнинг ёшлик хусусиятларидан келиб чиқиб белгиланади.

Мактаб тўғарақларининг мақсад ва вазифалари асосан болаларнинг бадиий-ижодий қобилиятларини ривожлантириш ҳисобланар экан, уларни қатъий режа асосида мунтазам олиб борилиши талаб этилади.

Тўғарақлар ҳар бир мактабда санъатнинг турлари, гуруҳлар бўйича битта ёки бир нечта бўлиши мумкин. Умумий ўрта таълим мактабларида тўғарақ раҳбарининг асосий эътибори қуйидагиларга қаратилади:

– тасвирий ёки амалий санъат тўғарақларига қизиқиши ва қобилияти бор ўқувчилар қабул қилинади ҳамда ҳар бир гуруҳда уларнинг сони 10-15 тадан ошмаслиги лозим. Акс ҳолда улар билан олиб бориладиган ишларнинг сифати пасайиб кетади.

– тўғарақда болаларнинг қизиқиши, идроки, тасвирий малакалари, иждодий қобилиятлари ўрганилиб ва маълум вақт мобайнида синовдан ўтказилиб, қабул қилинади.

Тўғарақларда тасвирий ва амалий санъат таълими мазмуни алоҳида эътиборга лойиқ. Таълим мазмунининг тўғри белгиланиши тўғарақ ишини муваффақиятини таъминлайди. Шунинг учун раҳбар мавжуд дастурларни ўрганиб чиқиши ва шу асосда ўзининг маҳаллий шароитлари, болаларнинг тайёргарлиги ва имкониятлари, моддий-техникавий асоснинг мавжудлигига қараб таълим мазмунига оид ўз режасини ишлаб чиқади.

Тўғарақлар тасвирий ва амалий санъатнинг қайси тури ёки жанри

юзасидан бўлишлигидан қатъий назар, у амалий ва назарий қисмлардан ташкил топади.

Тасвирий санъатдан амалий ишлар бевосита, натурага қараб расм ишлаш, композиция, суврат намуналарини кўчириш каби йўналишларда амалга оширилади.

Амалий санъатга доир (наққошлик, ганчкорлик, ёғоч ўймакорлиги, бадий сополдўзлик, мисгарлик, каштачилик в.б.) тўғарақларда болалар нақш намуналаридан кўчириш, мустақил ижодий композициялар ишлашдан ташқари тасвирий санъат тўғарақларидаги каби натурага қараб расм ишлаш билан ҳам шуғулланадилар. Бундай дарсларда ўқитувчи тасвирлашнинг назарий асослари ҳисобланган ёруғсоя, перспектива, рангшунослик қонунларига ҳам алоҳида эътибор беради. Бу қонун ва қоидаларга доир махсус машғулотлар ташкил этилиши ҳам мумкин.

Рангтасвир, ҳайкалтарошлик ва графика тўғарақлари машғулотида композициялар ишлашга катта ўрин берилади. Болалар тасвирий санъатни барча жанрлари (манзара, турмуш, натюрморт, тарихий, батал, анимал, портрет, афсонавий, марина) бўйича мустақил композиция ишлаш, тайёр санъат асарлари намуналаридан кўчириш билан шуғулланадилар. Улар адабий асарларга иллюстрациялар ишлаш, бадий безак ишларига доир топшириқларни ҳам бажарадилар.

Натурага қараб расм ишлаш машғулотида тўғарақ аъзоларининг ёшлари ёки гуруҳларга қараб табиат маҳсулотлари (барглари, гуллар, мева ва сабзавотлар), уй-рўзғор, меҳнат буюмлари, техника, спорт, санъатга доир предметлар, меъморчилик обидалари, турган ёки ҳаракатдаги одам, қуш, ҳайвонлар расмлари чиздирилади.

Бундай машғулотларда, гипсли геометрик шакллар, резеткалар, одам ва ҳайвонларнинг гипсли шакллари, мева ва сабзавотларнинг муляжлари, қуш ва кичик ўлчовдаги ҳайвонларнинг тулумларини ўқув машғулотида чиздириш кўйилган мақсадга эришишни енгиллаштиради. Юқорида қайд қилинган буюм ва нарсалар топшириқнинг вазифасига қараб алоқида ёки тўп ҳолда, ҳаракатда ёки ҳаракатсиз ҳолатларда чиздирилиши мумкин. Бундай машғулотлар мавзуга оид рассомлар асарларининг репродукцияларини намойиш этиш ва таҳлил қилиш билан қўшиб олиб борилади. Шунингдек, бу машғулотларни узоқ, қисқа муддатда, дарсда, мустақил тарзда амалга оширилади.

Бериладиган топшириқлар мавзу ва мазмун жиҳатда болалар-

нинг ёши, қизиқиши, тасвирий имкониятларига яраша бўлади. Композиция машғулотларини болалар учун қизиқарли бўлишлиги учун манзара ва турмуш жанрларидан ташқари, тарихий, батал жанрларда «Спитамен кўзғолони», «Жиззах кўзғолони», «Муқанна кўзғолони», «Мангубердининг мўғилларга қарши кураши» каби мавзуларда расм ишлаш учун тавсия этилса, афсонавий жанрда «Сув парилари», «Девлар ҳаёти», «Кентаврлар жанги», «Аждарлар билан кураш», «Бошқа сайёраларда» каби мавзулар тавсия этилади. Шу билан бирга анимал жанрдаги она ва бола ҳайвонлар ҳақидаги мавзулар ҳам болаларда катта қизиқиш ҳосил қилади.

Тасвирий ва амалий санъатдан назарий билимлар тўғарақларнинг турига қараб оддий ёки мураккаб мазмун ва ҳажмда берилди. Хусусан:

1. Санъатшунослик тўғарақлари (Тасвирий санъатнинг алоҳида тур ва жанрлари. Ўзбекистон тасвирий санъати. У ёки бу давр тасвирий санъати). Бундай тўғарақларда назарий билимлар болаларга анча кенг ва чуқурроқ ҳажмда берилди.

2. Тасвирий санъат (рангтасвир, ҳайкалтарошлик, графика) тўғарақлари. Бундай тўғарақларда назарий билимлар ўртача ҳажмда берилди.

3. Амалий-безак санъати тўғарақлари. Бундай тўғарақларда назарий билимлар қисқартирилган ҳажмда берилди. Бироқ, халқ амалий санъати тарихи, уни назарий асослари, халқ усталари, амалий санъатда ишлатиладиган иш қуроллари ва жиҳозлар, материаллар, иш услублари, халқ санъати ривож топган марказлар, санъат ва вилоят ўлкашунослик музейлари, улардаги экспонатлар ҳақида кенг маълумотлар берилиши талаб этилади.

Амалий санъатнинг у ёки бу тури бўйича машғулотларда болалар композиция ишлар эканлар аввало уни бевосита амалиёт ёки буюмлар билан боғлаб амалга оширадilar, яъни бажариладиган нақш ёки безаклар у ёки бу буюмнинг бадий безаги учун мўлжалланган бўлишлиги лозим. Бунда болалар буюмнинг вазифаси, материали, шакли, ўлчовлари кабиларни ҳисобга оладilar. Улар буюмнинг вазифаси, шакли, материални ҳисобга олиб, йўлсимон, квадрат, учбурчак, тўртбурчак, доира, кўпбурчак, намоён шаклларида бадий безак ишларини бажарадилар. Бу ишлар амалий санъатнинг турига қараб ҳам эскиз, ҳам бевосита буюм юзасига ишланиши мумкин.

Санъатшунослик асослари тасвирий ва амалий санъатдан барча тўғарак машғулотларида ўрганилади. Санъатшунослик бўйича тўғаракларда санъат тарихи анча кенг ва чуқур ўргатилса амалий тарздаги рангтасвир, ҳайкалтарошлик, графика, шунингдек, амалий санъатнинг турлари бўйича ташкил этилган тўғаракларда уларнинг ҳажми маълум миқдорда тораяди.

Рангтасвир тўғараклари санъатшунослик асослари бўйича тўғарак раҳбари санъатининг кишилар ҳаётидаги аҳамияти, тасвирий санъатнинг тур ва жанрлари, амалий-безак санъати, меъморчилик санъатига доир маълумотларни ҳам беради. Санъатшунослик юзасидан олиб бориладиган ишларни имкони борича амалий машғулотлар билан боғлаб олиб борилиши самаралидир. Шунга қарамасдан тўғарак машғулотларида болаларни музейларга, кўргазмаларга, рассомларнинг устахоналарига олиб борилиши, уларнинг тасвирий-ижодий ишлар танлови ва кўргазмаларини ўтказилиши ниҳоятда зарур. Машғулотларни санъат асарларининг репродукциялари, слайд ва диапозитивлари, диафильм ва кинофильмлар, видеофильмлар намойиш этиш орқали ўтказилиши катта фойда беради.

Шунингдек, болаларни санъат асарларининг репродукциялари ва откриткаларини, рассом, ҳайкалтарошлар ҳақида материаллар тўплашга одатлантириш самаралидир. Шу мақсадда болалар тасвирий санъатнинг тур ва жанрлари, рассом ва ҳайкалтарошлар ҳақида альбом тайёрлашлари мумкин. Бу иш уларни санъатга қизиқишларини оширишда, бадиий фикр доираларини кенгайтиришда, бадиий тафаккурини ўстиришда катта ёрдам беради.

Ўрганиладиган мавзунинг мақсад ва вазифалари, мазмунига қараб машғулотлар расм ишлаш, маъруза, суҳбаг, мунозара, семинар, иншо ёзиш, тестлар ёрдамида ўтказилади.

Имкони борича амалий ишларни турли ўқув қуроллари, бадиий ва табиий материаллар, турли тасвирлаш техникаси ёрдамида ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Бадиий материаллар ҳисобланган акварел, гуашь, соус, пастел, сангина, уголь, рангли қоғозлар, фольга, тушь, табиий материаллардан-барглар, гуллар, мева ва сабзавот урувлари, рангли тошлар, чиғаноқлар, қуш патлари шулар жумласидандир. Бундай материаллар билан ишлаш машғулотларни турли-туман ва қизиқарли бўлишни таъминлайди.

Тўғарак машғулотларига хос бўлган жиҳатлардан яна бири бу расм ишланадиган қоғоз формати, ўлчови, шаклини, рангининг

турлича бўлишлигидир ва улар мавзунинг мазмунига боғлиқ ҳолда танланади.

Тўғарак машғулоти учун мавзу танлашда ўқитувчи ўзидаги мавжуд шарт-шароитлар, ўқувчиларнинг қизиқишлари, турли-туман бўлишлигига эътиборни қаратмоғи даркор.

Тасвирий санъатдан амалий ишларга ажратилган вақт ҳам топшириқларнинг вазифаси ва иш мазмунига қараб турлича бўлади. Хусусан, қоралама ва рангламалар 5-15 дақиқада, ўқув топшириқлари 2-5 соат ҳажмда, плейнардаги ҳар бир иш 15 дақиқадан 1 соатгача бўлиши мумкин.

Санъат тарихига доир тўғарак машғулотида ўқитувчи ўзбек миллий санъатининг мустақиллик йилларидаги тараққиёти, жаҳонга машҳур ўзбек рассомлари ва амалий санъат усталари, ўзбек тасвирий ва амалий-безак санъати усталарининг юксак бадиий савияда яратган асарларини жаҳоннинг йирик ва машҳур музейларидан ўрин олганлиги ҳамда ўзбек халқи бундан фахрланиши ҳақида сўзлаб бериши лозим. Афросиёб, Вараҳша, Айртгом, Ҳалчаён ва бошқа жойларда ер остидан топилган шаҳарлар ва уй деворларига ишланган деворий расмлар, шунингдек ҳайкалларнинг фото нусхаларини намойиш этиш ва Шарқ Уйғониш даврида Моварауннаҳр миниатюра санъати, Камолиддин Беҳзод ва унинг шогирдлари томонидан яратилган бебаҳо асарлар, IX-XV асрларда Ўзбекистон меъморчилигининг ноёб ишлари ҳақида маълумот бериш болаларда санъатга бўлган қизиқишни оширади.

Мактабда тасвирий ва амалий санъатдан ўтказиладиган кечалар ўқувчиларни эстетик ва ахлоқий жиҳатдан тарбиялашда катта аҳамият касб этади. Шунингдек, у ёшларни санъатга бўлган қизиқишни оширади, бадиий фикр доирасини кенгайтиради. Кечалар ўз мазмунига кўра бир қатор санъат турларини мужассам этади. Хусусан, унда тасвирий санъатдан ташқари, мусиқа санъати, адабиёт, хореография санъати, цирк санъати, театр санъатлари иштирок этиши мумкин. Шу билан бирга унда мактаб жамоаси, шунингдек, ота-оналар, жамоат ташкилотларининг вакиллари иштирок этиш кечани катта кўтаринкилик билан ўтишига имкон беради, ташкилотчиларнинг талбирга масъулиятини оширади. Кечани ўтказганда мактабдаги мусиқа, ўйин, драма тўғараклари аъзоларининг ҳамкорлиги яхши натижалар беради.

Кечанинг мавзуси ниҳоятда қизиқarli бўлиши лозим. Маса-

лан, у машхур рассом ёки амалий санъат устасининг таваллуд куни муносабати билан, йил фасллари тасвирий санъатда акс этишига доир, маълум бир мамлакат ёки давр санъатига бағишланиши мумкин. Кеча санъатимизнинг ёрқин юлдузлари Камолиддин Бехзод, Леонардо да Винчи, Рембрант Ван Рейн, Иля Репин, Чингиз Ахмаров каби рассомлар, Уста Ширин Мурадов, Ота Полвонов каби халқ амалий санъати усталарининг ҳаёти ва ижоди, шунингдек, «Шарқ миниатюра мактаблари», «Тасвирий санъатда Ўзбекистон кузи», «Монна Лиза. Жоконданинг сири», «Мустақиллик ва Ўзбекистон тасвирий санъати» каби мавзулар кечалар учун яхши материал бўлиши мумкин.

Кечани ўтказишда мактаб тасвирий санъат тўғараги аъзолари асосий ролни ўйнайдилар. Унга туман, шаҳар, вилоятдаги таниқли рассомлар, хомийларнинг ёрдамини ташкил этиш мумкин. Шу билан бирга кечани ўтказишда мактабнинг мусиқа, адабиёт, меҳнат ўқитувчилари ва тўғарак аъзолари иштирок этишлари самаралидир. Улар кечада кўшиқлар, куйлар, шеърлар, спектакллардан парчалар, сахнани ёруғлантириш, стендлар тайёрлашда иштирок этадилар. Кечани юқори бадий ва ташкилий савияда ўтказиш учун техника воситаларидан кенг фойдаланиш, кинофильмлар намойиш этиш, кеча мавзуси билан боғлиқ ҳолда кўргазма, танлов, викториналар ташкил этса фойдадан ҳоли бўлмайди. Шуни ёддан чиқармаслик лозимки, кечани ўтказишдан анча аввал мактаб маъмурияти иштирокида уни тайёрлаш учун ҳайъат тузилади. Унга кеча ўтказиш билан алоқадор бўлган барча шахслар киритилади, кеча сценарийси ва иш режаси тузилиб муҳокама этилади. Вақт-вақти билан тайёргарлик ишлари ҳайъат йиғилишида эшитилиб турилади.

Тўғарак машғулотларида тасвирий ва амалий санъат, меъморчиликка оид сухбатлар, маърузаларга кенг ўрин берилади ва уларни тўғарак раҳбари тўғарак аъзолари билан бирликда ўтказилади. Бундай тадбирлар машғулотлар билан боғлиқ ҳолда, ҳам машғулотдан ташқари вақтларда ҳам мустақил равишда ўтказилиши мумкин. Улар тўғарак раҳбари томонидан у ёки бу мавзунинг чуқурроқ ўргатишни мақсад қилиб қўйганида ёки мавзу болалар томонидан яхши ўзлаштирилмай қолгани тақдирда ҳам ташкил этилиши мумкин.

Улар рассом, халқ амалий санъати устасининг ҳаёти ва ижоди, маълум бир давр санъати, санъатдаги бирон бир оқим, санъатнинг



тур ва жанрлари, биронта мамлакат санъати, тасвирий санъатда меҳнат, спорт, буюк шахслар, экология, оналик ва болалик каби мавзуларга бағишланган бўлиши мумкин. Бундай суҳбатлар мазмуни қизиқарли бўлишлиги билан бир қаторда у болаларнинг фаол иштирокида ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Шу мақсадда санъат асарларининг репродукциялари, слайд ва диапозитивлари, диафильмлари техника воситалари орқали намойиш этилиши самаралидир. Суҳбатлар болаларнинг ёши ва синфига қараб 45 минутдан ошмаганлиги маъқул. Суҳбатлар маъруза шаклида бўлиб таниқли санъатшунослар, рассомлар, тасвирий санъат ўқитувчисининг ўзи, тўғаракнинг етакчи аъзолари томонидан олиб борилиши мумкин. Суҳбатга вилоят давлат университетининг ўқитувчилари, вилоят ўлкашунослик музейининг санъатшунос ходимларини ҳам жалб қилса бўлади. Суҳбатларга маърузачи аввалдан тайёргарлик кўриб боради, унинг режасини тайёрлайди, мактаб тасвирий санъат ўқитувчиси билан келишилган ҳолда маъруза матни ва намойиш этиладиган иллюстратив материалларни белгилаб олади. Маърузачига қўшимча равишда тўғарак аъзоларидан биронтасини ёки тасвирий санъат ўқитувчисининг ўзи тайинланиши мумкин. Марузалар барча синфларда дарсдан сўнг ёки тарбиявий соатларда болаларнинг ёшини ҳисобга олиб, тор ёки кенг ҳажмда, оддий ёки мураккаб тарзда ўтказилади. Суҳбат 20-45 дақиқа атрофида бўлгани маъқул.

Суҳбатлар учун «Шарқ миниатюра мактаблари», «Европада Уйғониш даври тасвирий санъати», «Мустақиллик ва Ўзбекистон тасвирий санъатида хотин-қизлар образи», «Спорт ва тасвирий санъат», «Тасвирий санъатда йил фасллариининг ифодаланиши», «Ўзбекистон худудидаги энг қадимги тасвирий санъат», «Тасвирий санъатдаги оқим ва йўналишлар», «Тасвирий санъатда анимал жанр (манзара, портрет, натюрморт, турмуш, батал, тарихий, марина, афсонавий)» «Камолиддин Беҳзод буюк наққош ва мусаввир», «Леонардо да Винчи», «Монна Лиза. Жоконданинг сирлари», К. Брюловнинг «Помпейнинг сўнги куни» асари тарихи», «Ўзбекистон тасвирий санъат музейи», «Қадимги Миср санъати», «Қадимги Юнонистонда ҳайкалтарошлик» каби мавзулар танланиши мумкин. Шу каби безакли-амалий санъат, унинг турлари, усталарининг ҳаёти ва ижодига доир маърузалар самаралидир.

Мактабларда энг яхши ишланган расм, ҳайкал, амалий санъат намунасига доир ишлар учун танловлар болаларда катта қизиқиш уйғотади, уларнинг фаоллигини оширади. Энг муҳими болаларнинг ижодкорлигига кенг йўл очиб беради, мустақил ишлашга ўргатади. Танловлар фақат болаларнинг ижодий ишлари юзасидан ўтказилади. Улар тасвирий ва амалий санъатнинг барча тур ва жанрларига доир бўлиши мумкин. Танловлар болаларни гуруҳларга ёки ёшларига қараб ташкил этилади. Хусусан, кичик (1-4 синфларда), ўрта (5-7 синфларда), катта (8-9 синфларда) гуруҳларга бўлинади. Танлов учун бериладиган мавзулар бу гуруҳлар учун алоҳида-алоҳида танланади. Танлов учун қуйидаги мавзулар болаларда катта қизиқиш уйғотади: «Мустақиллик куни», «Наврўз», «Ўзбекистон гўзал диёр», «Ўзбекистон менинг Ватаним», «Тасвирий санъатда Ўзбекистон меъморчилиги ёдгорликлари», «Ўзбекистон кузи», «Улар мустақиллик учун курашган эдилар», «Бошқа сайёраларда», «Сув ости дунёси», «Ҳосил байрами», «Мен севган касб» в.б. Танлов учун болаларга эркин мавзуларни тавсия этса ҳам бўлади. Танловлар фақат мактаб миқёсида эмас, уни туман, шаҳар, вилоят миқёсида ҳам ўтказилиши мумкин.

Тасвирий санъатдан викториналар ташкил этиш болаларни мустақил ишлашга ўргатади, уларнинг билим доирасини кенгайтиради. Бу тадбир ўйин ва мусобақа шаклида бўлганлиги учун унда болалар катта қизиқиш билан иштирок этадилар.

Викторина санъат тарихи, унинг назарияси (ёруғсоя, перспектива, рангшунослик), жанрлари, рассом, ҳайкалтарош, амалий санъат усталарининг ҳаёти ва ижоди, рангшунослик, рассом ва усталарнинг иш қуроллари ва материаллари, тасвирлаш техникаси, тасвирий ва амалий санъатда ишлагиладиган атама ва иборалар, айрим мамлакат, ўз ўлкасининг санъатига доир бўлиши мумкин. Бироқ бунда болаларни гуруҳларга (кичик, ўрта, катта) мослаб мавзу танланади. Айрим мавзулар бўйича тадбир мазмунини содалаштирган ёки мураккаблаштирган ҳолда барча гуруҳларда ўтказса ҳам бўлади. Викториналарда кроссоворд, чайнворд, топишмоқлар ҳам бериш мумкин.

Викторинани ўтказишдан аввал ўқитувчи ва болалар катта тайёргарлик кўрган бўлишлари лозим. Хусусан, кўرғазма, танлов, саёҳат, маъруза, учрашув в.б. мазкур тадбирнинг муваффақиятини таъминлайди. Бу тадбирни ўтказишда мактаб кутубхонаси катта

рол ўйнайди. У санъатга оид адабиётлар билан бойитилган бўлиши лозим. Акс ҳолда, у қутилган натижани бермайди. Викторинани ўтказишда тасвирий санъат ўқитувчиси билан бир қаторда синф раҳбарлари фаол иштирок этишлари талаб этилади. Улар тайёргарлик даврида ўз синфлари учун маърузалар ташкил этишда, адабиётлар, санъат асарларининг репродукцияларини тўплашда болаларга мунтазам ёрдам кўрсатишлари лозим. Ҳар бир викторина саволларига қайтарилган жавоблар учун мезонлар белгиланган бўлиб, тадбир натижалари ҳайъат аъзолари томонидан кўриб чиқилади ва юқори балл тўплаган ўқувчилар тақдирланадилар.

Тасвирий санъатдан саёҳатлар музейларга, рассомларнинг устахоналарига, ҳайкалтарошлик ёдгорликларига, кўргазмаларга ташкил этилади. Натижада болалар санъат асарларининг асл нусхалари билан танишадилар, уларининг яратилиш жараёнининг шоҳиди бўладилар. Одатда бундай саёҳатларга ўқитувчи ҳам, ўқувчилар ҳам катта тайёргарлик кўрадилар, бу тадбирнинг режасини тузиб оладилар. Рассом устахонасига саёҳатлар уюштирилганда рассомлар ўзларининг ҳаётлари ва ижодлари, келажак режалари ҳақида атрофлича гапириб берадилар, ўз асарлари билан таништирадилар ва уларнинг яратишлиш тарихи ҳақида ҳикоя қилиб берадилар. Рассомнинг жонли нутқи ва унинг ҳикояси болаларни ҳаяжонлантиради, уларнинг хотирасида ўчмас из қолдиради.

Режада саёҳат қаерда ташкил этилиши ва унга қачон борилиши, ким билан учрашилиши, у ерда нималарни кўрилиши, ким билан нималар ҳақида суҳбат бўлиши баён этилади. Агарда музей, биронта ёдгорлик ёки рассом устахонасига бориладиган бўлса у ҳақда саёҳатдан олдин болаларга қисқача маълумот берилади. Саёҳат вақтида болалар ўзларини қизиқтирган саволлар билан рассом, музей ходимига мурожаат этадилар. Саёҳатдан сўнг ўқитувчи болалар билан саёҳатдан олган таассуротлари билан фикр олмашадилар.

Мактабларда кенг тарқалган дарсдан ташқари ишларнинг шаклларида яна бири кўргазмалардир. Кўргазмаларнинг асосий турлари куйидагилардир:

1. Болаларнинг ижодий-тасвирий ва амалий-безак ишлари кўргазмаси.

2. Рассомлар ва амалий санъатчиларнинг асарлари репродукцияларининг кўргазмаси.

3. Рассомлар ва амалий санъатчиларнинг асарларининг асл

нусхалари кўргазмаси.

Болаларнинг ижодий ишлар кўргазмаси йиллик, ярим йиллик ва чорак натижалари бўйича тўпланган энг яхши ишлар асосида ўтказилади. Бундай ижодий ишлар кўргазмаси энг яхши ишланган расмлар танловида ғолиб чиққан ишлардан, қўшни мактаб, қўшимча таълим марказларида бажарилган ишлардан, туман мактабларидан йиғилган энг яхши расмлардан ташкил топиши мумкин. Улар мактаб, туман, шаҳар, вилоят, республика даражасида ўтказилади.

Расомлар асарларининг репродукцияларидан ташкил этиладиган кўргазмалар ҳам ниҳоятда ранг-барангдир. Хусусан, тасвирий санъатнинг у ёки бу тури, у ёки бу жанри, биронта расомнинг ҳаёти ва ижоди, биронта мамлакат ёки давр расомлари ижоди намуналари, расмлар галереяси ёки музейнинг биронта бўлими коллекциялари асосида ташкил этилиши мумкин. Шунингдек, репродукциялар асосида ўтказиладиган кўргазмаларни мамлакатимиз ҳаёти, унинг тарихи, келажаги, меҳнат, спорт, соғлиқни сақлаш, экология, илм-фан, хотин-қизлар мавзуларида ўтказса ҳам бўлади. Бундай кўргазмалар нафосат билан тайёрланган стендлар ёрдамида мактаб фоеси, йўлаги ёки бошқа болалар гавжум бўладиган жойларда ташкил этилади. Кўргазмани тасвирий санъат хонасига яқин жойда ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир. Ҳар бир ишнинг тагига иш муаллифи ва унинг номи, ёши, яратилган йили ёзиб қўйилади.

Расомлар, амалий санъат усталарининг асарлари репродукциялари, болалар ижоди асосида ўтказиладиган кўргазмалар учун ишлар танлашни бевосита болалар иштирокида амалга оширилиши уларнинг бадиий дидини ўстиради, бадиий билим доирасини кенгайтиради, фаолигини оширади.

Катта ҳажмдаги кўргазмалар ташкил этилганда фаол иштирок этган болалар мактаб маъмурияти томонидан маънавий ва моддий жиҳатдан рағбатлантирилади.

Расомлар ва амалий санъат усталари асарларининг асл нусхаларидан кўргазмалар ташкил этиш жиддий тайёргарлик асосида амалга оширилади. Кўргазмага қўйилган асарларни юксак бадиий қийматга эга эканлиги, унда мактабнинг барча ўқувчилари ва жамоаси иштирок этиши буни талаб этади. Бундай кўргазма учун кенг ва ёруғ жой (мактаб фоеси ёки зали) танланади. Уни ташкил

этишда мактаб маъмуриятидан ташқари ота-оналар, маҳалла, туман ҳалқ таълими бошқармаси ва ҳайрия ташкилот вакиллари иштирок этадилар.

Кўргазмалар тантанали равишда рассом ва халқ таълими бошқармалари вакиллари томонидан очилади. Кўргазмаларнинг қизиқарли шаклларида бири мактаб тасвирий ва амалий санъат музейи ҳисобланади. Бундай музейлар рассом, уста ва ўқувчилар томонидан ишланган ишларнинг асл нусхалари асосида ташкил этилади. Музейнинг турлари қуйидагича бўлиши мумкин:

1. Тасвирий ва амалий санъат музейи; тасвирий санъат музейи; амалий санъат музейи; биронта рассом ёки уста ижоди музейи; болалар тасвирий ижоди музейи. Бундай музейлар алоҳида кенг ва ёруғ хонада ташкил этилади. Музейларни ташкил этишда унинг ташкилотчилари томонидан катта маъсулият талаб этилади. Уни мактаб маъмурияти, ҳайрия ташкилотлар, рассом ва усталар ёрдамида амалга оширилади. Уни ташкил этишда мактаб тасвирий ва амалий санъат тўғараги аъзолари фаол иштирок этишлари лозим. Музейни фақат асарлар намойиш этадиган жой деб қарамаслик лозим. Уни мактабда санъатга оид маърузалар, учрашувлар, суҳбатлар, мунозаралар, викториналар танловлар, кўргазмалар ўтказиб туриладиган, кинофильмлар намойиши этиладиган жойга айлантириш айни муддодир. Музей ишларини бундай тарзда кенг қамровли ташкил этилиши болаларни санъатга бўлган қизиқишлари, муҳаббатини оширибгина қолмай, балки уларни бадиий маданиятини кўтаришга хизмат қилади.

Республика, вилоят, шаҳар, туман миқёсидаги рассомлар, амалий безак санъати усталари билан мактабларда учрашувлар ўтказиш ўқувчиларни санъатга бўлган қизиқишини оширишда катта аҳамият касб этади. Бундай учрашувда рассомлар, усталар ўзларининг ижодий йўллари, яратган асарлари, унинг яратиш сирлари, келажак режалари ҳақида болаларга сўзлаб берадилар. Тасвирий санъат ўқитувчиси эса бу касбнинг жозибали фахрли касблардан бири эканлиги, бу соҳада кишилар ҳаётидаги ўрни ҳақида гапириб беради. Учрашувдаги рассом мисолида уни ҳукуратимиз, халқимиз томонидан юксак қадрланганлиги (унинг мукофотлари, довозими, унвошлари в.б.), асарларини қайси жойларда намойиш этилганлиги, унинг сафарлари ҳақида сўзлаб бериш болаларда катта таасурот қолдиради. Учрашувни гўлақонли бўлишлиги учун рассом ёки уста-

нинг асарлари кўргазмасини ташкил этилиши тадбирнинг янада самарали бўлишлигини тامينлайди. Рассомлар ва усталар билан бундай алоқаларнинг кенгайиши мактабда санъат музейини ташкил этишга ҳам таъсир кўрсатиши мумкин. Чунки, учрашувлардан сўнг рассомлар ёки усталар ўзларининг ижодий ишлари намуналаридан мактабларга эсдалик учун қолдирадилар. Бундай тадбирлар орқали ўқувчилар ўзларини қизиқтирадиган кўпгина маълумотларни оладилар, улардан айримлари ана шу рассом ёки устага ўхшашни орзу қилади, бу соҳага қизиқиш, орзулари ошади.

## 4-БОБ

# МАКТАБДА ТАСВИРИЙ САЊЪАТНИ ЎҚИТИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА МЕТОДИК АСОСЛАРИ

### 4.1. Тасвирий санъатни ўқитишда дидактик принциплар

**Мазмуни:** 1. Дидактик принциплар. 2. Дидактик принципларининг моҳияти. 3. Тасвирий санъат таълимида қўлланадиган дидактик принциплар. 4. Тасвирий санъатни ўқитишдаги дидактик принципларнинг ишлаб чиқиши. 5. Таълим ва тарбия бирлиги принципи. 6. Илмийлик принципи. 7. Кўргазмачилик принципи. 8. Онглилик ва фаоллик принципи. 9. Болалар ёшига ва кучига мослик принципи. 10. Мунтазамлик ва кетма-кетлик принципи.

Умумий ўрта таълим мактабларида тасвирий санъат дарсларини дидактик принципларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Фақат амалиёт билан назарияни узвий боғлаган ҳолдагина дарс ва дарсдан ташқари ишларда таълим ва тарбиянинг самарали бўлишига эришиш мумкин. Дидактик принциплар ва уларнинг асосий масалалари Европанинг буюк педагог-олимлари Я.А. Коменский, Ж.Ж. Руссо, И.Г. Песталоццилар томонидан ишлаб чиқилган. Шунингдек, дидактик принципларни ишлаб чиқишга Ф.А. Дистервег ва К.Д. Ушинскийлар ҳам катта ҳисса қўшганлар. Улар томонидан илгари сурилган гоё ҳозирги замон дидактикасининг асосини ташкил этади.

Дидактик принциплар ҳисобланган таълим ва тарбиянинг бирлиги, кўргазмачилик, илмийлик, онглилик ва фаоллик, мунтазамлик ва кетма-кетлик, таълим мазмунини болаларнинг кучи ва ёшига мос бўлиши мактабда тасвирий санъатни ўқитишда алоҳида аҳамият касб этади.

Мактабда тасвирий санъатни ўқитишда дидактик принциплар профессорлар Н.Н. Ростовцев, В.С. Кузин, Р.Ҳасановлар томонидан ишлаб чиқилган.

Таълим ва тарбия бирлиги принципи дидактик принципларнинг

энг асосийларидан ҳисобланади ва бу тасвирий санъатни ўқитиш жараёнида алоҳида аҳамият касб этади. Маълумки, бугунги кунда таълим-тарбиянинг асосий қисмларидан бири ўқувчиларни миллий истиқдол мафқураси руҳида тарбиялаш ҳисобланади.

Ў.Тансиқбоевнинг «Жонажон ўлка», Х.Раҳмоновнинг «Май тонги», Н.Караханнинг «Олтин куз», З.Иноғомовнинг «Чойга», Ю.Елизаровнинг «Натюрморт» каби асарларида Ўзбекистон кўрк-жамоли ёрқин акс эттирилган. Ўқувчиларни бундай асарлар билан таништиришда болаларда Она-ватанимизга бўлган илк муҳаббат пайдо бўлади, шу заминда уларда она-ватанга, ўлкага нисбатан меҳр-муҳаббат туйғулари янада кучаяди.

Тасвирий санъат дарсларида миллатлараро тотувлик ва байналминал тарбияни амалга ошириш чимкониятлари ҳам катта ва у турли мавзуларда композиция ишлаш, бошқа миллат ва халқлар ҳаётини ифодаловчи суратларнинг репродукцияларини, халқ эртақларига ишланган иллюстрацияларни намойиш этиш орқали амалга оширилади.

«Меҳмонларимиз», «Чет эл делегациясини кутиб олиш», «Туристлар» мавзуларида расм чиздириш юзасидан ўтказиладиган суҳбатларда ўқувчилар онгига миллатлараро тотувлик, дўстлик тушунчаларини сингдиришга ҳаракат қилинади. Асар мазмунини очишга ёрдамлашувчи суҳбатлар, турли миллат ва халқларнинг қиёфаларини тасаввур этиш, болалар ижодининг такомиллашуви-га, тасаввурларининг бейишига олиб келади.

Турли миллат ёзувчиларининг асарлари ва халқларининг оғзаки ижодига ҳос иллюстрациялар ўқувчиларга бошқа миллатларнинг ҳаёти, орзуси, ғоялари билан танишиш, севиш ва тушуниш имконини беради.

Тасвирий санъат дарсларида миллатлараро дўстлик, тотувлик Республикамиз ва чет эл рассомлари томонидан яратилган асарлар орқали ҳам амалга оширилди. Республикамиз рассомлари томонидан яратилган асарлар орасида ўзбек халқининг ҳаёги ва меҳнати, унинг бошқа халқлар ва миллатлар билан тотувлиги, баъзи чет халқларининг ҳаёти ва меҳнати акс эттирилган суратларни кўриш мумкин.

П.П.Беньков («Дугоналар»), А.Абдуллаев («Шомаҳмудовлар оиласи»), Л.Абдуллаев («Демобилизация қилинганларни кутиб олиш»), Х.Ҳусниддинқужаев («Навой ва Жомий»), А.Циглин-



цев («Менинг уйим, сизнинг ҳам уйингиз»), Ў.Тансиқбоев («Иссиққул оқшоми») ва бошқаларнинг бир қатор асарлари миллатлараро тотувлик, дўстлик ғояларини акс эттирганлиги билан ажралиб туради. Шунингдек, тасвирий санъат дастурига бир қатор Шарқ ва Ғарб мамлакатлари рассомларининг ижодини ўрганиш ҳам кiritилган. Леонардо да Винчи, Рафаэль, Микеланжело, Рембрант, Рубенс, Кент, Пикассо, Матисс ва бошқа чет эл рассомларининг асарлари дўстлик ва ҳамкорлик ғояларини амалга оширишда бой материал бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, дастурда Миср, Ҳиндистон, Хитой, Эрон, Япония каби мамлакатларнинг меъморчилигини ўргатиш ҳам назарда тутилган. Ўқитувчи бундай санъат асарларини таҳлил қилар экан, уларнинг ўзига хос ҳамда умумий белгиларини таъкидлаб ўтиши мақсадга мувофиқ.

Ўқувчилар тасвирий санъат асарларини ўрганиш орқали чет эл мамлакатлари халқларининг меҳати ва меҳнатдаги жасоратлари, анъаналари, одатлари, турмуш тарзи ҳамда табиати билан ошно бўладилар.

Жамият қурилишининг муаффақияти ҳар бир кишининг меҳнат қилиш даражасига боғлиқ. Шунинг учун кишиларнинг жамият учун нафи бўлган меҳнатга нисбатан ҳатти-ҳаракати асосий кўрсаткич саналади. Бу сифат меҳнат тарбияси жараёнида вужудга келади.

Тасвирий санъат дарсларини ўқувчилар меҳнат тарбиясини амалга оширишдаги имкониятлари катта. Бу масала тасвирий санъат дарсларининг барча турлари - натурага қараб тасвирлаш, композиция, санъатшунослик асослари машғулотлари мазмунида кўзда тутилган.

Натурага ўзига қараб тасвирлаш жараёнида ўқувчилар турмушда қўлланиладиган турли буюмлар, сабзавот ва мевалар тасвирини ишлайдилар. Ўқитувчи дарс жараёнида ўқувчилар мустақил иш бошламасларидан олдин натурани қисқача таҳлил қилиб, фақат буюмлар шакли, пропорцияси, ранги ва тузилиши ҳақидагина эмас, балки уларни яратиш учун сарфланган катта меҳнат ҳақида ҳам гапириб беради.

Масалан, турмушга қўлланиладиган айрим санъат буюмларининг ўзига қараб расмини чиздиришда ўқитувчи ўқувчиларга буюмларнинг вазифаси, шакли, уларнинг қандай материаллардан ясалгани, бунинг учун қанча меҳнат сарфлангани ва ҳоказолар

ҳақида тўхталлади. Шунингдек, ўзбек халқ амалий санъати ҳақидаги суҳбат дарсларида ўқитувчи уларнинг турлари ва усталарнинг меҳнат шижоатининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида гапиради.

«Пахта терими», «Фермада», «Ҳосилни йиғиб-териб олиш», «Мактаб ер участкасида», «Курилишда» каби мавзуларда расм чиздириш ўқувчиларни катталар меҳнати билан таништиради. Ишлаб чиқариш корхоналарига қилинган саёҳат бу масалада муҳим аҳамият касб этади. Саёҳатда болалар кишиларнинг қандай меҳнат қилаётганларини кузатадилар, меҳнат шароитлари ва уни ташкил этиш йўллари билан танишадилар, катталар меҳнатининг натижаларини кўрадилар. Саёҳат чоғида улар катталар меҳнатининг ахлоқий томонини, уларнинг меҳнатга бўлган муносабатини, меҳнатнинг жамоавий ҳарактерини ўрганадилар. Болаларни саёҳат жараёнида олган таассуротлари уларнинг расмларида акс этади, натижада ўқувчиларнинг меҳнат ҳақидаги тасаввурлари янада кенгайди.

Тасвирий санъат дастурида халқимизнинг фидокарона меҳнати ва унинг гўзаллиғи акс эттирувчи асарларини ўрганиш ҳам кўзда тутилган. Ў.Тансиқбоевнинг «Пахтани суғориш», «Чоровоқ қурилишида». З.Иноғомовнинг «Чойга» ва бошқа асарлари шулар жумласига киради.

Болалар ўзбек rassomлари асарларининг қаҳрамонлари бўлмиш артист А.Ҳидоятлов, халқ ҳофизини Мулла Тўйча Тошмухаммедов, амалий санъат устаси У.Жўрақулов ва бошқа ўз бахтини меҳнатдан топган кишилар билан сувратлар орқали учрашар эканлар, улар, меҳнат жамият ҳаётининг, ҳар бир шахсининг асосий қонунини эканлигига ишонч ҳосил қиладилар. Бундай дарсларда ўқувчиларни турли касбларга йўллаш имкониятлари ҳам пайдо бўлади.

Натижада, ўқувчилар меҳнат инсон бахт-саодатининг маънавий ва ахлоқий манбаи, ҳар қандай инсон меҳнат қилмоғи ва меҳнатни севмоғи лозим, деган хулосага келадилар. Шунингдек, болалар одамлар фақат ўзи учун эмас, жамият учун меҳнат қилишлари керак, меҳнат кишиларига ва улар яратган буюмларга нисбатан ҳурмат билан қараш лозимлиги ҳақида тасаввурга эга бўладилар.

Мактабда тасвирий санъат эстетик туркумдаги ўқув предмети ҳисобланиб, ўқувчиларда бадиий ва эстетик диднинг ривожланишида муҳим роль ўйнайди, яъни тасвирий санъат дарсларида санъатдаги ва борлиқдаги гўзалликни кўриш, тушуниш ва қадрлай олиш ҳисси рақомиллашади.

Натурани таҳлил қилиш жараёнида ўқитувчи ўқувчиларнинг диққатини буюмлар шаклининг нафислиги, қисмларнинг пропорционаллиги, шакл ва ранг уйғунлиги, мазмун, шакл ва вазифанинг мослиги кабиларга жалб этади. Натижада, ўқувчиларда натурага нисбатан эмоционал - эстетик муносабатлар ошади.

Ўқувчилар нақш чизишда, декоратив - безак ишларида табиат элементларидан фойдаланадилар. Бунга табиат маҳсулотлари яхши материал бўлиб хизмат қилади. Ўқувчилар табиат материаллари ва хайвонот дунёсини стилизациялаштириб, такрорланмас ва чиройли нақшлар тузадилар.

Борлиқни идрок этиш ва композиция дарсларида табиатни кузатиш ва уни расмларда акс эттириш болалар тарбиясига ижобий таъсир кўрсатади. Ўқувчилар дарс жараёнида табиатни кузатар эканлар, улар дарахтларнинг тузилишини, шох-шабаларнинг шакл ва йўналишини турли-туманлиги, баргларнинг ранги ва шакли, нафислиги ва ёқимлилигини билиб оладилар. Шунингдек, гулларнинг ранги ва шакли, хилма-хиллиги, баҳор ва куз манзарасининг гўзаллиги, нўначи, капалак, қушларнинг енгил ва нафис парвози ҳам ўқувчиларни ҳаяжонлантиради.

Юқори бадиий савияда яратилган тасвирий санъат асарларини ўрганишда ўқувчилар улардан эстетик завқ олишади. Суврат композициясининг муваффақиятли ечилиши, рангларнинг ҳамоҳанглиги, борлиқнинг ҳаққоний тасвири болаларни ҳаяжонлантиради. Бу фақат эстетик тарбияга тааллуқлигига бўлмай, балки, болаларнинг тасвирий ижодига, уларнинг санъатга бўлган қизиқишларини тарбиялашга бевосита алоқадордир. Бу борада манзара ва натюрморт жанрларининг роли каттадир. Санъат асарлари ҳақидаги суҳбатларда ўқитувчи, рассом кўрганни шунчаки акс эттирибгина қолмай, балки у борлиқдаги энг қизиқ, энг чиройли нарса ва ҳодисалардан таъсирланиб чизганлиги, лозим бўлган тақдирда, у кўрган - кечирганлари ва эшитганларини муболаға билан тасвирлашини ҳикоя қилиб беради.

Натурага қараб тасвирлаш жараёнида болалар буюмларнинг шакли, ранги, тузилишини таҳлил қиладилар. Масалан, чойнакли натюрмотни таҳлил қилганда, болалар эътибори чойнакни гурмуш учун зарур бўлган буюмлардан бири эканлигига, унинг шаклини мазмунига мослиги, унинг қандай вазифага мулжалланган-

лиги, мақсадга мувофиқлиги, ишлатишга қулайлиги ва ҳоказоларга қаратилади.

Декоратив безак дарслари ўқувчиларнинг бадиий дидини, ижодий қобилиятини ўстириш имкониятларига эга. Дарсларда ўқувчилар симметрия, ритм, рангларнинг мутаносиблиги, композициянинг қонун ва қоидалари билан танишадилар.

Ўқувчиларнинг ижодий қобилиятлари нақш чизиш, китоб муқоваси учун эскиз ишлаш, отқритка, чойнак ва дазмол учун таглик эскизини ишлаш жараёнида ўстириб борилади. Ўқувчиларнинг эстетик тарбиясида Н.Караҳаннинг «Олтин куз», Ю.Елизаровнинг «Тарвузли натюрморт», Ў.Тансиқбоевнинг «Тоғларда куз», «Ўзбекистонда март», Л.Салимжонованинг «Натюрморт» номли асарлари алоҳида аҳамият касб этади.

Илмийлик принципи дидактик принципларнинг энг асосийларидан бири бўлиб, у фан асосларини чуқур ўзлаштирмасдан ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантириш мумкин эмаслигини билдиради. Бошқа ўқув предметларидаги каби бу принцип тасвирий санъат дарсларида ҳам амалга оширилади.

Тасвирий санъат атроф-муҳитни ҳис этиш, ундаги воқеа ва ҳодисаларни ўзига хос жиҳатларини билишни талаб этади. Шу босидан тасвирий санъат дарсларида ўқувчилар чизиқли ва ҳаво перспективаси, ёруғсоя, рангшунослик, композиция қонунларини яхши билишлари талаб этилади. Шунингдек, одам ва ҳайвонларнинг пластик анатомияси ҳақида етарлича маълумотларга ҳам эга бўлишлари лозим. Тасвирий санъат дастурида ўқувчиларнинг бу қонунларни ўзлаштиришлари кўзда тутилади. Перспектива қонунларини ўзлаштирмасдан реалистик тасвир яратиш мумкин эмас, десак муболаға бўлмайди. Рассом ёки ўқувчининг расм чизиш услуби ҳар хил бўлиши мумкин, лекин раем ёки санъат асарларининг қурилиши бир хил, илмий асосда бўлиши шарт. Перспектива қонунлари ҳисобланган чизиқли ва ҳаво перспективаси, уфқ чизиғи, кесишиш нуқтаси, кузатиш нуқтаси, буюмни бир ёки икки кузатиш нуқтаси асосида расмини ишлаш, ўлчовларни ўзгариш перспективаси, оч-тўқликни ўзгариш перспективаси, рангларни ўзгариш перспективаси, шакл ва чегаралардаги аниқликни камайиши перспективаси в.б. реалистик расм ишлашга ўргатишнинг асосини ташкил этади.

Илмийлик принципи тасвирий санъат ўқитувчиларидан дарс

жараёнида ва синфдан ташқари ишларда ўқувчиларга берилаётган барча материал ва маълумотлар илмий бўлишлигини, мактаб амалиётида текширилган ҳамда ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига мос бўлишлигини талаб этади.

Тасвирий санъатни ўқитишда санъатнинг инсон ҳаётидаги ролини тушуна билиш жуда муҳимдир. Жумладан, санъат ижтимоий онгнинг алоҳида шакли эканлигини назарда тутиш керак. Тасвирий санъат ўқитувчиси шуни тушуниши керакки, ўқувчилар борлиқдаги нарсаларни чизиш жараёнида уларнинг фақат ташқи кўринишинигина эмас, балки унинг маълум қонуниятларига асосланган ички тузилишини ҳам билиб олишлари талаб этилади. Кўп ҳолларда бу қонуниятларни билмайдиган ўқувчилар буюмларнинг шаклини тўғри тасвирлашда янглишадилар.

Кўргазмалилик принципи тасвирий санъатни ўқитишда борлиқдаги нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятини билишга, унинг характерли хусусиятлари ва қонуниятларини ўрганишга қўмаклашади.

Натурани ўрганиш чоғида (синфда ва пленерда) ўқувчиларнинг кузатувчанлик ва мантиқий фикрлаш қобилиятлари ривожланади.

Ўқитувчида ҳар доим ҳам ўрганилаётган объектни кўрсатиш имкони бўлавермайди, бундай ҳолларда унга кўргазмалилик ёрдам беради. Бу эса ўқувчиларда мазкур соҳага бўлган қизиқишни жонлантиради.

Ўқувчи натурадан расм чизиш жараёнида доим изланади, шаклларни солиштиради, натуранинг тузилиши, ўлчовлари, шакллари, ранги кабиларни билиб олади. Шубҳасиз, буларнинг ҳаммаси ўқувчиларда кузатувчанликни ривожланишига олиб келади. Маълумки, болаларда фикрлаш конкретликдан абстрактликка бориш жараёнида ривожланади. Тушунча ва обстракт қоидалар маълум далил, мисол ва образлар билан мустаҳкамлангандагина ўқувчилар онгига осон етиб боради.

Кўргазмалилик тасвирий санъат дарсларида бошқа ўқув предметларидагидек ёрдамчи эмас, балки ўқувчиларда тушунча ва тасаввурлар ҳосил қилувчи асосий материалдир.

Натуранинг ўзига қараб расм чизиш дарсларида уни натурасиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу ўринда тасвирий санъат дарсларида кўргазмалилик принципининг роли жуда катта.

Дарслар учун кўргазмали қурслар тайёрлаш ва танлашда уларга қуйидагича талаблар қўйилади:

1. Дарснинг мақсад ва вазифаларига мослиги.
2. Ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига мослиги.
3. Кўргазманинг аниқлиги, тушунарли бўлиши.
4. Тасвирнинг сифатли бўлиши.
5. Кўргазмалар ўзининг ранг-баранглиги билан ўқувчиларда завқ ва қизиқиш уйғотиши.
6. Эстетик талабларга мослиги.

Расмлар, асарларининг репродукциялари, бадиий асарларга ишланган иллюстрацияларни танлашда қуйидагилар эътиборга олиниши керак:

1. Материалларнинг ғоявийлиги.
2. Уларнинг бадиийлиги.
3. Тасвирий санъат дарсларининг ўқув-тарбия вазифаларига мослиги.

4 Болалар идрокига мослиги.

Кўргазмалиликдан ўринли, мақсадга мувофиқ равишда ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини эътиборга олган ҳолда фойдаланилса, у яхши натижалар бериши мумкин.

Кўргазмалиликнинг икки тури мавжуд:

1. Табиий кўргазмали қуроллар.
2. Тасвирий кўргазмали қуроллар.

Табиий кўргазмали қуролларга шакли, ранги, тузилиши табиий бўлган буюмлар(мева ва сабзавотлар, турмуш буюмлари, ўқув қуроллари, амалий санъат буюмлари ва ҳ.к.)ни киритиш мумкин.

Тасвирий кўргазмали қуролларга расмлар, таблицалар, ҳайвон ва қушларнинг тулумлари, суратларнинг репродукциялари, геометрик гипсли шакллар, педагогик расмлар, фотография ва бошқа сунъий усул билан тайёрланган тасвирий воситалар киради. Санаб ўтилган кўргазмали қуроллар қуйидагича гуруҳланади:

1. Меҳнат ва турмуш буюмлари. Улар геометрик шакллар, сабзавотлар, мевалар, қушлар, ҳайвонлар, гуллар ва ўсимликлар, амалий санъат буюмлари.

2. Буюмларнинг тузилиши, перспектива қонунлари, ёруғ-соя, рангшунослик, декоратив стилизацияга доир, геометрик шаклдаги симдан ясалган моделлар, видеоискатель ва бошқа кўргазмалар.

3. Расмлар ва таблицалар. Унда расм ва нақш чизишдаги кетма-

кетлилик, атроф-муҳитнинг перспектив кўринишлари, амалий санъат асарларининг тасвирлари.

4. Рассомлар асарларининг репродукциялари, амалий санъат асарларининг тасвирлари. Бундай кўргазмали қуруллар ёрдамида ёруғсоя ва рангшунослик, композиция қонунлари тушунитирилади.

5. Болаларга натурани чизишда кетма-кетлиликни, ҳар хил экспонатлар билан ишлаш услубини, буюмларнинг қурилишини, тасвирланаётган предметлар ва объектларнинг фазовий ҳолатини кўрсатувчи педагогик расмлар ва бошқалар.

6. Намойиш қилинадиган кўргазмали қуруллар (диапозитивлар, диафильмлар, слайдалар, кинофилмлар). Булар орқали ўқувчилар турли рассомлар, халқ амалий санъати усталари билан, тасвирий санъат асарларини яратиш техникаси ва технологияси билан танишадилар.

Айрим ўқитувчилар кўргазмалиликнинг ролини нотўғри баҳолаб, бу масалада кўпол хатога йўл қўядилар. Улар кўп ҳолларда кўргазмали қурулнинг мавжуд эмаслигидан ёки уларнинг ролини нотўғри тушунганликларидан ўқувчиларга турмушда учрайдиган буюмлар, ўсимликларнинг расмини хотирадан тасвирлашни вазифа қилиб берадилар. Хотирадан расм чизишни суистеъмол қилиш, атроф-муҳитдаги буюмларнинг шакли, тузилиши, ранги, ёруғсоясини нотўғри идрок қилишга олиб келади.

Ҳар қандай турдаги нарсанинг ўзи: а қараб расмини чизиш, композиция, санъатшунослик асослари дарсларида ва синфдан ташқари ишларда кўргазмалилик ўзига хоҳ ҳусусиятларга эга.

Иллюстратив расм ишлаш дарсларида бадиий асар мазмуни билан боғлиқ ўша давр китобларининг ҳаёти ва меҳнати, табиат ва меъморчилик кўринишлари, шунингдек мавзу билан боғлиқ табиат объектларини кузатишга алоқадор бўлган кўргазмали қуруллар намойиш этилади.

✓ Декоратив композиция дарсларида кўргазмалиликдан турли йўналишларда фойдаланилади. Масалан, «Наврўз» байрами учун таклифнома безак эскизини ишлаш дарсида шу мавзудаги откриткалар кўргазма вазифасини ўтайди. Шунингдек, чойнак ва дазмол тагликларининг бадиий эскизини тузиш дарслари учун чойнак, дазмол ва турли хил тагликлар кўргазма бўлиб ҳисобланади.

Санъатшунослик асослари дарсларида рассомлар асарларининг репродукциялари ёки диапозитивлари, слайда, диафильм кино-

фильмлар намоёйиш этиладаки, уларсиз санъат асарлари ҳақида фикр юритиш қийин. Шунингдек, санъат асарларининг репродукциялари, расм чизишдаги кетма-кетлиликни кўрсатувчи расм-схемалар, рангшунослик, ёруғсоя, композиция ва перспектива юзасидан таблицаларни кўрсатилиши, ўқитишда техника воситаларидан фойдаланиш ва бошқалар ҳам кўрғазмалиликнинг самарали шаклларидан ҳисобланади.

Педагогик расм чизишнинг кенг тарқалган тури ўқитувчининг доскада ёки қоғозда расм чизиб кўрсатиши ҳисобланади ва у болаларга амалий ёрдам беришда кўл келади.

Педагогик расмнинг қиймати шундаки, у бевосита ўқувчиларнинг кўз ўнгида бажарилади. У ўқитувчининг фикрларини ўқувчиларга осон ва содда қилиб етказишда ёрдам беради.

Доскадаги расм ўқитувчининг асосий ғоя ва фикрларини ўзида акс эттириши лозим. Тасодифий ва иккинчи даражали расмларга синф доскасида ўрин бўлмаслиги керак. Доскада расм чизиш ҳамма ўқитувчиларнинг ҳам (ҳаттоки тажрибали ва маълумотли ўқитувчининг ҳам) кўлидан келавермайди. У ўқитувчидан маълум тайёргарликни талаб этади. Бу тайёргарлик эса алоҳида машқларни бажаришни назарда тутади.

Тасвирий санъатни ўқитиш методикасига доир кўрғазмали қурооллар етарли бўлмаган ҳолларда уларни ўқитувчиларнинг ўзлари тайёрлашларига тўғри келади. Бунда шуни ҳисобга олиш лозимки, ҳамма кўрғазмали қурооллар ҳам фойдали бўлавермайди, баъзан айрим кўрғазмали қурооллар ўқув ва тарбиявий ишларга салбий таъсир кўрсатиши ҳам мумкин.

Ўқитувчи кўрғазмали қуроолан фойдаланиш меъёрини билгандагина у ижобий натижага эришиши мумкин. Кўрғазмали материалларнинг ҳаддан ташқари кўп бўлишлиги ўқувчилар диққатини асосий масаладан чалғитади ва натижада асосий нарса эътибордан четда қолиши мумкин. Кўрғазмалиликнинг етарли бўлмаслиги эса ўқитувчи томонидан фикрни чала ва юзаки бўлишига олиб келади.

Кўрғазмали қуроолдан фойдаланиш масалалари ўқитувчининг нутқи билан ҳам боғлиқ. Нутқ ва кўрғазмалиликнинг уйғунлиги икки жиҳатдан фойдали бўлиши икки жойда кўринади. Чунончи, биринчидан, ўқитувчининг нутқи кўрғазмалиликка кўмаклашса, иккинчидан кўрғазмалилик ўқитувчи нутқига кўмаклашади.



Тасвирий санъатни ўқитишда, айниқса нарсанинг ўзига қараб расм ишлаш ва санъатшунослик асослари дарсларида иккинчи йўл кўпроқ қўлланилади.

Агар кўргазмалиликнинг биринчи йўли билим, қонун тушунчаларни ўзлаштиришга ёрдам берса, иккинчи йўли педагогга бу қонун-қоидаларни, атроф-муҳитдаги ҳодисаларни исботлашда ўқитувчига кўмаклашади. Ўқитувчининг сўзи синфда зарурий муҳит ҳосил қилишда, ўқитувчиларнинг ижодий фаолиятини оширишда алоҳида аҳамият касб этади. Шунинг учун ўқитувчининг нутқи раво, тушунарли ва маъноли бўлиши лозим. ]

Ўқитишнинг онгли бўлиш ва ўқувчиларнинг билиш фаоллиги принципи ўқув жараёнининг ўстирувчи ва тарбияловчи ролини оширишга олиб келади. Онглилик принципнинг аҳамияти фан, техника ва маданият гуркираб ривожланган ҳозирги даврда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Бу принцип ўқитувчи томонидан берилаётган билимларни онгли, тушунган ҳолда ўзлаштиришни билдиради. Ўқувчилар бу билимларни кўр-кўрона эмас, балки берилаётган тушунча, маълумотларни маъно моҳиятини англаб етгандагина уларнинг билимлари чуқур ва мустақкам бўлади ва у болалар хотирасида узоқ сақланади. Бунга эришиш учун ўқувчиларнинг фаоллиги, диққати ва мустақил ишлари муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, ўзига қараб расм чизиш дарсларида натурани синчиклаб ўрганиш уларнинг тузилиши, ҳажми, шакли, ўлчов ва рангларидаги характерли хусусиятларини билиш керак бўлади.

Масалан ўқувчи:

- санъатни кишилар ҳаётидаги аҳамиятини тушуниб етиши;
- композиция ишлаганда унинг қонун ва қоидаларига риоя қилиши;
- натуранинг тузилиши, ўлчовлари, шакллари, рангларига қатъий риоя қилиши;
- ҳар қандай нарса асосида у ёки бу геометрик шакл ётиши;
- расм чизганда уфқ чизигини чизиб олиш ва ягона кўриш нуқтасига риоя қилиши.

Тасвирий санъат асарларига оид материалларнинг онгли ўзлаштирилиши илмийлик принципагадек перспектива, рангшунослик, оптика ва ёруғсоя қонунлари, анатомиядан баъзи маълумотларга эга бўлиши билан боғлиқ. Бу қонунларни эгалламасдан туриб, ўқувчи-

лар ўз тасвирий фаолиятларини тўғри амалга ошира олмайдилар.

Фараз қилайлик, ўқувчи уйда чизиш учун геометрик шаклдаги турмуш буюмларидан натюрморт қўйди. У перспектива қонунлари, уфқ чизиғи, кузатиш нуқтаси, буюм ва суврат текислиги, кесишиш нуқтаси, нарсаларнинг ўлчовларини перспектив қисқаришини билмай туриб ўз олдига қўйган мақсадини тўғри ҳал қила олмайди. Ёруғсоя қонунлари ҳисобланган табиий ва сунъий ёритиш, тушувчи ва шахсий соя, нутура ёритилганида сояларнинг жойлашуви, ёруғсоя, яримсоя, блик, рефлекс ва бошқаларнинг билмаган ўқувчи буюмларнинг ҳажмини тўғри тасвирлай олмайди.

Ўқитишнинг самарадорлиги кўп ҳолларда ўқувчиларнинг уйдаги ва дарсдаги фаоллигига боғлиқ. Бу фаоллик хилма-хил бўлиши керак.

Топшириқ юзасидан мавзуни белгилашда ўқувчиларнинг ҳайвонлар, қушлар, спортга бўлган катта қизиқиш уйғотишини ҳисобга олиш лозим бўлади.

Ўқув жараёнини самарали бўлишида солиштириш, таққослаш, натурани кузатиш ва таҳлил қилишнинг аҳамияти катта. Натура таҳлилини савол-жавоб шаклида ўтказиш муҳим аҳамият касб этади, акс ҳолда ўқувчилар натурани юзаки ўрганиш билан чекланиб қолишлари мумкин.

Буюмларни тўғри чизиш учун уларнинг тузилиши, шаклини тўғри белгилаш билан бирга фазовий ҳолатини тўла тасаввур этиш керак бўлади. Шундагина предметлар расмини ишлашга ўтиш мумкин.

Ўқувчилардан тасвирий санъатга оид атамаларни онгли ўзлаштиришларини талаб этилиши ва уларни бузиб ишлатилишига йўл қўймаслик лозим. Расм чизиш жараёнида ўқувчиларнинг баъзи атамаларни ўзлаштириб олишларини ўзи етарли эмас, уларга атамаларнинг келиб чиқиши, аҳамияти ҳақида маълумотлар бериш керак бўлади. Бу эса ўқувчиларга илмий тушунчаларни, атамаларни тўғри ишлатишларига ёрдам беради.

Ўқувчилар ҳодисаларнинг бир-бири билан ўзаро боғлиқлигини гушунилари жуда муҳим. Ҳодисаларни ўрганишда уларнинг ривожланишини назарда тутган ҳолда қарама-қаршилиқнинг сабабларини ҳам тушунтира олишлари керак бўлади.

Ўқувчиларнинг фаоллигини оширишда мақсадга мувофиқ йўналтирилган муоммоли вазифаларни қўллаш катта ёрдам беради.

Тадқиқот натижалари ва ўқитувчиларнинг ишлари шуни кўрсатадики, тасвирий санъатни ўқитишда ўзлаштириб бўлинган билим ва малакалар уларни фақат тиклашгагина эмас, балки янги материалларни чуқур англашга, дунёқарашга доир хулосалар чиқаришга хизмат қилади.

Мантиқий вазифаларни ҳал этиш муаммоли ўқитиш билан боғланади. Муаммоли вазиятлар ҳосил қилиш эса мантиқий вазифаларни ечишга шароит ярагади. Мантиқий фикрлаш предмет ва ҳодислардаги энг муҳим томонларни ажрата олиш, кўп далиллар ичидан типикларини кўрсата олиш, шаклланиган тушунчалардан тўғри фойдаланиш, перспектива, рангшунослик, композициянинг асосий қонун ва қоидаларига риоя қилиш имконини беради.

Ўқувчилар уфқ чизиги, чизиқли ва ҳаво перспективаси, кесишиш нуқтаси, буюмлар шаклининг перспектив қисқариши ҳақида тўлиқ илмий тушунчаларга эга бўлишлари керак.

Диалектик тарзда фикр юритиш формал, мантиқий фикрлаш билан боғлиқ ва унга доимо таянишни назарда тутати. Мантиқий фикрлаш объектив борлиқ ҳодисалар мантиқини акс эттиради. Қайсики, унда ҳамма нарса ўзаро боғлиқ ва алоқадордир.

Атроф-муҳитни тўғри тушуниш учун ўқувчилар ҳодисаларнинг сабаблари ва оқибатларини кўриб ва билиб олишлари керак. Бу эса диалектик фикрлаш ва хулоса чиқаришнинг шаклланишига кўмак беради.

Бизнингча, ўқитишда ўқувчиларнинг мустақил билим олиш жараёнини фаоллаштиришда ва ижодий фикрлашни ривожлантиришда билимларнинг муаммоли баён этиш йўлидан кенг фойдаланиш ва қисман изланиш ва илмий тадқиқот методларини қўллаш лозим. Ўқитиш жараёнининг самарадорлигини ошириш бевосита ўқувчиларнинг фаол психик фаолияти (интеллектуаллик, эмоционаллик) билан боғлиқдир. Бунда ғояларни чуқур тушуниш камлик қилади. Лекин, шундай амалий фаолият ташкил қилиш лозимки, унда ғоялар ички ҳиссиётлар тўғрисида тўла онгли равишда ҳаракат орқали яққол намён бўлсин, мустаҳкамлансин. Бунга бадий асарларни ифодали ўқиш, ҳикоя қилиш, музика тинглаш, слайдлар кўрсатиш орқали эришиш мумкин. Агар ўқитувчи воқеа ва ҳодисаларни таърифлашда уларнинг гўзаллиги, нафислиги, ёқимлилигига алоҳида эътибор берса, талай натижаларга эришиши мумкин. Шунингдек, буюмларнинг шакллари, ўлчовларидаги пропор-

ционаллик, ёругсоя нисбатлари ва бошқаларни санъат асарлари орқали таҳлил қилиб бериш лозим.

Ўқитишни фаоллаштириш учун ўқувчиларни мунтазам ва мақсадга мувофиқ равишда рағбатлантириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Яхши ишларни бутун синфга кўрсатиш ёки уларни мактаб кўргазмасига тавсия этиш, ўз кучига ишонтириш, объектив танқид, турли хилдаги ёрдамлар орқали ўқувчиларни рағбатлантириш мумкин.

Ўқитувчининг тажриба ва билими кучли ўқувчининг мустақил фаолиятига қаратилган бўлиши керак. Болаларга ишора, ёрдамчи савол, иш йўналиши ва камчиликларини кўрсатиш орқали ёрдам бериш керак.

Бошқа фанларда бўлганидек, тасвирий санъат дарсларида ҳам материалларни мунтазам ва кетма-кет баён этиш принципи муҳим аҳамиятга эга. Бу принцип бутун курс давомида ўқув материалларини мантиқан изчил жойлашишини ва ҳар бир мавзу олдиндан олинган билим, малака ва тажрибаларга суянган ҳолда, янги материалларни ўтилганлар билан боғлаб баён этилиши лозимлигини назарда тутати.

Амалдаги тасвирий санъатдан давлат таълим стандарти материалларни баён этишнинг фақат маълум кетма-кетликда амалга оширишнинггина эмас, балки унинг мунтазам бўлишлигини ҳам назарда тутати.

Баъзан шундай ҳоллар ҳам бўладики, бунда ўқитувчилар билим беришнинг бу муҳим принципини тўғри баҳолай олмайдилар. Ўқувчиларга берилаётган вазифаларда болаларнинг илгари олган билим ва малакалари ҳисобга олинмайди. Натижада улар берилган вазифани уддалай олмайдилар. Шунинг учун иш режаларини шундай тузиш керакки, ўқувчилар ҳар бир дарсда янгидан янги масалаларни ҳал этсинлар. Лекин, янги материалларни ўқувчилар ўтилган материалларни ўзлаштириб ва мустақкамлаб олганларидан сўнггина бериш лозимлигини ҳисобга олиш лозим.

Нарсанинг ўзига қараб расм чизиш дарсларини композиция дарслари билан, санъатшунослик асослари дарсларини нарсанинг ўзига қараб, композиция дарслари билан бемалол боғлаш мумкин. Тасвирий санъат дарсларининг ҳар бир турини ўзаро боғлиқликда амалга ошириш орқали яхши натижаларга эришиш мумкин. Бир ўқув фанининг бошқа ўқув фанлари билан алоқаси тасвирий санъатни ўқитишда ягона тизимни ташкил этиш имконини бера-

ди. Айрим ҳолларда шундай бўладики, ҳамма мавзулар ҳам ўтилган материаллар билан боғланавермайди. Бу ўқитувчидан ўқув материалларини чуқур ўрганишни, натура учун буюмларни, сувратлар, репродукциялар, слайдлар ва бошқа кўргазмаларни танлашга жиддий муносабатда бўлишликни талаб этади.

Масалага бундай ёндашилганда материалларни баён этишда парашелизм ва қайтарилишларга йўл қўйилмайди. Масалан, педагог тақвимий йиллик мавзуларни режалаштирганда ўқувчиларнинг рангшуносликдан оладиган билимлари қуйидагича кетма-кетликда бўлиши мумкин: асосий ва ҳосил ра ранглар, ҳосил ра рангларни ҳосил қилиш, ранглар контрастлиги, қонунлари, илиқ ва совуқ ранглар, атроф-муҳит таъсирида рангларни таъсирида ўзгариши, мураккаб ҳосил ра ранглар, ранг ва ёруғлик, буюмлар рангини унинг фони билан алоқаси, ҳаво перспективаси ва бошқалар.

Тасвирий санъатни ўқитишда назарий материалларни амалий материаллар билан боғлиқлиги ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Назария билан амалиётнинг боғлиқлиги болаларнинг тасвирий фаолиятида, дарс жараёнида, тўғарак машғулотларида, жамоа ишларида, яъни деворий газеталар чиқариш, альбом безаш ва шу кабилар орқали амалга оширилади. Шунингдек, тасвирий санъат жанрлари юзасидан назарий машғулотлардан сўнг ана шу жанрларда амалий машғулотларни ўтказилиши, ўтилганларни мустаҳкамлаш, янғисини осон ўзлаштириш имконини беради.

Ўқитишнинг ўқувчилар ёшига ва кучига мос бўлиши принципи берилётган билимлар ёки улар ўзлаштирилиши лозим бўлган материалларни мураккаблик даражасини болалар ёшига ва кучига мос бўлишини назарда тутати.

Кузатишлар шунини кўрсатадики, айрим ўқитувчилар 5-7 синфларда ҳам тўртбурчак, доира шаклидаги нақшлар ишлашни давом эттирадилар. Бу топшириқлар 3-4 синфлардаги вазифалардан деярли фарқ қилмайди. Булардан ташқари, ўқувчиларга доскага чизилган тайёр нақшдан нусха кўчириш тавсия этилади. Бундан, улар бериладиган топшириқларнинг болаларга осон бўлишлигини назарда тутадилар. Лекин, топшириқларнинг ўта жўн бўлиши ҳам яхши эмас, улар биринчидан болаларнинг мустақил фикрлашларини сусайтурса, иккинчи томондан улардаги ривожланишни тўхтатади.

Маълумки, ўқувчилар ҳаракат ва қобилият жиҳатидан бир-

бирларидан фарқ қиладилар. Бу вазият ўқитувчидан ўқувчилар билан яккама-якка иш олиб боришни талаб қилади, яъни ўқитувчи болаларни билим ва малакалари даражасини ҳисобга олган ҳолда уларга турлича мураккабликдаги вазифаларни ишлаб чиқади, уларнинг тасвирий ишларини тўғрилашга баъзи назарий ва амалий вазифаларни тушинтириш мақсадида доскада расм ишлаб кўрсатишига тўғри келади.

Ўқитишнинг ўқувчилар ёшига маослиги принципи қадимдан қўлланиб келинган. Бунда, яқиндан узоққа, маълумдан номаълумга, оддийдан мураккабга, осондан қийинга, конкретликдан абстрактликка принципларига асосланилади. Педагогикада бу принцип қадимдан тажрибадан ўтганлиги сабабли ўқитувчини ўз фаолиятида шу йўлдан бориши кўзланган мақсадга эришувига асос бўлади. Кези келганда шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, ҳамма осон нарсалар ҳам болаларга тушунарли бўлавермайди ва аксинча мураккаб материаллар тушунарли бўлиши ҳам мумкин. Бунда ўқувчиларнинг ёши, педагогик-психологик хусусияти, билим даражаси, тайёргарлиги, қобилияти муҳим рол ўйнайди. Масалан, тасвирий санъатни ўқитишда яқиндан узоққа бориш принципида иш тутиш мақсадида ўқитувчи аввал болаларга яқин бўлган Ўзбекистоннинг табиати, халқимизнинг турмуши, меҳнатини тасвирловчи Ўзбекистон rassомлари асарларини, сўнгра Ўрта Осиё, Шарқ, Европа мамлакатлари санъатини ўргатади.

Юқоридаги фикрлардан мактабда тасвирий санъатдан дарс ва дарсдан ташқари ишлар жараёнида дидактик принципларга риоя қилишнинг ниҳоятда муҳимлигини сезиб олиш қийин эмас. Дидактик принциплар ўқувчиларнинг бадий таълими, тарбияси ва ривожланишига тегишли шарт-шароитларни ярағади.

## **4.2. Бошланғич синфларда тасвирий санъатни ўқитиш методикиси**

**Мазмуни:** 1. Бошланғич синфларда борлиқни идрок этиш машғулотлари методикасининг ўзига хос хусусиятлари. 2. Бошланғич синфларда бадий-қуриш яшаш машғулотлари методикасининг ўзига хос хусусиятлари. 3. Натурага қараб расм ишлаш машғулотлари методикиси. 4. Бошланғич синфларда ўзига қараб ҳайкал

ишлаш методикаси. 5. Бошланғич синфларда ранг-тасвир композицияси машғулотлари методикаси. 6. Бошланғич синфларда декоратив композиция машғулотлари методикаси. 7. Бошланғич синфларда ҳай-калтарошлик композицияси машғулотлари методикаси.

Бошланғич синфларда тасвирий санъатни ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари, аввало бу синфлардаги таълим мазмуни кичик мактаб ёшидаги болаларнинг ёшлик хусусиятлари ва психологияси, қизиқиши, улардаги мавжуд билим ва қобилият ҳамда лаёқатларига қараб белгиланади.

Маълумки, болаларда тасвирий фаолиятга, хусусан расм чизишга иштиёқ ниҳоятда эрта бошланади. Уни 2-3 ёшлардан бошланиши тарихдан маълум. Шуниси характерлики, болалар ўқиш ва ёзишдан кўра расм чизишни жуда ёқтирадилар. Бироқ улар чизадиган расмларнинг давомийлиги жуда қисқа бўлади, 1-2 минут, кўпи билан 4-5 минутда ҳар қандай расмни тугаллаб қўйдилар. Болалар томонидан чизилган расмлар саводли бўлмаса-да, бироқ мазмунан бирон-бир кўринишни, воқеани ёки буюмни ўз иқтидорларига яраша, уларнинг характерли белгиларини тасвирлай оладилар. Бўёқлар билан ишлаш уларга маълум қийинчиликлар туғдириши сабабли улардан фойдаланишни айтарлик хуш кўрмайдилар. Лекин, турли ёрқин ранглар билан бўялган буюмлар болаларда катта қизиқиш уйғотади. Расмлари яхши чиқмаган ҳолда ўз ишларидан ихлослари тез қайтади. Бундай шароитда ўқитувчининг болаларга тез ёрдам кўрсатиши ва кайфиятини кўтаришга ҳаракат қилиши фойдадан ҳоли бўлмайди.

Бошланғич синф ўқувчиларининг тасвирий фаолиятларининг характерли жиҳатларидан яна бири уларнинг чизадиган расмларини соддалаштиришга бўлган ҳаракатларидир. Улар айрим нарсаларнинг олди кўринишини (уй, одам, китоб, соат, портфель) айримларини ён томонидан (машина, қайвонлар, қушлар, балиқлар, сайроқча в.б.), яна бошқаларини устки томонидан (капалак, барг, ниначи, қўнғиз в.б.) тасвирлайдилар. Бунга асосий сабаб бу ёшдаги болалар ҳали нарсаларни ёруғсоя, перспектив қисқариши ва уларнинг қсидаларини унча тушуниб етмаганликларидир.

Болалар ижодига хос яна бир жиҳат бор, у ҳам бўлса тасвир-

ларни (буюмларни) бир-бирларини тусиб турган ҳолатда ҳолда тасвирланмаслигидир. Чунки болалар нарсаларнинг ҳолда тасвирлашда тун ҳолда идрок этади.

Юқорида қайд қилинган тасвирий фаолиятларнинг ҳусусиятлари болалар тафаккурининг қонунет, образий ва ақлий фаолиятларда бўлишлиги билан боғлиқдир.

Энди бошланғич синфларда тасвирий санъат дарсларининг ўқитиш методикасининг ўзига ҳос ҳусусиятлари ҳақида тухиллаштириб бўлсак аввало унинг куйидаги тўрт тури қайд қилиниши керакдир: 1. Борлиқни идрок этиш. 2. Бадиий куйида-жонин. 3. Натурал тасвирлаш (натурага қараб расм ишловин, натурага қараб тасвирлаш). 4. Композицион фаолият.

**Борлиқни идрок этиш** машғулотлари 1-4- синф дарсларининг ўқитиш методикасининг аввало бўлиб, унинг мақсади болаларни ўраб олган борлиқ ҳақида улардаги нарс ва ҳодисаларнинг тузилиши, шакли, ранги, ўлчовлари, ўлчов нисбатлари ҳақида тасаввур ҳосил қилишдир. Чунки болалар теварак-атрофни, яъни табиат, ҳайвонлар ва кунлар одами, ҳашоратлар ва балиқлар, одамлар, оби-ҳаво, предмет ва буюмлар, қурилиш ва транспорт восителари ҳақида яхши тасаввурга эга бўлганликлари тақдирдагина уларнинг расмларини тасвирлаш равшан тасвирлайдилар. Борлиқни идрок этиш машғулотларининг мазмунидан келиб чиққан ҳолда амалиётда уларни ўқитишнинг куйидаги йўллари қўлланилади:

1. Буюмни, табиатни ўзига қараб кузатиш орқали ўрганиш.
2. Борлиқ ҳақида ўқитувчининг сўзбати орқали ўрганиш.
3. Савол-жавоб орқали ўрганиш.
4. Борлиқни расмини чизиш орқали ўрганиш.
5. Ўқитувчининг педагогик расми орқали ўрганиш ва.

Ўқитувчилар учун намойиш этиладиган нарсалар ва табиатлар аввало машғулот мавзуси билан боғлиқ ҳолда бўлиб, улар ўқитувчиларнинг шакли, ранги, ўлчовлари билан содда, тушунарли, болаларда ҳис-ҳаяжон уйғотадиган бўлишлиги мақсадга мувофиқдир. Энг муҳими, бундай материаллар ўқувчиларни ўйлашга мажбур этадиган, болаларни янги тушунчалар билан бойитадиган бўлишлиги муҳим.

Намойиш этиладиган нарсалар, уларнинг тасвирлари ҳақидаги маълумотларни болаларга оғзаки етказишда уларнинг таҳлил муҳим аҳамият касб этади. Бу таҳлил бевосита нарсаларнинг тузилиши



ши, шакли, ранги, ўлчовлари, уларнинг моҳияти ҳақида савол-жавоб тарзида ўтказилиши мақсадга мувофиқдир.

Қуйида борликни идрок этиш мавзусига доир машғулоти ишланмаси берилади.

Дарсинг мавзуси: Кузги табиат манзарасини идрок этиш.

Дарсинг вазифалари: Кузатувчанлик, синчковлик, диққат ва хотирани ўстириш. Табиатдаги гўзалликни кўра билишга ва қадрлай олишга ўргатиш. Кузги табиат манзарасининг ўзига хос хусусиятлари ва кузги ишлар билан таништириш.

Дарсинг жиҳозланиши: Куз фасли тасвирланган расм. Кузги ишларга доир манзара тасвири. Табиат қўйнига саёҳат. Уни ташкил этишнинг имкони бўлмагани тақдирда санъат асарларининг репродукцияларидан фойдаланиш мумкин. Масалан: Ў.Тансиқбоевнинг «Товда куз», З.Иноғомовнинг «Куз», Н.Қараханнинг «Олтин куз», И.Ҳайдаровнинг «Олтин куз», Ҳ.Башаровнинг «Ўзбек кузи. Шафтолилар», Г.Чернухиннинг «Фарзандлар ва набиралар», Уста Мўминнинг «Хирмонда» ва бошқалар. Бу асарларнинг ҳаммаси билан ўқувчиларни таништириш шарт эмас. Улардан айримлари (ўз хоҳишига кўра) танлаб олинади.

Дарсинг мазмуни. Машғулоти асосан икки йўналишда олиб борилади. Биринчиси, кузги табиат манзарасининг характерли хусусиятларини эстетик идрок этиш, иккинчиси кузги ишларнинг ўзига хос томонлари билан таништириш. Бу вазифаларни амалга ошириш мақсадида ўқитувчи шундай объектни танлаши лозимки, бу объект ҳам куз, ҳам кузги ишлар учун характерли кўринишда бўлсин.

Дарс ўқувчиларни мактаб боғи ёки далага саёҳатга олиб чиқиш ва у ерда амалга ошириладиган ишлар билан таништиришдан бошланади. Саёҳат жараёнида ўқитувчи болалар эътиборини чиройли куз манзарасига жалб этади. Уларга куз фасли ва бу вақтдаги ўзгаришлар ҳақида сўзлаб беради: «Болалар, мана ҳозир куз фасли. У ниқоятда чиройли, чунки, кузда ҳаво совий бошлайди, натижада дарахтларнинг барглари ўз рангини ўзгартиради. Баъзи барглар қизғиш тусга қиради. Ўт-майсалар саргайган бўлади, қисқаси, улар олтин рангга бурканадилар. Осмонда енгил парча-парча булуғлар пайдо бўлади. Эрталаб кузги экин ва ўтларнинг усти ошноқ қиров билан қопланади. Ерга тўкилган дарахт барглари оёқ остида шилтирилади. Октябр ойида кеч пишар мевалар териб олинади ва соқдаги ширин-шакар узумлар узилади. Ёнғоқ қоқилади. Кечки қар-

тошка, сабзи, пиёз, лавлаги каби савзавотлар йиғиштириб олинади. Бундай ишларни амалга оширишда ўқувчилар ота-оналарига, мактаб боғида эса мактаб жамоасига ёрдам берадилар. Кузда шаҳар ва қишлоқларда кўчат ўтказиш ойлиги бошланади. Бу ишларда ҳам болалар катталар билан бир қаторда қатнашадилар. Кузги йиғим-терим ишлари ниҳоятда завқлидир. Саёҳат жараёнида ўқитувчи эмоционал-эстетик вазият ҳосил қилиш мақсадида болаларга куз ва кузги ишлар ҳақидаги шеърлардан намуналар ўқиб беради.

Шеър ўқиб бўлингандан сўнг, табиатнинг кўриниши болалар билан биргаликда таҳлил қилинади. Таҳлил жараёнида кузатилаётган манзара юзасидан болаларга саволлар берилади. Бу саволлар қўйидагича бўлиши мумкин:

- кузда табиатда қандай ўзгаришлар рўй беради?
- қаршингиздаги манзарада қандай дарахт турларини кўряпсиз?
- дарахтларнинг ўлчови бир хилми?
- дарахтларнинг шакли бир-биридан қандай фарқ қилиб турибди?
- эътибор беринг, дарахт шохларининг йўғонлиги бир хилми?
- дарахтларнинг танаси ва шох-шаббаларининг тузилиши қандай?
- осмонга ҳам разм солинг, унинг ранги қандай?
- осмондаги булутларнинг шакли ёки ранги қандай (булутлар бор бўлса)?
- ўт ва дарахтларнинг рангида фарқ борми?
- табиатни кузатиш жараёнида яхши таассурот қолдирган нарса нима?

Табиатни кузатиш жараёнида болалар баъзи бир табиий материалларни (уруғлар, барглар, майда ҳашоратлар, илдизлар) коллекция учун ёки тасвирий ишлар учун йиғишлари мумкин.

Кузатилаётган объект юзасидан савол-жавоб тузагач, ўқитувчи суҳбатга яқун ясаб, болаларнинг жавобларини аниқлаштиради, камчиликларини тўлдиради, хатоларини тузатади.

Агар дарс синфда ўтказиладиган бўлса, ўқитувчи юқорида номлари қайд қилинган тасвирий санъат асарларининг репродукциялари, диапозитивлари, слайдларини болаларга кўрсатиб, синфда ўқувчилар билан бирга таҳлил қилади. Лекин, шуни ҳам қайд қилиш лозимки, дарс синфда қанчалик илғор методлар билан олиб борилмасин, барибир у айнан табиат қўйнига қилинган саёҳатнинг ўрнини боса олмайди. Шунинг учун ўқитувчи дарсни иложи борида табиат қўйнида ўтказишга ҳаракат қилиши лозим.

Уйга болаларни яшаш жойларидаги биронта олтин рангга

кирган табиат манзарасини кузатиш вазифа қилиб топширилади.

Бадиий қуриш-ясаш машғулотларини бошланғич синфларда ўтказиш режалаштирилган. Бундай машғулотларни ўтказиш учун болаларга турли-туман табиий ва бадиий материаллар зарур бўлганлиги сабабли. ўқитувчи бу масалага ўз эътиборини кўпроқ қаратиши керак бўлади. Ўқитувчи барча болаларни бундай материаллар билан таъминлай олмагани тақдирда бу ишга ўқувчиларни жалб этиши зарур бўлади. Табиий ва бадиий, ташландиқ материалларни тўплаш учун синфда махсус жой ажратилган бўлишлиги, уни болалар иштирокида тўлғизиб турилиши керак бўлади.

Қуриш-ясаш машғулотларига хос бўлган бир муҳим жиҳат шундаки, бунда ўқитувчи ва болалар амалий ишларнинг бир вақтни ўзида бажарадилар. Айрим машғулотларда (кўпинча 3-4-синфларда) амалий иш учун ҳамма тайёргарлик ишлари тугангани ва топшириқ барча болалар учун тушунарли бўлганидан сўнг асосий ишга ўтилади.

Бадиий қуриш-ясаш машғулотларида ўқитувчи болаларни фақат бир хил материал ёрдамида ишлаш билан чегаралаб қўймаслиги лозим. Улар ҳам табиий, ҳам бадиий, ҳам ташландиқ материаллар бўлишлиги мумкин.

Бундай машғулотларда ўқитувчи табиий ва ташландиқ материаллар ёрдамида ҳашорат, қуш, ҳайвон, одам кабиларнинг шаклини кўрсатиши муҳимдир. Масалан, илдизда илон, калтакесак, илон балиқ, ёнғоқ пўчогида тошбақа косаси, тухум пўчогида пингвин, жўхори ўзагида ҳайвон танаси шакллари кўриш мумкин. Бадиий қуриш-ясаш ишларида ўқитувчи материалларнинг хусусиятлари (қаттиқ, юмшоқ, мўрт, оғир, енгил, ялтироқ, эгилювчан в.б.), улар билан тўғри муносабатда бўлишлик ҳақида ҳам болаларга етарлича ва кенг тушунчалар бериши керак бўлади. Турли материаллардан ясалган нарсаларни тўплаб, уларни болаларга тез-тез намойиш этиб туриш, уларнинг ижодкорлигини фаоллаштириши, табиий ва ташландиқ материаллардан самарали фойдаланишга йўналтиради.

Машғулотларнинг самарадорлиги болаларни уйда, кўчада, саёҳат вақтида табиий ва ташландиқ материалларни кўплаб йиғиш ҳамда мактабга олиб келишга ҳам боғлиқ. Шунинг учун ўқитувчи ҳар бир дарсда бу ҳақда болаларга кўрсатма бериши.

янги бажарилган оригинал қуриш-ясаш ишларидан уларга курсатиб туриши яхши натижалар беради.

Қуйида бадий қуриш-ясашга доир дарс ишламаси берилади.


*Дарснинг мавзуси:* Ҳайвонлар тасвирини табиий материаллардан аппликация услида ишлаш.

*Дарснинг вазифалари:* Ўқувчиларни тасвирий фаолиятда турли материаллардан фойдаланиш ҳақидаги тушунчаларини кенгайтириш, ижодий қобилиятларини ривожлантириш. Нарсалар шаклини ва ўлчов нисбатларини кўра билишга ўргатиш. Аппликация ишлаш малакаларини ўстириш.

*Дарснинг жиҳозланиши:* Ҳайвонларни табиий материаллардан ишланган расмлари, янги ёки қурилган барглар, болалар китобларига ишланган иллюстрациялар.

*Дарснинг мазмуни:* Ўқитувчи болаларнинг билимларини бойитиш ва тасавурларини ўстириш учун улар кўрган ҳайвонларини эслашни таклиф этади. Ўқитувчи савол бериб, болаларни ҳайвонларнинг номи ва ташқи қиёфаси ҳақидаги билимларини текшириб кўради. Бунда у қуйидаги саволларни бериши мумкин: «Болалар, мана бу расмларга қаранг, нималарни кўряпсиз? Уларнинг ташқи қиёфалари бир-бирига ўхшайдими? Уларни фарқ қилувчи белгиларини айтиб беринг. Улардан қайсиларини кўргансиз? Номларини айтинг! Ана шу расмдаги ҳайвонларнинг барглардан ишланган аппликация тасвирини кўрсатинг ва характерли белгиларига кўра номини айтинг! Ўз олдингизда турган барглардан кўргазмали қуролда тасвирланган бирорта ҳайвоннинг ташқи кўринишига мос келадиганларини танлаб олинг! Ана шу барглардан нима қилиш мумкин? Мана бу аппликация қандай барглардан ишланган?» в.б.

Сўнг ўқитувчи ўқувчиларнинг жавобларидаги камчиликларни тўлдириб, кўргазмали қурол асосида уларнинг тушунчаларини янада бойитади. Буна ўқитувчи болаларнинг диққат-эътиборини асосан ҳайвонларнинг ташқи кўринишларига, қиёфаларига, характерли белгиларига, ўлчовлари ва ўлчов нисбатларига қаратиши лозим. Асосий ишга ўтишдан аввал ўқитувчи болаларга ҳар хил табиий ва бадий материалларни кўрсатиб, улардан турли ҳайвонлар тасвирини ва нақш ишлаш мумкинлигини билдиради. 12-расм. Навбатдаги иш ўқувчиларга барглардан бирор ҳайвоннинг ташқи кўринишини амалий тарзда кўрсатишдир. Масалан, ўқитувчи болаларга хўроз тасвирини ишлаб кўрсатиш учун



12-расм

каттароқ баргни танлаб олади ва уни ўртасидан қайчида қирқиб, тенг иккига бўлади. Баргнинг бир томонидан хўрознинг бош қисмини тасвирлаш учун бир озгина қийиб ташлайди. Сўнгра уни фон учун танланган қоғозга ёпиштиради. Кейин хўрознинг оёқларини майда барглардан ёки чўплардан ясайди. Мўйқалам ёрдамида хўрознинг қора ранг билан кўз ва оғзини чизади. 13-расм.

Болалар тайёрланган барг шаклларини ўқитувчининг руҳсати билан, ёпиштиришга ўтадилар. Бунда ҳайвон тасвирининг қайси деталлари тасвирнинг тагида қолиши керак бўлса, олдин ўша қисми



13-расм

ёпиштирилади. Сўнгра бошқа қисмларини ёпиштиришга ўтилади. Бунда ўқитувчи барглари қоғозга ёпиштиришда эҳтиёт бўлишни, баргнинг орқа томонига мўйқаламда елим сургач, керакли жойга қўйиб, устидан латта билан босиб, теккислаш ва ортиқча елимни латта билан асталикда артиб олиш кераклигини эслатади.

Дарс охирида ўқувчиларнинг ишлари намоёниш тахтасига қўйилади ва болалар билан биргаликда таҳлил қилинади.

Уйга хўроз тасвирини каттароқ ўлчовда, бошқа шаклдаги ва рангдаги барглاردан тайёрлаш вазифа қилиб топширилади.

Натурага қараб тасвирлаш бошланғич синфларда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. У болаларга расм ва ҳайкал ишлашнинг элементар қонун-қоидаларини ўргатади.

Натурага қараб тасвирлаш икки қисмдан ташкил топади. 1. Нарсанинг ўзига қараб расм ишлаш. 2. Нарсага қараб ҳайкал ишлаш.

Натурага қараб расм ишлаш болаларнинг ёшлик хусусиятларини ҳисобга олган нарсаларни ўзига қараб расмини ишлашни назарда тутаяди.


Натурага қараб расм ишлаш, натурани кузатиш, унинг тузилиши, шакли, ранги, ўлчовлари, ўлчов нисбатларини таҳлил қилиш, расмларни натура билан солиштириш каби методлар асосида олиб борилади. Натуранинг ўлчовига қараб уларни чизиш учун йирикларини синфда 2-3 жойга, майдаларини ҳар бир партага биттадан қўйиб чиқиш керак бўлади.

Майда ўлчовдаги натурани, айтилик баргни натура сифатида ҳамма жойда бир хил бўлиши шарт эмас, уларни болаларни расм ишлаш лаёқатига қараб ҳар хил мураккабликдагисини қўйса бўлади.

Натурага қараб расм ишлашда болаларни босқичлар асосида расм ишлашга ўргатиш муҳим. Бунда болалар, биринчи галда расмини ўлчов жиҳатидан тўғри белгилаш, иккинчидан расмини қоғоз юзасида тўғри жойлаштиришга ўргатилади. Кейинчалик натуранинг тасвирини ишлашга ўтилади. Бунда расм ишлашни икки хил методикаси қўлланилади: 1) Натурани ёрдамчи чизиқлар асосида белгилаб олиб расмини ишлаш. 2) Натурани бир йўла бўлақлар шаклининг расмини ишлашдан бошланиб, сўнгра уларни умумлаштирилади ва бўялади. 14-расм.

Натурага қараб расм ишлашда ёрдамчи чизиқлардан фойдаланиш билан бир қаторда ўқ чизиқ, симметрия ўқидан фойдала-

нилади. Шуниндек, нарсалар тасвирини биронта геометрик шакл-га тушириб олиб ҳам ишланади. Хусусан, ниначи расмини ишлаганда аввал унинг қанотларини тўртбурчак шаклида, соатни айлана шаклида чизиб олинади, кейинчалик унинг тасвирини аниқлаштирилади.



14-расм

Бошланғич синфларда расм ишлаш малакаларини ҳосил қилиш кўпроқ натурага қараб расм ишлаш бўлимига тўғри келади. Шунинг учун ҳам бундай машғулотларда ўқувчиларнинг ўқув қуроллари (қалам, ўчирғич, бўёқ, дафтар в.б.) билан тўғри муносабатда бўлишга, уларни тўғри ишлатишга ўргатиш муҳимдир. Расм ишлаш малакаларини шакллантириш эса маълум тизимда амалга оширилгани маъқул. Айниқса, тўғри-тик, тўғри-ётиқ, тўғри-оғма, эгри каби чизиқларни чиздириш, уларни тенг ёки тенг бўлмаган бўлақларга бўлишга ўргатиш маълум кетма-кетликда амалга оширилиши лозим. Шунингдек, шакллар, бўёқлар билан юзани қалам ёки бўёқ билан бир текисда бўяш юзасидан билим ва малакалар ҳосил қилишда ҳам шу тартибга риоя қилинади.

Яна шуни ҳам қайд қилиш лозимки, бошланғич синф ўқувчиларининг ҳали расм ишлаш лаёқатларининг пастлигини ҳисобга олиб, уларга ортиқча, мураккаб вазифалар бериб бўлмайди. Нарсалар расмини ишлашда уларнинг ҳажмини ёруғсоя, перспектива қоидалари асосида тасвирлаш ҳам талаб этилмайди. Шунингдек, улар томонидан чизилган расмга ортиқча талаблар ҳам қўйиб бўлмайди.

Кўйида натурага қараб расм ишлаш бўлимига доир машғулот ишланмаси берилган.

*Дарснинг мавзуси:* Ниначининг ўзига қараб расмини ишлаш.

*Дарснинг вазифалари:* Ўқувчиларни мураккаб ва симметрик шаклдаги нарсаларнинг тузилиши, шаклини кўра билишга ўргатиш, уларнинг тасвирий малакаларини ривожлантириш. Табиатга нисбатан меҳр уйғотиш.

*Дарснинг жиҳозланиши:* Ниначи коллекциялари. Катта ўлчовда ишланган ниначи расми ва параллел синф ўқувчиларининг шу мавзуда ишлаган расмларидан намуналар.

*Дарснинг мазмуни:* Янги мавзунини баён қилишни ўқитувчи ниначилар ҳақида қисқача суҳбат билан бошлайди:

Болалар, ёзги таътил вақтида сиз ҳар хил капалак, ниначи, тилла кўнғиз каби ҳашоратларни кўрган ва улардан коллекция тўплаган бўлсангиз керак. Маълумки, ниначилар шакли, тузулиши, ранги, беагаи, ўлчови жиҳатдан ниҳоятда хилма-хил бўлади-лар. Шунга қарамасдан, уларнинг бир-бирига ўхшаш томонлари кўп. Ниначиларни ўхшаш ва умумий томонларини солиштириб кўриш орқали билиб олиш қийин эмас. Ниначилар ўзларининг шакли, ранги ва енгил парвози билан кишиларга ниҳоятда завқ бағишлайди. Шунинг учун ҳам кўпчилик болалар уларни севиша-



ди. Уларни гутиб коллекция тўплайдилар.


Ниначилар ҳақидаги умумий суҳбат тугагач, катта ўлчовдаги биронта капалак расми доскага осиб қўйилади ва у болалар билан биргаликда таҳлил қилинади.

Таҳлил қўйидагича саволлар ёрдамида амалга оширилади:

- Ниначи қандай бўлаклардан ташкил топган?
- Ниначининг қаноти қандай кўринишда?
- Ниначининг бош қисми ва танасининг шакличи?
- Ниначининг танаси ва қанотларида қандай ранглар бор?
- Ниначи симметрик шаклдами ёки йўқми?
- Нима сабабдан ниначини симметрик шаклда деймиз?
- Ниначининг қаноти, танаси, боши, мўйлови ўзаро қандай туташган?

Ўқитувчи ниначиларни намуналарини кўрсатади ва уларни расмини чизиш усулини доскада кўрсатади. 15-расм. Бу ишни у биринчи галда расмни қоғоз юзасида композицион жиҳатдан тўғри жойлаштиришни тушунтиришдан бошлайди. Шу мақсадда у ўзи ишлаган намунавий расмни ва параллел синф ўқувчиларининг ишлаган расмларидан намуналарни болаларга кўрсатади.

Расм чизиш симметрия ўқини белгилаш ва ниначининг умумий баландлигини ётиқ чизиқ билан, энини оғма чизиқлар билан белги-



15-расм

лаб олишдан бошланади. Сўнгра симметрия ўқи устида ниначининг боши, танаси, думининг тасвири ишланади. Охирида эса белгиланган ётиқ ва оғма чизиклар орасида ниначи қанотларининг расми тасвирланади. Расм чизишдаги босқичларни ўқитувчи баъзи ўқувчиларга оғзаки такрорлатганидан сўнг уни доскадан ўчириб ташлайди. Сўнгра болалар парталарга қўйилган ниначиларни кузатадилар ва уларнинг ўзига қараб расмини (қаламда ва буюёқ билан) ишлайдилар. Дарс охирида синфда ишланган болалар ишларидан намуналар ажратиб олиниб, тахлил қилинади. Яхши ишланган расмларнинг эгалари рафбатлантирилади, буюш ишланган расмлардаги хато ва камчиликлар қайд этилади.

Яна бир бошқа ниначининг ўзига қараб расмини чизиш уйга вазифа қилиб топширилади.

Юқорида қайд қилинганидек, натурага қараб тасвирлаш, натурага қараб ҳайкал ишлашни ҳам назарда тутилади.

Бу машғулотларнинг яна ўзига хос жиҳатларидан бири болаларда пластилин, лой, стек билан тўғри муносабатда бўлиш, лой (пластилинни) парчаларини ўзаро қўшиш орқали ҳайкал ишлаш, шунингдек, биргина йирик лой бўлагидан ортиқча жойларини олиб ташлаш орқали ҳайкал ҳосил қилиш методикасини тўғри ўзлаштириб олишга қаратилганлигидир. 16-расм. Ўқувчилар томонидан топшириқларни бажаришда натурани барчага тўлиқ кўринишига эришиш муҳимдир. Шунингдек, натурани болалар иштирокида савол-жавоб орқали тахлил қилиш, у ҳақда тўлиқ тасаввур ҳосил қилишга имкон беради.

Бошланғич синфларда болаларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиб, ўзбек кулолларига хос бўлган майда ҳайкалчалар ясашга оид



16-расм

ишлардан намуналар кўчиртириш, бу санъат турининг миллий бадий анъаналарини ўргатишда муҳим аҳамият касб этади.

Куйида ўзига қараб ҳайкал ишлаш мавзусига доир дарс ишланмаси берилади.

*Дарснинг мавзуси.* Ўйинчоқ-тойчоқ ҳайкалини ишлаш.

*Дарснинг вазифалари.* Ўйинчоқ-тойчоқнинг тузилиши, шакли, характерли томонларини кўра билиш ва тасвирлашга ўргатиш. Ўқувчиларнинг лой ва пластилин билан ишлаш малакаларини ривожлантириш.

*Дарснинг жиҳозланиши.* Турли зотли отларнинг, шунингдек, ўйинчоқ-тойчоқ ҳайкалчалари. Ўйинчоқ-тойчоқ ясовчи усталарнинг иш ҳолатидаги расмлари.

*Дарснинг мазмуни.* Дарс ўқитувчининг отлар ҳақидаги суҳбати билан бошланади. Бунда отларнинг қайси мақсадларда боқилиши, уларнинг зотлари ҳақида алоҳида тўхталинади. Суҳбатда айниқса, бизнинг диёримизда отларнинг мавжуд турларидан қорабайр, араби, лақай, ёвмут зотлари борлигини қайд қилинади. Бундай отлар ва уларнинг тойчоқларининг расмлари намойиш этилади. Намойишда тойчоқларнинг тузилиши, шакли, ўлчовларига алоҳида эътибор

берилади.

Ўзбек халқ кулолчилигида азалдан от мавзуси етакчи ўринда бўлиб, уларнинг ҳайкалчаларини ишлаш қадимдан расм бўлиб келган. Бунга мисол қилиб Ҳамро Раҳимова, Умарқул Жўрақулов, Абдураҳим Мухторовлар яратган ишларни киритиш мумкин. 17-расм. Бу расмда Умарқул Жўрақулов рассом Г.Улько томонидан тасвирланган. Бу асар ўқитувчи томонидан болалар иштирокида таҳлил қилинади. Сўнгра бу усталар томонидан ишланган тойчоқ ҳайкалчалари намойиш этилади. Ўйинчоқ-тойчоқдан биронтасининг тузилиши, шакли, ўлчовлари, ўлчов нисбатлари,



17-расм

ранглари болалар билан биргаликда таҳлил қилинади. 18-расм.

Ўқитувчининг навбатдаги иши ўқувчиларга ўйинчоқ-тойчоқ ҳайкалини амалий тарзда ишлаб кўрсатишидир. Тойчоқ ҳайкали ҳам алоҳида лой бўлақларидан ишланади. Бунда тойчоқнинг танаси, боши, оёқлари, думи учун лой бўлақлари тайёрланади ва уларга керакли кўриниш берилгач барча аъзолари бирлаштирилади. Сўнгра, тойчоқнинг танасидаги майда қисмларнинг шакллари ишлаб чиқилади. Шу каби тайёргарлик ишлари тугагач, тойчоқнинг танасига намланган бармоқда ёки хўл латта ёрдамида силлиқлаб ишлов берилади.



18-расм

Ўқувчилар мустақил ишга киришганларидан

сўнг ўқитувчи ҳайкал ишлашда қийналаётганларга индивидуал ёрдам кўрсатади.

Дарс охирида барча ишлар намоиш тахтасига қўйилди ва ўқувчилар билан биргаликда таҳлил қилинади.

Уйга синф ишини давом эттириб тугаллаш вазифа қилиб топширилади.

Композицион фаолият машғулотлари бошланғич синфларда рангтасвир композицияси, декоратив композиция ва ҳайкалгарошлик композицияси каби қисмлардан ташкил топади.

Рангтасвир композицияси машғулотларида болалар кўпроқ йил фасллари, байрамлар, оммавий томошалар, қишлоқ ва шаҳар меҳнаткашларининг кундалик меҳнати, қуш ва ҳайвонлар ҳаёти каби-ларга доир мавзуларда расм ишлайдилар. Бундай машғулотларда ўқитувчи ўзининг асосий эътиборини болалар расмларида акс этадиган гоё, расм мазмуни, расм элементларини қоғоз юзасида композицион жиҳатдан тўғри саводли қилиб тасвирланишига қаратиши лозим. Бошланғич синфларда тасвирланаётган жараён ёки нар-

саларнинг хажмини ёруғсоя, перспектива ёрдамида тасвирлаш талаб этилмайди. Перспектива қоидаларига риоя қилиш талаб этилмасада, бироқ, яқиндаги нарсаларни йирикроқ, узоқдагисини кичикроқ тасвирланиши лозим. Рангтасвир композициясида тасвирланган ҳайвонлар, қушлар, одамлар ўртасидаги бир-бирлари билан боғлиқликни, алоқадорликни ҳам акс эттириш керак бўлади. Композициядаги барча элементлар ўзаро боғлиқликда тасвирланиши шарт. Болалар рангтасвир композициясини характерли хусусиятларидан бири, уларнинг расмларидаги соддалик, жўнлик, дунёни ўзларича идрок этишлари ва тасвирлашлари ҳисобланади. Улардаги бу хусусиятлар болалар расмларида сақланиши лозим. Ўқитувчининг бу масаладаги асосий вазифаси болаларнинг ижодий фаоллигини оширишга, расмдаги ғояни тўлиқ ифодалай олишга, расми эмоционал таъсирини кучайтиришга қаратишдан иборат.

Куйида рангтасвир композициясига доир дарс ишланмалари берилган.

*Дарснинг мавзуси:* «Варрак учиреш» мавзусида расм ишлаш.

*Дарснинг вазифалари:* Ўқувчиларнинг расм ишлаш малакаларини ривожлантириш. Бадий билим доирасини кенгайтириш. Кўриш хотираси ва ижодий қобилиятларини ўстириш.

*Дарснинг жиҳозланиши:* Болаларнинг турлича ҳаракатдаги ҳолатда турган схематик расмлари. Рассомларнинг варрак учирешга доир ишлаган асарларининг репродукциялари. Масалан, М.Кагаровнинг «Варрак учираётган бола», Ч.Ахмаровнинг «Варрак учиреш» номли асарларининг репродукциялари, ўқитувчи томонидан ишланган «Варрак учиреш» мавзусидаги композиция вариантлари, варракнинг асл нусхаси ва бошқалар.


*Дарснинг мазмуни:* Янги мавзунинг баёни суҳбат билан бошланар экан, ўқитувчи унда ўқувчиларнинг баҳор ва баҳорги ўйинлар ҳақидаги тасаввурларини кенгайтиришга ҳаракат қилади. Бунда у ўқувчиларга баҳор фаслида ўт-ўланларнинг ям-яшил тусга кириши, бойчечак, гунафша, лола каби гулларнинг очилиши, дарахтларнинг куртак чиқариши, лайлак, қалдирғоч каби қушларнинг учиб узоқ ўлкалардан бизнинг диёримизга келиши, айниқса, баҳорда болаларнинг варрак учирешлари ҳақида сўзлаб беради. М.Кагаров ва Ч.Ахмаровларнинг варрак учирешга доир, суратларининг репродукциялар намойиш этилиб таҳлил қилинди. 19-расм. Сўнгра, ўқувчи варракларнинг турлари ва ясалиш тартиби ҳақида ўқувчиларга қисқача

тушунча беради ва уларнинг расмларини кўрсатади. Варракнинг учи-  
шида кўпроқ шамолнинг роли катта эканлиги ва унинг очиқ  
жойларда, қир-адирларда кучлироқ эсиши ҳақида сўзлаб беради.



19-расм

Композиция учун қуйидаги мазмун тавсия этилади: 1. Болалар  
варракни учириш учун тайёрламоқдалар. 2. Болалар варракни учириш  
ҳаракатидалар. 3. Болалар варракни учириш учун олиб келишмоқда. 4.  
Болалар варрак учирмоқдалар в.б. Бунда ўқитувчи варракнинг турла-  
ри билан бирга лайлак ҳақида ҳам маълумот беради. Расмни чизди-  
ришда кўпроқ ўқувчиларнинг диққат-эътиборини ўқитувчи «Вар-  
рак учириш» мавзусига оид ўзи намуна учун ишлаган расм компо-  
зиция вариантларига қаратади. 20-расм. Бунда ўқувчилар эътибори  
варракнинг осмондаги ҳолати ва унинг ипини тортаётган болалар-  
нинг ҳолатларига қаратилади. Мавзу асосида расм ишлашдан аввал  
қоғозга композициянинг қаламтасвири чизиб олинади. Расм бўёғида  
ишланадиган бўлса қоғознинг пастки қисми яшил, юқориси эса  
ҳаворанг бўёқда бўялади. Варраклар баланд учадиган бўлганлиги са-  
бабли қоғознинг осмон учун ажартилган қисмига кўпроқ жой қол-



20-расм

дирган маъқул. Расмда дала ёки қир тасвирланаётган бўлса, уларнинг хусусиятларини ҳисобга олиш лозим. Сўнгра осмонда учаётган варрак ва унинг ипини тортаётган боланинг расми ишланади. Баҳор фаслида об-ҳаво тез-тез ўзгариб туриши сабабли осмоннинг турли чеккаларида енгил булутлар учиб юрган бўлади. Уларни ҳам болалар ўз расмларида акс эттиришлари тасвирнинг яна ҳам ҳаётий бўлишлиги учун хизмат қилади. Очилиб ётган қоқиўтлар, лалақизғалдоқлар, узоқ-узоқлардан кўзга ташланиб турган уйлар, осмондан учиб ўтаётган самолёт ва қушлар расмлари ҳам чизилиши мумкин. Расмда варрак учираётган биргина боланинг ўзини тасвирлаш етарли эмас, болалар гуруҳини ишлаш мақсадга мувофиқдир.

Варрак учириш мавзусида расм чизишни хоҳламаган киз болалар ёки баъзи бир ўғил болалар варрак расмини ишлаб, уни безатишлари мумкин.

Агар расм акварель бўёғида ишланадиган бўлса, дастлаб қоғоз сирти қўлланади. Қоғоз қуригач, расми акварел бўёғида ишлашга ўтилади. Дастлаб осмон учун қолдирилган жой ҳаворанг бўёқда ишланади. Ер расмини эса оч яшил рангда ва айрим жойларига жигаррангдан қўшиб ишланади. Бунда яшил ва жигарранглар аралшиб кетиб ер ва ўсиб ётган кўкатлар рангини ҳосил қилади. Ерни қил-қизил ранга бўяб, қирларда очилиб ётган лолақизғалдоқларнинг тасвирини берса ҳам бўлади. Сўнгра варрак ва ипини тортаётган болаларнинг расмини бўёқ билан ишлашга ўтилади. Айрим ҳарактерли белгилар, масалан, варракнинг ипи, буталарнинг

шоҳчалари ва ҳоказолар мўйқаламнинг учи билан тасвирланади. Ўқитувчи иш жараёнида вақти-вақти билан ўқувчиларнинг яхши ишлаган расмларидан намуналар кўрсатиб туради, улардаги ютуқ ва камчиликларни қисқача шарҳлаб беради. Дарс ниҳоясида расмлардан айримлари намойиш учун қўйилади ва улар ўқувчилар билан биргаликда таҳлил қилинади.

Топшириқ икки дарсга мўлжалланган бўлиб, биринчисида ўқитувчи баҳор ва болаларнинг баҳорги ўйинлари ҳақида суҳбат ўтказди. Шунингдек, мавзуга доир санъат асарларининг репродукциялари, расмлар, ўқитувчи томонидан тайёрланган композиция намуналари ўрганилади ва таҳлил қилинади. Топшириқ тунштирилади, композиция ишлаш юзасидан йўл-йўриқлар берилади. Мавзуга доир хомаки ишлар бажарилади. Вақт бўлса болалар композиция устида иш бошлайдилар. Иккинчи дарсда болалар томонидан аввалги дарсда бошланган синф иши давом эттирилади ва якунланади.

Уйга «Варрак учирини» мавзусида янги композиция ишлаш вазифа қилиб топширилади.

*Дарснинг мавзуси:* «Дарахт ўтқазини» мавзусида расм ишлаш.

*Дарснинг вазифалари:* Ўқувчиларнинг бадиий ижодий қобилиятларини, эстетик диди ва расм ишлаш малакаларини ривожлантириш. Табиатни севишга ҳамда уни асраб-авайлашга ўргатиш.

*Дарснинг жиҳозланиши:* «Кўчат ўтқазини» мавзусига доир расмлар. Ч.Ахмаровнинг мавзуга доир ишланган суврати (Шарқшунослик институти деворига ишланган фрескадан фрагмент). Ўқитувчи томонидан тайёрланган композиция вариантлари.

*Дарснинг мазмуни:* Дарснинг бошланғич қисмида баҳор фасли ва кўчат ўтқазини ойлиги ҳақида суҳбат ўтказилади. Бунда ўқитувчи кўчат ўтқазини, мевазорлар яратишнинг аҳамияти ва бу ҳақда олим ва донишмандларнинг фикрларини қайд қилади.

Ўзбек халқи қадимдан бог-роғлар яратиб, чўлларни бўстонларга айлантирган. Улар ўрикзорлар, ёнғоқзорлар, узумзорлар, анорзорлар барпо қилиб, халқимизнинг бундай меваларга бўлган талабларини қишин-ёзин қондириб келганлар. Мева-чеваларнинг кўпайиши, кўп жиҳатдан халқимизнинг соғлигини яхшилашга хизмат қилган.

Ўқитувчи ўз фикрларини тасдиқлаш мақсадида мевазор бог расмларини, расомлар томонидан яратилган асарларнинг репрод-



куцияларини намоиш этади. Мавзу билан боғлиқ бўлган Ч.Ахмаров томонидан ишланган суврат репродукцияси бу борада ўқитувчига ниҳоятда қўл келади. 21-расм.

Ўқитувчи у ёки бу мавзу билан алоқадор бошқа биронта асар репродукциясини болаларга кўрсатар экан, у ҳақда суҳбат ўтказа-



21-расм

ди. Сухбат қуйидаги саволлар орқали амалга оширилади:

- суврат қайси мавзуга бағишланган?
- нега шундай деб ҳисоблайсиз?
- сувратда қандай воқеа тасвирланган?
- сувратда кимлар тасвирланган? Уларнинг ҳар бири қандай иш билан машғул?
- сувратдаги воқеа қайси фаслда ва қайси ойда содир бўляпти?

Уни қандай билиш мумкин?

- воқеа қаерда содир бўляпти? Шаҳардами, ёки қишлоқдами?
- сувратдаги воқеа қайси даврларга хос? Уни қандай билиш мумкин?
- сувратнинг нимаси сизга кўпроқ ёқади?
- сувратни янада мазмунли қилиш мумкинми? Қандай қилиб?
- суврат таҳлили тугагач, ўқитувчи болаларнинг жавобларини тuzатади, тўлдиради ва умумлаштиради.

Ўқувчиларнинг баҳор ва кўчат ўтказиш ҳақидаги тасаввурларини бойитиш мақсадида ўқитувчи уларга баҳор ҳақида, кўчат ўтказиш ҳақида шеърлар ўқиб беради.

Шундан сўнг ўқитувчи слайд, диапозитив, фотолар, санъат асарларининг репродукцияларини намоиш этади. Улардан ўқувчилар ўзларининг ижодий ишларидан фойдаланадилар.

Навбатдаги вазифа болаларга топшириқ бериш ва уни тушунтиришдан иборат. Топшириқ кўчат ўтказиш ҳақида бўлиб, композиция учун мактаб боғи, мевазорлар, шахсий хўжалик, жамоа хўжалиги боғи, кўча-куйлар объект қилиб олинади. Тасвир учун воқеа қаерда бўлаётганлигини ҳисобга олиб, одамлар, дарахтлар, ҳайвонлар, қушлар, дарёлар, кўллар, тоғлар танланиши мумкин.

Шундан сўнг, ўқитувчи расм композицияси ҳақида гапириб, унинг бир нечта вариантлари тўғрисида тўхталади Уни ўқитувчи хонамаки тарзда қаламтасвирда уйда тайёрлаб келган бўлади. Расмларнинг уччала вариантыда ҳам бир хил воқеа ва бир хил расм элементлари мавжуд бўлади. Уларнинг бир-биридан фарқлари фақат расм элементларининг композицион жиҳатдан жойлашувларидадир. Композиция билан бир қаторда ўқитувчи расмнинг қандай ранглар билан бўялиши ҳақида ҳам фикр юритади. Бунда расм рангларида баҳор нафаси анқиб туриши, илиқ рангларни кўпроқ ишлатилиши ҳақида алоҳида тўхталади. Расмни бўяш ҳақида гап борганда унинг қоидаларига риоя қилиш лозимлигини ҳам ўқити-

рилади. Хусусан, аввало катта юзалар, оч рангли жойлар, кейинчалик тўқроқ ва кичик юзалар босқичма-босқич бўйлиши қайд қилинади.

Болаларнинг мустақил ишлари жараёнида ёрдамчи материал вазифасини бажарувчи расмлар намоёиш тахтасида дарснинг охиригача қолдирилади.

Болалар мустақил ишга киришганларидан сўнг ўқитувчи болаларга индивидуал, керак бўлган тақдирда умумий ёрдам беради. Индивидуал ёрдам кўпроқ бўш ўзлаштирувчи болаларга кўрсатилади.

Дарс икки соатга мўлжаллаган бўлиб, унинг биринчи қисмида болалар расмни қаламда, иккинчи қисмида бўёқлар билан тасвирлайдилар.



Иккала дарснинг охирида ҳам ўқувчиларнинг синфда бажарган ишларига яқун ясалади. Бунда болалар ишлаган турли даражадаги расмлардан намуналар ажратиб олиниб, улар бутун синф болалари иштирокида таҳлил қилинади.

Уйга вазифа қилиб, ҳар иккала дарс охирида уйга синфда бажарилган ишларни давом эттириш топширилади.


Бошлангич синфларда **декоратив композиция** машғулотлари нақш ишлаш, эртақ ва ҳикоялар асосида иллюстрациялар ишлаш кабиларни назарда тутати. Бу борада нақш ишлаш машғулотлари катта ўринни эгаллайди. Айниқса, йўлсимон, квадрат, тўртбурчак, айлана шаклидаги нақш намуналаридан кўчириб ўрганишга, ўзбек халқ амалий санъати намуналарини ўзлаштиришга алоҳида эътибор берилди. 22-расм. Бунда кўпроқ нақш композицияси, ранг, элементларни тўғри тасвирлаш, уларни ижодий характерда бўлишлигига, нақш фони билан унинг элементларининг ранглари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик, стилизация масалалари ўқитувчининг диққат марказида бўлиши ҳисобланади. 23-расм. Шунингдек, нақш гулининг номларини ҳам ўқувчиларга кўргазмали тарзда тушунтириб бориш талаб этилади. 24-расм. Дастлабки машғулотларда болалар йўлсимон нақш намуналаридан кўчирсалар, кейингисида нақш схемалари ва элементлари асосида, охирида бутунлай ижодий нақш чизадилар. Қуйида квадрат шаклидаги нақш схемаси ва элементлари кўрсатилган. 25-расм.

*Дарснинг мавзуси.* Анор тасвиридан йўлсимон нақш ишлаш.


*Дарснинг вазифалари.* Ўқувчиларни йўлсимон нақшлар ҳақидаги тушунчадарини янада кенгайтириш. Мевалардан нақш тузиш мум-




22-расм




23-расм



23-расм



24-расм



25-расм

кинлиги ҳақида тушунча ҳосил қилиш. Қалам ва мўйқалам билан расм чизиш малакаларини ривожлантириш.



*Дарснинг жиҳозланиши.* Мева ва сабзавотлар тасвиридан ишланган нақшлар. Анор ва унинг стилизацияланган тасвирлари.

*Дарснинг мазмуни.* Янги мавзуни баён қилишда узум, анор, кунгабоқар тасвиридан тузилган нақшлар, анорнинг стилизацияланган тасвирлари кўрсатилади ва тушунтирилади. 26-расм. Сўнгра анор шаклиданишланган йўлсимон нақшни композиция вариантлари кўргазмали қурол ёрдамида тушунтирилади. 27-расм.

Ўқувчилар бу нақшдан биронтасининг расмини ишлайдилар ва рангини ўзлари мустақил равишда танлайдилар.



26-расм






27-расм



Ўқитувчи ўқувчиларнинг тасвирлай олиш малакалари ва тайёргарлигини ҳисобга олиб, анор тасвиридан ишланган учта нақшдан биронтасини чизиш йўли ўқувчиларга расмда кўрсатилганидек амалга оширади. 28-расм.

Уйга вазифа қилиб анор тасвиридан бошқача композицияда нақш ишлаш топширилади.




28-расм

*Дарнинг мавзуи.* Доира шаклида мустақил нақш ишлаш. (Схема ва элементлар асосида).

*Дарнинг вазифалари.* Ўқувчиларнинг ижодий қобилиятлари ва бадиий дидларини ўстириш. қалам ва мўйқалам билан ишлаш малакаларини ривожлантириш.


*Дарнинг жихозланиши.* Ўзбек халқ амалий санъати намуналари (сўзана, лаган, паднис, чойнак ва бошқалар) ёки уларнинг фотолари.

*Дарнинг мазмуни.* Ўқитувчи янги мавзуни ўтишга киришар экан, аввал ўқувчиларни халқ амалий санъати ва доира шаклидаги нақшлар тўғрисида тушунчиларини мустақкамлаш мақсадида болаларга саволлар билан мурожаат қилади. Бу саволлар халқ амалий санъатининг қайси турларида доира шаклидаги нақшлар учраши, халқ амалий санъати буюмларининг вазифалари, уларининг композициялари, безак элементлари, ранглари, нақшларда ритм ва симметрия, безак элементларининг ранглари ўртасидаги алоқадорлик ҳақида бўлади.




29-расм.

Суҳбатдан сўнг ўқитувчи асосий масалага ўтиб, бунда доира шаклидаги нақш схемалари ва безак элементлари тасвирланган кўрғазмали қуролни болаларга кўрсатади. Кўрғазмали қурол юзасидан фикр юритганда болалар эътибори доира шаклидаги нақшлар ва нақш схемалари ўртасидаги умумийлик ва фарққа қаратилади.



30-расм.

Бу композиция схемаларининг биринчисида доиранинг чети безатилиб, марка-




29-расм

зи бўш қолганлиги, иккинчисида эса аксинча, ўрталари безати-  
либ, кети бўш қолганлиги, қайд қилинади. Учминчи схемада эса  
безак элементлари доиранинг ҳам маркази, ҳам четида бир текис  
жойлашганлиги айтилади.

Дарсда безак элементларининг номлари билан таништириш жуда  
муҳимдир. Чунки, бу номлар ўзбек амалий санъатида кенг қўлла-  
нилган. У халқ санъатини тўғри идрок этишда ва декоратив фао-  
лиятларда болаларга ниҳоятда ёрдам беради. Булар барг, шобарг,  
бодом, чучмома, учбарг, лола, барггул, чорбарг, пахта, кичкина  
ойгул кабилардир.

Ўқувчиларнинг вазифаси юқорида кўрсатилган композиция  
схемаларидан биронтаси ўз дафтарларига чизиш ва расмда кўрса-  
тилган безак элементларининг 2-3 тасидан фойдаланиб доира шак-  
лида нақш ишлашдан иборатдир. Нақш хошиялари учун қуйида  
кўрсатилган элементлардан фойдаланиш тавсия этилади. 31-расм.

Болалар нақшни бўяшга киришишдан аввал ўқитувчи уларга  
амалий санъат буюмларини ёки уларнинг фотоларини кўрсатиб,



30-расм

31-расм

нақш рангларига болалар эътиборини яна бир бор қаратади.

Дарс охирида болалар ишлаган ишлардан эгн ҳарактерлилари ажратиб олинади ва улар ҳамма ўқувчилар иштирокида таҳлил қилинади.

Уйга доира шаклдаги янги нақш композицияси ишлаш вазифа қилиб топширилади.

Декоратив композиция машғулотларида иллюстратив расм ишлашга алоҳида эътибора бериледи ва у эртақ, ҳикоя, масал, шеър каби бадиий асарлар асосида амалга оширилади. Бундай машғулотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан уни тўғри ташкил этишга боғлиқ. Бунинг учун аввало болалар ёшига мос, қизиқарли, тарбиявий аҳамиятга эга бўлган адабий аср танлаш лозим. Қолаверса, асар мазмунини тўлиқ болалар онгига етказиш, ундаги қизиқарли жойларни топиш, асар билан боғлиқ ёки унга яқин иллюстрацияларни болаларга намойиш этиш, уларни ғоя, мазмун, композиция, ранг жиҳатидан таҳлил қилиш керак бўлади.

Иллюстратив расм ишлаш машғулотларида ўқитувчи ўз эътиборини болалар расмларини ижодий характерда бўлишига, асардаги персонажларни образли, ўзларига хос характерли ҳолатда тасвирланишига, уларни ва теварак-атрофдаги бошқа тасвирий деталларни ўзаро алоқадорликда тасвирлашларига қаратиши лозим. Шунингдек, улар композиция қоидаларига риоя қилиш, образ ва воқеаларга мос ранглар танлаш, расмда планликни эътибордан қочирмасликлари лозим. Имкони борича яқиндаги образ ва нарсаларни йироқроқ, узокдагиларни кичикроқ қилиб тасвирлаш лозимлигини болалар онгига етказиш ва уни ўз расмларига тадбиқ қилишларига ёрдам бериш муҳим.

Иллюстратив расм ишлаш машғулотларининг яна бир муҳим хусусияти болаларда фантазия, образли тасаввурларни ўстиришга қаратилганлигидир. Бу сифатларни ривожлантиришга 3-4-синфларда кўпроқ эътибор бериледи. Иллюстратив расм ишлаш, асосан эртақ, ҳикоя, масал каби адабий асарлар билан боғлиқ бўлганлиги сабабли болалар асардаги ҳайвонларни одамлар қиёфасида тасвирлашларига руҳсат этилади. Улар кийимлар кийган, одамлар яшайдиган уйларда яшаётган, улар ўзаро гаплашаётган ва меҳнат қилаётган ҳолларда тасвирланиши мумкин. Бу ўз ўринда болаларни ҳаяжонлантиради, ижодий ишларини фаоллаштиради.

Маълумки, иллюстратив расм ишлаш машғулотлари одам, ҳай-

вон, қуш ва бошқа мураккаб тузилишдаги нарсаларни тасвирлаш билан боғлиқ. Уларни ўзига ўхшатиб саводли тасвирлаш болаларга маълум қийинчиликларни туемиради. Шунини ҳисобга олиб бу материалларга доир кўргазмали қуролларни (одам, ҳайвон, қуш тасвирланган) намоиш этиш керак бўлади.

Куйида иллюстратив расм ишлаш мавзусига доир дарс ишлан-маси берилган.

*Дарсинг мавзуси:* «Сусамбил» номли эртақ асосида расм иш-лаш.

*Дарсинг вазифалари:* Ўқувчиларнинг ижодий қобилиятлари ва бадиий дидларини ўстириш. Қалам ва мўйқаламда ишлаш малақа-ларини ривожлантириш. Расмда эртақ мазмунини ифодалашга ўрга-тиш.

*Дарсинг жиҳозланиши:* Р.Левицкийнинг «Сусамбил» номли ўзбек халқ эртагига ишлаган иллюстрациясининг репродукцияси. Шу эртақ асосида бошқа синф болалари ишлаган расмлардан на-муналар, хомаки расмлар. Бўри, эшак, хўроз, хўкиз, каламуш, ари қабиларнинг расмлари. Қогоздан ишланган ўйинчоқлар ёки пластмассадан тайёрланган ўйинчоқ нусхалари, ҳайвонот дунё-сига бағишланган диафильм, мультфильм, слайдлар.

*Дарсинг мазмуни:* Ўқитувчи аввало «Сусамбил» номли эртақни сўзлаб беради. Сўнгра эртақдаги энг қизиқарли воқеаларни бола-лардан сўрайди. Маълум бўлишича, эртақнинг қизиқарли жойлари куйидагилар ҳисобланади: эшак, хўкиз ва хўрозни ўз уйларини ташлаб чиқиб кетишлари, бу ҳайвонларни йўлда каламуш, ари билан дўстлашуви, бўрилар подшосини ҳайвонларни тутиб кел-тириш ҳақидаги буйруқ бераётгани, бўрилар билан ҳайвонлар-нинг жанги, бўрилар қочиб ўз подшосига бўлган воқеани гапириб бераётгани ва бошқалар.

Ўқитувчи сўзида давом этиб, рассом Р.Левицкийнинг «Сусам-бил» эртагига ишланган расми юзасидан суҳбат ўтказди. 32-расм. Расмда «Сусамбил» эртагидаги бўрилар подшоси бўриларга эшак билан хўкизни тутиб келтириш ҳақида буйруғи тасвирланганлиги-ни гапириб беради. Рассом расмда бўрилардан ташқари дарахт, тоғ, дарё, майсаларни тасвирлаш орқали Сусамбилнинг ниҳоятда чиройли жой эканлигини кўрсатиб берган. Ўқитувчи иллюстра-циялар билан бир қаторда болалар ёки ўзининг шу эртақка иш-ланган расмларини кўрсатиши ва таҳлил қилиши болаларнинг эр-




32-расм

так ҳақидаги тасаввурларни бойитади, соҳага бўлган иштиёқ, хавсларини оширади.

Ўқитувчининг бу дарсда композиция юзасидан берадиган маслаҳатлари ниҳоятда муҳимдир. Бунда ўқитувчи болаларга расмда эртакдаги қайси воқеани, қандай ҳайвонларни, қандай манзарани (тоғ, дарё, дарахт ва ҳакозо) тасвирламоқчи эканлигини ўйлаб олишлари ҳақида маслаҳат беради. Сўнгра чизиладиган ҳайвонлар, дарахт, тоғ, дарё, қўллар қоғоз юзасининг пастки қисмига жой-

лаштирилиши, биринчи планда нима, иккинчи ва учинчи навбатда нималар ва қандай тасвирланиши ҳақида тўхталади.

Болалар фаолиятини тўғри йўналтириш, ишланадиган композицияларни бадиий жиҳатдан юксак ва мазмундор бўлиши учун эртактаги бирор воқеага ишланган композиция нусхаларини кўрсатиш мақсадга мувофиқдир. 33-расм. Масалан, бўрилар базмини уч хил нусхадаги композицияси кўрсатиладиган бўлса, биринчи нусхалардаги расмда иштирок этадиган образ ва деталлар қолган иккала вариантда ҳам тасвирланади. Бироқ улар ҳар бир расмда бошқача комбинацияланган бўлади. Бу расмларни кўрсатиш орқали ўқитувчи эртактаги биргина воқеа юзасидан жуда кўп хил композициялар ишлаш мумкинлигини далиллайди, намоён этилади.



33-расм

Сўзининг охирида ўқитувчи расмни бўяшни табиат манзарасидан бошлаш, сўнгра ҳайвонларнинг расмларига ўтиш ва қандай ранглар билан бўялишини маслаҳат беради.

Болалар мустақил ишлар жараёнида ўқитувчи тайёрлаган катта ўлчовдаги кўргазмали қуролдан (ҳайвонлар тасвиридан) фойдаланадилар. Амалий иш жараёнида ўқитувчи болаларга ёрдам кўрсатади.

Дарс энг характерли расмларни ажратиб олиш ва уларни ўқувчилар билан биргаликда таҳлил қилиш билан якунланади.

Синф ишини бўяб тугаллаш уйга вазифа қилиб топширилади.

*Ҳайкалтарошлик композицияси* машғулотларига бошлангич синфларда алоҳида ўрин ажартилган. Уларга ҳаётий мавзуларда, шунингдек, эртақ, ҳикоя, масал мавзулари асос қилиб олинади. Шунингдек, ҳайкалтарошлик композицияси машғулотлари учун лойдан ясалган ўзбек халқ ўйинчоқлари анъаналари асосида мазмунли ҳайкалчалар ишлаш мавзулари ҳам берилади. Бундай мавзулар қаторига «Туя ва бўталоқ», «Икки эчки», «Пойга» кабиларни киритиш мумкин. Мазмунли ҳайкалчалар болалар учун қийинлик қилганлиги учун топшириқлар жамоа бўлиб бажарилади. Бунда композицияда иштирок этувчилар, шунингдек ижодий гуруҳлар сони ва ҳар бир ўқувчининг вазифаси белгиланади. Масалан, «Туялар қарвони» мавзусида ҳайкалтарошликдан композиция ишланадиган бўлса, мавзуга доир қарвонбоши, 5-6 туя (юклари билан) бир ит, бир эшак ҳайкалчаларини яшаш лозим. Уларнинг ҳар бирини биттадан ўқувчига топширилади.

Ишлар тайёр бўлгач, аввалдан келишиб олинган композиция лойиҳаси бўйича ҳайкалчалар жой-жойига қўйилади. Бунда қарвоннинг энг олдида ит, кейин эшак миниб олган қарвонбоши, охирида юкланган 5-6 туя кетма-кет қўйилади ва композиция тайёр бўлади.

Ҳайкалтарошлик композицияси машғулотларида ўқитувчи ўз эътиборини қуйидаги жиҳатларга қаратиши лозим. Болалар кучи ва қизиқишига мос мазмун (ёки онни) ва композицияни топиш, композицияда иштирок этувчи деталарни аниқлаш, композициядаги деталлар ўртасидаги алоқадорликка болалар эътиборини қаратиш, композиция деталларини тўғри тасвирлаш талаб этилади.

Вазифани талаблар даражасида бажарилиши учун ўқитувчи мавзуга доир иллюстратив материалларни намоиш ва таҳлил этиши муҳим. Шу билан бирга вазифани бажаришга қийналаётган ўқув-



чилар ёки гурухларга амалий ёрдам кўрсатилади.

Куйидаги ҳайкалтарошлик композициясига доир дарс ишлан-малари берилган.


*Дарснинг мавзуси.* «Туялар карвони» мавзусида ҳайкал ишлаш.

*Дарснинг вазифалари:* Ўқувчиларни лойдан ҳайкал ишлаш ма-лакаларини ўстириш. Бадиий фикр доирасини кенгайтириш. Шакл, ўлчов, мутаносиблик орқали эстетик тарбиялаш. Жамоа тарбияси-ни амалга ошириш. Болаларни бадиий фикрлашга ўргатиш, улар-ни ижодий қобилиятларини ўстириш.

*Дарснинг жиҳозланиши.* Ҳайкалтарошлик дарслари учун керак бўладиган ўқув қуроллар, бадиий ашёлар, дарс мавзусига алоқа-дор бўлган санъат асарларининг репродукциялари. Ҳайинчоқ туялар. Катта ўлчовдаги туя расми.

*Дарснинг мазмуни.* Дарсда аввало ўқитувчи сахро зоналарининг табиати ва иқлими, ҳайвон ва қушлари ҳақида тўхталади. Ўқувчи-ларга буни чўлда ўсувчи ўсимликлардан – саксовул, янтоқ, сахро жониворларидан туя, эчкимар, илон кабилар ҳақида атрофлича сўзлаб беради ва уларнинг расмларини кўрсатади. Туяларнинг ҳаёти ҳақида алоҳида тўхталади. Туяни сахронинг кемаси деб ҳам атай-дилар. Туялар жуда чидамли ҳайвон бўлиб, бир ойгача сув ичмасдан ва овқатланмасдан юра олади. Бундай пайтларда улар ўз ўрқачларидаги ёғларидан фойдаланадилар. Туялар ҳақида гап бор-ганда, ўқитувчи болалар эътиборини уларнинг тузилиши, шакли, ўлчовлари, ўлчов нисбатларига қаратади. Бунинг учун у катта ўлчов-даги одам, эшак, туя тасвирини, шу мавзудаги сувратларнинг реп-родукцияларини ёки диапозитивларини кўрсатади. Ана шу хилда-ги тушунтиришлардан сўнг ўқитув-чи туялар шаклини лойдан ишлаш-ни амалий тарзда бажариб кўрсата-ди. 34-расм.

Туя шакли алоҳида лой бўлак-ларидан ишланади. Бунинг учун туя-нинг танаси, орқа ва олд оёқлари ҳамда бош қисмлари учун лой бўлак-лари тайёрлаб олинади. Уларга керак-ли кўринишлар берилгач, ўз ўрин-ларига ёпиштириб чиқилади. Одатда туяларнинг ўрқачлари битта ёки ик-



34-расм

кита бўлиши мумкин. Ўқувчилар ўз хохишларига кўра уларни бир ёки икки ўркакчи қилиб ишлайдилар. Туянинг сиртидаги майда деталлар стеклар ёки бармоқлар билан силлиқлаб чиқилади.

Болалар «Туялар карвони» композициясини ишлашлари учун синфда алоҳида 3-4 ижодий гуруҳ ташкил этилади ва уларга гуруҳ бошлиғи тайинланади. Бу бошлиқлар гуруҳ иши учун жавоб берадилар.

Гуруҳ аъзолари ўртасида вазифалар тақсимланади. Ҳар бир композиция учун бир карвонбоши, эшак ёки от, ит, 5-10 тагача юклар ортилган туялар, туя устида ўтириб кетадиган 2-3 та одам ҳайкалларини ясаш керак бўлади. Уларнинг ҳайкалини ясаш гуруҳ аъзолари орасида бўлашиб олинади. Ҳар бир болага биттадан ҳайкални ясаш тавсия этилади. Ҳар бир ўқувчи ўз вазифасини бажариб бўлганидан сўнг, ҳар бир гуруҳ аъзоси композиция устида ишлайди. Композиция учун тахминан 30-40 см катталиқдаги фанерча керак бўлади. Фанернинг устига ҳар бир фигура қуйидаги тартибда жойлаштириб чиқилади. Карвоннинг энг олдида ит, сўнгра эшак минган карвонбоши, туялар тасвирланадилар. Туяларнинг баъзиларида одамлар ўтириб олган бўлишлари мумкин. Карвонбоши композицияда эшакни етаклаб кетаётган ҳолда тасвирланиши ҳам мумкин.

Мазкур мавзу икки дарсга мўжалланган бўлиб, биринчи дарснинг кўпроқ қисми ўқитувчининг карвон ҳақида суҳбати, шунингдек, ит, эшак, туя, одамларнинг шакли, ўлчови, тузилиши ҳақида бўлади. Шу билан бирга топшириқ мазмуни, гуруҳ аъзоларининг ўз вазифаларини белгилаб олишлари ва композиция мазмунининг ўзаро келишиб олишлари ҳақида бўлади. Иккинчи дарс тўлалигича ўқувчиларнинг мустақил ишларига бағишланади. Иш якуни иккинчи дарс охирида амалга оширилади. Бунда ижодий гуруҳлар томонидан тайёрланган ишлар муҳокама этилиб, яхши кўрсаткичга эришган болалар рағбатлантирилади. Уйга «Туя ва бўғалоқ» мавзусида ҳайкал ишлаш вазифа қилиб топширилади.

*Дарснинг мавзуси.* Аждар ҳайкалини ишлаш.

*Дарснинг вазифалари.* Ўқувчиларда бадиий ижодий қобилиятларни, тасаввурни (фантазия) ўстириш. Ҳайкалтарошлик лойи, стек ва қўл билан ишлаш малакаларини ўстириш.

*Дарснинг жиҳозланиши.* Рассом А.Венедиктов томонидан Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонига ишланган аждар тас-

вирланган график иши. Аждар ҳайкаллари (Х.Ҳақбердиевнинг «Аждарҳо» ҳайкали), турли адабиёт ва журналлардаги аждар расмлари.

*Дарсинг мазмуни.* Ҳўқитувчи аждарни ҳаётда бўлмагани ва унинг эртақ, достон ва кинофильмларда акс этиши ҳақида суҳбат ўтказади. Суҳбатда аждар ҳақиқатда йўқлиги, уни халқ томонидан ўйлаб топилганлиги, унинг беўхшов илонсимон ҳайвон эканлиги, эртақ ва достонларда аждарни халққа кўп ёвузлик қилиши, халқ қахрамонининг бу ҳайвон билан яккама-якка олишуви ва уни ўлдириши юзасидан маълумотлар берилади. Суҳбат давомида ўқитувчи болаларни дарсдаги фаоллигини ошириш ва аждар ҳақидаги тасаввурларини кенгайтириш мақсадида уларга бу ҳайвон билан боғлиқ бир қатор саволлар берди:

-аждар иштирок этган қайси эртақларни биласиз? Достонларни-чи?

-аждар иштирок этган қайси мультфильм ва кинофильмларни кўргансиз?

-аждарнинг бадий асарларда қандай сифатлари акс этирилган? (кўп бошли, баҳайбат, қўрқинчли, оғзидан олов чиқаради, оғзидан шамол чиқаради, қўзлари ёнади, қанотли в.б.)

-бу ҳайвон кўпроқ қайси халқлар халқ оғзаки ижодида учрайди? в.б.



Савол-жавоблардан сўнг ўқитувчи болалар аждар ҳақидаги расмлар, иллюстрацияларни намойиш этади ва улар орқали аждарнинг ўзига хос жиҳатлари билан таништиради. 35-расм.

Бу суҳбатда ўқитувчи болалар эътиборини кўпроқ аждарнинг ўлчови, тузилиши, қисмлари ва уларнинг шакли, ўлчов нисбатла-



35-расм

ри, қисмларнинг ўрни кабиларга қаратади. Шунингдек, мазкур суҳбатда ўқитувчи кулол усталар томонидан ишланган ҳайкаллардан кўрсатса янада яхши бўлади. 36-расм. Чунки болалар бажариш-



36-расм

лари керак бўлган ҳайкал намунасини намойиш этилиши вазифани аниқлигини таъминлайди.

Болалар вазифани лой ёки пластилиндан бажарадилар. Лойдан бажарилган ишлар махсус кулолчилик печида (ўчогила) куйдирилади.

Дарс синфда бажарилган ҳайкаллардан энг характерлиларини кўргазмага ажратиш ва таҳлил қилиш билан

яқунланади. Уйга аждарни турли кўринишларини қаламда тасвирлаш вазифа қилиб топширилади.

### 4.3. 5-7-синфларда тасвирий санъатни ўқитиш методикаси

**Мазмуни:** 1. Санъатшунослик асослари машғулотлари методикаси. 2. 5-7-синфларда натурага қараб расм ишлаш машғулотлари методикаси. 3. Натурага қараб ҳайкал ишлаш методикаси 4. 5-7 синфларда рангтасвир композицияси машғулотлари методикаси 5. 5-7 синфларда декоратив композиция машғулотлари мето-

дикаси. 6. 5-7 синфларда ҳайкалтарошлик композицияси машғулотлари методикаси.

Тасвирий санъатдан давлат таълим стандарти бу фанни 5-7 синфларда уч блокка бўлиб ўқитишни назарда тутди. Улар:

1. Санъатшунослик асослари.
2. Натурага қараб тасвирлаш.
3. Композицион фаолият.

Санъатшунослик асослари. Санъатшунослик асослари машғулотларига 5-7 синфларда катта ўрин ажратилган бўлиб, у ўқувчиларда бадиий маданиятни шакллантиришни мақсад қилиб қўяди. Санъатшунослик асослари машғулотлари тасвирий, амалий, меъморчилик санъатлари назарияси ва тарихи, машҳур рассом, амалий санъат усталари, меъморларнинг ҳаёти ва ижодини ўрганишни ўз ичига олади.

Бошланғич синфларда айрим санъат асарларидан кўргазмали куроллар сифатида фойдаланиш, болаларга рассомлар ва уларнинг ишлаган суратлари юзасидан айрим маълумотлар беришни назарда тутди. Бошланғич синф ўқувчиларига тасвирий санъатнинг тур ва жанрлари, унинг назарий асослари ҳисобланган композиция, ёруғсоя, рангшунослик, перспектива қонунлари ва қоидалари ҳақида назарий билимлар бериш оғирлик қилиши муносабат билан уларни 5-7 синфларда ўргатиш режалаштирилган.

Санъатшунослик асослари машғулотларининг 5-7 синфлардаги хусусиятларидан бири шундаки, бунда назарий машғулотлар, амалий ишлар билан мустақкам алоқада олиб борилади.

Хусусан, тарихий жанр юзасидан суҳбат ўтказилгандан сўнг тарихий мавзуларда болалар расм ишлайдилар. Шунингдек, болалар амалий ишларда тасвирий санъатнинг тур ва жанрлари, тасвирий санъатнинг назарий асосларига доир олган билимларидан фойдаланидилар. Натижада, назарий билим ва малакалар мустақкамланади.

Санъатшунослик асосларини ўқитиш методикаси курсида дидактиканинг илмийлик, кўргазмалилик, мунтазамлик ва кетмакетлик, таълим ва тарбиянинг бирлиги принципларига риоя қилишни талаб этилади. Айниқса, бундай машғулотларни кўргазмаликсиз ўтказиш мумкин эмас. Дарсада ўқитувчи кўпроқ кинофильм, видеофильм, диафильм, диапозитив, слайд, санъат асарларининг реп-

родукциялари, фото нусхаларидан фойдаланиши самаралидир. Шу билан бирга, вилоят марказларидаги ўлкашунослик музейларида сақланаётган санъат асарлари, шаҳар ва қишлоқлардаги ёдгорлик ҳайкаллар ва меъморчилик обидалари, тасвирий санъатдан жойларда ташкил этилаётган кўргазмалардаги санъат асарларининг асл нусхалари билан таништириб бориш муҳимдир. Санъатшунослик асослари машғулотларини маъруза шаклида эмас, кўпроқ савол-жавоб, мунозара, ўйин тарзида ташкил этилиши болаларни фаоллаштиради, материалларни пухта ўзлаштирилишига ёрдам беради.

Хусусан, биронта рангтаъсвир асари таҳлил қилинганда ўқитувчи болаларга тахминан қуйидагича саволлар билан мурожаат этиши мумкин:

Бу санъат асарини авваллари кўрганмисиз? Бу асарни ким ишлаган? Асарда ким ёки қандай воқеа тасвирланган? Асарнинг номини ким билади? Асарда йилнинг қайси фасли тасвирланган? Уни қандай билиш мумкин? Асарда фаслнинг қайси даври тасвирланган? Асарда куннинг қайси вақти тасвирланган? Асарнинг композицияси қандай? Рассом ўз асарида тасвирлашнинг қайси ифодалилик воситаларидан фойдаланган? Асарнинг колорити қандай? Рассом ўз асари билан қандай ғояни ифодалаган? Суврат сизга ёқдими, нега?

Бундай машғулотларда болалар суратлардаги образларни тушуниб етадиган, асарнинг мазмунини ўқий оладиган, уларнинг ифодалилигини, бадиий воситаларини англаб етадиган, ҳақиқий санъат асарларини оддий расмдан фарқини ажрата оладиган бўладилар.

Санъатшунослик асослари машғулотлари самарадорлигини оширишда ўқитувчининг тайёргарлиги муҳим роль ўйнайди. Аввало, дарс мавзусига доир санъат асарлари танланади. Бунда бир қатор талабларга риоя қилиш муҳим. Улар асарларнинг юксак бадиий савияда ишлаганлиги, уларнинг мазмунини болаларга яқин бўлишлиги, шунингдек, суврат репродукциясини аъло сифатда бажарилган бўлишлиги ва бошқалар. Агарда ўрганиш учун танлаб олинган санъат асарларининг репродукциялари сифатсиз бўлгани тақдирда яخشиси, ундан фойдаланмаслик, унга мазмунан яқин бўлган ва сифатли бажарилган бошқа санъат асарини танлаш мақсадга мувофиқдир.

Санъатшунослик асослари машғулотининг тузилиши ва уни

ўтказиш методикаси ҳақида қатъий бир тавсия бериб бўлмайди. У машғулотнинг тузилиши, мавзуси ва дарснинг мақсаидан келиб чиққан ҳолда турлича бўлишлиги мумкин. Масалан, санъатунослик машғулотларининг мавзулари куйидагича бўлади:

1. Тасвирий, амалий ёки меъморчилик санъатларининг турлари ва жанрлари. 2. Санъатнинг у ёки бу туридаги оқим ва йўналишлар. 3. У ёки бу рассом, амалий санъат устаси ёки меъморнинг ҳаёти ва ижоди. 4. У ёки бу давр санъати. 5. Тасвирий, амалий, меъморчилик санъатларининг назарий асослари (композиция, ёруғсоя, рангшунослик, перспектива).

Бу мавзулардан кўриниб турибдики, уларни бир хил методика асосида ўтказиб бўлмайди.

Санъат асарларини таҳлил қилишда уларни солиштириб ўрганиш муҳимдир. Шу мақсадда турли рассомларнинг бир хил мавзудаги асарларини намойиш этиб, ўрганиш фойдалидир. Хусусан, И.Левитан, Ў.Тансиқбоев, И.Шишкин, Н.Карахан, И.Хайдаров, З.Иноғомов, А. Саврасов, А.Куинжи, А.Мўминов, А.Мирсоатов каби рассомларнинг йил фаслларига бағишланган манзара жанридаги асарларидан 2-3 тасини намойиш этиб ва солиштириш орқали ўрганиш мумкин.

Айтайлик, куз мавзусидаги асарни таҳлил қилишда фақат куз мавзусидаги асар билангина эмас, балки бундай асарларни баҳор, қиш мавзусидаги асарлар билан ҳам солиштириб ўрганса бўлади.

Санъат асарларини репродукцияларини техника воситалари орқали намойиш этганда асарлардаги деталларни йирик ҳолда кўрсатилиши образларни чуқур идрок этиш, портретларда шахснинг ички дунёсини тушуниб етишга имкон беради.

Санъатшунослик машғулотларининг муваффақияти кўп жиҳатдан уларни турли йўللار ва методларни қўллаш орқали ўтказилишига ҳам боғлиқ. Хусусан, бундай машғулотлардан болаларга санъат асари ҳақида иншо ёздириш, санъат турлари ёки жанрларига оид репродукциялар йиғдириш ёки у ёки бу рассом ҳақида материаллар тўплатиш, тасвирий санъатга доир викторина, чайнворд, крассвордлар ечтириш, ўзи яшайдиган жойдаги рассомлар билан учрашиб, улар ҳақида маълумот тўплаш ёки альбомлар тайёрлаш мумкин. Бундай ишлар амалий безак, меъморчилик санъатлари юзасидан ҳам олиб борилиши мумкин.

Санъатшунослик асослари машғулотининг самарадорлиги, улар-

ни мактабда ўқитиладиган бошқа фанлар билан алоқадорликда ўқитилишига ҳам боғлиқдир. Айниқса, санъатшунослик асослари дарсларини тарих, география, адабиёт, зоология, мусиқа дарслари билан алоқадорликда ўтказиш имкониятлари мавжуд. Бундай машғулотлар ўзаро алоқадорликдаги фанлар бўйича ўзлаштирилган билимларни мустақамлаш ва чуқурлаштиришга хизмат қилади.

Куйида «Санъатшунослик асослари» бўйича машғулотларни ўтказиш методикасига доир дарс ишланмаларидан намуналар берилган.

*Дарснинг мавзуси:* Камолиддин Беҳзод Шарқнинг буюк мусаввири.

*Дарснинг вазифалари:* Ўқувчиларни Камолиддин Беҳзод ҳаёти ва ижоди билан таништириш. Муъжаз санъат асарларини идрок этишга ўргатиш. Санъатга нисбатан қизиқиш уйғотиш.

*Дарснинг жиҳозланиши:* Номаялум муаллифнинг «Камолиддин Беҳзод», Камолиддин Беҳзоднинг «Хусайн Бойқаро», «Муҳаммад Шайбонийхон», «Самақандаги масжидда», «Султон Хусайн Мирзо саройида зиёфат», «Масжид ичидаги мунозара» асарларининг репродукциялари.

*Дарснинг мазмуни:* Ўқитувчи дарс мавзусини эълон қилгач, Камолиддин Беҳзоднинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот беришга киришади.

Куйида Камолиддин Беҳзоднинг қисқача ҳаёти ва ижоди баён қилинади. У тақминан 1455 йилда Хиротда камбағал хунарманд оиласида таваллуд топган. Унинг вафоти ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Айрим маълумотларга қараганда 100 йилга яқин умр кўрган. Беҳзод-унинг исмими ёки таҳаллуси эканлиги номаялум. Беҳзод ота-онасидан жуда эрта ажралади. Уни Мирак Наққош ўз тарбиясига олиб, вояга етказди ва ўзининг Хиротдаги «Нигористон»ида (Санъат академияси) наққошлик хунарини ўргатади. Бундай машҳур буюк рассомнинг қўлида тарбия олиш катта аҳамиятга эга бўлган, деб айтиш мумкин. Шунингдек, Беҳзоднинг моҳир санъаткор бўлиб етишувида ўша даврда Хирот муҳитидаги бир талай етук рассомлар, хаттотлар, мусиқашуносларни бирлаштириб турган санъат академияси ҳам катта роль ўйнаган.

Беҳзоднинг дастлабки ижоди Султон Хусайн Бойқаро саройида ва у ердаги жуда кўп шоир, олим, санъаткорларнинг ҳомийси Амир Алишер Навоий раҳномалигида бошланади. У Алишер Наво-



ийнинг устози Абдурахмон Жомий, Хиротдаги ҳаттотлар устози Султон Али Машҳадий билан яқин алоқада бўлиб, ижод қилади. Санъат ва нафосатга иштиёқи кучли бўлган Беҳзод меҳнатсеварлиги, заҳматкашлиги туфайли Хиротда машҳур мўъжаз санъат устаси бўлиб етишди. Шундан сўнг подшо Султон Хусайн Бойқаро Беҳзодни ўз ҳузурига-саройга чақиради ва унга махсус жой ажратиб, унинг ижодий ишларига ҳамма шароитларни яратиб беради. 1487 йилда Камолиддин Беҳзод подшонинг шахсий фармони билан Хиротдаги салтанат кутубхонасининг бошлиғи этиб тайинланади. Шох фармонида шундай дейилган эди: «Ижод ва яратиш корхонаси мусаввирининг иродаси, еру осмон нигорхонаси муҳаррирининг қудрати билан ...ҳукм қилурмизки, аср нодири, мусаввирлар пешвоси... Устод Камолиддин Беҳзод Хумоюн китобхонаси аҳлига: котиб, наққош, музаҳхиб, жадвалкаш, ҳалкор ва зарқўбларга, шунингдек, мазкур ишларга мансуб бўлган Оллоҳ панноҳидаги бутун мамлакат жамоасига бошчилик мансаби топширилсин. Таҳрир этилди 889-хижрий йил 27-жумаи-ул аввал (1487 йил 22 июль).

1506 йилда Хусайн Бойқаро вафотидан сўнг тахт кўчманчи ўзбек қабилаларининг хони Шайбонийхон қўлига ўтади. Шайбонихон ҳам Беҳзод ижодига ҳурмат билан қараб, унга тегишли шароитлар яратиб беради. 1510 йилда Эроннинг Сафовийлар салтанати Шайбонийхонга қарши уруш очиб, уни енгади. Шайбонийхон жангда ҳалок бўлади. Шох Исмоил Сафовий 1512 йилда Хиротдаги бир неча истеъдодли санъаткорларни ўзи билан Хиротдан Табризга олиб кетади. Улар орасида Камолиддин Беҳзод ва унинг бир қатор шогирдлари ҳам бор эди.

Бу ерда Беҳзод ўзининг шогирдлари билан мўъжаз санъатнинг йирик мактабини яратди. 1514 йилда турк подшоси Эронга ҳужум қилади. Уларнинг қўли баланд келишини билган Эрон шохи Исмоил Камолиддин Беҳзод ва машҳур ҳаттот Шох Маҳмуд Нишопурийни турклар олиб кетиб қолишларидан хавфсираб, уларни бир ғорга яшириб қўйишга фармон беради. 1522 йилда Шох Исмоил Сафовийнинг махсус фармони билан Беҳзод Табриздаги салтанат кутубхонасининг бошлиғи этиб тайинланади. Беҳзод ўз асарларининг кўп қисмини ўз она юрти-Хиротдан узоқда, яъни Табризда яратди, Эрондаги жангу жадаллар, алгов-далгов ва ур-йиқитлар Беҳзоднинг ўз устозлари ва яқин дўстларидан узоқда яша-

ши, унинг ҳаёти ва ижодига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам мусаввир «Туялар жанги» номли асарини яратганда унинг бир чеккасига «Қалами шикаста, номурод, фақир Беҳзод умри 70 дан ошганда ушбу ишга қўл урди», деб ғам-андух билан имзо чеккан эди. Шунга қарамасдан Беҳзодни Эронда кечирган ҳаёти табиат, жамият ва инсонга бўлган кучли муҳаббат, ижодга бўлган жўшқин иштиёқ доимо илгари етаклади.

Камолиддин Беҳзоднинг ҳаёти ҳақидаги суҳбатдан сўнг ўқитувчи унинг ижодий ишлари, яратган асарлари ва шогирдлари ҳақида тўхталади. Беҳзод ижоди ҳақида гапирганда, унинг юздан ортиқ асарлар ижод қилгани ва бу асарлардан бир нечтасини эслаб ўтади. Дарсда таҳлил қилиш учун унинг «Хусайн Бойқаро», «Муҳаммад Шайбонийхон» портретларини, «Султон Хусайн Мирзо хузурида зиёфат», «Масжид ичидаги мунозара», «Саҳродаги Мажнун» асарларини болалар билан биргаликда таҳлил қилади.

Камолиддин Беҳзоднинг «Хусайн Бойқаро» суврати мусаввир ижодида муҳим ўрин тутаяди. Унда Хирот султони Хусайн Бойқаро шохларга хос қиёфада, ўзининг салобати билан чўккалаб ўтирган қолда тасвирланган. Унинг кенг елкали гавдаси, қийиқ кўзи, япалоқ юзи, шаҳона либослари шундай ҳаққоний ва усталик билан ишланганки, унинг гавда тузилишидаги ўлчов нисбатлари, кийим-кечакларини кўриб, XVI асрда бундай истеъдодли rassom бўлганлигидан ҳайратланасан киши. Суратнинг тагига «Тасвири султон Хусайн Мирзо-Беҳзод», ундан ҳам қуйироқда «Ал-фақир Беҳзод» деган сўзлар ҳам ёзилган. 37-расм.

Суратда Хусайн Бойқаро шундай зўр маҳорат билан ишланганки, унинг юзи-кўзидан шохнинг бутун қалбини, бой ички дунёсини билиб олиш мумкин.

Мусаввирнинг «Муҳаммад Шайбонийхон» тасвири акс эттирилган расм ҳам диққатга сазовордир. Маълумки, Шайбонийхон 1507 йилда темурийлар-



37-расм

дан Хирот тахтини тортиб олган шохлардандир. Унинг Беҳзод ишлаган суврати энг нодир ва муваффақиятли ишларидан ҳисобланади. У суратда чордана қуриб, икки қўлини тиззасига қўйган ҳолда ўйчан ва маънодор нигоҳ ташлаб ўтирибди. Бу ҳолат унинг салобатли гавдаси, шохларга хос кўринишини билдиради. Шох кийимлари оддий (ранглари яшил, тўқ зангори, қизил) семиз ва зуваласи пишиқ, ҳийла қорин қўйган, кўзлари қисикроқ, чўққисоқол кўринишда тасвирланган. Бу тасвирда унинг кучли ирода эгаси эканлиги, тожу - тахт учун жон-жаҳди билан курашувчи саркарда эканлиги кўриниб турибди. Унинг олдида сиёҳдон, китоб, қалам, қамиш (қамчи) кабиларни тасвирлашда ҳам рамзий маъно бор. Сиёҳ, қалам, китоб маърифат ва маданият тимсоли бўл-са, қамчи эса беаёв, қаттиқўл хукмдор эканлигини билдиради. Қизил ранг- жангу жадаллар, яшил ранг ислом байроғи тимсолини билдиради. 38-расм.



38-расм

Суратнинг ўнг юқори бурчагида «Суврати Шойбекхон» ва чап юқори томонида эса «Ал-абд Беҳзод» деб ёзилган.

Беҳзоднинг «Султон Ҳусайн Мирзо саройида зиёфат» номли асаридида оқшом пайтида гузал боғ ичидаги зиёфат акс этирилади.

Султон Ҳусайн Бойқаро ўз аёнлари билан панжаралар билан ўралган катта сула устида ўтирибди. Суратнинг юқори ўнг бурчагида хизматкорлар май қуйиш билан овора. У ерда

шарбат солинган хумлар, кўзачалар бор. Эшик олдида оқ рўмолли хабаш, хизматкорлар елкаларидаги обкаш билан хумчаларда шарбат ташимоқдалар.

Пастроқда бошида сават кўтариб олган яна бир хабаш хизматкор мева-чеваларни супа томон элтмоқда. Унинг олдида хум кўтариб, супа томон кетаётган яна бир хизматкор тасвирланган. Суратнинг паст ва чап томонида сарой ходимларидан учтаси маст ҳолда акс эттирилган. Ўртада икки киши қадахларга шароб қуйишмоқда. Хуллас, сарой шохлар турмушига хос бўлган ҳолда тасвирланганки, мусаввир уни ҳам композиция, ҳам ранг, ҳам мазмун, ҳам бадиийлик жиҳатидан мохирона акс эттира олган.

Камолиддин Беҳзоднинг машҳур асарларидан яна бири «Масжид қурилиши» деб номланади. 39-расм. Бу асар Навоийнинг «Хамса» номли асарига ишланган бўлиб, ҳозирда Лондондаги кутубхонада сақланади. Унда йирик масжид қурилиши акс этган. Бу асарда қурувчилар уч гуруҳга бўлиниб тасвирланади. Биринчиси энг юқорида акс этган ғишт терувчилар, иккинчиси — ўртадаги ёрдамчилар (материал етказиб берувчилар), учинчиси- тайёрловчилар (ғишт ва тоштарошлар) дир. Суратнинг юқори ва ўртача қисмида йўл-йўл саллалари, теша ва ғишт ушлаган киши-уста тасвири бўлса керак. Суратдаги кўриниш шундай бир биноки, уни қурувчилар зўр шижоат ва кўтаринкилик билан қуришмоқда. Му-



39-расм

саввир буни билдириш учун уларнинг ҳаммасини ҳаракатда тасвирлаган, биронта ҳам дам олаётган ёки томошабин бўлиб турган бефарқ одам йўқ. Уларни кузатаётган назоратчи ҳам йўқ. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, бино қурилишидаги кишилар қўллар эмас, ўз хохиши билан ишлаётган кишилардир.

Сурат бизга халқимиз тарихи, унинг турмуш тарзи, меҳнати, кийимлари, меҳнат қуролилари (теша, чўкич, нарвон, бел, тоғора, арқон в.б.), қурилиш материаллари, бинолар тузилиши ҳақида айрим маълумотларни беради. Асар орқали мусаввир аждодларимизнинг меҳнатга муносабати, ислом йўлидаги саъй-ҳаракатларини ҳаққоний акс эттиради.

Беҳзод салкам бир аср ҳаёт кечирди. Унинг ҳаёти ва ижоди Шарқ халқлари, жумладан Ўрта Осиё халқлари маданиятида муҳим аҳамият касб этди. У ўз ижоди давомида Султон Муҳаммад, Қосим Али, Дарвиш Уста Муҳаммадий, Музаффар Али, Шайхзода Хуросоний, Шоҳ Музаффар, Мир Саид Али, Маҳмуд Музахиб, Абдулло каби кўплаб шогирдлар тайёрлади. Камолиддин Беҳзод ижоди Хирот, Табриз, Бухоро, Самарқанд, Шероз, Исфажон, Истамбул, Хиндистон ва бошқа ўлкаларда мўъжаз санъат мактаблари ривожининг таркиб топишига катта таъсир кўрсатди. Камолиддин Беҳзоднинг ижодини Шарқ ва Ғарбдаги кўпгина буюк кишилар юксак баҳолаганлар. Хусусан, уни «Шарқ Рафаэли деб аташгани ҳам бежиз эмас.

Буюк тарихчи Хондамир «Ҳабиб-ус-сияр» номли асарида Камолиддин Беҳзод ҳақида шундай деб ёзган эди: Камолиддин Беҳзод ажойиб ва ғаройиб суратларни зоҳир қилувчи, ҳунар нодирликларини бунёд этувчи, Моний каби сурат чизувчи, мўйқаламли, олам мусаввирлари асарларини йўққа чиқарувчи ва мисли йўқ бармоқлари билан бани одам ҳунармандлари тасвирини мавқ қилувчидир...». Шайбонийхон, Васифий ва бошқалар ҳам Беҳзодни Моний сифат рассом, тенги йўқ мусаввир, жонсиз нарса тасвирига жон бағишловчи мўйқалам соҳиби деб таърифлаганлар.

Камолиддин Беҳзод ижоди фақатгина XV-XVI асрлар Моваруннаҳр маданий ҳаётида аҳамиятли бўлибгина қолмай, балки бутун Шарқ, ҳагтоки Оврупада китоб графикасининг ривожланишида муҳим аҳамият касб этди.

Беҳзоднинг ҳаёти ва ижоди таъсирида XV-XVI асрларда Ўрта Осиёда (Моваруннаҳрда) тасвирий санъатида кескин бурилиш рўй берди, олим ва санъаткорлар уни санъат тарихида Уйғониш

(Ренессанс) даври деб атадилар.

Беҳзоднинг асарлари юксак қадрланиб, Ўзбекистондан ташқари АКШ, Буюк Британия, Туркия, Россия, Эрон, Франция, Германия, Миср каби бир қатор мамлакатларнинг кутубхоналарида асраб-авайлаб сақланмоқда.

Дарсда ўрганиладиган асарлар слайд ёки репродукция ёрдамида намойиш этилади. Уйга Беҳзоднинг асарларидан биронтаси ҳақида иншо ёзиш вазифа қилиб топширилади.

*Дарснинг мавзуси:* Ўзбекистон ҳудудида энг қадимги тасвирий санъат ва меъморчилик.

*Дарснинг вазифалари:* Ўқувчиларни Ўзбекистон ҳудудидаги энг қадимий санъат асарлари билан таништириш. Тасвирий санъат ва меъморчилик асарларини ўқишга ўргатиш. Болаларда миллий ғурурни шакллантиришга кўмаклашиш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш.

*Дарснинг жиҳозланиши:* Ўзбекистон ҳудудидан топилган энг қадимий меъморчилик обидалари ва тасвирий санъат асарларининг репродукциялари, фото нусхалари, слайд ва диопозитивлари.

*Дарснинг мазмуни:* Янги мавзунинг баёни болаларнинг эътиборини тортиш ва фаоллаштириш мақсадида қуйидагича бўлиши мумкин:

1. Ўз қишлоғингиз, шаҳрингиз, туманингиз, вилоятингиз ҳудудидан топилган қайси санъат асарларини биласиз?

2. Ана шундай санъат асарларининг намуналари яна қайси туман, шаҳар ва вилоятлар ҳудудидан топилган?

3. Қўйқирилган қалъа, Фаёз Тепа, Тупроқ қалъа, Варахша, Айртом, Далварзин тепа, Афросиёб каби машҳур қазилмалар қайси шаҳар, туманларда жойлашган?

4. Бу топилмалар нимадан гувоҳлик беради?

Қисқача бу савол-жавобдан сўнг ўқитувчи дарс мавзуси юзасидан қуйидагича суҳбат ўтказади.

Ўзбек халқи ўзининг қадимий юксак маланияти ва санъати билан фахрланса арзийди. Буни Ўзбекистон ҳудудида олиб борилган археологик қазилма ишлари яққол исботлайди. Хусусан, Варахша, Афросиёб, Ҳалчаён, Тупроққалъа, Болаликтепа, Айртом, Далварзинтепа, Қўйқирилган қалъа қазилмаларидан топилган юксак бадиий савияда яратилган кўплаб меъморчилик обидалари, деворий расм, ҳайкалторошлик асарлари, амалий санъат буюмлари фикримизнинг яққол далилидир. Бу ноёб қазилмалар-

ни излаб топишда Л.И.Ремпель, Г.А. Пугаченкова, В.А.Булатов, Б.П.Денике, М.Е.Массон, В.А.Нильсен, В.А.Шишкин, А.Асқаров, Я.Фуломов, С.П.Толстой каби археолог ва санъатшунос олимлар самарали меҳнат қилдилар.

Кўйкирилган қалъа милoddан аввал III-IV асрларга оид ёдгорлик. У Ўзбекистоннинг Тўрткўл шаҳридан 22 км узоқликда жойлашган.

Унда шохлар зали, аскарлар зали, ғалаба заллари ҳам бўлган. Бино икки қаватли бўлиб, диаметри 44,4м., баландлиги 9,5 м.ни ташкил этади. Деворга лой олинган жой сув билан тўлғазилиб, қандакга айлантирилган. Девор орасидан ўқ отадиган тўйниклар бор. Бино ичида 8 та гумбазли хона бўлиб, ундан деворий расмлар, идиш-товоқ, тобут, ҳайкалчалар, деворий нақшлар топилган.

Булар орасида арфа чалаётган аёл ва қўш барабан чалаётган эркак киши, шунингдек, қисик кўзли, қулоғига сирға таққан, гулли кўйлак кийган аёл расмлари эътиборга лойиқдир.

Деворий расмларда кўплаб аёллар тасвири учрайди. Эркаклар тасвири ҳам мавжуд. Сарой залларида деворий расмлар билан бир қаторда ганчдан тайёрланган рельефлар, ҳайкаллар ишланган ва улар устидан ранглар берилган. Ғалаба залидаги бир рельефда шох ва унинг аторфида аёнлар акс этган, бошқа хонадаги рельефларда эса кийик, анор, шунингдек узум дарахтлари тасвирланган. Бу деворий расмлар ва ҳайкаллардаги тасвирлар умумлашма шаклида типиклаштирилган образлар бўлиб, қадимги санъаткорларнинг юксак маҳоратидан дарак беради.

Фаёзтепа – эрамизнинг I-III асрларига оид будда ибодатхоналари мажмуаси бўлиб, Термиз шаҳридан 15 км нарида, 1968-76 йилларда топилган. Фаёзтепа деворлари пахта ва хом гиштдан қурилган. У уч қисмдан-марказий қисм, ибодатхона ва хўжалик биноларидан ташкил топган. Ибодатхонадан баландлиги 3 м.ли эркак ва аёл, шунингдек, муқаддас дарахт тагида ўтирган одам ва унинг ёнидаги икки роҳиб тасвирланган ҳайкаллар топилган. Фаёз тепа Эрон кўшинлари, кейинчалик араб истилолари натижасида бутунлай вайрон бўлиб, қум остида қолиб кетган.

Тупрокқалъа – милoddан аввал I аср ва милodнинг VI асрларига оид қадимги шаҳар қалъа харобаси. У ҳозирги Қорақалпоғистоннинг Буниний тумани худудида бўлиб, у 1938-1950 йилларда топилган. Бунинг асосини сарой, унга туташ Арк ташкил этади. Арк майдони 40х40 м. баландлиги 25 м. бўлган. Саройда 8 та зал бўлиб, улар бўғрма

нақш, рельефли ҳайкаллар, деворий расмлар билан безатилган. Деворий расмлар ганчли сувоқ устига менерал бўёқлар билан ишланган. Тасвирларда оқ, қора, кўк, зангори, пушти, қизил, сариқ, оч ва тўқ яшил, жигарранг, бинафша ранглардан фойдаланилган.

«Қизил хона» деб номланган хонада дарё манзараси, ҳайвон, қуш, балиқлар тасвирланган.

Болаликтепа — Термиз шаҳридан 30 км шимолда жойлашган қўрғон қалъа. Қалъа 1953-55 йилларда археологик қазишлар орқали ер остидан топилган бўлиб, у V-VI асрларда яратилган деб тахмин қилинади. Қалъа ичида ўн хона бўлган. Бу қалъадан сопол, шиша, мусиқа асбобларининг синиқлари, чилим кабиларнинг бўлаклари топилган. Хона деворлари деворий расмлар билан безатилган. Бу расмлар меҳмондорчилик ва ов мавзусида бўлиб, лойсувоқ устига елимли бўёқлар билан ишланган. 40-расм. Бу композиция ва унинг ранглари рассомнинг катта маҳоратидан далолат




40-расм

беради. Одам тасвирларида маҳси, чопон, белбоғ, зирак кабилар ҳам акс этган.

Варахша — Бухоро шаҳридан 40 км. ғарбда жойлашган қалъа харобаси, ҳозирда бу жой чўлга айланган. Археологик қазилмалар шуни кўрсатадики, бу ерда милoddан минг йил аввал одамлар яшаган ва у



ерда тасвирий санъат яхши ривож топган. Варахшадаги энг катта бино 9 га. ни эгаллаган ва баландлиги 10 метрни ташкил этган. 41-расм. У бинода ҳуқумдорлар саройи ва ибодатхона, аскархона, аслаха хоналар



41-расм

бўлиб, улардан бири қизил хона ҳисобланган. Рангтасвирда ов манзараси акс эттирилган бўлиб, унда кўпроқ қизил-қулранг, сариқ ранглари ишлатилган. Расмда соялар акс этмаган.

Мазкур рангтасвирнинг айрим намуналари Санкт-Петербургдаги Эрмитажда сақланади. Ер остидан юксак бадий савияда ишланган ҳайкаллар ҳам топилган. 42-расм.

**Айртон** – Термиздан 18 км., Амударё қирғоғида жойлашган қадимий шаҳар, 1932 йилда топилган. Қазил



42-расм

ишлари жараёнида турли ҳайкал ва фризлар топилган. Улардан арфа, қўшнай, уд, ногора чалаётган созандалар, қўлларидида гулчамбар, мева ва идишлар кўтарган аёллар ва эркаклар тасвирланган. Бу фризлар ишланиш услуби ва композицияси жиҳатидан Шимолий Ҳиндистон ҳайкалтарошлигига жуда ўхшаб кетади. Бу I-II асрларда будда динини Ўрта Осиёга кириб келиши ва тарқалиши билан боғланади. Улар ўзининг бадиийлиги жиҳатидан ниҳоятда юқори.

1938 йилда Айртондан I-II асрларга оид будда дини ибодатхонаси ҳам топилган. У ерда махсус ҳужралар, будда ҳайкали бўлган. Юқоридида қайд қилинган фризлар шу ибодатхоналарни беазаган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Далварзин тепа – Андижон вилоятининг Далварзин қишлоғининг чекка қисмида жойлашган турар жой қаробаси ҳисобланиб, у 1952 йилда топилган. У давримизнинг иккинчи асрига тўғри келади. Ер ости қазилганда у ердан бронза қуйиш устахонаси, тош ётқизилган кўчалар, галла омборхоналари, турли уй жиҳозлари, сопол буюмлар топилган. Далварзин тепада қадимда қишлоқ хўжалиги, металл билан ишлаш, тасвирий ва амалий санъат ривожланган. Ер остидан нақшли идишлар ва одам ҳайкаллари ҳам топилган. Ганчдан ишланган аёл калласи эрамизнинг II асрида яратилган деб тахмин қилинади.

Афрасиёб – Самарқанд шаҳри ёнбағридаги хароба бўлиб, у милoddан аввал VI-V асрларда мавжуд бўлган. Афрасиёбни қазииш ишлари XX аср бошларида бошланиб, ҳозирда ҳам давом эттирилмоқда. Қазилма ишлари натижасида қалъа ичида сарой борлиги аниқланиб, унинг қадимий кўриниши реконструкция қилинган. Бу бинода бир неча хоналар бўлиб, улардан бири меҳмонхона эканлиги аниқланди. Меҳмонхонанинг тўрт томонига турли деворий расмлар ишланган. Меҳмонхона деворларидаги расмлардан бирида бир эркак ва бир аёл суҳбатлашиб ўтиргани акс этган.

Умуман, меҳмонхонанинг деворларида тўй сафари, дарёда чўмилиш, элчиларни қабул қилиш маросими, ов кабилар акс эттирилган.

Тўй сафари акс этган расмда оқ рангдаги филда малика, сомон от минган куёв акс этган. Шунингдек, маликани кузатиб кетаётган канизақлар ҳам тасвирланган. Расмдаги аёл қизил рангдаги кўйлак, оч кулранг рўмол, сариқ лозим, қора этик, қўлида билагузукда моҳирона тасвирланган. 11-расм. Бу расмда сарой ходимларидан

иккитаси туяларга миниб кузатиб келаётганликлари ифодаланган. Улардан бири чол, иккинчиси ундан ёшроқ киши. Икковлари ҳам сербзак кийимда тасвирланган. Уларнинг белларида кичик ханжар ва қилич осилган, Қўлларида хасса. Бу уларни сарой амалдорлари эканлигидан далолат беради. Уларнинг орқасида оқ рангли паррандалар эргашиб келмоқда. 43-расм. Булардан ташқари оқ кийимли кичик киши ҳам тасвирланган. Улардан бири қора рангли отни юганидан тортиб келмоқда, иккинчиси орқароқда қушлар ёнида (у от



43-расм

минган ҳолда бўлиши эқгимолдан ҳоли эмас) тасвирланган. Бу расмларни синчковлик билан кузатар эканмиз, бир неча минг йиллар бурун аждодларимиз моҳир санъаткор бўлиб, юксак бадий асарлар яратганликларига ишонч ҳосил қиламиз.


Мазкур дарсда ўқитувчи ҳар бир меъморчилик обидаси, рангтасвир ва ҳайкалларнинг репродукцияларини намоиш этади ва улар юзасидан савол жавоб тарзида суҳбат ўтказди.

Мавзуга доир санъат асарларининг репродукциялари, фотолари, расмларини йиғиш ва альбомга ёпиштириш уйга вазифа қилиб топширилади.

Натурага қараб тасвирлаш. Натурага қараб тасвирлаш икки бўлимдан ташкил топади.

1.Натурага қараб расм ишлаш. 2.Натурага қараб ҳайкал ишлаш. Бу иккала бўлимга бошланғич синфларда етарлича ўрин берилган бўлиб улар болаларда тасвирий малакаларни шакллантиришга қаратилади. 5-7-синфларда бу иккала йўналишлар бўйича машғулотлар давом эттирилади.

Натурага қараб расм ишлаш машғулотлари бошланғич синфлардагига қараганда анчагина мураккаблашади ва у ўқувчиларнинг ёшлик хусусиятлари, шунингдек, расм ишлаш малакаларининг шаклланганлиги билан асосланади. Натурага қараб расм ишлашга 5-7 синфларда саводли расм ишлашдек жиддий талаблар қўйилади. Бундай машғулотларда болалар ёруғсоя, рангшунослик, перспектива асослари юзасидан назарий билимлар берилади. Ёруғсоя, перспектива қонунлари асосида куб, призма, перамида, конус, шар ва геометрик шаклдаги предметлар расмини маълум кетма-кетликда чиздириш мақсадга мувофиқдир. 44-расм. Кейинчалик топшириқлар мураккаблашиб бориб, натюрмортлар бир неча предметлардан ташкил топади.



44-расм

Натурага қараб расм чизиш дарсларининг охириги босқичларида болаларга оддий ва кичик ўлчовдаги амалий санъат намуналари, мураккаб тузилишдаги гуллар, мевалар, сабзавотлардан ташкил топган натюрмолар қўйилади. Бундай машғулотларда болалар натуранинг тузилишини, рангини, шаклини, ҳажмини нарсаларнинг аслига яқинлаштириб ишлашлари талаб этилади.

Натурага қараб расм ишлаш машғулотларида, ҳам қаламтасвир, ҳам рангтасвир ишлари бажарилади. Шунингдек, узоқ давом этадиган (1-2 соатли) машғулотлар билан бирга қисқа вақт давом этадиган (10-15 минут) қоралама ва рангламалар ҳам ишлатилади.

Натурага қараб расм ишлаш машғулотларидаги мураккаб вази-фаларни амалга ошириш учун ёрусоя, перспектива, рангшуносликнинг назарий асосларини ўрганиш мақсадида гипсли шар, куб, пирамида, конус, цилиндр каби геометрик шаклларни чиздириш яхши самаралар беради.

5-7-синфларда натюрморт ишлаш машғулотларида колорит муаммоси ҳам бор. Хусусан, шу мақсадда халқ амалий санъати намуналаридан (совуқ рангда ишланган чинни сервислар) чизиш учун совуқ колоритли натюрмолар, кузги мевалар, гуллар ва предметлардан илиқ колоритли натюрмолар қўйилади.

Натюрмолар ишлашда болаларни акварелни кўп қатламли, қалин қилиб ишлашларига, оқ бўёқдан фойдаланишларига йўл қўйилмайди. Чунки, бунда расм ранглари лойқалашиб кетиб, ранглар тоза кўринмайди.

5-7 синфларда натурага қараб расм ишлаш машғулотларининг яна бир ўзига хос хусусиятлари, бу фақат қуруқ қоғозда эмас, ҳўл қоғозда ҳам бўёқ билан расм ишлашдир.

Натура учун нарсалар танлаш ўқитувчининг энг муҳим вази-фаларидан ҳисобланади. Шунинг учун бу масалага алоҳида эътибор бериб натюрморт учун материал танлашда бир қатор мезонларга риоя қилиш керак бўлади:

1. Нрсаларнинг эстетик жиҳатлари, яъни улар шакл, ранг жиҳатдан ёқимли бўлиб, болалар эътибори ва диққатини ўзига тортувчан бўлишлиги.

2. Нрсалар ҳар жиҳатдан болаларга таниш, моҳияти жиҳатдан фойдали, уларнинг ҳаётида учрайдиган, шунингдек, болаларда қизиқиш уйғотадиган бўлишлиги.

3. Танланадиган материалларни натурага қараб расм ишлаш дар-

сларининг мақсад ва вазифаларига мос бўлишлиги.

4. Нарсалар юзасини силлиқ ва ялтироқ, ранг-баранг бўлмаслиги. Улар нарсалар ҳажми ва рангларини тўғри кўришни қийинлаштиради ва чалкаштиради.

5. Натура учун танланадиган нарсалар тузилиши жиҳатдан тушунарли, болалар идрокига мос, ёруғсоялари, блик, рефлекслари яққол кўриниб туришлиги.

Натюрморт ишлаш машғулотларининг методикаси қуйидагиларни эътиборга олишни назарда тутди:

1. Натюрмортларни болалар иштирокида ўрнатиш. Бунда натура билан фон муносабатларини тўғри белгилаб олиш зарур, яъни натура оч рангда бўлса фонга тўқ материал танланиши нарсаларни аниқ кўринишини таъминлайди. Шунингдек, натурани ўрнатишда майда нарсаларни биринчи планга ва йирикларни орқа планга қўйилиши мақсадга мувофиқдир.

2. Натюрмортни ўқувчилар томонидан мустақил ва ҳар томонлама кузатиш ва таҳлил қилиш.

3. Савол-жавоб асосида натюрмортни таҳлил қилиш. Бунда натюрмортни нималардан ташкил топганлиги, уларнинг жойлашуви, ҳар бир нарсани тузилиши, шакли, ранги, ўлчовлари, ўлчов нисбатлари, перспектив қисқариши аниқлаштирилади. Натюрмортни болалар томонидан мустақил ўрганилиши ва уни савол-жавоб тарзида таҳлилни солиштирма метод асосида ўтказилиши ниҳоятда муҳим. Бунда бир предметни иккинчи предметга нисбатан тузилиши, шакли, ранги, ўлчовлари ўртасидаги фарқ, шунингдек, унинг ҳар бир бўлагининг ўлчов нисбатлари, ҳажми, ранги, тузилишлари бир-бирларига нисбатан солиштириб ўрганилади.

4. Мавзуга яқин биронта ёки бир нечта рассомнинг асарларининг репродукция ёки слайдлари намойиш этилиб, улар ҳам шу тартибда савол-жавоб орқали таҳлил қилинади.

5. Ўқитувчи натурани чизиш тартибини тушинтиради. Бу босқичда ўқитувчи натюрмортни қоғоз юзасида композицион жиҳатдан тўғри жойлаштириш ҳақида гапириб, расм эскизини чизиб олишни тавсия этади.

6. Ўқувчиларнинг мустақил ишлари. Бу босқичда ўқитувчи болалар эътиборини расмни қаламни босмасдан энгил чизиқлар чизиш, нарсаларнинг ўлчов, ўлчов нисбатлари, тузилиши, ранги, шакли, ёруғсоялари жиҳатдан тез-тез солиштириш, ёрдамчи чи-

зиқлардан ўринли фойдаланиш кабиларга қаратиши лозим.

Ўқитувчи болаларнинг мустақил ишлари жараёнида уларнинг фаолиятларини кузатади ҳамда тегишли ёрдамлар кўрсатади. Бунда у албатта бўш ўзлаштирувчи болаларга кўпроқ эътибор беради. Иш жараёнида болалар томонидан муаффақиятли бажарилаётган расмлардан намуналар бутун синфга намойиш этилади.

7. Дарс икки соатга мўлжалланган бўлса, қаламтасвир биринчи соатда, унинг рангтасвирини ишлаш иккинчи дарсда амалга оширилади. Шунини ҳам қайд қилиш лозимки, натюрморт қаламтасвири тайёр бўлгач, ранглашдан аввал уни тоза сув билан ҳўлланади, акс ҳолда бўёқ қоғозга яхши ёпишмаслиги мумкин.

8. Дарсни тугашига яқин ўқитувчи болалар томонидан 3-4 та муаффақиятли ишланган расмлардан ажратиб олиб, уларни болалар билан биргаликда таҳлил қилади. Таҳлилда расмлардаги ютуқлар билан бир қаторда уларнинг камчиликлари ҳам кўрсатилиб ўтилади. Бироқ, муаффақиятсиз бажарилган расмларни таҳлил қилганда уларни ҳаддан зиёд қаттиқ танқид қилмаган маъкул. Акс ҳолда, бу расм муаллифлари тушкунликка тушишлари, тасвирий санъатга бўлган қизиқишлари сўниши мумкин. Кўрсатиладиган камчиликлар тавсия тарзида бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Куйида натурага қараб расм ишлаш машғулотлари методикасига доир дарс ишланмалари берилган.

*Дарснинг мавзуси:* «Пахта» сервиси натюрмотининг расмини ишлаш.

*Дарснинг вазифалари.* Ўқувчиларни тасвирий малакалари, бадиий диди, хотираси, кузатувчанлигини ўстириш.

*Дарснинг жиҳозланиши:* Л.Салимжонованинги «Қора кофе» номили асарининг репродукцияси ёки слайди. «Пахта» чинни сервиси (лаган, чойнак, тарелка, пиёла). Хорижий мамлакат натюрмортчи рассомларининг сервис тасвирланган асарларининг репродукциялари.

*Дарснинг мазмуни:* Янги мавзуга багишланган дарснинг бошланиш қисмида натюрморт ҳақида қисқача суҳбат ўтказилади. У таҳминан куйидагича бўлиши мумкин:

Болалар, сиз турли буюмлар, мевалар ва сабзавотлар, гуллардан ташкил топган натюрмортларни бир неча бор расмини ишлагансиз. Бу мавзуда расм ишлаган кўпгина рассомларни ҳам биласиз. Қани, эслаб кўринг-чи, қайси рассомлар рўзгор буюмларидан

натюрмолар ишлашган. Рассомларимиздан Ю.Елизаров, З.Ковалевская, Н.Кашина, Л.Салимжоновна, М.Тохтаев, чет эл рассомларидан Шарден, Калф, Снайдерслар ҳам бу соҳада шуҳрат қозонганлар. Бу рассомлар ўз натюрмоларида турмушда ишлатиладиган буюмларни тасвирлар эканлар, уларнинг ниҳоятда гўзаллигини, мақсадга мувофиқ тузилганлигини, ранг ва шаклларининг бетакрорлигидан завқланадилар.

Л.Салимжонованинг «Қора кофе» номли натюрмортида асосан кофе ичиладиган идишлар тасвири берилган. 45-расм. Кузатиш орқали бу асарнинг композицияси, ранглари ва бошқа томонлари болалар иштирокида қуйидагича таҳлил қилинади:

- Бу предметлар қандай материаллардан тайёрланган?

- Натюрмортни умумий эни каттами, ёки бўйими? Ҳар бир предметни-чи?

- Қайси предметларда перспектив қисқариш бор?

- Сервиснинг бадий безагида қандай нақш унсурлари ишлатилган? Уларнинг шакли, ўлчови, ранги қандай?

- Предметларда блик, ёруғсоя, яримсоя, рефлекслар борми? Бўлса улар қайси буюмда, қандай ўлчовда ва қандай шаклда?

Болаларга мустақил кузатиш учун ажратилган вақт тугаганидан сўнг ана шу саволлар асосида натура таҳлил қилинади, ўқитувчи савол беради, болалар жавоб қайтардилар. Ўқитувчи эса уларнинг жавобларини тўлдириб, камчиликларини



45-расм



тузатиб, асар юзасидан билдирилган фикрларни умумлаштиради.

Ўқитувчи болаларнинг навбатдаги вазифаларини тушунтириш учун «Пахта» сервисини таглик устига чизиш учун ўрнатади. Натюрмортни ўрнатишда болалар ҳам иштирок этадилар. Чунки, у маълум вақтни талаб эатди ва бу вақт давомида болаларни бу ишга жалб этиш синфда тартиб-интизомни сақлаш ва болаларни натура билан кенгроқ ва чуқурроқ танишишларига имкон беради. 46-расм.



46-расм

«Пахта» сервиси натюрморти синфнинг орқа томонидаги ўтирган болалар учун яхши кўринмаслиги мумкин. Шунинг учун уни синфнинг 2-3 ерига ўрнатилиши мақсадга мувофиқдир. Бу натюрморт бошқа предметлардан бўлиши ҳам мумкин.

Натюрморт ўрнатилиб бўлингач, синфдаги ҳамма ўқувчиларнинг эътибори унга қаратилиб, уни болалар мустақил кузатишлари учун имкон берилади.


- Кузатиш жараёнида ўқувчилар куйидаги саволларга жавоб топишлари лозим:

- Натюрмортни қандай номлаш мумкин?
- Натюрморт қандай предметлардан тузилган?
- Натюрмортдаги предметларни бошқача жойлашгирса бўладими?
- Бу предметлар қандай материаллардан тайёрланган?
- Натюрмортни умумий эни каттаи ёки бўйими? Ҳар бир предметни-чи?

- Сервиснинг бадиий беагида қандай нақш унсурлари ишлатилган? Уларнинг шакли, ўлчови, ранги қанақа?

- Предметларда блик, ёруғсоа, яримсоа, рефлекслар борми?

Натюрмортнинг расмини ишлаш йўли доскада чизиб кўрсатилади. 47-расм. Расм ишлаш йўллари болаларга тушунарли бўлганидан сўнг у доскадан ўчириб ташланади. Акс қола болалар натурага қарамасдан расмни доскадан кўчириб оладилар. Шуни ҳам ёддан чиқармаслик керакки, болаларни расмдан кўчириб олишга эмас, натурадан чизишга ўргатиш лозим. Тайёр расмдан кўчириш нату-



47-расм

радан чизишга нисбатан анча осон. Қолаверса, синфдаги натюр-морт турли томондан турлича кўринади, яъни болаларнинг бирига натура тўғрисида, бошқасига ёнбошидан, яна бирига маълум бурчак остидан кўринади. Шунинг учун ҳар бир бола ўзи ўтирган жойдан қандай кўринса шундай чизиши лозим.

Болаларнинг мустақил ишлари жараёнида ўқитувчи ўз эътиборини кўпроқ бўш ўзлаштирувчилар билан ишлашга қаратади. Дарс якунида синфда бажарилган ишлардан кўрғазма ташкил этилади ва уларни тақтил қилинади. Кўрғазмага энг характерли расмлар танлаб олинади.

Уйга рассомларнинг журнал ва китобларда берилган натюр-мортлар репродукциялари ва откриткаларини йиғиш ва альбомга ёпиштириш вазифа қилиб топширилади.

Натурага қараб ҳайкал ишлаш. Натурага қараб ҳайкал ишлаш машғулотлари 5-7-синфларда катта ўринни эгалламайди. Чунки, болаларнинг натурага қараб ҳайкал ишлаш юзасидан малакалари 1-4 синфларда маълум миқдорда шаклланган бўлади. Шу сабабдан ҳам 5-7 синфларда натурага қараб ҳайкал ишлашга эътибор кама-яди ва унинг вазифалари кўпроқ ҳайкалторошлик композицияси дарсларида амалга оширилади.

Натурага қараб ҳайкал ишлаш методикаси бошланғич синфлардагидан деярли фарқ қилмайди. Улар асосан қўйиладиган вазифаларни маълум миқдорда ўқувчиларнинг ёшларини ҳисобга олиб, мураккаблашиб бориши билан фарқланади. Бу фарқлар кўпроқ натура тузилишининг мураккаблиги (ҳайвон, қуш, одам), шунингдек, натуранинг ҳаракатда тасвирланиши кабиларда кўзга ташланади.

Қуйида натурага қараб ҳайкал ишлаш методикасига доир дарс ишланмаси берилди.

*Дарснинг мавзуси:* Бургут ҳайкалини ишлаш.

*Дарснинг вазифалари:* Ўқувчиларни пластилин, лой, ҳайкалтарошлик асбоблари билан ишлаш малакаларини ривожлантириш. Ҳайвонларнинг шакли, ўлчови ва ўлчов нисбатларини тўғри ид-рок этиш ва тасвирлашга ўргатиш. Болаларни ҳайвонлар ҳақидаги билим ва тасаввурларини кенгайтириш.

*Дарснинг жиҳозланиши:* Халқ усталари, ҳайкалтарошлар, рас-сомлар томонидан ишланган бургут тасвирлари. Диопозитив ва слайдлар.

*Дарсинг мазмуни:* Янги мавзунинг баёни болаларга бургутлар ҳақидаги суҳбат билан бошланди. Суҳбатда қисқача ва лўнда қилиб бургутларнинг тузилиши, ўлчовлари, ҳаёти, уларнинг одамларга фойдали жиҳатлари ҳақида умумий маълумотлар берилади. Бургут тасвирига оид материаллар топилмагани тақдирда калхат, лочин каби вахший қушлар ҳайкалини ишлаш мумкин. Бургут йиртқич, вахший қуш. У қушлар орасида энг катта, чаққон ва кучлиси ҳисобланади. Бургут танасининг узунлиги 1 метргача бўлади. Қанотларини ёйганда 2 метргача боради. Унинг ранги тўқ қўнғир, боши эса малла бўлади. Бургутлар асосан Европа, Осиё ва Шимолӣ Америкада кўп учрайди. Ўзбекистонда ўтроқ ҳолда кун кечиради, тоғ ва қўлларда, одамлар яшамайдиган жойларга, қоялар орасига, саксовулларга уя қурди. Бургутлар асосан каклик, юмронқозик, тошбақа, куён, гулки, ўрдак каби майда ҳайвонлар билан овқатланади. Одамлар бургутлардан ҳайвонларни овлашда фойдаланадилар. Бунинг учун уларни болалиқдан боқадилар ва қўлга ўргатадилар. Унинг кўзи ниҳоятда ўткир бўлганлиги сабабли ўз ўлжасини узоқдан кўра олади, тез учиши сабабли уларга тез етиб олади. Европа бургутлари баъзан кичик 7-8 ёшли болалар, қўйлар ёки озғин чолларни кўтариб кетган вақтлари бўлган.

Суҳбат давомида болаларга бургут расми ёки ҳайкали кўрсатилиб, у ўқувчилар билан биргаликда таҳлил қилинади. Имкони бўлган тақдирда бургутни ёки лочинни биология хонасидан тулумини олиб, намоиш этиш янада самаралироқ бўлади. 48-расм. Таҳлил қуйидаги саволлар ёрдамида ўтказилади:



48-расм

- Бургут қандай қисмлардан ташкил топган?
- Бургутнинг бўйи каттами ёки эними?
- Бургут қанотининг бўйи эндидаан қанча катта?
- Бургутнинг эни каттами ёки узунлигими?
- Бургут қанотининг узунлиги бўйига қараганда қанча катта?
- Бургутнинг боши, бўйни, думи узунлигининг бир-бирига нисбати қандай?

- Бургут қанотидаги патлари қандай жойлашган?

Бу савол-жавоблардан сўнг ўқитувчи турли ҳолатлардаги бургут расмларига болалар эътиборини қаратади. Хусусан, қанотларини юқори кўтарган, ерга қўнаётган, парвоз пайтида, ўлжасини босиб турган в.б. Бу кўринишдаги бургут расмлари ҳам таҳлил қилинади. Ҳайкалларни намоёниш этганда ўқитувчи уларни ҳар томондан айлантириб кўрсатгани маъқул, чунки болалар ўз тасвирий фаолиятларида бургутнинг ҳажми (бўйи, эни, қалинлигини) тасвирлайдилар.

Ўқитувчининг навбатдаги вазифаси бургут ҳайкалининг ўлчови, ўлчов нисбатлари, композицияси ва унда бургутнинг ҳолати ҳақида маълумот беришдан иборат. (Турли ҳолатдаги бургут расмлари). Шундан сўнг ўқитувчи бургут ҳайкалини лойдан яшаш тартибини расмдан тушунтиради. Шунингдек, у ўзи ёки параллел синф ўқувчилари томонидан ишланган бургут ҳайкалларини намоёниш этиши мумкин.

Маълумки, бургут қанотини ёйган ёки бошқа биронта мураккаб ҳолатларда ҳайкалини ишлаш лозим бўлса, унда ўзак (каркас) ёки тиргович симлардан фойдаланиш лозим бўлади. Бу тиргович ёки ўзаклардан фойдаланилмаса бургут ҳайкали бўлиниб кетиши мумкин. Бунга йўл қўймаслик учун ёрдамчи материалларнинг моҳияти тушунтирилади ва уни амалий жиҳатдан кўрсатилиши лозим.

Болаларнинг мустақил ишлари жараёнида ўқитувчи уларга амалий ёрдам кўрсатади.

Мазкур топшириқ ўз мазмунига кўра мураккаб ва бир дарс давомида тўла бажарилмай қилиши мумкин. Бундай ҳолда ўқитувчи ишни иккинчи дарсда давом эттириши мумкин.

Ҳар бир дарснинг охирида синфда бажарилган ишларга яқун ясалди ва унда ўқувчиларнинг ютуқ ва камчиликлари қайд қилинади. Камчиликларни бартараф этиш йўллари кўрсатилади. Ҳатто,

дарсда яхши кўрсаткичларга эришган ўқувчилар рағбатлантирилиши ҳам мумкин.

Уй иши. Синф ишини давом эттириш ва яқунлаш. Топшириқни бажариш биринчи дарсда бошланиб, уйда яқунланадиган бўлса, иккинчи дарсда болалар бургут тасвири билан боғлиқ янги композиция ишлашлари мумкин. Бир дарсда топшириқни бажариб улгурмаган ўқувчи иккинчи дарсда ишни давом эттириб яқунлайди.

Композиция. Рангтасвир композицияси. 5-7-синфларда рангтасвир композицияси 1-4-синфлар билан умумийликка эга ва унинг давоми ҳисоблансада, бироқ уларнинг бир-бирларидан фарқи бор. Бунда асосий эътибор мавзулар ва топшириқларни ўқувчиларнинг ёши, қобилияти, уларнинг авваллари ўзлаштирган билим ва малакалари ҳисобга олинади.

Рангтасвир машғулоти, ўқитиш методикаси таълим мазмуни асосида ташкил этилади. Бунда топшириқлар ўқитувчи томонидан тавсия этилган мавзулар асосида ўтказилади. Улар асосан, манзара, турмуш, тарихий, батал, афсонавий, марина, анимал жанрлар асосида бўлади.

Болалар бешинчи синфнинг дастлабки машғулотида композиция, ҳажм, рангшунослик, ёруғсоя, перспективадан назарий билимларни ўзлаштирганликларини ҳисобга олиб, 6-7-синфларда рангтасвир композициясидан бериладиган топшириқлар маълум миқдорда мураккаблашади, уларни бажаришга ажратиладиган сатрлар ҳам ошади. Чунки, 5-7-синфлардаги рангтасвирдан композиция ишлаш маълум тайёргарлик асосида олиб борилади. Бундай машғулотлар кўпроқ рангтасвирчи рассомнинг ижодий иш услубига яқинлашади. Бунда ўқувчи мавзунини билиб олгандан сўнг шу асосда биронта ғояни илгари суради. Айтайлик, ўзбек халқининг мустақиллик учун курашини кўрсатувчи мавзу тавсия этилса, болалар ўзбек халқининг миллатпарвар, ватанпарвар эканлигини, ўз халқи, Ватани учун жонини ҳам аямаслигини, халқ жасоратини тасвирлашни ўз сувратининг ғояси сифатида илгари суради. Ана шу ғоя асосида мавзу юзасидан материаллар тўплаши керак бўлади. Сўнгра ана шу тўпланган материаллар асосида сувратнинг бир неча вариантдаги эскизлари ишланади. Суврат мазмуни юзасидан қатъий бир эскиз танлангандан сўнг уни бажаришга киришилади. Ўқувчилар рассомлар каби юқорида қайд қилинганидек катта тайёргарлик ишларини олиб бормасларда, ҳар қалай маълум

ишларни бажаришлари керак бўлади. Мактаб шароитида рангтасвирдан топшириқ мавзуси эълон қилинган, ўқитувчи уни тушинтиради. Бунда фақат топшириқни эмас уни бажариш тартиби ҳақида ҳам фикр юритади.

Мавзу юзасидан суҳбатда ўқитувчи унинг мазмуни ҳақида тўхталади. Бу мазмун, албатта, мавзу асосида бўлади. Маълумки, 5-6-синфларнинг тасвирий санъат дастурида рангтасвир юзасидан «Карвон», «Муқанна кўзғолони», «Сув ости дунёси», «Олтин куз», «Ойим нон ёпяптилар», «Жалолиддиннинг сўнгги жанги», «Улуғбек расадхонасида», «Хива-қуриқхона шаҳар», «Мен севган касб», «Дарбозлар» каби мавзулар тавсия этилган. Ўқитувчи эса аввало мавзу мазмунидан келиб чиқиб суҳбат ўтказиши керак. Кейин эса мавзуга доир санъат асарларининг репродукциялари, фотолари, откритка, этюд ва бошқа хомак ишлар кўрсатилиб таҳлил қилинади.

Бундай кўргазмаларни материалларни тўплашни ўқитувчи ўқувчиларга аввалги дарсда топшириқ тарзида берган бўлади. Чунки, бунда болалар мавзу ҳақида кенгроқ фикр юритадилар ва ўқитувчига кўргазмаларни материалларни тўплашга ёрдам берадилар.

Шундан сўнг ўқитувчи синф доскасида композициянинг 2-3 вариантини чизиб кўрсатади ёки уни ўзи аввалдан тайёрлаб қўйган расми орқали тушунтиради.

Ҳар қандай композиция ишлаш қатъий кетма-кетлик асосида бўлади. Хусусан: 1. Мавзу юзасидан мазмун танлаш. 2. Мавзу юзасидан кузатиш ишларни олиб бориш. Айниқса, манзара, турмуш, анимал жанрларда расм ишлаганда бу метод қўл келса, тарихий, батал, марина жанрларида расм ишлаганда эса санъат асарларининг репродукциялари, слайд, диопозитив, диафильм, фото ва откриткалардан фойдаланилади. 3. Расм ўлчови ва форматини танлаш. 4. Танланган мазмунни дастлабки кичик ўлчовдаги ишчи эскизда акс эттириш. 5. Расм учун қоралама, рангламаларни бажариш. У дарс, дарсдан ташқари вақтларда ҳам бажарилиши мумкин. 6. Рангтасвирни чизиқли тасвирини ишлаш. 7. Рангтасвирни бўёқлар билан тасвирини ишлаш. Мазкур тартиб мавзу, мазмун, ўқувчиларнинг тайёргарлиги, қобилияти, тасвирлаш имкониятларига қараб ўзгариши мумкин. Бу ўзгариш иш ҳажмини кўпайтириши ёки камайиши ҳисобига, шунингдек, тайёргарлик ва расм ишлаш босқичларида ҳам бўлиши мумкин.

Рангтасвир композицияси машгулотларига кўпинча 2-3 соат

вақт ажратилади. Уларнинг биринчи соатида мавзу, мазмун аниқланади, материал тўпланади, ишчи эскиз тайёрланади, чизиқли расм ишланади. Машғулотларнинг иккинчи соатида эса расмни бўёқлар билан бўялади. Мураккаб мазмундаги расмлар ишлаганда эса, биринчи соатда тайёргарлик, иккинчисида эскиз ва чизиқли расм, учинчисида, иш бўёқлар билан бажарилади.

Болалар ўз расмларини тезроқ бўяб тугаллашга жуда қизиқишлари оқибатида уларнинг расмлари композиция жиҳатдан бўш ва чала бўлиб қолади. Бунга йўл қўймаслик учун болалар расмни бўяшга фақат ўқитувчининг рухсати билангина ўтишларига рухсат этилади.

Ўқувчиларнинг фикрларини бойитиш ва ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ёрдамчи кўرғазмали материаллар фақат дарснинг бошланиш қисмида эмас, болаларнинг мустақил ишлари жараёнида ҳам амалга оширилади. Бу кўрғазмали материаллар расмдаги айрим образларга таалуқли деталлар, композиция, схематик расмлар, перспектива, ёруғсоя, бўёқлар билан ишлашга оид бўлиши мумкин. 49-расм.



48-расм



Дарснинг охирида синф ишига якун ясаш мақсадида муаффақиятли, ўртача ва бўш ишланган болалар расмларидан айримларини ажратиб олинади ҳамда улар бутун синф иштирокида таҳлил қилинади. Бунда ишдаги ютуқ ва камчиликлар аниқланади ҳамда уларнинг сабаблари қайд қилинади.

Куйида рангтасвир композицияси машгулотлари методикасига доир дарс ишланмалари берилган.

Дарснинг мавзуси: «Сув ости дунёси» мавзусида расм ишлаш.

Дарснинг вазифалари: Ўқувчиларни сув остидаги ҳаёт ҳақидаги тасавурлари ва тушунчаларини янада кенгайтириш. Уларда ижодкорлик, фантазия ва бадий дидни ўстириш, тасвирий малакаларни ривожлантириш, табиатга нисбатан меҳр-муҳаббатли бўлишга, уларни асраб-авайлашга ўргатиш.

*Дарснинг жиҳозланиши:* Денгиз ҳайвонлари ва ўсимликларнинг тасвирлари. Денгиз остини акс эттирувчи слайд, диапозитив, диафильм ва бошқалар. Денгиз остини акс эттиришга бағишланган композиция вариантлари.

*Дарснинг мазмуни:* Дарс мавзуси қатор ташкилий ишлар ва методик суҳбатлар ўтказишни тақоза этади. Ана шундай ишлардан бири сув ости дунёсига болаларнинг ҳаёлий саёҳатини уюштиришдир. Бу дарс пухта тайёргарликни талаб этганлиги учун ўқитувчи аввалги тасвирий санъат дарсида болаларга сув ости дунёсига тааллуқли бўлган расмлар, репродукциялар тўплашни вазифа қилиб топширади. Ҳаёлий саёҳат куйидагича мазмунда бўлади. Маълумки, сув ости дунёси, яъни океанлар, денгизлар, кўллар, дарёлар ниҳоятда турли-туман ғаройиботларга эга. Хусусан, океанда ҳайвонларнинг 160.000 дан ортиқ, ўсимликларнинг 10.000 дан ортиқ турлари мавжуд. Сув ҳайвонлари орасида кўпчилигини балиқлар, (кит, акула, дельфин, лаққа балиқ, букри, қилич балиқ, япалоқ балиқ в.б.) ташкил этади. Уларнинг энг каттаси кит ҳисобланаб, узунлиги 33 метрга боради. Акулаларнинг узунлиги эса 10 метрдан ортади. Сувларда балиқлардан ташқари, денгиз тошбақалари, саккизоёқлар, илонлар, тимсохлар, қурбақалар, тюлен ва бошқалар ҳам ҳаёт кечирадилар. Афсоналарга кўра денгиз ва океан қаърида ярми аёл, ярми балиқ «Русалка»лар, денгиз шохлари, денгиз отлари ва девлари, аждарлари яшайди. 50-расм. Бу сув ҳайвонларининг тузилиши, шакли, ранги, ўлчовлари шунчалик турли-туман, ранг-барангки, агар уларни ўзаро солиштирилса, улар ҳар қандай одамни ҳам ҳайраглантириши шубҳасиздир.



50-расм

Масалан, дунёдаги балиқларнинг ўзи 25.000 турдан иборат бўлиб, улар илон шаклида, юмалоқ шаклда, пакана шаклда, япалоқ шаклда, боши катта, танаси кичик ва аксинча, думи ўзидан узун, чиройли ва беўхшов, беозор ва вахший, ақли ва беақл, серҳаракат, учар ва кам ҳаракат, турли-туман бўладилар. Булардан уларнинг ранглари ҳам қолишмайди. Уларнинг оппоқлари, ям-яшиллари, қип-қизиллари, қопқора, зангори, жигарранг, қисқаси ҳамма рангдагилари бўлади. Ҳаттоки, 3-4 рангли балиқлар ҳам бўлади. Бир балиқдаги бир неча ранглар бир-бирларига яқин, шунингдек, контраст бўлиши мумкин. Балиқлар сув остидаги қояда тошлар ичида, силлиқ тошларнинг ораларида, ўсимликлар, балчиқ ва қумлар ичида ўзларига ин ясаб ҳаёт кечирадилар.

Сув ҳайвонлари (кальмар, каракатица, саккизоёқ ва бошқалар) ва ўсимликлари ҳақида ҳам ана шундай турли-туманлик мавжуд.

51-расм. Уларнинг ҳам узун, яполоқ, думалоқ шаклдагилари, тўп бўлиб ўсадиганлари бўлади. Бундай умумий суҳбатдан сўнг имкони бўлса ўқитувчи сув ости дунёсидаги ҳаётни акс эттирувчи диафильм ёки кинофильм намойиш этса дарс янада самарали бўлади. Бу дарсда болаларга бериладиган топшириқ сув ости дунёсига қилинган саёҳат асосида унинг тасвирини ишлашдан иборат бўлади.

Болалар ўзлари ишлаётган тасвирларида қуйидаги кўриниш-



51-расм

лардан биронтасини акс эттиришлари тавсия этилади:

1. Сув остидаги ҳайвонларнинг тинч ҳаёти. 2. Сув ости ҳайвонларининг ўзаро жанги. 3. Ғоввосларнинг сув ости дунёсини ўрганишлари. 4. Афсонавий ҳайвонларнинг (русалка, дев, денгиз шоҳи, аждар, сув отлари в.б.) сув остидаги ҳаёти ва бошқалар.

Топшириқни бажариш техникасини ҳар бир ўқувчининг ўзи танлайди. у акварель, гуашь, рангли қоғоздан, табиий материаллар (барг, илдиш, дарахт шохлари, газмол парчалари, ташландиқ материаллар, тош, ўсимлик в.б.) дан бўлиши мумкин.

Болалар ижодий ишга киришишларидан аввал ўқитувчининг уларга мавзу юзасидан тайёрлаган композиция вариантларини ёки уларнинг схемаларини кўрсатиши, топшириқни юксак даражада бажарилишига ёрдам беради. Бундай материаллардан фойдаланиш ўқитувчи томонидан олдиндан ҳисобга олиниши ҳамда бу ҳақда болаларга аввалги дарсда тегишли кўрсатмалар берилган бўлиши лозим. Агарда дарс жараёнида болалар ўз ишларини фақат қаламда тасвирлаб улгурганлари тақдирда, уни тегишли бадиий ва табиий материаллар билан уйда давом эттиришлари мумкин.

Ўқитувчи томонидан кўргазмали қурол сифатида намоёиш этилган ишлар синф доскасида дарс охиригача сақланади. Ўқувчилар улардан бемалол фойдаланадилар.

Декоратив композиция. Декоратив композиция машғулотлари методикаси унинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Маълумки, декоратив композиция машғулотлари қуйидаги йўналишларда амалга оширилади. 1. Чойнак (дазмол), қутича, номоён кабилардан биронтаси учун эскиз ишлаш. 2. Газмол ва либослар учун эскиз ишлаш. 3. Телевизор, кресло, автомобилларни янги маркасининг эскизини ишлаш. 4. Китобларни бадиий беагаи эскизини ишлаш.

Декоратив композиция машғулотлари методикаси, рангтасвир композицияси машғулотлари методикаси билан умумийликка эга бўлсада, бироқ унинг ўзига хос жиҳатлари ҳам бор. Улар кўпроқ декоратив фаолиятнинг турли-туманлигида кўзга ташланади. Хусусан, улар жиҳозлар, кийимлар, инътерер, автомобиллар, китобларнинг бадиий беагаи билан боғлиқ ҳолда олиб борилади. 5-7-синфларда декоратив композиция машғулотларининг бошланғич синфлардагидан яна бир муҳим фарқи уларнинг кўпроқ ижодий характерда бўлишлигидир. Бошланғич синфларда декоратив композиция машғулотларида нақш намуналаридан кўчириш катта ўринни эгалласа, 5-7-синфларда бундай машғулотлар фақат ижодий тусда бўлади. Бунда болалар фаолиятига кўпроқ мустақиллик берилади, уларнинг бадиий тафаккури, фикри ва тасвирлаш малакалари ўстирилади.

Бундай машғулотларда санъатшунослик асослари бўйича болаларга композициядан берилган назарий билимларга таяниш ва уларга риоя қилган ҳолда ижодий ишларни бажартириш муҳим ҳисобланади.

Ўқувчиларнинг тасвирий ишларини баҳолашда уларнинг композициянинг қонун ва қоидаларига қанчалик риоя қилганликлари ҳисобга олинади. Декоратив композиция ишлаш методикаси қуйидаги тартибда ва кетма-кетликда ўтказилади: 1. Ўқувчиларга дарс мавзуси ва топшириқни тушунтириш. 2. Мазуга доир материаллар билан таништириш. Бунда болаларга амалий санъатга доир фотолар, нақшлар, буюмлар учун композиция эскизлари, безак элементлари, безак схемалари кўргазмали қурол орқали намойиш этилади, улардан айримлари доскада чизиб кўрсатилади. 3. Тасвирланадиган декоратив композиция элементларини жойлашув схемаси ёки эскизини чизиб олиш. 4. Декоратив композициянинг ўлчови ва форматини аниқлаш. 5. Декоратив композицияни қаламтасвирини чизиб олиш. 6. Безак учун зарур бўлган айрим табиий материалларни стилизациялаш. Бу босқичда айрим нақш элементлари ўзгартирилиши мумкин. 7. Декоратив композицияни бўёқлар билан ишлаш.

5-7-синфларда декоратив композиция ишлаш машғулотларининг характерининг турли-туман эканлигини ҳисобга олиб, уларнинг ҳар бирига методик жиҳатдан алоҳида-алоҳида ёндошиш талаб этилади. Хусусан, газмоллар, кийимлар учун безак эскизини ишлаш машғулотларида ўқитувчи кўпроқ кўргазмалиликка эътибор бериб, турли мато, газмол нусхалари, кийимларнинг фотолари ёки слайдларини кўрсатса, биронта адабий асарга (ҳикоя, эртак, масал, дoston в.б.) иллюстрация ишлаш машғулотларида эса болалар эътиборини кўпроқ асар мазмунига қаратади. Зарурият бўлганда асарни қайта-қайта ўқиб ёки сўзлаб беради, савол-жавоб ўтказди.

Автомобилларни янги маркасининг эскизини ишлаш машғулотида эса уларнинг турли маркадаги расмларини намойиш этади, бир-биридан фарқини кўрсатиб беради.

Декоратив композиция машғулотлари методикасининг ўзига хос хусусиятларидан бири кўпроқ болаларни мустақил ишлашга йўналтиришидир.

5-7-синфларда декоратив композициядан амалий машғулотлар шу синфларда бериладиган назарий билимлар билан боғлаб ўтказилади. Айниқса, амалий безак ва дизайн, либослар юзасидан назарий машғулотлар берилгандан сўнг декоратив композициядан амалий ишлар бажарилади.

Дастурда ўзбек халқ амалий санъатини назарий жиҳатдан ўрга-

нишга алоҳида эътибор берилган бўлиб, у декоратив композицияда ўқувчилар томонидан бажариладиган барча топшириқларни талаблар даражасида амалга оширишга ўз таъсирини кўрсатади. Чунки, болалар томонидан бажариладиган ҳар бир декоратив композицияда ўзбек халқ амалий санъатининг миллий бадиий анъаналари ўз ифодасини топган бўлади.

Қуйида декоратив композиция машғулотларини ўтказиш методикасига доир дарс ишланмалари берилган.

*Дарснинг мавзуси:* Ўзбек миллий либослари эскизини ишлаш.

*Дарснинг вазифалари:* Ўқувчиларнинг бадиий-ижодий қобилиятлари ва расм ишлаш малакаларини ривожлантириш. Болаларнинг миллий ўзбек кийимлари ҳақидаги тасаввурларини бойитиш. Халқ санъатига қизиқишларини уйғотиш.

*Дарснинг жиҳозланиши:* Ўзбек миллий кийимларининг сувратлари, репродукциялари, диопозитивлари ва слайдлари. Ўқитувчининг ўзи тайёрлаган бир неча миллий ўзбек кийим эскизлари. Лотин Америкаси, Африка, Оврўпа халқлари кийимларининг расмлари. Катта ёшдаги эркак ва аёл, ўғил ва қиз бола гавдаси тасвирланган расм.

*Дарснинг мазмуни:* Ўқитувчи дарснинг мавзусини эълон қилгандан сўнг ўзбек миллий кийимлари ҳақида қисқача суҳбат ўтказилади. Бу суҳбатнинг бошланиш қисмида ўзбек миллий кийимлари билан болалар аввалги дарсда танишганликларини ҳисобга олиб, уларга бир қатор саволлар берилади. Бундан мақсад болаларнинг ўзбек миллий кийимлари ҳақидаги тасаввурларини тиклаш ва бойитишдан иборат. Хусусан, бу борада қуйидагича саволлар берилади:

- Қандай ўзбек миллий кийимларини биласиз (эркаклар, аёллар ва болалар кийимлари ҳақида алоҳида-алоҳида тўхталиш зарур)?

- Ўзбек миллий кийимлари бошқа халқлар кийимларидан қайси жиҳатлари билан фарқ қилади?

- Эркаклар миллий кийимлари ансамблига қайси кийимлар киради? Аёлларникига-чи?

- Аёлларнинг кийимларида ёш хусусиятлар қандай ҳисобга олинади? Эркакларда-чи?

- Ўзбек миллий эркаклар кийимлари билан аёллар кийимлари ўртасида қандай фарқ бор

Шундан сўнг ўқитувчи болалар жавобларидаги камчилик ва

хатоларни кўрсатиб, суҳбатга яқун ясайди. У куйидаги мавзуда бўлади:

Ҳар бир халқ ўз миллий кийимларига эга. Бирок уларнинг ҳаммасида умумийлик бўлиб, улар бош кийим, устки кийим, оёқ кийим, шунингдек, турли-туман тақинчоқ кабиларда кўзга ташланади.

Бу кийим ва тақинчоқлар мажмуаси костюм деб аталади. Костюмда киши кийган ҳамма кийимлар (бош, устки, пойафзал, шунингдек, тақинчоқлар) бир-бирига шакл, ранг, ўлчов жиҳатидан мос ҳолда тайёрланади. Ҳар бир халқнинг костюмлари бир мақсадга қарагилган бўлса-да, бироқ улар бир-биридан фарқ қилади.

Ҳатто, Ўзбекистоннинг ҳар бир вилоятида тикиладиган ва кийиладиган кийимларни бир-биридан фарқ қиладиган томонлари кўп. Хусусан, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари ўз услубига эга бўлса, Бухоро ва Самарқанд бошқа услубга, Фарғона водийси аҳолиси яна бошқа услубга эга. Шундай фикрларни Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Тошкент, Сирдарё каби вилоятларнинг кийимлари юзасидан ҳам айтиш мумкин. 52-расм.



52-расм

Ўзбек халқи турлича иқлим шароитларида ҳар хил кийимлар кийган. Улар эркаклар, аёллар, болалар кийимларига бўлинган.

Қисқача суҳбатдан сўнг ўқитувчи миллий кийимлардан намуналар кўрсатиб, улардан қайсилари қайси вилоятга тегишли эканлигини, қайси бирлари камбағаллар ва қайсилари бойлар учун мўлжалланганлигини аниқлаш юзасидан кўрсатмалар беради.

Савол-жавобдан сўнг ўқитувчи расмдаги кийимлардан 1-2 тасини болалар билан биргаликда таҳлил этади ва болаларнинг навбатдаги вазифаси ўзбек миллий кийимлари эскизини тайёрлашдан иборат эканлигини қайд қилади. Сўнгра ўз кўрсатмаларини куйидаги мазмунда давом эттиради:

Болалар, аввало дафтарингизга доскадаги кўргазмали қуролларда акс эттирилган одам қомати расмини ишланг, сўнгра унинг устига ўзингиз хоҳлаган ўзбек миллий кийимларининг расмини ишлайсиз. Ўзбекистоннинг қайси вилоятига хос кийим ишламоқчи бўлсангиз, унинг ўзига хос томонларини сақлашга ҳаракат қилинг. Шунингдек, расмингизда кийимнинг қайси мансабдаги ёки хизматдаги кишилар учун мўлжалланганлигини ҳам ёдингиздан чиқарманг. Сиз ишлаган кийим эскизи ягона ансамблни ташкил этсин. Ўзингиз ишлаган кийим намунасини бетақрор бўлишлигига ҳаракат қилинг. У китобларда берилган ва мен кўрсатган кийимлар тасвиридан фарқ қилсин. Бироқ расмингизда ўзбек миллий кийимларига хос хусусиятлар билиниб турсин. Доскада намойиш этиш учун қўйилган кийим расмидан тўла кўчириб олиш мумкин эмас, бироқ улардаги айрим қисмларни, нақш унсурлари, ранглари, шаклларида фойдаланса бўлади.

Ўқитувчи ўзбек кийимларининг намунасини яратиш учун уларни бошқа халқларнинг миллий кийимлари билан солиштириб кўриш кераклигини қайд қилади. Шу мақсадда ўқитувчи болалар эътиборини бошқа халқлар кийимларига ҳам қаратади. Сўнгра, болалар мустақил равишда миллий кийим намунасини яратишга киришадилар. Кийим намунасининг рангтавири ўқитувчининг руҳсати билан амалга оширилади. Бунда ўқитувчи ҳар қайси болага алоҳида ёндашади. Чунки, ижодий ишлар савияси ҳамма болаларда бир хил бўлиши мумкин эмас. Либосларнинг намуналари, ранглари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Бунда у ўзбек усталари ёрқин тоза рангларни ниҳоятда ёқтиришларини қайта-қайта таъкидлаб ўтади. Суҳбат давомида ўқитувчи болаларга шунини ҳам етказиши



керакки, кийимлар эскизини ишлашдан аввал ҳар бир ўқувчи уларни кимлар учун (эркакларгами, аёлларгами, қишлоқликми, ёзликми, баҳор ёки кузликми, ёшларгами, қарияларгами, бойгами, камбағалгами, зиёлигами ёки амалдоргами, руҳонийгами, оддий хизматчигами) мўлжалланганлигини яхшилаб ўйлаб олиши керак бўлади. Худди шуни ҳисобга олиб, кийим материали, унинг безак гули, ранги, композицияси танланади. Дарс болаларнинг ижодий ишлари кўргазмасини ташкил этиш ва муҳокама қилиш билан яқунланади.

Уйга синф ишини яқунлаш вазифа қилиб топширилади.

*Дарснинг мавзуси:* Китоб саҳифаларининг бадиий безаги эскизини ишлаш.

*Дарснинг вазифалари:* Китоб бадиий безаги ҳақида маълумот бериш. Болаларни китоб мазмуни ва унинг бадиий безаги тўғрисидаги тушунчаларини кенгайтириш. Ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини ўстириш. Расм орқали ўз фикрларини ифодалай олишга ўргатиш. Билимлар манбаи бўлган китобга муҳаббат уйғотиш ва уларни авайлаб асрашга ўргатиш.

*Дарснинг жиҳозланиши:* 1. Ўлчов, ранг, шрифт, безак композицияси жиҳатдан турлича китоблар. 2. Ўқитувчи томонидан биронта китобга ишланган безаклар. 3. Китоб саҳифаларини безашга доир ишланган параллел синф ўқувчиларининг ишлари.

*Дарснинг мазмуни:* Янги мавзуни баён этиш китоб ҳақида суҳбат билан бошланади. Бу суҳбатда китобнинг кишилар ҳаётидаги аҳамияти ҳақида гапирилади. Китоб билим манбаи, у кўпгина авлодларнинг тажрибасини ўзида акс эттирувчи хазина, у ўқитувчи ва тарбиячидир. Китоб ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳаларида (саноат, қишлоқ хўжалиги, фан, медицина, маданият, санъат в.б.) ишловчилар учун амалий кўрсатмалар беради. Мактабда у дарслик, турли халқлар ўртасидаги муносабатлар воситасини ўтайди. Айниқса, ҳозирда китобсиз Ватанни душманлардан ҳимоя қилиб бўлмайди. Мураккаб техникани ўзлаштириш мумкин эмас. Турли буюм ва озиқ-овқатларни кўплаб ишлаб чиқаришни, фан ва санъат сирларини билиб бўлмайди. Усиз ўқимишли ва маданиятли кишилар тайёрлаш мумкин эмас.

Китоблар ўлчов, шакл, безак унсурлари, ранги, безак композицияси жиҳатдан ниҳоятда турли-туман бўлади. Китобларни яратиш билан кўпчилик мутахассислар шуғулланадилар. Китоб маз-

мунини ёзувчи ёзади, унинг беагини рассом бажаради. Китобнинг яратилишида ёзувчи ва рассомлардан ташқари, муҳаррирлар, корректорлар, босмахона ходимлари ҳам иштирок этадилар.

Техника ривож топмасдан аввал китоблар қўл билан бунёд этилар эди. Китоб матнининг атрофлари ва оралари нақшлар ва расмлар билан юксак бадиий савияда безатиларди. Қоғоз кашф этилмасдан аввал одамлар сопол, дарахт барглари, ҳайвон териларига ёзишган.

Айрим маълумотларга қараганда Республикамиз худудида, яъни Самарқандда 560 йилларидаёқ қоғозга ёзилган китоблар бўлган.

XI асрда Хитойда, XV асрнинг 40-йилларида Германияда китоб босишни ихтиро қилиниши китоб тайёрлаш тарққиётида янги даврни очган. Республикамиз худудида босмахоналарда биринчи бор кўп нусхали китоблар 1868 йилда Тошкентда нашр этилди.

Китобларни нашр этишда рассомнинг иши бениҳоят катта. Рассомлар томонидан китобларга ишланган иллюстрациялар, безаклар китоб мазмунини аниқроқ ва тезроқ тушуниб олишга ёрдам беради.

Қадимги вақтларда ҳам китобларни безатишга алоҳида эътибор берилган. Аввалги даврларда Республикамиз худудида яратилган китобларни безатишда рассомлардан, айниқса Камолиддин Беҳзод, Султон Маҳмуд, Қосим Али, Маҳмуд Музаҳиб, Абдулло, Муҳаммад Мурод Самарқандийлар катта шуҳрат қозонганлар.

XX асрнинг иккинчи ярмида Ўзбекистонда И.Икромов, В.Кедрин, М.Рейх, А.Ошейко, Қ.Башаров, И.Кириакиди, Т.Муҳамедов каби кўплаб китоб беаги усталари етишиб чиққан. Улар китоб беаги санъатининг миллий, бадиий анъаналарини давом эттириб, катта ютуқларни қўлга киритганлар.

Китоб муқова жилди (супермуқова), муқова, титул варағи, бошбезак, зарҳал ҳарф (бош ҳарф), иллюстрация, якуний безак кабилардан ташкил топади. Шеърый китобларда сатрлар орасида нақший безаклар тасвирланиши ҳам мумкин. Китобнинг титул варағида муаллифнинг фамилияси, китобнинг номи, нашр этилган жойи, йили, нашриёт номи ва бошқалар ёзилади.

Китоб биринчи бетининг юқори қисми бадиий безатилади. Бу безак нақш ёки мазмунли тасвирдан (шунчаки нарсалар тасвири бўлиши ҳам мумкин) иборат бўлади. Уни бошбезак деб юритилади. Улар катта-кичиклиги жиҳатидан турлича бўлиб, муваффақиятли тасвирланган тақдирда мазкур китоб бобини, баъзан бутун китоб

мазмунини ўзида акс эттириши мумкин. Шу билан бирга бош безак бу бетни бадиий безатиш вазифасини ҳам ўтайди. Бошбезак ҳақида гап борганда унинг китобдаги ўрни, ўлчови, ранги, шакли, тасвир унсурлари ҳақида тўхталиб ўтиш лозим. Уларни тушунтиришда эртақ, ҳикоя, шеър, дoston, масал, роман каби китоб безакларидан фойдаланилади.


Зарҳал ҳарф китобнинг матнини ҳар бир боб ёки параграфи-нинг биринчи ҳарфи ҳисобланади ва у йирик ҳолда ишланади, нақш ва турли реал тасвирлар билан безатилган бўлади. Зарҳал ҳарфлар кўпинча болалар эртақларида ва шеърый китобларда кўп қўлланилади. Зарҳал ҳарф намуналари турли китоблардан, шунингдек, ўқитувчининг ўзи тайёрлаган кўргазмали қуроли орқали кўрсатилади. Мисол учун «Ўзбек халқ эртақлари» китобини намуна сифатида ўрганиш ва болаларга кўрсатиш учун тавсия этиш мумкин. Шу тўпلامдаги эртақлардан биронтасини танлаб олиб, ўқитувчи шу асосда болалар билан иш олиб боради.

Ўқитувчи юқоридаги каби иллюстрация ва якуний безак ҳақида гапириб, уларнинг намуналарини турли китоблардан кўрсатади. Якуний безак ҳам бошбезак каби ўлчовда, рангда, шаклда, китоб ёки боб охирида берилади. У кўпроқ китоб ёки унинг бобига хулоса ясайди. Китобларнинг матн қисмларининг атрофлари нақшли безак билан безатилиши қам мумкин. Ўқитувчи китоб безакларидан намуналар ҳам кўрсатади. 53-расм.

Китобларнинг ички бегаги юзасидан умумий тушунчалар бериб бўлинганидан кейин ўқитувчи асосий вазифага ўтиб, уни тушунтиради.

Ўқитувчи эртақнинг қисқача мазмунини болаларга тушунтириб, унинг ички бегагини кўрсатади, улар юзасидан савол-жавоб ўтказади. Савол-жавобдан сўнг топшириқ юзасидан қисқача кўрсатма беради. У қуйидагича мазмунда бўлади:

Безак ишларига киришишдан аввал бошбезак, зарҳал ҳарф, якуний безак, ишланадиган китоб бетларининг матн ўрнини альбом варағида белгилаб қўйилади. Шунингдек, бу варақда бош безак, якуний безак ва зарҳал ҳарфларнинг ўз ўрни ҳам белгиланади. Китоб матни учун қолдирилган жойни альбом варағининг чеккаси-гача тақалмайди. Китоб варағининг тўрт томонидан жой қолдирилади. Китобнинг матн қисми паралел горизонтал чизиқлар билан белгилаб қўйилади.



53-расм

Ишни акварель бўёқ, фломастер, тушь, гуашь билан бажариш мумкин. Безашга киришишдан аввал болалар ўқитувчи кўрсатган китоб безакларини яна бир бор синчиклаб кўриб чиқадилар ва улардан ижодий фойдаланадилар. Хеч вақт китоблардаги безаклар-

дан кўчириб олишга рухсат этилмайди. Ҳар бир ўқувчи ўз ишини мустақил равишда китобдаги безаклардан ўзгачароқ, янада қизиқарлироқ ишлашга ҳаракат қилиши лозим.

Вазифа болаларга тушунарли бўлгач, ўқитувчи уларни мустақил ишга ўтишларига рухсат этади. Ўзи паргалараро юриб топшириқни бажаришга қийналаётган ўқувчиларга ёрдам бериб боради.

Ўқувчиларнинг кўпчилиги бир хил хатоларга йўл қўйганлари тақдирда бутун синфни ишдан тўхтатиб, уларнинг хатоларини тушунтиради.

Дарсни мустаҳкамлаш мақсадида ўқитувчи ўтилганлар юзасидан савол-жавоб орқали суҳбат ўтказади. Суҳбатда болалар эътиборини қуйидагиларга қаратилади:

1. Китобларнинг кишилар ҳаётидаги аҳамияти нимада?
2. Китобларнинг яратилишида қайси соҳа мутахассислари иштирок этадилар?
3. Китоблар қандай қисмлардан ташкил топади?
4. Китоб бадиий безагининг қайси бўлақларини биласиз?
5. Қадимда қайси ўзбек мусаввирлари китоб безаги бўйича ижод қилганлар?
6. Ҳозирги ўзбек график rassomларидан кимларни биласиз?
7. Супермуқова, муқова, титул, бошбезак, зарҳал ҳарф, якуний безак, иллюстрация кабиларни ҳар бирига алоҳида-алоҳида таъриф беринг.

Ўқитувчи дарс охирида синфда ишланган энг муваффақиятли, ўргача ва бўш ишланган ишлардан намуналар ажратиб олиб, уларни ўқувчилар билан таҳлил қилади, камчиликларини кўрсатади.

Уйга синфда ишланган китоб безакларига ўхшаш бошқа композиция, бошқа унсурлардан безак ишларини бажаришни вазифа қилиб топширилади.

Ҳайкалтарошлик композицияси. Ҳайкалтарошлик композицияси тасвирий санъат дарсларида катта ўринни эгалламаса-да, уни ўқитишда ҳам ўзига хослик мавжуд.

5-7-синфларда бундай мазмундаги топшириқларни бажаришда болалардан композициянинг қонун ва қоидаларига риоя қилган ҳолда ишлаш талаб этилади. Уларнинг бажарадиган ишлари, мазмунан ҳам, тасвирлаш техникаси жиҳатидан ҳам бошлангич синфлардагига қараганда саводлироқ бўлиши керак. Бунда кўпроқ композициядаги деталларни ишнинг бош ғоясига бўйсунуши қонуни, мувозанат қонуни, деталларнинг ҳайкалда симметрик ва ассиметрик жойлашу-

ви қондаси, композициясида ҳаракат ва турғунлик, қарама-қаршилик каби қондаларга алоҳида эътибор берилади.

Ҳайкалторошлик композицияси машғулотларини ўтказиш методикаси таълим мазмунидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Бунда кўпроқ болаларнинг ёши, гидроки, ҳайкал ишлаш малакаларининг шаклланганлик даражаси ва бошқа сифатлари эътиборга олинади.

5-7-синфларда ҳайкалторошлик композицияси машғулотлари учун «Карвон», «Отчопарда», «Она ва бола ҳайвонлар», «Кўчқорлар жанги», «Аждарҳо», «Кўйчивон» халқ қахрамонларига ёдгорлик мавзуларида декоратив, рельефли ва юмалоқ ҳайкаллар ишлаш тавсия этилган.

Ҳайкалторошлик композицияси машғулотларида ўқитувчилар куйидаги жиҳатларга кўпроқ эътибор беришлари лозим:

1. Мавзу юзасидан суҳбатлар ўтказиш.
2. Мавзуга доир фотолар, расмлар намойиш этиш.
3. Мавзуга доир ўқитувчининг намуна учун тайёрлаган ишларини намойиш этиш ва унинг мазмунини тушунтириш.
4. Мавзуга доир композиция схемаларини доскада кўрсатиш.
5. Мавзуга доир параллел синф ўқувчиларининг ишларидан намуналар кўрсатиш ҳамда уларни таҳлил қилиш.
6. Болаларга мустақил иш учун эскиз чиздириш.
7. Болалар томонидан ишланган эскиз намуналаридан айримларини бутун синфга кўрсатиб таҳлил қилиш.
8. Эскиз асосида ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этиш.

Болаларнинг мустақил ишлари жараёнида ўқитувчи уларнинг фаолиятларини мунтазам кузатиб туради ва зарурият туғилганда керакли маслаҳатларни беради. Болаларнинг мустақил ишлари жараёнида ўқитувчи бажарилаётган ишлардан намуналар олиб, уларни барчага намойиш этади.

Айрим мавзулар ўз мазмунига кўра кенг қамровли ишларни талаб этади. Хусусан, «Отчопарда» мавзусида ҳайкал ишлаш шундай мавзулардан ҳисобланади. Чунки, бундай мавзуда ҳайкал ишлаганда камида уч одам ва уч от тасвирларини ясашга тўғри келади. Бу ишларни бир ўқувчи мавзуга ажратилган бир ёки икки соатли дарсда бажара олмайди. Топшириқни бир ёки икки соат дарсда бажариб улгуриш учун ишни жамоа бўлиб бажариш керак бўлади. Жамоа ишда 3-4 ўқувчи бирлашиб бажариладиган композициядаги деталларни бўлишиб оладилар. Ҳар бир ўқувчи ўзига юкланган вазифани бажариб бўлгач улардан ягона композиция тузилади.

Ҳайкалторошлиқдан композиция ишлаш машғулотларида ўқувчилар

Ўз эътиборларини кўпроқ кўйидаги жиҳатларга қаратишлари зарур:

1. Мавзу асосида ҳайкал ишлаш учун мазмунни тўғри танлаш.

2. Ҳайкалда унинг деталларини композиция жиҳатдан тўғри ва чиройли жойлаштириш.

3. Ҳайкал деталларининг шакли, ўлчовлари ва ўлчов нисбатларини тўғри белгилаш.

4. Ҳайкалдаги деталларнинг ҳолатларини тўғри белгилаш.

5. Ҳайкалдаги ҳар бир детални тўғри тасвирлаш.

6. Иш жойларини тоза ва тартибли тутиш.

Кўйида ҳайкалторошлик композицияси машғулотларини ўтказиш методикасига доир дарс ишланмаси берилган.

*Дарсинг мавзуси:* «Отчопарда пойга» мавзусида ҳайкал ишлаш (жамоа иш).

*Дарсинг вазифалари.* Ўқувчиларнинг ҳайкал ишлаш (лой билан ишлаш) малакаларини, шаклни ҳис қилиш қобилиятлари ва ижодкорлигини ўстириш.

*Дарсинг жиҳозланиши.* «Пойга» мавзусида ишланган тасвирий санъат (рангтасвир, ҳайкалторошлик, графика) асарларининг репродукциялари, расмлар, суратлар.

*Дарсинг мазмуни.* Дастлаб ўқитувчи отчопар ва у ерда бўладиган мусобақалар ҳақида суҳбат ўтказди. Суҳбатда отчопарда от билан ўтказиладиган ўйинларга пойга, қизқувиш, улоқ кабилар кириши ва у ерда халқ сайллари, миллий байрамлар, оммавий спорт мусобақалари тез-тез ўтказилиб турилиши айтилади. Бу ўйинлар йирик спорт ва оммавий майдонларда ўтказилади. Уларда ўнлаб зогли, синалган чопқир отлар, танилган чавандозлар ва минг-минглаб томошабинлар иштирок этадилар.

Бу мавзуда А.Дейнека, Қ.Башаров, Д.Тугаринов ва бошқа рассомлар ва ҳайкалторошлар сермазмун асарлар яратганлар. 54-расм.

Ўқитувчи бу асар репродукцияларидан бир ёки иккитасини



54-расм

намойиш этиб, уларнинг мазмуни, композицияси, ифодалилик воситалари ва бошқалар ҳақида фикр юритади. Сўнгра от ва одам расмлари орқали уларнинг тузилиши, бўлаклари, ўлчовлари ва ўлчов нисбатлари, шакллари, ҳаракатдаги ҳолатлари тушунтирилади.

Бундай ҳайкални яратиш учун болалар аввал от, сўнгра одам тасвирини алоҳида-алоҳида ишлаб олиб, сўнгра уларни бир умумий композицияга бирлаштирилади. Кўргазмали материаллардан фойдаланиб, отнинг ҳаракати, унинг шакли ва ўлчовлари аниқлаштирилади, одам ҳайкали от ҳайкали устига ўрнатилиб, улар пойгада чопаётган ҳолатга келтирилади. Чавандоз ҳайкалини ишлаётган болалар қуйдагиларга эътибор берадилар:

-ҳайкалнинг умумий эни 15 см.дан, баландлиги 12 см.дан ошмаслигига;

-пойгада чопаётган от ҳолатининг аниқ тасвирланишига;

-чавандознинг от устида ва пойга ҳолатида тўғри тасвирланишига;

-чавандоз кийимларининг миллий бўлишлигига;

-чавандоз билан от ўлчовларини бир-бирига мос тасвирланиши ва б.

Ҳайкаллар тайёр бўлгач, 3-4 ўқувчи биргаликда «Отчопарда пойга» мавзусида композиция яратадилар. Дарс якунида ҳар галгидек кўргазма ташкил этилади.

Уйга «Отчопарда» мавзусида журнал ва китоблардаги расмларни ўрганиш ва шу асосда янги композиция ишлаш топширилади.

#### **4.4. Тасвирий санъатни табақалаштириб ўқитиш**

**Мазмуни:** 1. Табақалаштирилган таълимнинг моҳияти. 2. Унинг ижобий ва салбий жиҳатлари. 3. Табақалаштирилган таълим турлари. 4. Таълимнинг бу турига бўлган талаблар. 5. Табақалаштирилган таълимда педагогик ва психологик ташҳис. 6. Табақалаштирилган таълимга доир ташкилий, моддий-техникавий тайёргарлик. 7. Табақалаштирилган таълим мазмуни. 8. Табақалаштирилган таълим методикаси.

Мактабда тасвирий санъат дарслари самарадорлигини оширишда замонавий педагогик технологияларнинг самарали турларидан бири ҳисобланган табақалаштирилган таълим муҳим аҳамият касб этади.



Табақалаштирилган таълим ўқувчиларни индивидуал тарзда, шунингдек, гуруҳларга ажратиб ўқитиш, уларнинг мустақил ишларини тўғри ва мақсадга мувофиқ ташкил этиш орқали синфдаги барча ўқувчилар билим ва малакаларини динамик ривожланишига хизмат қилади. Бунда ўқитувчи ҳар бир ўқувчининг қизиқиши, қобилияти, лаёқатини ҳисобга олиб, машғулотларни ташкил этиш орқали дарс самарадорлигини оширишига эришади.

Маълумки, синфдаги барча ўқувчиларнинг қобилиятлари, фанга қизиқишлари, психологик ва эстетик хусусиятлари турлича бўлганлиги сабабли берилаётган билимлар ва шу асосда ташкил этилаётган методика ҳамма ўқувчиларга бир хил таъсир кўрсатмайди. Натижада, синфдаги барча ўқувчилар ўқув материалларини бирхил ўзлаштирмайдилар. Бундан болаларга қандай педагогик таъсир кўрсатилганда кўзланган мақсадга эришиш мумкинлиги муаммоси пайдо бўлади. Унинг самарали йўлларидан бири таълимга табақалаштирилган ёндошувдир.

Айрим педагог олимларнинг асарларида табақалаштирилган таълимнинг моҳияти, унинг илмий асослари чуқур таҳлил қилиб берилган, айрим илғор бошланғич синф ўқитувчилари эса бўш ўзлаштирувчи ёки қолоқ ўқувчилар билан индивидуал ишлаш бўйича тажриба тўплаганлар.

Педагогика назариясида педагог олимлар томонидан табақалаштирилган таълимни икки тури қайд қилинади: 1. Даражали табақалаштириш. 2. Ихтисослаштирилган табақалаштириш.

Даражали табақалаштириш икки турга бўлинади:

1. Индивидуал таълим. Бунда ўқувчиларнинг қобилияти ва имкониятларига қараб ҳар бир ўқувчи билан алоҳида-алоҳида иш олиб борилади.

2. Гуруҳли таълим. Бунда ўқувчиларни қобилияти ва имкониятларига қараб уларни икки ва ундан ортиқ гуруҳларга ажратиб ўқитилади.

Ихтисослаштирилган табақалаштириш эса у ёки бу фанни чуқур ўргатиш, болаларни турли касбларга йўналтириш ёки уларни асосларини ўзлаштиришга қаратилган бўлади. Булар қаторига тасвирий санъатни чуқур ўргатадиган мактаблар (синфлар), факультативлар, тўғарақлар киради.

Таълим назарияси ва амалиётида тасвирий санъатдан табақалаштирилган таълимнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- табақалаштирилган мактаблар таълими;
- табақалаштирилган синфлар таълими;
- табақалаштирилган гуруҳлар таълими;
- индивидуаллаштирилган таълим.

Бу йўналишлар ҳам даражали, ҳам ихтисослаштирилган бўлиши мумкин. Кўп йиллардан буён педагогик амалиётда бошқа фанлар қатори тасвирий санъатдан ихтисослаштирилган мактаблар ва синфлар, факультатив курслар фаолият кўрсатмоқдалар.

Табақалаштирилган таълим ҳақида фикр юритганда аввало уни ҳам ижобий ва салбий жиҳатлари ҳақида етарли тасаввурга эга бўлишлик ниҳоятда муҳим. Даражали табақалаштириб ўқитишнинг ижобий жиҳатлари ҳақида тўхталганда қуйидагиларни қайд қилиш лозим. Бунда:

1. Синфдаги барча ўқувчилар дастур материалларини ўзлаштиришга эришадилар.

2. Синфдаги барча ўқувчиларнинг билим ва малакаларида, ижодий ишларида ўсиш кузатилади ва у ўқувчиларни фанга бўлган қизиқишларини оширади.

3. Синфдаги барча ўқувчиларнинг фаоллиги ошади. Чунки, паст ўзлаштирувчилар гуруҳидаги ҳар бир бола юқори ўзлаштирувчилар гуруҳига ўтишга ҳаракат қилади. Юқори ўзлаштирувчилар гуруҳидаги болалар эса паст ўзлаштирувчилар гуруҳига тушиб қолмаслик учун ҳаракат қиладилар.

4. Ўқувчиларни қобилияти ва имкониятларига қараб билимлар берилаётганлиги сабабли, улар томонидан ўқув юкнамаларини ўзлаштиришда зўриқиш ҳоллари рўй бермайди.

5. Синфдаги иқтидорли ўқувчиларнинг чуқур ва атрофлича билимлар олишга бўлган эҳтиёжлари ҳам қондирилади.

6. Табақалаштирилган таълим уни демократиялаштириш ва инсонпарварлаштиришга ёрдам беради.

Кўпчилик мутахассислар ўқувчиларни (паст, ўрта, юқори) ўзлаштирувчи болалар гуруҳларига ажратиб ўқитишнинг маъқуллаган ҳолда, уни юқори, шунингдек, паст ўзлаштирувчи болалар фаолиятларида салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкинлигини ҳам қайд қилишади. Хусусан, улар юқори ўзлаштирувчи болаларда манманлик, бошқалардан ўзларини устун кўйиш ёки уларни менсимаслик, ўзига ортиқча баҳо бериш, бошқалар билан кўюл муомалада бўлиш каби хислатларда кузатилишини қайд қили-

шади. Шу билан бирга бу тоифадаги болаларда кўрқув қисси ҳам пайдо бўлади. Чунки, улар топшириқларни юқори даражада ба- жармаганликлари оқибатида юқори гуруҳдан куйи гуруҳга тушиб қолишлари ҳам мумкин.

Паст ўзлаштирувчи ўқувчилар эса табақалашган гуруҳларда ўзларини камситилган, ўқуви йўқ деб ҳисоблайдилар. Кўпинча тенгдошлари, ака-ука, ота-оналари орасида ўзларини ақли калта болалардек ҳис этадилар. Натижада, улар тушқунликка тушиб, ўқишга ҳаваслари қайтади. Синфдошларига кўшилмай, улар бола- ларга аралашмайдиган одамови бўлиб қоладилар. Бора-бора бу тои- фадаги ўқувчиларга ўқитувчи, ота-оналар, синфдошлари томони- дан билдириладиган турли танбеҳ ва дашномлари уларнинг руҳия- тига ёмон таъсир кўрсатиши мумкин. Натижада бу ҳол уларни ҳамма нарсага, ҳар қандай гапларга бефарқ бўлиб қолишлари ва ривож- ланишдан тўхтаб қолишларига олиб келади. Ўқитувчи табақалаш- тирилган таълимни амалга оширишга киришар экан, унинг юқори- да қайд қилинган ҳам ижобий, ҳам салбий жиҳатларига тўғри ёндошиб иш олиб бориши керак бўлади.

Масаланинг ана шу нозик жиҳатларини ҳисобга олиб, болалар- ни гуруҳга ажратганда синфдаги қобилиятли, қобилиятсиз, ўзлаш- тирувчи, ўзлаштирмовчи, юқори, куйи сўзларнинг ўрнига од- дийгина қилиб биринчи, иккинчи, учинчи гуруҳлар деб қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Табақалаштириб ўқитишнинг самараси катта эканлиги билан бир қаторда унинг мураккаб жиҳатлари ҳам мавжудлигини алоҳи- да қайд қилиш лозим. Унинг мураккаблиги ўқитувчининг уч хил даражадаги дастурлар асосида машғулот олиб бориши билан боғ- лиқ. Бунинг учун ҳар бир гуруҳ учун тасвирий санъатдан алоҳида дарсликлар, методика, дидактик ва тарқатма материаллар, тех- ника воситалари керак бўладиким, уларсиз машғулотларни талаб- лар даражасида ташкил этиб бўлмайди. Бу эса куйидаги йўналиш- ларда ифодаланади:

1. Табақалаштирилган тасвирий санъат таълимини илмий асос- ларини пухта эгаллаган бўлишлик.

2. Машғулотлар учун зарур бўлган ўқув- методик мажмуалар билан қуролланган бўлишлик.

3. Машғулотлар учун зарур бўлган махсус хона ва моддий- техникавий базага эга бўлишлик.

4.Ўқитувчи ўз фанидан ўқувчиларни билим ва малакалари савияси ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлишлиги в.б.

Муаммонинг қийин ва мураккаб жиҳатларидан бири бу ўқитувчининг ўқувчилар ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлишлигидир. Маълумки, ҳар бир шахс, ўзича бир дунё, шу қатори тасвирий санъатдан билим малакалари ҳам бир-биридан фарқ қилади. Бунинг устига болалардаги ўзига хослик шунчалик турли-туманки, уларни аниқлаш ниҳоятда мушкул.

Болаларни ҳар жиҳатдан билиш учун ўқитувчи томонидан болалар орасида педагогик ва психологик ташхис ўтказиши зарур бўлади. Бу иш бевосита қуйидагилар билан боғлиқ: ўқувчининг умумий қобилияти, унинг характери, қайси фанга қизиқиши ва уларни қайси даражада билиши, ўқишга бўлган қизиқиши, тасаввур, тафаккур ва ижодий фикрлаш даражаси, фаоллиги ва фантазияси, хотира ва кузатувчанлиги, диққати, ташаббускорлиги, мустақиллиги, уйда машғулотлар учун бўлган шарт-шароитлари в.б. Ташхисда ўқувчиларни соғлиги ва физиологик ўсишини билиш ҳам фойдадан ҳоли эмас.

Шунингдек, болаларни қуш ва ҳайвонларга, касб-ҳунарларга, санъат турларига, спорт турларига қизиқишларини билиш ҳам муҳим. Чунки, болаларга педагогик таъсир кўрсатишда уларни ана шундай қизиқишларига қараб таълим беришнинг самарали эканлиги фанимизда анчадан буён маълум.

Юқорида қайд қилинган сифатлар билан бир қаторда ўқитувчи ўз фанидан ўқувчининг тасвирий санъатга доир хусусиятларини ҳам билиши керак бўлади. Бу борада ўқитувчи дарс жараёнида ҳар бир боланинг билим ва малакаларидаги ўсишни ҳам билиб туриши зарур.

Ўқувчини билим ва малакасидаги ривожланиш даражасига қараб билим бериш яна шунинг учун ҳам муҳимки, бунда зарурият туғилганда ўқувчиларни у гуруҳдан бу гуруҳга ўтказиш имконини беради.

Даражали табақалаштириб ўқитишнинг яна бир кўриниши мавжуд бўлиб, унда болаларни фанлар бўйича билим ва малакаларининг даражасига қараб эмас, балки умумий тарзда табақалаштирилишидир. Бунда болаларни темпераменти асосий роль ўйнайди. Бундай сифатлар бўйича табақалаштирилганда болалар холериклар, сангвинлар, флегматиклар ва мелонхоликлар гуруҳларидан ташкил топади.

Чунки, ўқитувчи дарс жараёнида ўқувчиларга топшириқлар

берганда, бирон нарсани талаб қилганда, уларнинг психологик хусусиятларига таяниш самарали кечади. Ишнинг савияси кўп жиҳатдан болаларни ана шу сифатларини билиб, тўғри муносабатда бўлишликка боғлиқдир.

Ўқитувчи болаларнинг диққати, идроки, хотираси, тафаккури, нутқи, ҳис-туйғулари, характери ҳақида ҳам тасаввурга эга бўлиши талаб этилади.

Ўқувчиларнинг билим ва малакалари, ижодий қобилиятлари, қизиқишлари, идрокларини ҳисобга олиб ўтказиладиган педагогик ташҳис ишлари қуйидаги ташкилий ишлар билан боғлиқ:

-Ўқувчилар билимларини аниқлаш учун тест материалларини тайёрлаш;

-Ўқувчиларнинг билим ва малакаларини аниқлаш учун анкета ва саволномалар тайёрлаш;

-Ўқувчиларни билим ва малакаларини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш;

-Ўқувчиларни билим ва малакаларини аниқлашга доир дидактик материаллар тайёрлаш;

Ўқувчиларнинг билим ва малакаларини ташҳис этиш билан масаланинг ечими тутамайди. Янги материални баён этиш ва уни ўқувчилар томонидан тўлиқ ўзлаштирилиши учун тегишли методика зарур бўлади. Бу босқичнинг муҳим жиҳатларидан бири ташҳисдан ўтган гуруҳларда ўқувчиларнинг тасвирий санъатдан билимлар ҳажми ва даражасини аниқлашдир. Гап шундаки, янги мавзуни идрок этишга гуруҳдаги барча ўқувчилар тайёрми ёки йўқми, ахир гуруҳдаги барча болаларнинг билим ва малакалари бир хил эмаску?! Бир гуруҳдаги бир ўқувчи иккинчисига қараганда озми, кўпми кенгроқ ва чуқурроқ билимга эга. Шундай экан, гуруҳдаги барча болаларни ўқитувчи янги материални идрок этиши ва ўзлаштирилиши учун тайёрлаши лозим бўлади.

Табақалаштириш фақат гуруҳлар бўйича эмас, ҳар бир ўқувчи билан ҳам яккама-якка иш олиб боришни ҳам назарда тутати. У дарс жараёнида, уйга топшириқлар берганда амалга оширилади. Шунингдек, индивидуал таълим фақат бўш ўзлаштирувчи болалар билан ишлашни эмас, бир йўла иқтидорли, қобилиятли болалар билан ишлашни ҳам назарда тутати.

Мактабда тасвирий санъатдан даражали табақалаштиришнинг икки йўналиши тавсия этилади:

1. Ўқувчиларнинг идроки ва қобилиятини ҳисобга олиб таба-

қалаштириш. Бу йўналишга болаларни ўқитувчи тавсия этади.

2. Ўқувчиларни қизиқишига қараб табақалаштириш. Бунда гуруҳларни болаларнинг ўзлари танлайдилар.

Мактабда болаларнинг тасвирий санъатга қизиқиши, идроки, қобилиятларини ҳисобга олиб, уларни бир неча гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Идроки паст, билим ва тушунчаларни секин ва қийин ўзлаштирувчи болалар, уларни ўқишга ҳаваси йўқ ва қобилияти қониқарли эмас, ижодкорлик ҳислатлари сезилмайди.

2. Ўқишга ҳаваси ва қобилияти ўртача, назарий билимларни ўзлаштириши ва ижодкорлиги ўртача.

3. Ўқишга ҳаваси, ижодий қобилияти ва фантазияси кучли, берилаётган билимларни тез ва пухта идрок эта оладилар.

Мана шу хусусиятлар асосида тасвирий санъатдан таълим мазмуни табақалаштирилади. Табақалаштирилган таълим мазмуни-ни, ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, у уч тоифага бўлинади:

1. Дастурнинг минимум даражаси. У тасвирий санъат ўқув предметидан таълимнинг давлат стандартларида белгиланган билимларни назарда тутади. Таълим мазмунининг бу тоифасида болаларнинг билим ва малакалари, ижодий қобилиятларини ўстириш минимум даражада бўлади.

2. Дастурнинг ўртача даражаси. Тасвирий санъатдан бериладиган билимлар ва малакалар таълимнинг давлат стандартларида кўрсатилган минимум даражадан юқорироқ бўлади. Ўқувчиларда ижодий фикрлаш ва фантазияни талаб этадиган топшириқлар минимум даражада қолади.

3. Дастурнинг юқори даражаси. Тасвирий санъатдан ўқувчиларнинг идроки, қобилиятини ҳисобга олган ҳолда уларга кенг билим ва чуқур малакалар берадиган, уларнинг ижодкорлигини, истъдодини рўёбга чиқарадиган машғулотлардан ташкил топади.

Маълумки, даражали табақалаштиришнинг икки йўли мавжуд:

1. Бир синф ўқувчиларидан икки ва ундан ортиқ гуруҳ ташкил этиб ўқитиш.

2. Мактабдаги бир неча параллел синф ўқувчиларидан қуйи, ўрта ва юқори ўзлаштирувчи ўқувчилар синфларини ташкил этиб ўқитиш.

Таълимнинг иккинчи йўли ўқитувчига унчалик катта қийинчилик туғдирмасада, биринчи йўли катта масъулият талаб этади. У

анча мураккаб жараён бўлиб, бунда бир вақтнинг ўзида ўқитувчи уч гуруҳ билан иш олиб бориши керак бўлади. Бунда ўқитувчи уч хил таълим мазмуни, дастур ва дарсликлар, турли-туман дидактик материаллар ва турли методикалардан фойдаланади.

Ўқувчиларни табақалаштириб ўқитишнинг муваффақияти кўп жиҳатдан ўқувчиларни мустақил ишларини тўғри амалга оширишга боғлиқ. Болалар топшириқларни мустақил бажариш кўникмаларига эга бўлганларидагина бу борадаги ишлар самарали кечади. Табақалаштириб ўқитишни муваффақиятли амалга ошириш учун тасвирий санъатдан мустақил ишларни қуйидаги шакллари-ни қўллаш мақсадга мувофиқдир:

1. Тарқатма материаллар билан ишлаш.
2. Дарслик билан ишлаш.
3. Компьютер билан ишлаш.
4. Ижодий ишларни бажариш.
5. Китоб ўқиш.
6. Машғулотлар мавзусига доир саёҳат қилиш.
7. Ота-она, мутахассис, дўст-дўгоналар билан суҳбат ва мунозаралар қилиш.
8. Топишмоқ ва кроссвордлар ечиш в.б.

Шуни ҳам қайд қилиш лозимки, табақалаштирилган синф ва гуруҳларда ҳар бир гуруҳ учун тузилган таълим мазмунига мос методика қўлланилади. Таълим мазмунидан келиб чиққан ҳолда барча гуруҳ болалари билан машғулотлар фронтал. шунингдек, гуруҳли ёки индивидуал ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Табақалаштирилган гуруҳларга топшириқлар турли шакл ва турли мазмунда ҳам тавсия этилади. Уларнинг асосий шакллари:

1. Ҳар бир гуруҳга тасвирий санъатдан алоҳида мазмун ёки мавзуларда топшириқлар тавсия этиш.

2. Бир неча гуруҳга бир хил мазмун ёки мавзуда, бироқ турли мураккабликда топшириқлар тавсия этиш. Ягона мавзуда топшириқ берилганда уни уч тоифадаги ўқувчилар гуруҳига уч хил мураккабликда тавсия этилади.

3. Гуруҳларнинг айримларида тасвирий санъатдан назарий, бошқасида амалий характердаги машғулотлар олиб бориш.

4. Айрим гуруҳларга ўқувчиларнинг тўла мустақил ишлари учун топшириқлар берилса, бошқаларига ўқитувчининг иштирокида бажариладиган вазифалар тавсия этилади.

5. Табақалаштирилган гуруҳларнинг баъзиларида рангтасвир, бошқаларига ҳайкалтарошлик ёки санъатшунослик асослари бўйича машғулотлар ўтказса бўлади.

6. Айрим гуруҳларда янги материал баён этилса бошқасида ўтилганларини қайтариш ҳам мумкин.

7. Ҳўқитувчи топшириқларни бир неча вариантларда тавсия этади, Ҳўқувчилар улардан Ҳўзларига маъқули ва кўчлари етадиганини танлаб оладилар.

8. Ҳўйрим гуруҳлар билан машғулотларни синфда бошқалар билан синфдан ташқарида амалга ошириш.

9. Зарурият туғилганда болалар эркин мавзуларда иш бажаришлари ҳам мумкин.

Табақалаштирилган таълимни амалга оширишда биринчидан, болаларга тасвирий санъатдан бериладиган билим ва малакаларнинг дозаси, топшириқни бажаришга кетадиган вақт, Ҳўқувчининг бу топшириқни бажаришга бўлган лаёқатини Ҳўқитувчи томонидан аниқ тасаввур этилиши лозим. Иккинчидан, таълим мазмунини болалар онгига сингдириш учун методикани тўғри танлаш ҳамда бу методикани амалга оширишга хизмат қиладиган моддий-техникавий асоснинг яратиш муҳимдир.

Бунинг учун Ҳўқитувчи аввалдан дарсга пухта тайёргарлик кўрган, уни сценарийсини атрофлича ва чуқур ишлаб чиққан бўлиши керак. Шу билан бирга ҳар бир дарсда болаларнинг билим ва малакаларидаги Ҳўзгариларни билиб туриш ҳам аҳамиятлидир. Табақалаштирилган таълимда янги билимларни болалар томонидан Ҳўзлаштирилишига эришиш учун аввалдан уларни тайёрлаш лозим ва бунга Ҳўқитувчи тўла ишонч ҳосил қилгандан сўнг янги мавзуни баёнига Ҳўтиши лозим.

#### **4.5. Тасвирий санъатдан топшириқлар, уларни назорат қилиш ва баҳолаш**

**Мазмуни:** 1. Ҳўқувчилар билим ва малакаларни назорат қилиш ва баҳолашнинг моҳияти. 2. Топшириқларнинг шакллари. 3. Назорат турлари. 4. Борлиқни идрок этиш юзасидан болалар билимларини баҳолаш мезонлари. 5. Бадий қуриш-ясаш юзасидан баҳолаш мезонлари. 6. Натурадан ишланган расмлар юзасидан баҳолаш мезонлари. 7. Натурадан ишланган ҳайкаллар юзасидан баҳолаш мезонлари. 8. Рангтасвир композициясига доир ишланган расмлар юзасидан баҳолаш мезонлари. 9. Намунадан кўчирилган декоратив ишларга доир баҳолаш мезонлари. 10. Декоратив



композиция бўйича бажарилган ишлар юзасидан ўқувчилар билим ва малакаларини баҳолаш мезонлари. 11. Ҳайкалгарошлик композициясига доир бажарилган ишлар юзасидан баҳолаш мезонлари. 12. Санъатшунослик асослари юзасидан баҳолаш мезонлари.

#### **4.5.1 Тасвирий санъатдан топшириқлар**

Ўқувчиларнинг тасвирий санъатдан фаолиятлари ўқитувчининг уларга берадиган топшириқлари юзасидан дарс ва дарсдан ташқари вақтларда амалга оширилади. Бу топшириқларни синф ва уй ишлари шаклида ифодаласа ҳам бўлади. Ўқувчиларнинг синфда бажарадиган ишлари мазкур дарсликнинг «Мактабда тасвирий санъат машғулоти мазмуни» қисмида баён этилган. Синфда болаларга бериладиган топшириқлар мазмуни, асосан янги билим ва малакалар бериш мақсадида амалга оширилади. Дарс жараёнида топшириқларнинг қуйидаги икки шакли кўп қўлланилади.

1. Синфда бажариладиган топшириқлар. 2. Уйда бажариладиган топшириқлар.

Синфда бажариладиган топшириқларнинг қуйидаги турлари мавжуд.

##### Санъатшунослик асослари машғулотида:

-тасвирий, амалий, меъморчилик санъатларининг назарий асослари, тарихи, санъаткорларнинг ҳаёти ва ижоди юзасидан суҳбатлар ўтказиш;

-ўқувчиларнинг ўзлари ишлаган расмлари юзасидан иншолар ёздириш;

-санъатшуносликликка оид кроссворд, чайнворд ечиш, викторина ўйинларини ўйнаш;

-ўрганиш мақсадида маҳаллий санъат ёдгорликларига, кўرғазма ва музейларга бориш.

##### Композиция машғулотида.

- Ўқитувчи томонидан тавсия этилган ёки эркин мавзуларда мустақил равишда композициялар ишлаш;

-Аввалги дарсда бошланган ва якунланмаган топшириқни давом этдириш.

-Композиция машғулоти билан боғлиқ эскиз, ранглама ва

қораламалар ишлаш.

Натурага қараб расм ишлаш машғулотларида.

-Натурага қараб расм ишлаш бўйича ўқитувчи томонидан синфда ўрнатилган натуранинг расмини ишлаш;

-Аввалги дарсда бошланган ва яқунланмай қолган ишни давом эттириш.

Бадиий қуриш-ясаш машғулотларида:

-ўқитувчи томонидан тавсия этилган мавзуда табиий, бадиий ва ташландиқ материаллардан бадиий қуриш ишларини бажариш;

-аввалги дарсда бошланган ва яқунланмай қолган ишни давом эттириш;

-қуриш-ясаш ишлари учун материал тўплаш;

-қуриш-ясаш ишлари учун тайёргарлик босқичини бажарувчи расм ишлаш.

Борлиқни илрок этиш машғулотларида:

-йил фаслларида табиатдаги ўзгаришларни, улардаги гўзалликни, турли фасллардаги кишиларнинг меҳнат жараёнларини кузатиш, табиат манзараларининг гўзаллиги, қуш ва ҳайвонларнинг ҳаётини кўрсатувчи фильмларни томоша қилиш ва ўрганиш;

-мавзу билан боғлиқ бўлган гуллар, дарахтлар, қуш ҳайвонлар расмларини ишлаш.

Уйда бажариладиган топшириқларнинг кўйидаги турлари ҳарактерлидир:

Санъатчинослик асослари машғулотлари бўйича.

-Санъат асарларининг репродукциялари, открыткалари, фотолари, расмларини тўплаш.

-Санъат ва санъаткорлар ҳақида китоблар, ҳикоялар, мақолалар ўқиш.

-Санъат асарлари, санъаткорлар ҳақида иншолар ёзиш.

-Санъат ва санъаткорлар ҳақида викторина, чайнворд, кроссвордлар ечиш, тўқиш, топшимоқларни топиш.

-Санъаткорлар билан суҳбатлашиш.

-Музей, кўргазма ва санъат ёдгорликларига бориш.

-Мавзуга доир санъат ва санъаткорлар ҳақида ота-оналар, таниш-билишлар билан суҳбатлар қилиш.

Композиция ишлаш машғулотлари бўйича.

-Синфда ишланган чала композицияни давом эттириш.

-Синфда ишланган мавзу бўйича янги композиция ишлаш.

-Ишланадиган композиция мавзуси юзасидан материаллар тўплаш.

-Композиция мавзуси юзасидан борлиқни, ҳаётдаги воқеа ва ҳодисаларни кузатиш.

-Композиция мавзусига алоқадор қоралама ва рангламалар ишлаш.

-Эркин мавзуда композиция ишлаш.

-Композиция мавзусига доир (цирк, телевидение, мусобақалар, байрамлар, ўйинлар, спектакллар, кинофильмларда кўрганларни эслаб келиш.

-Синфда ва уйда бажарилган ишларни кўргазмага қўйиш учун тайёрлаш.

-Келгуси дарсда ишланадиган композиция мавзуси юзасидан тайёргарлик кўриш.

-Дарс учун ўқув қуролларини тайёрлаб келиш.

Натурага қараб расм ишлаш машғулоти бўйича.

-Натурага қараб қоралама, ранглама натюрморт ва бошқа расмлар ишлаш.

-Турли материаллар (сангина, соус, пастел, уголь, ретушь в.б.) билан машқлар бажариш.

-Синфда ишланган мавзу бўйича уйда натурага қараб расмлар ишлаш, дарс учун ўқув қуролларини тайёрлаш.

Бадий қуриш-ясаш машғулоти бўйича.

-Мавзуга доир табиий, бадий, ташландиқ материалларни тўплаш.

-Синфда бошланган ва яқунланмай қолган ишни давом этдириш.

-Синфда бажарилган мавзуда янгича композиция ишлаш.

Борлиқни идрок этиш машғулоти бўйича.

-Йил фасллари давомида табиатдаги ўзгаришларни кузатиш.

-Йил фасллари ҳақида шеърлар ёдлаш.

-Баҳор, куз фаслидаги меҳнаткашларнинг меҳнат жараёнларини кузатиш.

-Йил фасллари ва меҳнат жараёнлари ҳақида, уларнинг гузаллиги ҳақида иншолар ёзиш.

#### **4.5.2 Ўқувчилар фаолиятини назорат қилиш.**

Мактабда тасвирий санъат машғулотларининг самарадорлиги кўп жиҳатдан ўқувчилар фаолиятини назорат қилиш ҳисобланади ва

у давлат таълим стандартлари асосида амалга оширилади. У ўз ўрнида биринчидан, ўқитувчи фаолиятига баҳо бериш, иккинчидан болалар томонидан материалларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш имконини беради. Шунингдек, у болаларни фанга бўлган қизиқишини оширишга, уларнинг фаолиятларидаги ютуқ, камчилик ва нуқсонларни аниқлашга ёрдам беради. Оқибатда болаларни ўз тасвирий фаолиятларига бўлган муносабатлари ўзгаради.

Педагогика фанида ҳар бир ўқувчининг ҳар қандай фаолиятини назорат қилиш, ўз вақтида баҳолаб турилиши лозимлиги қайд қилинган. Айниқса, ўқувчиларнинг тасвирий санъатга бўлган қизиқиши қўллаб-қувватланиши, паст ўзлаштирувчи болаларни камчиликларини кўрсатиш ва уларни тушунтириш самаралидир. Лекин, паст ўзлаштирувчи ўқувчиларга паст баҳолар қўйиш ва уларни камситиш тавсия этилмайди. Кўпчилик ҳолларда, масалага бундай ёндошиш ўқувчиларни тасвирий ва ижодий фаолиятга қизиқишларини сўндиради. Айрим ҳолларда улар тасвий фаолиятдан бутунлай совиб кетишлари мумкин.

Тасвирий санъатдан ўқувчилар фаолиятини ўз вақтида ва мунтазам назорат қилиб туриш ва баҳолаш ниҳоятда муҳимдир. Чунки, ўқитувчи томонидан берилган топшириқларни болалар анча вақт ва куч сарфлаб бажарадилар, уларни талаблар даражасига етказишга ҳаракат қиладилар. Уларни ўқитувчиларга ёқишини, юқори баҳолар олишни хоҳлайдилар, топшириқ юзасидан кўп билимларга эга эканликларини кўрсатмоқчи ва мақтанмоқчи бўладилар. Бу кунни улар орзиқиб кутадилар. Ўқитувчи эса топшириқ бериб уни назорат қилмаса болаларнинг топшириқларни бажаришга бўлган ихлослари аста-секин сусаяди. Бора-бора улар топшириқларни бутунлай бажармай қўядилар. Шундай экан, ўқитувчи фақат топшириқни ўз вақтида текшириши ва уни синф журналида қайд қилиб туриши лозим. Топшириқларни назорат қилишнинг бир қатор шакллари мавжуд. Улар жорий назорат, оралиқ назорат ва яқуний назорат деб юритилади.

Жорий назорат мунтазам равишда хох у назарий, хох амалий бўлсин, ҳар бир дарсда амалга оширилади. Уни янги материалларни баён этиш жараёнида, шунингдек, дарс охирида ўтказилади. Янги материални баён этиш жараёнида болаларни дарсдаги фаолиги ва топшириқни бажаришдаги саъй-ҳаракати учун баҳолар қўйилади. Назоратнинг иккинчи турида ўқувчининг топшириқни қандай даражада бажарганлиги текширилади ва баҳоланади. Бунда

болаларнинг дарсдаги фаоллиги ҳам ҳисобга олиниши мумкин.

Амалий ишларни баҳолаш бевосита болалар томонидан бажарилган тасвирий ишлар (расм, ҳайкал, қуриш-яшаш) асосида назарий билимларни баҳолаш эса савол-жавоб, суҳбат тарзида амалга оширилади.

Жорий назорат дарснинг бошланғич қисмида, ўтган дарсда уйга берилган топшириқларни текшириш мақсадида ҳам ўтказилади.

Болаларнинг ўзлаштиришини назорат қилиш ва объектив баҳолаш учун жорий назоратни тез-тез ўтказиб туриши лозим. Назорат шундай ташкил этилиши лозимки, чорак давомида ҳеч бўлмаганда ҳар бир болада 4-5та баҳо бўлиши лозим. Шуни ҳам ҳисобга олиш лозимки, тасвирий санъат дарслари ҳафтасига бир маротаба ва бир соатдан ўтказилиши болалар фаолиятларини тўлиқ назорат қилиш учун етарли эмас. Энг кичик чорак олти ҳафта ҳисобланса, ҳар бир бола ҳар ҳафтада биттадан баҳо олиши лозим. Акс ҳолда, чорак охирида ҳар бир болада олтитадан баҳо бўлмайди. Натижада чораклик баҳолар объектив чиқмайди.

Тасвирий санъатдан назарий машғулотларда ҳамма болаларни бир дарсда баҳолашнинг имкони йўқлигини ҳисобга олсак, чорак давомида ҳар бир болада 4-6 тадан баҳо бўлиши лозим.

Амалий ишларни ҳар бир дарсда ҳар бир бола фаолиятида назорат қилиш ва баҳолаш имкони бор. Уларни маълум қисмини дарснинг бошланғич қисмида, бир қисмини дарс давомида, қолган қисмини, болалар ишларини йиғиб олиб ўқитувчи дарсдан сўнг текширса бўлади.

Болаларнинг дарсдаги фаоллигини ва қизиқишини ошириш мақсадида улар томонидан бажарилган ишларгагина эмас, топшириқларни бажаришга бўлган муносабатлари, ҳаракати учун ҳам баҳолар қўйиш мумкин. Шунингдек, ҳар қандай баҳо қўйганда бутун синфни нима учун шундай баҳо қўйилганлигидан хабардор этиш лозимки, болалар баҳо мезонларини онгли равишда тушуниб етсинлар. Болаларнинг топшириқларни бажаришга бўлган муносабатларига қўйилган баҳолар фақат ижобий эмас, салбий бўлиши ҳам мумкин. Шуни ҳам алоҳида қайд қилиш лозимки, пасайтирилган баҳолар асослаган ҳолда ва болаларни тушқунликка тушириб юборадиган бўлмаслиги лозим. Бир топшириқни баҳолашда боланинг аввалги дарслардаги ўзлаштиришларини ҳам

ҳисобга олиш лозим. Мунтазам яхши ўзлаштириб келган ўқувчини аввалги муваффақиятлари ва ҳаракатларини ҳисобга олиб, бу галги қониқарсиз ишига ёмон баҳо қўймаса ҳам бўлади.

Оралиқ назорат дастурдаги у ёки бу бўлимнинг тугаши ва чорак давомида бажарилган ишларнинг якунини назорат қилиш мақсадида ўтказилади. Оралиқ назорат савол-жавоб, суҳбат, тест, иншо, амалий тасвирий ишларни таҳлил этиш каби йўллар билан амалга оширилади.

Оралиқ назоратда фақат чорак давомида қўйилган баҳоларни умумлаштириш билан чегараланиб қолмасдан, чорак охирида болаларга қайта текширув топшириқлари ҳам берилади. Бу топшириқлар болалар томонидан мустақил равишда бажарилади ва улар тасвирий, шунингдек ёзма иншо шаклида бўлади. Болаларни қайта текширув топшириқлари ва чорак давомида олинган баҳо натижалари умумлаштирилиб ягона оралиқ назорат баҳолари қўйилади. Ягона оралиқ назорат баҳоларини қўйишда ўқитувчи болаларни тасвирий санъатдан дарсдан ташқари ишларини бажаришдаги ҳаракатлари, фаоллиги ва ютуқларини ҳисобга олиши лозим ва у ўқувчиларни бу соҳадаги янги ишларга илҳомлантиради, баҳоларни объективлигини таъминлайди.

Якуний назорат ўқув йили давомида ўқувчиларнинг тасвирий фаолиятлари натижаларини аниқлаш ва умумлаштириш мақсадида ўтказилади. Якуний назоратнинг бу турида баҳолар ўқувчиларни чораклар, қайта текширув натижалари, уларнинг синфдан ва мактабдан ташқари олиб борган ишлари, уларнинг бу фанга қизиқишлари, ҳаракатлари асосида қўйилади.

Баъзан шундай бўладики, боланинг ўзлаштириши чоракма-чорак яхшиланиб боради ёки аксинча ёмонлашиб боради. Бундай ҳолда ўқувчининг сўнгги чоракдаги баҳолари, қайта текширувдан олган баҳолари ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Айрим ҳолларда тасвирий санъатдан баҳоларни бироз кўтариб қўйиш ҳоллари учраб туради. Буни инкор этиш мумкин эмас. Лекин, у асосланган ҳолда бўлиши лозим. Бунга қуйидаги ҳолларда риоя қилиш муҳим:

1. Ўқувчининг шу фанга қизиқиши катта, ҳаракати кучли.
2. Берилган топшириқларни ўз вақтида бажаради.
3. Синфдан ташқари ишларда фаол иштирок этади.
4. Тасвирий санъат тугарагига қатнашади.

5. Дарсдан ташқари вақтларда мустақил ишлайди (китоб ўқийди, расм ишлайди, кўргазма ва музейларга боради, рассомлар билан алоқалари бор.)

### 4.5.3 Назорат турлари ва баҳолаш мезонлари.

Педагогик амалиётда ўқувчилар фаолиятларини баҳолаш мақсадида назоратнинг қуйидаги турлари қўлланилади:

1. Оғзаки сўров. 2. Машқ. 3. Тасвирий-ижодий мустақил иш. 4. Ёзма (матнли) мустақил иш. 5. Тест. 6. Уй вазифаси.

1. Оғзаки сўров. Назоратнинг бу турида ўқувчиларнинг тасвирий амалий, меъморчилик санъатларидан назарий билимлари (композиция, ёруғсоя, рангшунослик, перспектива), махсус атамалар, рассом ва ҳайкалтарошларнинг ишлатадиган асосий иш қуроллари ва материаллари, тасвирий санъатнинг тур ва жанрлари, машҳур рассомлар ва уларнинг асарлари ҳақидаги тушунчалари ҳажми аниқланади. Оғзаки сўров фронтал ва индивидуал тарзда амалга оширилади ҳамда у ўқувчиларни тез-тез назорат қилиш имконини беради. Шунингдек, оғзаки сўров ўқувчиларни гасавбури, тафаккури, хотираси ва нутқини ривожлантиришга ҳам ёрдам беради. Назоратнинг бу турида ҳикоя қилиш, тавсиф бериш, шарҳлаш ва бошқа усуллардан фойдаланиш самаралидир.

2. Машқлар. Назоратнинг бу турида ўқувчиларнинг қалам, мўйқалам, стек ва бошқа иш қуроллари, бадиий материаллар билан ишлаш малакалари ва кўникмаларининг даражаси аниқланади. Бу иш кўпроқ нагурага қараб расм ишлаш ва композиция машғулоти билан боғлиқ бўлади.

3. Тасвирий-ижодий мустақил ишлар. Назоратнинг бу турида ўқувчиларни бадиий тафаккури ва қобилиятлари, ривожланиш даражалари аниқланади. Бу иш кўпроқ рангтасвир, декоратив ишлар ва ҳайкалтарошликдан композицияларни бажаришда қўлланилади.

4. Ёзма (матнли) мустақил иш. Мустақил ишнинг бу турида ўқувчилар томонидан олинган билимларни қанчалик ўзлаштирилганлиги аниқланади. У бевосита тасвирий санъатнинг санъатшунослик асослари курси билан боғлиқ бўлиб, унда ўқувчилар чайнворд, кроссвордлар ечадилар, викторина саволларига жавоб қайтардилар, тасвирий санъатдан иншо ва рефератлар ёзадилар.

5. Тест синовлари. Назоратнинг бу турида ўқувчилар томонидан

тасвирий санъатнинг назарий асослари, махсус атамалар, рассом, ҳайкалтарошлар ва уларнинг асарлари, иш қуроллари ва ишлатадиган материаллари, болалар томонидан ранг номларини ўзлаштириш даражаси аниқланади. Тестлардан фойдаланиш тасвирий санъат дарсларининг барча турлари (натурадан расм ишлаш, композиция, санъатшунослик асослари) билан боғлиқ ҳолда амалга оширилади.

6. Уй вазифаси. Уй вазифалари синфда ўтилган мавзу билан боғлиқ бўлган ижодий ишларни бажариш, натурага қараб ранглама ва қораламалар ишлаш, машқларни бажариш, синфда тугалланмай қолган ишни тутатиш, теварак-атрофдаги кўриниш ва ҳодисаларни кузатиш, синф ишига доир адабиётлар ўқиш, музей ва кўргазмаларга, санъат ёдгорликларига бориш, келгуси дарс учун материаллар тўплаш ёки тайёргарлик кўриш, синфда ўтилган мавзулар бўйича иншо, рефератлар ёзиш, кроссворд, чайнвордлар ечиш, викторина саволларига жавоб қайтариш, санъаткорлар, ота-оналар билан топширилган мавзуда суҳбатлар қилиш, санъат асарларининг репродукциялари ва фото нусхаларини, иллюстрация ва расмларни тўплаш йўналишларида намоён бўлади.

Уй вазифалари тасвирий санъат машғулотларининг барча турларига таалуқли бўлиб, у нафақат янги материалларни ўзлаштириш, балки ўтилганларни мустаҳкамлаш, билимларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, малакалар ва ижодий қобилиятларни ўстиришга хизмат қилади.

Назоратнинг бу турларидан барча синфларда бир хил фойдаланиб бўлмайди. Бошланғич синф ўқувчиларининг ёшлик хусусиятлари, билим ва малакалари савиясининг пастлигини ҳисобга олиб, 1-2 синфларда тест синовлари, 1-5 синфларда ёзма мустақил ишлар (иншо, реферат, кроссворд, чайнворд, викторина) ўтказиш тавсия этилмайди.

Болаларнинг тасвирий ишлари ва билимларини баҳолашда бир қатор мезонлари қўлланилади. Тасвирий фаолиятнинг ҳар бир турида алоҳида баҳо мезонлари ишлатилади. Хусусан:

1. Борлиқни идрок этиш.
2. Бадий қуриш-ясаш ишлари.
3. Натурадан ишланган расмлар.
4. Натурага қараб ишланган ҳайкаллар.
5. Рангтасвир композициялари.
6. Декоратив композициялар.
7. Ҳайкалтарошлик композициялари.
8. Санъатшунослик асослари.



### Борлиқни идрок этиш

- борлиқни мустақил кузата олиши;
- теварак-атрофни билишга қизиқиши;
- нарсаларнинг тузилиши ҳақидаги тасаввури;
- нарсаларнинг ранги ҳақидаги тасаввури;
- нарсаларнинг шакли ҳақидаги тасаввури;
- нарсаларни ўлчовлари ҳақидаги тасаввури;
- табиат ва борлиқдаги нарсаларни гўзаллигини сезиши;
- теварак-атрофда мавжуд нарсаларнинг турлари ҳақидаги тасаввури;
- нарсаларнинг характери (юради, учади, ўрмалайди в.б.) ни билиши;

### Бадиий қуриш-ясаш

- бадиий қуриш-ясашга оид иш қуроллари билиши;
- бадиий қуриш-ясашга доир иш қуроллари билан тўғри муносабатда бўлиши;
- бадиий қуриш-ясашга доир иш қуроллари билан ишлашни ўзлаштирилганлиги;
- тасвирни қоғоз юзасида жойлашуви (компоновка);
- тасвирни мустақил бажарилганлиги;
- ишда ижодий ёндошувнинг мавжудлиги;
- ишни бажаришдаги эстетик диди;
- ишнинг композицияси;
- ишда тасвирланган нарсаларнинг шакллари;
- композиция учун материалларни (бадиий, табиий, ташландик материаллар в.б.) тўғри танланганлиги;
- композициядаги нарсалар ўлчови ва ўлчов нисбатлари;
- ишнинг тоза ва тартибли бажарилиши.

### Натурга қараб ишланган расмлар

- Расмни қоғоз юзасида жойлашуви (компоновка);
- ишни мустақил бажарилиш даражаси;
- натуранинг ўлчови, ўлчов нисбатлари;
- натура ва натура бўлақларининг шакллари;
- Қалам билан ишлаш малакалари;
- мўйқалам билан ишлаш малакалари;
- нарсалардаги ёруғсояларни тасвирланиши;
- нарсалар рангини тасвирланиши;
- нарсаларнинг перспектив тасвири;

-ишнинг тоза ва тартибли бажарилиши.

Натурага қараб ишланган ҳайкаллар.

-ишни мустақил бажарилганлиги;

-ҳайкал ўлчовлари ва ўлчов нисбатлари;

-ҳайкал ва унинг бўлақларининг шакллари;

-ҳайкалтарошлик асбоблари ва қўл билан ишлаш малакалари;

-ҳайкалдаги ҳажмнинг тасвирланиши;

-ишнинг тоза ва тартибли бажарилиши.

Рангтаъсвир композицияси

-расмни қоғоз юзасида жойлашуви (компоновка);

-ишни мустақил бажарилиши;

-расм мазмунини унинг мавзусига мослиги;

-бажарилган ишдаги бадиий-эстетик дид;

-расм композицияси;

-ишга ижодий ёндошув;

-нарса ва ҳодисаларнинг ўлчов ва ўлчов нисбатлари;

-нарса ва ҳодисаларнинг шакли;

-расмда ранглар ечими;

-расмда нарсалар тузилишининг ечими;

-қалам ва мўйқалам билан ишлаш малакалари;

-ишда перспектива қонунларига риоя қилинганлиги;

-расмни тоза ва тартибли бўлиши.

Декоратив композиция.

1. Намунадан кучирилган декоратив ишлар.

-таъсвирни қоғоз юзасида жойлашуви (компоновка)

-ишини мустақил бажарилиш даражаси;

-безак элементларининг шакли;

-безак элементларининг ўлчами ва ўлчов нисбатлари;

-безак элементларининг стилизацияси;

-ранг ечими

-безак элементларининг шакли;

-қалам билан ишлаш малакалари;

-мўйқалам билан ишлаш малакалари;

-ишнинг тоза ва тартибли бажарилиши.

2. Ижодий ишланган декоратив композиция.

-ишни мустақил бажарилиш даражаси;

-расмни қоғоз юзасида жойлашуви (компоновка);

-безак элементларининг ўлчов ва ўлчов нисбатлари;

- безак элементларининг стилизацияси;
- безак элементларининг шакли;
- ранглар ечими;
- ўқувчини ишга ижодий ёндошганлиги;
- ишни бажаришдаги бадиий-эстетик дид;
- иш композицияси;
- декоратив ишларнинг асосий воситаларидан саводли фойдаланиш (ритм, симметрия);
- қалам билан ишлаш малакалари;
- мўйқалам билан ишлаш малакалари;
- ишнинг тоза ва тартибли бажарилганлиги.

#### Ҳайкалтарошлиқ композицияси

- ишнинг мустақил бажарилиши;
- ҳайкални мавзуга мослиги;
- ҳайкал композицияси;
- ишни бажаришдаги бадиий-эстетик дид;
- ҳайкал бўлаклари ва уларнинг ўлчовлари ҳамда ўлчов нисбатлари;
- ишдаги нарсаларнинг ҳажми;
- ҳайкалтарошлиқ асбоблари билан ишлаш малакалари;
- ишнинг тоза ва тартибли бўлиши.

#### Санъат асарларининг таҳлили ўқувчилар билишлари лозим:

- асарнинг номи;
- асарнинг муаллифи;
- асарнинг яратилган йили;
- асарнинг мазмуни;
- асарда илгари сурилган ғоя;
- асар композицияси;
- асарнинг тасвирий саводхонлик даражаси (ранг, перспектива, ёруғсоя қонунлари, анатомия, ўлчов ва ўлчов нисбатлари в.б.)
- махсус атамалар;
- асар сақланаётган жой;
- асарни яратишда рассомнинг қўллаган тасвирий техникаси;
- асарни яратишда рассом қандай тасвирий материаллардан фойдаланганлиги.

## 5-БОБ

# ТАСВИРИЙ САНЪАТ ЎҚИТУВЧИСИ, УНИНГ ТАШКИЛИЙ, МЕТОДИК ВА ИЖОДИЙ ИШЛАРИ

### 5.1. Тасвирий санъат ўқитувчисининг маънавий ва касбий сифатларига бўлган замонавий талаблар

*Мазмуни:* 1.Ўқитувчилик касби. 2.Маҳоратли ўқитувчи бўлиш йўллари. 3.Ўқитувчи фаолиятида замонавий педагогик технологияларнинг ўрни. 4.Илғор тажрибанинг моҳияти, ундан фойдаланиш. 5.Ўқитувчилик касбини бошқа касблардан фарқи. 6.Тасвирий санъат ўқитувчисининг маънавий сифатлари. 7.Ўқитувчига хос психологик сифатлар. 8.Тасвирий санъат ўқитувчисининг касбий сифатлари. 9.Маҳоратли ўқитувчининг ўзига хос сифатлари.

Ўқитувчи касби барча касблар орасида энг фахрлиси ва моҳияти жиҳатидан ниҳоятда жамият учун зарури ҳисобланади. Бу касб жамият ҳаёти, унинг барча жумбоқлари ҳақида ёшларга, уларни бутун ҳаёти давомида керак бўладиган билимларни беради. Ёш авлодни юксак ва олийжаноб фазилатлар билан қуроллантиради, кишилардаги нодонлик ва ёмон иллатлар билан курашишга ўргатади. Кишиларнинг ўтмишдаги тарихий тажрибаларини ёшларга ўтказди. Бу борада жамиятимиз учун воситачилик қилади. Натижада жамиятимиз тараққиёти учун замин яратилади.

Ўқитувчилик касби ҳамма замонларда ҳам маъсулиятли ва шарафли касб эканлиги эътироф этиб келинган.

Ўзбекистоннинг ҳозирги тараққиёт босқичида бу касб янада катта аҳамият касб этапти. Чунки, ўзбек халқи чет эл босқинчиларининг кўп йиллик зулми остида ўзининг маънавияти ва маданияти, анъанаси ва урф-одатларини унутаёзган эди. Ўзбек халқи олдида турган муҳим вазифаларидан бири ўз-ўзини англаш, миллий истиқлол мафкураси асосида ўз Ватани ва халқига содиқ бўлган, янги баркамол авлодни шакллантиришдан иборат. Бу борада ўқитувчи бениҳоят катта роль ўйнайди.

Барча мутахассислардан фарқли ўлароқ ўқитувчи шундай шахски, у моддий бойликлар ишлаб чиқариши билан эмас, ёш авлод-ни ички дунёсини, маънавиятини шакллантириш билан шуғулланади. Бундан бу касбни қийин, бироқ масъулиятли эканлигини билиб олиш мумкин. Бошқа касб мутахассислари ўз фаолиятларида хато қилишлари мумкин бўлса-да, муаллим хато қилиши мумкин эмас. Чунки, бу хато ёш авлод келажагини барбод қилиши ёки мамлакатда нодон кишиларнинг бир бутун авлодини вужудга келтириши мумкин.

Ўқитувчининг бировларни ўқишга мажбур этиб ўргатиши ҳам, ўзини-ўзи мажбур этиши ҳам оддий иш эмас. Ҳамма гап шундаки, ҳамма ёшлар бир хил эмас. Бировлари ўқишга ўзлари ҳаракат қилсалар, бошқаларни мажбурлаш керак бўлади. Кўпчилик ҳолларда бир эмас, бутун бир жамоани мажбурлаш керак бўлади. Бундай ҳолларда ёшларни ишга жалб этиш, интизомли бўлишга эришиш айниқса оғир кечади. Мақсадга эришиш учун энг аввало шу жамоа орасида обрў қозонмоқ зарур. Ўқитувчилик касбининг яна бир муҳим хусусияти шундаки, у ўз тенгқурлари билан эмас, бошқа ёшдагилар билан ишлайди. Ўқитувчи билан болаларнинг ҳаётий тажрибалари, билимлари, дунёқарашларида анча фарқ бор. Бу эса уларни бир-бирларини тез тушуниб етишларига имкон бермайди. Шундай экан, ўқитувчи болаларни ёшлик хусусиятлари, дунёқарашлари, қизиқишлари, билим даражаларини яхши билиши керак бўлади. Шундагина унинг иши самарали кечиши мумкин.

Ўқитувчи касбининг яна бир муҳим жиҳати шундаки, бу касб кишига мамнунлик ва хурсандчилик келтиради. Бу мамнунлик, унга ўз фаолияти натижаларини кўрганида, ўз шогирдларини турмушда, илму-фан ва юксак мансабларни эгаллаганларида, ҳаётда ўз ўринларини топганликларида кўзга яққол ташланади. Шунда, ўқитувчилар ўз меҳнатларини зое кетмаганлигини ҳис этадилар.

Ўқитувчилик касбида истеъдод катта роль ўйнайди. Яъни ўқитувчиликда ўз касбига меҳр, қизиқиш, уни эгаллашга интилиш бўлиши лозим. Бу сифатлар кўпчилик ҳолларда болаларни севганда, болаларнинг шовқин-суронидан, жовдираган кўзларидан завқлангандагина намоён бўлади.

Муаллимлик истеъдоди уни туғма бўлишлигини билдирмайди. Шунга қарамасдан, у кишиларда ёшлигидан, очик ёки берк ҳолда пайдо бўлади. Муаллимлик истеъдоди кишиларда болалар билан

боғлиқ ҳаётини воқеалар замирида, кишиларнинг ёшлик чоғларида бўлиши ҳам мумкин. Кишиларда бўладиган руҳий бу сифатлар уларни ўқитувчилик касбига қизиқтиради.

Истеъдод-кишилар бахти учун курашиш истаги, Ўзбекистоннинг келажаги, буюк давлат қуриш учун кураши билан боғланади. Маҳорат ўзбек ўқитувчиси ҳаёт ва жамиятга илғор назар билан қаровчи, мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида тинимсиз меҳнат қилувчи шахсдир.

Ўқитувчининг яна бир муҳим сифати бу ёшларга намуна, ибрат бўлиш шогирдларига қаттиққўл ва ўз ўрнида меҳрибон бўлишда ифодаланади. Масалан, соқоли ўсиб кетган, кийимлари тозаланмай, ёқасининг яғири чиқиб кетган ўқитувчи сўзсиз болаларга ибрат бўла олмайди. Ўқитувчи болаларга фақат тозалик борасида эмас, ҳамма соҳада ибрат бўладиган бўлиши лозим. Хусусан, у одоби, бир сўзлиги, ҳалоллиги, соф виждонлилиги, адолатпарварлиги, меҳрибонлиги билан ажралиб туради.

Болалар ўз хислатларига кўра кузатувчан, қизиқувчан, таҳлидчан бўлиб, ўқитувчиларни доимо кузатиб юрадилар, уларга ўхшашга ҳаракат қиладилар. Буни ўқитувчи ҳеч вақт унутмаслиги лозим.

Болалардаги бу сифатлар ўқитувчини ўзига нисбатан талабчан бўлишликни тақозо этади. Бу эса, уни доимо ўзи устида мустақил ишлаши, илмий методик адабиётларни, газета ва журналларни мунтазам ўқиб боришга йўллайди. Шу билан бирга, ўқитувчи Республикаимизнинг маданий ҳаёти билан бир сафда бориши, концертлар, спектакллар, тасвирий санъат кўргазмаларига доимий равишда бориб туриши зарур бўлади. Бадиий адабиёт ўқиш ҳам ўқитувчига ниҳоятда зарур. Чунки, ўқитувчи ўзининг бадиий маданияти билан ҳам болаларга намуна бўлиши даркор. Ўқитувчиларга қўйиладиган талаблар орасида энг муҳимларидан бири бу ўқитиладиган барча фанлардан таълим мазмунини ва уни ўқитиш методикасини яхши билиши ҳисобланади. Чунки, таълим мазмуни ҳам, ўқитиш методлари ҳам борган сари такомиллашиб туради.

Илмий тадқиқотлар ва илғор тажрибалар юзасидан муаллимнинг энг муҳим вазифаларидан бири тадқиқот натижаларини ва илғор тажрибаларни ўрганиш билан чегараланиб қолмасдан, балки бу тажрибада унинг ўзининг ҳам иштирок этиши ҳисобланади. Бунинг учун у ўз фаолиятида тўхтовсиз тажриба-синов ишларини ўтказиб туриши, бошқаларнинг илғор тажрибаларини ўрганиб бо-

риши керак бўлади.

Шуни ҳам қайд қилиш лозимки, ўқитувчи ишининг мураккаблиги шундаки, у ҳам таълим ҳам тарбия беради. Бу эса ўқитувчидан кўп вақт, масъулият ва ижодкорликни талаб этади.

Ўқитувчи болаларнинг тасвирий санъатдан билим ва малакалари ҳақида тасаввурга эга бўлиш билан бирга, уларнинг соғлиги, психик хусусиятлари, қизиқишлари, одоби, уйдаги шарт-шароитлари, уларнинг ота-оналари ҳақида етарлича маълумотга эга бўлиши лозим. Шу билан бирга болаларнинг уйларига тез-тез бориб туриши, болалар ҳақида уларнинг ота-оналари билан мулоқотда бўлиб туриши педагогик фаолиятнинг самарадорлигини янада оширади.

Юқорида қайд қилинганидек, тасвирий санъат ўқитувчиси болаларнинг психологик хусусиятларини яхши билгандагина у кутилган натижаларга эриша олади. Бу нарса кўпроқ ўқитувчининг қузатувчанлигига боғлиқ. У фақат теварак-атрофдаги воқеа ва ҳодисаларнигина эмас, болаларда ва уларнинг ҳаракатларида содир бўлаётган жараёнларни қузатиб бориши, улардан тегишли хулосалар чиқариб олишлари, шунга яраша тегишли чоралар кўриши керак бўлади. Қузатувчан ўқитувчи бир вақтнинг ўзида жуда кўп жараёнларни ҳаёлидан ўтказди. Хусусан, дарс бераётганда, қайси бола нима ҳақида ўйлаяпти, нега шундай ҳаракатлар қиляпти, рост гапираяптими ёки ёлғонми, қайси болаларга ёрдам бериш керак-у, қайсинисига шарт эмас, қайси болалар машғулотга қизиқаяптилар, қайсилари йўқ в.б.

Ўқитувчининг хотираси яхши бўлмаса, у ўқитувчилик қилиши мумкин эмас. Акс ҳолда, болалар ўртасида зиддиятларни келиб чиқиши табиийдир. Ўқитувчи машғулот жараёнида кўп қиррали фикр юритади. Биринчидан, болаларга бериш керак бўлган билимларни хотирлайди, иккинчидан бериладиган билимларни енгил ва тез етказиш йўллари ҳақида ўйлайди, учинчидан болалар берилаётган билимларни ўзлаштираяптиларми ёки йўқми? Ўқитувчининг бундай ақлий фаолияти тафаккур деб юритилади. Бу нарса ўқитувчининг тафаккури ҳар жиҳатдан ривожланган бўлишини кўрсатади. Агарда бола ўқув материални яхши ўзлаштирадими, унинг сабабларини излаши, шу мақсадда, у билан суҳбатлашиши, уни қузатиши, ота-оналари билан мулоқотда бўлиши керак бўлади. Бу эса ўқитувчининг тўхтовсиз ўйлаши, таълим жараёнларини тако-

миллаштириб боришини талаб этади.

Ўқитувчининг психик жараёнларидан ҳисобланган тасаввур, унинг фаолиятида муҳим роль ўйнайди. Агарда унинг бу хусусияти яхши ривожланган бўлса, у машғулотларда нарсалар ва ҳодисаларнинг ўлчови, шакли, ранги, тузилиши, ҳолати, ҳаракати кабиларни тезда ва жонли тасаввур этиб, уларни болалар онгига осонгина етказа олади. Натижада, унинг болаларга берадиган маълумот ва тушунчалари ишонарли чиқади. Тасаввури яхши ривожланган ўқитувчилар ўзларининг гаплари болаларга қандай таъсир кўрсатиши, қандай фикр туғилишини олдиндан била оладилар ва шунга яраша ўзларини тайёрлайдилар.

Ўқитувчи фаолиятида нутқ бениҳоят катта роль ўйнайди. Нутқи йўқ ўқитувчининг болаларга таълимий ҳам, тарбиявий таъсири ҳам юқори бўлмайди. Нутқ орқали у санъат асарлари юзасидан суҳбат, мунозара қилиши мумкин. Ўз нутқда ўқитувчи фақат лексика, фонетика, талаффуз, гап тузиш, урғуларни жой-жойига қўйиши билан чегараланиб қолмасдан балки, унинг таъсирчанлиги ва ифодали бўлишига эътибор бермоғи лозим. Шунингдек, бу нутқ тушунарли ва болаларнинг ҳиссиётига таъсир кўрсата оладиган, мароқли, жонли, аниқ, равшан, сермазмун бўлгандагина яхши самара беради. Лекин, бу нутқни ашулага айлантириб юбориш керак эмас. Нутқ зерикарли, узундан-узун, ҳаддан зиёд баланд ёки паст, бир хил оҳангда бўлмаслиги лозим. Бундай нутқлар болаларни эътиборини сусайтириши ёки асабийлаштириши мумкин. Нутқ керак жойида баландроқ ёки пастроқ оҳангда бўлгани маъқул.

Ўқитувчи «актёр» бўлиши лозим дейишади. Чунки, синфда турли хил вазиятлар пайдо бўлади. Болалар ўртасида ёки ўқитувчи ва болаларнинг ўрталарида шундай оғир вазиятлар бўлиб қолганда, унинг актёрларга хос хислатлари ёрдам беради. Ўқитувчи бирор бўлган ёки бўлмаган воқеани сўзлаганда, уни фақат нутқ билан эмас, ҳатти-ҳаракатлари билан шундай тушунтириши лозимки, болалар унинг бу гапларига ҳеч иккиланмасдан ишонсинлар.

Одатда ўқитувчи болалар каби ҳиссиётга бой бўлса яхши ўқитувчи бўлади. Яхши ўқитувчи болаларнинг қилаётган ибратли ишлари, яхши жавобларидан мамнун бўлибгина қўлмай, балки, улардан қувонади, завқланади, уларга бўлган муҳаббати янада ошади. Муаллимлар болаларни севиб, уларни камчиликларига бефарқ бўлиб



қолишлари, уларни ҳаддан ташқари эркалаб, талтайтириб юборишлари тўғри эмас. Акс ҳолда болаларда манмансираш, бошқаларни менсимаслик каби аломатлар пайдо бўлади. Муҳими шундаки, ўқитувчи, ўз ўқувчисининг муваффақиятидан қанчалик мамнун бўлмасин, қанчалик ҳиссиётлари жўш урмасин, у ўзининг ташқи ҳаракатлари, овозининг оҳанги билан ҳам ҳурсандлигини сездирмаслиги лозим. Акс ҳолда, болалар устозларнинг бу руҳий кечинмаларини сўйистемол қиладилар, манманлик, мақтанчоғлик каби салбий сифатларни ўзларига эп кўрадиган бўлиб қоладилар.

Ўқитувчида ирода бўлмаса, у узоқ вақт ишлай олмайди. Ирода, ҳам тоқат, ҳам чидам, ҳам интизомли бўлиш каби сифатларни ўз ичига олади. Муаллимлик шундай бир мураккаб касбки, унда ироданинг бўлмаслиги, ўқитувчини ниҳоятда нохуш аҳволга тушириб қўйиши мумкин. Айрим ҳолларда у ўқитувчини ўз касбларини тарк этиш даражасигача олиб боради.

Ўқитувчиларга хос хусусиятлардан яна бири, бу унинг эстетик дидли, озода ва батартибли бўлишлигидир. Бу сифатнинг ўқитувчида бўлишлиги ниҳоятда аҳамиятлидир. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, болалар ўқитувчига нисбатан ниҳоятда таҳдидчан бўлиб, кўпинча унга ўхшашга ҳаракат қиладилар. Ўқитувчи эстетик дидли ва озода бўлса, болалар ҳам шундай бўлади. Ўқитувчи ҳақиқий гўзал нарсаларни сунъий гўзалликдан фарқлай билиши, гўзаллик ҳар қандай нарсада ва ҳаракатда бўлишлигини, унинг моҳиятини тушуниб етиши зарур.

Ўқитувчи маҳорати. Маҳоратли ўқитувчида ўз соҳасига доир билим ва малакаларни, педагогик ва психологик зарур билимларни бўлишлиги етарли эмас. У бошқа оддий ўқитувчилардан бир поғона юқорида туради. У илғор педагогик технологияларни эгаллаш билан бир қаторда ўзи ҳам бу технологияларни яратилганда иштираётганда. У пухта билимлар бериш билан бирга ҳар қандай педагогик оғир шароитлардан осонгина чиқиб кетади. У доимо изланиш, болалар устида тажриба-синов ишларини ўтказиб туради.

Маҳоратли ўқитувчи хоҳ дарсда, хоҳ дарсдан ташқари вақтларда бўлмасин ўз ўқувчиларини бир дақиқа эътибордан қочирмаслиги, уларни ҳар бирини кўриб, кузатиб туриши, улар шу вақтда нималар ҳақида ўйлаётганликлари, уларнинг қандай орзу-умид ва ташвишлар билан яшаётганликларини билиши, улар билан шунга

яраша иш олиб бориши керак бўлади.

Моҳир ўқитувчининг болаларни севиши, уларга инсон сифатида муносабатда бўлиши етарли эмас. Унинг маҳоратга эришуви икки компонентдан ташкил тонади: 1. Тафаккур, ақл-идрок. 2. Тажриба. Ўқитувчи маҳоратининг асосини эса аввало касбий билимлар эгаллайди. Бундай билимларга эга бўлган ўқитувчи дарс вақтида болаларга кўпроқ билим ва малакалар беришда қийналмайди. Дарсда эса у кўпроқ билимларни қандай йўллар билан етказиш ҳақида уйлайди. Педагогик маҳоратга эга бўлган ўқитувчи ўз фаолиятида қуйидагиларга алоҳида эътибор беради:

- синфда одоб ва интизомга қағъий риоя қилиш;
- ўқувчиларни ўқишга қизиқтира олиш;
- болалар психологиясини яхши билиш;
- ўқувчи билим ва малакалари даражасини билиш ва шунга яраша улар билан муносабатда бўлиш, таълимий ишларни олиб бориш;
- машғулотларда болаларга индивидуал ва табақалаштирилган ҳолда муносабатда бўлиш;

- доим тетик, синфда пайдо бўлган турли муаммо ёки зиддиятларни тўғри баҳолай олиш, соғлом фикр юритиш;

Ўқитувчи болаларни мажбурлаб, зўрлаб, зулим ўтказиш йўли билан эмас, тушунтириш, ишонтириш, педагогик тактни сақлаган ҳолда хушмуомалалик билан иш олиб боргандагина, яхши натижага эриша олади.

Маҳоратга эга бўлишнинг бир қатор йўллари бор:

- ўз соҳаси бўйича тўхтовсиз ўқиш, ўрганиш, ўз билимини муносабатда бойитиб бориш;

- ўқитувчиларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш ва таҳлил этиш;
- ўз дарсида илғор педагогик технологиялар юзасидан тажриба-синов ишларини олиб бориш;

- ўзининг шахсий методикасига эга бўлиш, унга ингилиш;
- болаларни тўхтовсиз кузатиб юриш, эътибордан қочирмаслик;
- таълимни ташхис орқали амалга ошириш;
- ҳар бир бола билан олиб борилаётган индивидуал ишни чала ёки ярим йўлда ташлаб кетмаслик, уни охирига етказиш;

- ўз ишига сидқи-дилдан ёндошиш, завқ-шавқ билан меҳнат қилиш, тушкунликка тушмаслик;

Ўқитувчилик маҳорати ҳар бир боланинг кўнглига, дилига йўл топа-балишлик, у билан тил топа билишлик, бир-бирларини тушуна билишликлариди ҳам ифодаланди. Шунинг учун ўқитувчи

буни доимо ўз эътиборида сақлаши лозим.

Маҳоратли ўқитувчи бўлиш учун, уни шунчаки одобли бўлиши етарли эмас. У одобнинг юксак намунасига эга бўлиши лозим. Бу сифат ўқитувчидан инсонпарварликни, ҳар қандай оғир шароитларда ҳам ўзини тута билишликни, сабр-тоқатли, тавозе ва одобли, саҳоватли, ҳимматли, мурувватли бўлишликни, хайрихоҳликни талаб этади. Бу сифатлар ўқитувчида ўз-ўзидан эмас, тўхтовсиз меҳнат қилиш, ўрганиш, ижод қилиш, болалар таълими юзасидан тажриба-синов ишларини ўтказиш, иш натижалари юзасидан ўртоқлашиш, муҳокама ўтказиш жараёнида ҳосил бўлади.

Ўқитувчининг маҳоратли бўлиши кўп жиҳатдан унинг маданиятли бўлишига ҳам боғлиқ. Бунда кўпроқ ахлоқий ва эстетик маданият назарда тутилади. Маҳоратли ўқитувчи ўз ишига ўта масъулиятли ва талабчан бўлади, у доимо ўзини муаллимлик маҳоратини қанчалик уддасидан чиққанлигини текшириб бориши, бола онги ва қалбига йўл топишига ҳаракат қилиши керак бўлади. Маҳоратли ўқитувчи уни 30-40 синчков қорақўз кузатиб турганлигини, уни маънавий маданияти, адолатпарварлиги, ташқи қиёфаси, меҳрибонлигидан болалар намуна олишларини доимо ёдда тутиши лозим.

Моҳир ўқитувчи замонавий педагогик технологиялар ва илғор ўқитувчиларнинг тажрибаларини тинимсиз ўрганиб боради. Бунда қуйидагилар назарда тутилади:

1. Ташҳис таълим асосида иш юритиш.
2. Техника воситаларидан кенг фойдаланиш.
3. Модулли ўқитиш методини билиш.
4. Таълим жараёнида муаммоли вазиятлар ҳосил қилиш, болаларни ижодий фикрлашга ўргатиш.
5. Таълимга индивидуал ва табақалаштирилган ҳолда ёндошиш.
6. Дарсларни мунозарали ўйин ва мусобақа тарзида ўтказиш в.б.

Илғор тажрибани ўрганиш, ундан кўр-кўрона ўз фаолиятида фойдаланиш деган маънони билдирмайди. Унинг айрим жиҳатларидангина фойдаланиш мумкин. Чунки, ҳар бир мактабни, ҳар бир синфни, ҳар бир ўқувчини, у ерда олиб борилаётган ишларнинг ўзига хос хусусиятлари бўлади.

Ҳар бир ўқитувчи маҳорати, аввало ўз соҳасини яхши билишига боғлиқ. Бунда қуйидагилар назарда тутилади:

- тасвирий, амалий ва меъморчилик санъатларининг тарихи ва назариясини билиш;

- ўзбек санъатининг миллий, бадиий анъаналари юзасидан чуқур билимларга эга бўлиш;
- тасвирий малака ва кўникмаларга эга бўлиш ҳамда уни мунтазам такомиллаштириб бориш;
- тасвирий санъатнинг педагогик-психологик асослари ҳақида маълумотларга эга бўлиш;
- тасвирий санъатни ўқитиш методикасига доир илғор замонавий технологияларни чуқур эгаллаган бўлиш;
- тасвирий, амалий ва меъморчилик санъатларининг у ёки бу тури ёки жанрлари бўйича ижодий ишлар билан шуғулланиш;
- ўқувчиларнинг тасвирий фаолиятига доир тўхтовсиз тажриба-синов, илмий-методик ишлар билан шуғулланиш;
- тасвирий санъатни ўқитиш методикасига доир илғор тажрибаларни мунтазам ўрганиб бориш;
- тасвирий санъатни ўқитиш методикаси, санъатшуносликка доир адабиётларни ва тадқиқот натижаларини мунтазам ўрганиб бориш;
- мактабда ўқитиладиган барча фанлардан (айниқса, адабиёт, тарих, математика, биология, чизмачилик, меҳнат в.б.) таълим мазмуни билан танишган бўлишлик.

Шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, бир ўқитувчи бошқа бир ўқитувчи методикасини ўрганиб, шу асосда тўлиқ иш олиб бориши мумкин эмас. Ҳар бир ўқитувчи ўзининг шахсий ўқитиш методикасига эга бўлиши лозим. Чунки, ўқитиш ишларида ягона рецептдан фойдаланиб бўлмайди. Ҳар бир таълим-тарбия рецепти ҳар бир туман, мактаб, ўқитувчининг иш шароити ва ўзига хос хусусиятлари асосида белгиланади.

Алишер Навоий ўқитувчилик касбининг ниҳоятда шарафли эканлигини ўзининг «Маҳбуб ул-қулуб» асарида қайд қилади.

Ҳақ йўлида сенга ҳарф ўргатмиш ранж ила,  
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила.

Юқорида қайд қилинган фикрлардан ўқитувчилик касбини мураккаб, оғир, мушкул касб экан, деган хулоса чиқармаслик ва тушқунликка тушмаслик лозим. Ўз ишига масъулият билан қараган ҳар бир ўқитувчи моҳир муаллим бўлиб етишиши муқаррардир. Шунингдек, ўқитувчилик касби қанчалик машаққатли бўлмасин, унинг шарафли касб эканлигини ҳам унутмаслик лозим.

## 5.2. Тасвирий санъат ўқитувчисининг мустақил ишлари

*Мазмуни:* 1.Ўқитувчининг мустақил ишининг моҳияти. 2.Ўқитувчи мустақил ишининг йўналишлари. 3.Ўқитувчининг ижодий ишининг характери. 4.Ўқитувчи мустақил ишида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш.

Ҳозирда илм-фан, маданият ва бошқа соҳаларда рўй берган кашфиётлар ҳамда улар юзасидан тўпланган ахборотлар, умумий ўрта таълим мазмунига жиддий таъсир кўрсатади. Бу эса ўз ўрнида таълим мазмунини кенгайтириш ва чуқурлаштиришни тақозо этади. Бу муаммо ҳар бир ўқитувчидан янги кашфиётлар, янгиликлар, ўқитишдаги замонавий технологиялар билан мунтазам танишиб туриш кераклигини талаб этади. Акс ҳолда, ўқитувчи замон билан ҳамнафас равишда ўз ишини ташкил эта олмайди. Ўқитувчи замон талаблари даражасида дарс ўтиши учун мунтазам равишда ўз малакаси ва билимларини ошириб кўбориши керак бўлади. Унинг икки йўли мавжуд:

1.Махсус малакани ошириш курсларидан ўтиш.

2.Ўз билим ва малакаларини мустақил равишда ошириб бориш.

Малака ошириш курсларида билим олиш беш йилда бир марта амалга оширилиши сабабли у ўқитувчига давр билан ҳамнафас бўлишга етарлича имкон бермайди. Беш йил давомида илм-фан, маданият ва бошқа соҳалар ўзгаради, янгиликлар билан тўлиб боради. Демак, муаллим кундалик жараён билан танишиб бориши, ўқиб, ўрганиб, ўзлаштириб бориши фойдадан ҳоли бўлмайди. Мактаб тасвирий санъат ўқитувчисининг фаолияти қатор йўналишларда амалга оширилади.

### 5.2.1. Тасвирий санъат назарияси ва тарихи

Мазкур йўналиш тасвирий, амалий ва меъморчилик санъатларининг назарий асослари ҳисобланган композиция, рангшунослик, ёруғ-соя, перспектива қонунларини, бу борада яратилган асарларни чуқурроқ ўрганишни, шунингдек, сўнги йилларда очилган янгиликлар билан мунтазам танишиб боришни назарда тутати. Бу эса юқорида қайд қилганимиздек, тасвирий, амалий-безак ва меъморчилик санъатлари тарихини кенгроқ ва чуқурроқ ўрганишни талаб этади. Айниқса, бу

борада сўнги йилларда Ўзбекистон худуди харобаларидан топилган деворий расмлар, ҳайкалтароштик асарлари ва меъморчилик обидалари катта ўринни эгаллайди. Улар орасида Айртом, Варахша, Афросиёб, Далварзин тепа, Жонбос қалъа, Тохаристон, Болалик тепа, Тупроқ қалъа ва бошқа жойлардан топилган санъат намуналари алоҳида аҳамият касб этади. Шарқ меъморчилигининг қадимий машҳур обидалари, Европа ва Америка мамлакатларининг ҳозирги замон машҳур меъморчилигини чуқур ўрганиш талаб этилади. Бу эса тасвирий санъат дастурига меъморчиликка оид мавзуларни киритилиши билан изоҳланади. Шунингдек, тасвирий санъат тарихига доир материаллар қаторига Шарқ ва Мовароуннаҳр миниатюра рангасвир мактаблари ҳам қиради.

Ўқитувчининг мустақил ишлари жараёнида IX-XX аср меъморчилиги, айниқса, Темур ва теурийлар давридаги меъморчиликни чуқур ва атрофлича ўрганиш талаб этилади.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида қурилган меъморчилик бинолари билан ўқувчиларни таништириш ўз Ватани ҳақидаги тасаввурларини янада бойитади.

Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида тасвирий санъатнинг тараққиёти, Ўзбекистон бадиий академиясини ташкил топиши, миллий рассомчилик ва дизайн институтининг очилиши бу даврда иқтидорли ёш рассомларнинг жаҳон маданияти ва санъати сарҳадларидан ўрин олиши ҳамда бу рассомларни юксак бадиий савияда яратган асарларини ўрганиш ниҳоятда муҳимдир. Шу билан бирга жаҳоннинг илғор тасвирий санъати, унинг буюк вакилларининг ижодини ўрганиш ўқитувчиларнинг орқага суриб бўлмайдиган вазифаларидан ҳисобланади.

Тасвирий санъат ўқитувчиси ўзбек халқ амалий санъатини ўрганиши ниҳоятда муҳим. Чунки, санъатнинг бу тури мамлакатимизда шунчалик кенг ривожландики, уни тасаввур этиш қийин. Айниқса, наққошлик, ганчкорлик, ёғоч ўймакорлиги, мисгарлик, кашгачилик, сополдўзлик, зардўзлик санъатлари дунёда шуҳрат қозонди. Тасвирий санъат ўқитувчиси амалий санъатнинг назарий асослари билан бир қаторда, бу соҳаларда ижод қилган машҳур усталарнинг (Г. Арслонқулов, У. Жўрақулов, А. Қосимжонов, Ш. Муродов, Я. Рауфов, М. Раҳимов, Т. Тўхтағужаев, М. Усмонов, Қ. Ҳайдаров, Ж. Ҳақимов, С. Ҳамидов в.б.) ҳаёти ва ижодини, мамлакатимизда халқ амалий санъати кенг ривож топган марказларни (Самарқанд, Бухоро, Қўқон, Шаҳрисабз, Марғилон, Ургут, Чуст, Китоб, Риштон, Каттакўрғон, Гиждувон, Хўжайли, Нурота, Хива, Андижон, Наманган, Шеробод, Тошкент в.б.), ўзига хос хусусиятларини билиш талаб этилади.

### 5.2.2. Тасвирий санъатни ўқитишнинг психологик асослари.

Шахсни индивидуал хусусиятлари, билиш жараёнлари, тасаввур, тафаккур, нутқ, хогира ҳаяжон ва ирода каби психологик жараёнларни билмасдан туриб тасвирий санъат дарсларини талаблар даражасида амалга ошириб бўлмайди. Бунда унинг қуйидаги жиҳатлари алоҳида аҳамият касб этади.

Шахс психологияси: а) Шахс, шахснинг дунёқарашлари, эътиқоди, эҳтиёжи ва ғоялари. Шахсни шакллантиришда ўқитувчининг роли; б) Фаолият, шахс фаолиятида билим, малака, кўникма ва одатлар; в) Диққат. Диққатнинг турлари ва хусусиятлари. Тасвирий фаолиятларда диққатнинг роли.

Билиш жараёнлари: а) Сезиш. Хис этиш. Унинг тури ва асосий қонуниятлари. Рангларни ҳис этиш қонуниятлари. Болаларда ҳис этишни ўстириш; б) Идрок этиш. Фазони идрок этиш ва тасвирий фаолият. Идрок этиш жараёнининг умумий қонуниятлари ва тасвирий фаолият. Болаларда идрок этиш ва кузатувчанликни ўстириш. в) Хогира. Хотира тури ва жараёни. Кўз хотирасини ўзига хос хусусиятлари. Болаларда хотирани ўстириш; г) Тафаккур, унинг тур ва шакллари. Кишиларда фикрлаш фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари. Бадиий тафаккурни ўзига хос хусусиятлари. Болаларда фикрлашни ўстириш; д) Нутқ, унинг турлари. Рассом тасвирий тилининг ўзига хос хусусиятлари; е) Тасаввур, унинг турлари. Бадиий ижодда тасаввур. Болаларда тасаввурни ўстириш.

Ҳаяжон ва ирода жараёнлари: а) Ҳаяжон ва ҳиссиёт. Ҳиссиёт турлари. Ҳиссиёт ва тасвирий фаолият. Болаларда ҳиссиётни ўстириш ва шакллантириш; б) Ирода. Шахсни иродавий хусусиятлари. Болаларда иродани ўстириш ва тарбиялаш.

Шахсни асосий индивидуал-психологик хусусиятлари: а) Характер, унинг тузилиши ва хусусиятлари. Характердаги индивидуаллик ва типиклик; б) Қобилият, бадиий қобилият ва истеъдод. Бадиий қобилиятларнинг психологик тавсифи. Болаларда бадиий қобилиятларни ўстириш ва шакллантириш

### 5.2.3. Тасвирий санъат дарслари-таълим ва тарбиянинг асосий шакли.

Дарс мактабда таълим-тарбиянинг асосий шакли бўлганлиги учун

ўқитувчи бу борада кўп ва жиддий иш олиб бориши керак бўлади.

Ўқитувчи ўзининг бу борадаги ишларини қуйидаги йўналишларда олиб бориши мақсадга мувофиқдир:

1. Тасвирий санъатни ўқитишга бўлган замонавий талабларни ҳис этиш.
2. Тасвирий санъат дарсларини махсус хонада ўтказишни такомиллаштириш.
3. Ўқувчиларни фанга бўлган қизиқишларини ошириш.
4. Дарсларни синфдан ташқари ишлар билан боғлаб олиб бориш.
5. Кўргазмали қуроллардан фойдаланишнинг янги самарали шакллари қўллаш.
6. Тасвирий санъатни бошқа фанлар билан алоқадорликда ўтказиш.
7. Тасвирий санъат дарсларида таълим ва тарбия бирлиги.
8. Тасвирий санъат дарсларида замонавий педагогик технологияларни қўллаш.

#### **5.2.4. Синфдан ташқари ишлар мазмун ва методикаси.**

Ўқитувчининг бу йўналишдаги мустақил ишларини қуйидаги уч йўналишда олиб борилиш мақсадга мувофиқдир.

1. Тўғрақлар ва уларнинг мазмуни.
2. Синфдан ва мактабдан ташқари тадбирлар мазмуни.
3. Синфдан ва мактабдан ташқари ишлар методикаси.

#### **5.2.5. Тасвирий санъат дарсларини такомиллаштиришда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш.**

Ўзбекистоннинг мустақиллиги таълимни тубдан ислоҳ этишни талаб этмоқда. Бу ислоҳотлар бадиий таълим соҳасида замонавий технологияларни қуйидаги йўналишларда амалга оширилишини назарда тутати:

1. Болалар бадиий таълимини ташҳисли асосда ташкил этиш.
2. Табақалаштирилиб ўқитиш. (даражали табақалаштириш, ихтисослаштирилган табақалаштириш).
3. Модулни ўқитиш.



4. Ұқувчиларни мустақил ишлашга йўналтирилган ҳолда ўқитиш.
5. Бахс ва мунозарали дарслар ёрдамида ўқитиш.
6. Саргузашт ва саёҳат орқали ўқитиш.
7. Дарсларни ўйин шаклида ташкил этиб ўқитиш. (ролли ўйинлар, мусобақа, кроссворд, чайновордлар ечиш, ким кўп билади ўйини, ажурли арра ўйини, ақлий ҳужум ўйини в.б.).
8. Компьютер графикаси, аудиовизуал, видео в.б, техника воситалари орқали ўқитиш.
9. Дарсларни очиқ ҳавода ташкил этиб ўқитиш.
10. Муаммоли вазиятлар ҳосил қилиб ўқитиш в.б.

### 5.2.6. Ўқитувчининг ижодий ишлари.

Ўқитувчининг ижодий ишлари икки йўналишда бўлиши мумкин:

1. Илмий методик ишлар.
2. Тасвирий ижодий ишлар.

Илмий методик ишлар, илғор тасвирий санъат ўқитувчиларининг иш тажрибаларини ўрганиш, методист олимлар билан алоқада тажриба-синов ишларини олиб боришни назарда тутати. Натижада ўқитувчи мактаб, туман, шаҳар, вилоят, республика, халқаро анжуман ва кенгашларда тадқиқот натижалари асосида маърузалар ўқийди, матбуотда, илмий тўпламларда мақолалар эълон қилади. Ўқитувчи ўрганилган илғор тажрибалардан ўз фаолиятида фойдаланади. Илғор тажрибаларни ўрганиб тасвирий санъат ўқув предмети мазмунига янгитдан киритилган мавзуларда илмий изланишлар олиб боради. Айниқса, табиий материаллар (барг, шох-шабба, буғдой поя, илдизлар, айрим мева ва сабзавотларнинг уруғлари, қуш патлари, рангли тошлар), ташландиқ материаллар (синтетик ва ширин ичимликларнинг идишлари, дори-дармондан чиққан идишлар, газмол парчалари, фольга қоғозлар, сим, ғалтак, каноп, гугурт қутиси в.б.)нинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ва улардан бадиий қуриш-ясаш ишларида фойдаланиш ниҳоятда самаралидир.

Тасвирий ижодий ишлар ўқитувчининг шахсий тасвирий маҳоратини ошириб боришга хизмат қилади. У ўқитувчини ўзи маъқул кўрган тасвирий ёки амалий санъатнинг тур ва жанрларидан биронтаси бўйича ижодий ишлар олиб боришини тақозо этади. Ижодий ишни бу шакли бўйича ўқитувчи олиб борган ишларининг натижалари юзасидан кўргазма ва танловларда қатнашади.

### **5.2.7. Техника воситалари билан ишлаш.**

Маълумки, ҳозирда таълим жараёнларини техника воситаларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Сўнгги йилларда техника воситаларининг янгидан-янги турлари пайдо бўлмоқдаки, улар таълим сифатини замон талаблари даражасига олиб чиқишга хизмат қилади.

Тасвирий санъат таълимининг ҳозирги аҳволи шуни кўрсатмоқдаки, ўқитувчи таълимни ташкил этувчи давлат ва жамоатчилик ташкилотларидан шарт-шароитлар кутмасдан ўз фаолиятини ўзи қайта қуриши зарур. Ҳозир ва бундан буён ҳам таълим жараёнларида техника воситалари муҳим ўринни эгаллайди ҳамда дарс самарадорлигини оширишда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Шундай экан ўқитувчи бу борада бир қатор ишларни амалга ошириши керак бўлади.

1. Фото аппарат билан ишлаш ва ундан таълим жараёнида фойдаланиш. Айниқса, у санъат асарларининг слайдаларини тайёрлашда ниҳоятда қўл келади.

2. Аудиовизуал (магнитли ёзувлар, видео) воситаларни ишлаш тартибини ўрганиш ва уларни бадиий таълим ва тарбия шароитларида қўллаш.

3. Проекцион аппаратлар ҳисобланган диапроектор, эпидиаскоп, фильмоскоп, компьютер кабилар билан ишлашни пухта ўзлаштириш, улардан таълим жараёнида унумли фойдаланиш.


### **5.3. Тасвирий санъат хонасини ташкил этиш ва жиҳозлаш.**

*Мазмуни.* 1.Тасвирий санъатни ўқитишда махсус хонани бўлиш-лигининг зарурияти. 2.Тасвирий санъат хонасида сақланадиган жиҳозлар ва ўқув қуроллари. 3.Тасвирий санъат хонасида олиб бориладиган ишлар мазмуни. 4.Ўқитувчиларнинг тасвирий санъат хонасида олиб борадиган ишларидаги камчиликлар. 5.Тасвирий санъат хонасига бўлган талаблар. 6.Тасвирий санъат хонаси учун кўргазмали қуроллар тўплаш. 7.Тасвирий санъат хонасининг бадиий безаги. 8.Тасвирий санъат хонасининг иш режаси.

Ҳозирда тасвирий санъат дарсларини давлат таълим стандартлари талаблари даражасида ўтказиш учун унинг моддий техникавий асосларини яратиш зарур. Чунки, тасвирий санъат дарсларида техника воситалари, кўргазмали ва методик материаллар шунчалик кўп ишлатиладики, уларни махсус хоналарсиз тўплаб бўлмайди. 55-расм.

Тасвирий санъатдан олиб бориладиган ишларнинг ҳажми ва турлари ҳам хилма-хилдир. Махсус хонанинг зарурияти қуйидагилар билан изоҳланади:

- тасвирий санъат ва чизмачилик дарсларини юксак методик савияда олиб бориш:



55-расм

- тасвирий ва амалий санъатдан тўғарак ишларини ўтказиш;
- тасвирий ва амалий санъатдан синфдан ташқари ишларни (уч-рашув, танлов, кўргазма, суҳбат, мунозара, кеча в.б.) ташкил этиш;
  - ўқувчиларнинг дарсдан ташқари мустақил ишларини ўтказиш;
  - жамоа бўлиб телевидение орқали бериладиган махсус кўрсатувларни томоша ва мунозара қилиш в.б.

Айниқса, санъат асарларини перспектива, рангшунослик, ёруғ-соя қонуनларини, рассомларнинг ҳаёти ва ижодини ўрганишда тасвирий санъат хонасининг аҳамияти беқийёсдир. Тасвирий санъатдан кўргазмали қуроқлар ҳисобланган гипсли геометрик шакллар, гипсли розеткалар, уй рўзгор буюмлари (лаган, чойнак, пийёла, гулдон, кашкир, бидон, қумғон, патнис, сабзи тахта в.б.) мусиқа асбоблари (рубоб, дутор, пай, чилдирма, сурнай, скрипка, в.б.) мева

ва сабзавотлар (олма, нок, беҳи, қовун, тарвуз, қовоқ, сабзи, пиёз, бақлажон, узум, анор, в.б.)нинг моделлари, қуш ва ҳайвонларнинг (қуён, чумчуқ, қалдирғоч, кабутар, қарға, булбул, савва, тўти, типратикон, лайлак, гурна в.б.) тулумларини сақлаш ва улардан фойдаланиш учун махсус хона талаб этилади.

Тасвирий санъатдан ўзбек ва чет эл рассомлари, халқ амалий санъати ва меъморчилик асарларининг репродукциялари, рангшунослик, ёруғсоя ва перспектива қонунларига оид чизиш ва бўяш усулларини кўрсатувчи жадваллар борки, улардан унумли фойдаланиш кўп жиҳатдан махсус хонага боғлиқдир.

Маълумки, тасвирий санъат машғулотларини дастур талаблари даражасида ўтказиш, расм чизиш учун мольберт ёки мосламали парта, натура қўйиш учун таглик, натурани сунъий равишда ёрулантирувчи асбоблар керак бўлади. Тасвирий санъат хонаси бўлмаган тақдирда бу кўрсатилган кўргазма ва техника воситаларини (мавзуга таалуқли бўлганларини албатта) ўқитувчи синфдан-синфга кўтариб юришига тўғри келади. Бу ишлар эса маълум қийинчиликлар билан боғлиқ бўлганлиги сабабли уларни амалга ошириб бўлмайди. Натижада, машғулотларнинг кўпчилиги кўргазмаликсиз ўтилади ва у дастур талабларига жавоб бермайди. Ҳозирда, бошқа фанлар қатори тасвирий санъат дарсларини техника воситаларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Чунки, санъатшунослик асослари курсини ўтишда кўплаб слайда, диопозитив, диафильм, кинофильмлар намоёйиш этиш керак. Мактабларни ёппасига компьютерлаштириш амалга оширилаётган бир даврда махсус хонанинг бўлиши янада ойдинлашади. Мана шунинг учун ҳам ҳозирда тасвирий санъат предметининг ўқитилишини талаблар даражасига кўтариш учун ҳар бир мактабда бу фандан махсус хона бўлиш шарт.

Ҳали кўпчилик мактабларимизда махсус хоналар ташкил этилмаган, ташкил этилганлари эса замон талаблари асосида жиҳозланмаган.

Ўқитувчилар махсус хонани ташкил этишда ота-оналар, фаоллар, жамоатчилик, ҳайрия ташкилотлари ёрдамига таянмайдилар, меҳнат ўқитувчиси билан ҳамкорликни раво кўрмайдилар.

Маълумки, махсус хоналарда тасвирий санъат дарслари, тўгарак машғулотлари асосий ўринни эгаллайди. Шунга қарамасдан, баъзи бир ўқитувчилар машғулот жараёнини такомиллаштиришда, унинг самарадорлигини оширишда хонанинг катта имкониятларидан яхши

фойдалана олмайдилар. Масалан, ўқувчилар дарсга кирганларида қўйиладиган натура, техника воситалари орқали кўрсатиладиган кўргазмалар, репродукциялар тайёр ҳолда келтириб қўйилмайди, синфни қоронғилаштирувчи шторлар, техника воситалари автоматик равишда эмас, қўл билан бошқарилади.

Баъзи бир ўқитувчилар, таълим ва тарбиядаги имкониятларидан самарали фойдаланишда санъатга оид китоблар, брошюра, альбом, диафильм, диапозитив, санъат асарлари репродукцияларининг роли катталигини тушуниб етмайдилар ёки тушуниб етсалар ҳам унга етарлича эътибор бермайдилар. Тажрибали ўқитувчилар эса кўргазмали қурооллар учун шкаф ва стол остларида алоҳида-алоҳида ўринлар ажратадилар ва улардан мақсадга мувофиқ фойдаланадилар. Кўргазмалар хонада шундай жойлаштириладики, ўқитувчи ишлатиш вақти келганда ҳар қандай шароитда хоҳлаган кўргазмасини ҳеч қийналмасдан бир зумдаёқ топа олади. Яна шуни ҳам қайд қилиш лозимки, бу кўргазмали қуроолларнинг доимо тоза ва бежирим бўлишига ҳаракат қиладилар. Ишдан чиққан ёки шикастланган кўргазмалар болалар ёрдамида яроқли ҳолга келтириб қўйилади.

Шунингдек, ўқитувчилар тасвирий санъат машғулотларининг қизиқarli ва сермазмун бўлиши учун хонанинг махсус шкафларида гуашь, акварель бўёқлар, фломастер, пастель, уголь, сангина, соус, рангли тушлар, пластилин, рангли қоғозлар, газлама парчалари, сабзавот ва мева уруғлари, ҳайкалтарошлик учун махсус лой, табиий материалларни сақлайдилар. Кўргазмали қуроолларни йиғишда (репродукциялар, открыткалар, турмушда қўлланиладиган буюмлар, уй-рўзғор буюмлари, мусиқа асбоблари, в.б.) болалар кучидан унумли фойдаланадилар.

Хона жиҳозлари, кўргазмали қуроолларни йиғишда турли-туман, гадбирларни ўтказишда болаларнинг кучидан етарлича фойдалана олмаслик олиб борилаётган ишларнинг тўлақонли ва сермазмун бўлишига имкон бермайди. Шу нарса аниқки, бола қилган меҳнатининг самарасидан завқлансагина унинг қадрига етади. Шунинг учун ҳам хонадаги ҳамма ишларга болаларни жалб қилиш ва уларнинг сеvimли жойига айланишига эришиш лозим.

Бизда техника воситаларининг етарли миқдорда ишлаб чиқарилмаганлиги, қолаверса, улардан фойдаланишга оид ўзбек тилида аниқ бир методик қўлланма ва тавсияларнинг йўқлиги, таълим жараёнига салбий таъсир кўрсатмоқда.


Тасвирий санъат хонасида тўгарак ишлари машғулотларини од-

дий стол ёки партада олиб бориш мумкин эмас. Шунга қарамасдан, кўпчилик тасвирий санъат хоналарида бундай жиҳозлар йўқ.

Тасвирий санъат дарслари мольберт, планшет ва тагликлар, ёруғлантирувчи асбоблар, сафит, шкаф ва бошқа шу каби ўқув жиҳозлари бўлишини талаб этади. 56-расм.

Хонада иш жойини шундай ташкил этиш керакки, дарсдан ташқари вақтларда мустақил равишда расм ишлаш мақсадида хонага кирган ҳар бир ўқувчи, у ерда ўзи учун тегишли шароитни ҳис этсин.

Юқорида таъкидлаб айтганимиздек, тасвирий санъат хонасида дарсдан ташқари ишлар катта ўринни эгаллайди. Булар танлов ва



56-расм

кўрғазмалар, маъруза ва суҳбатлар, санъат ҳафталиклари ва кечалар, учрашув ва олимпиадалар ўтказиш, деворий газеталар чиқариш, альбомлар тайёрлаш, маркалар йиғиш ва бошқалардир. Бу ишлар хонада мунтазам равишда ўтказилиб турган тақдирдагина самарали натижаларни кутиш мумкин, хонани мактабда эстетик тарбия марказига айлантирса бўлади.

Шундай экан, тасвирий санъат хоналарига қандай талаблар қўйилади, унинг фаолияти қандай ташкил этилади, деган савол туғилади. Хонани ташкил этиш учун аввало, кенгроқ ва офтоб нури тушмайдиган хона танланади. Юқорида қайд қилганимиздек, тасвирий санъат хонасини талаблар даражасида жиҳозлаш учун керак бўладиган ўқув куроллари ва жиҳозлар етарли бўлишига эришиш зарур. Масалан, техника воситалари, натура учун таглик, расм чизиш учун махсус мольберт, лой ва бўёқлар билан ишланган ишларни қуритиш учун этажеркалар, натурани ёруғлантирувчи асбоблар, сувни тез-тез тозалаб туриши

учун челақлар шулар жумласидандир. Махсус хона учун жой танлаш ёки ажратиш ҳақида гап борганда, натура ва методик фонд учун унинг ёнида кичик бир хона бўлишига эътибор бермоқ лозим. Шунингдек, хонада сув крани бўлиши ҳам шарт, чунки болалар бўёқ билан ишлаш дарсларида ифлосланган сувни тез-тез тозалаб туришлари керак бўлади.

Хонанинг жиҳозлари ҳақида гап борганда шуни ҳам қайд қилиш лозимки, деразаларга албатта оқ пардалар тутилиши ва улар деразанинг бутун юзасини эгаллаши лозим. Пардалар синф деразаларидан тўғри тушадиган қуёш ёруғлигини тўсади. Бу эса чизиш учун қўйилган натурада ёруғсояни иш давомида кечгача бир хил сақланишига имкон беради.

Хонада техника воситаларининг бор-йўқлигидан қатъий назар, катта тўқ рангдаги пардаларнинг (штор) бўлиши ҳам шарт. У натурага қараб расм чизиш машғулотларида жуда зарур бўлади. Чунки, дарсда натурага ёруғлик фақат биргина манбадан тушиши талаб этилади. Ёруғлик икки ва ундан ортиқ манбадан тушган тақдирда соялар сони ҳам шунча бўлади. Натижада биринчи манба ёруғлигига қарашли сояни иккинчи манба ёруғлиги йўқотиб, ёруғлантириб юборади ва соялар бутунлай кўринмай қолади.

Натуранинг ўзига қараб расм ишлашда иложи борича уни табиий кундузги ёруғликда ишлаш лозим. Кечки пайт чизиш лозим бўлиб қолган тақдирда натура люминесцентли лампалар орқали ёруғлантирилади. Оддий лампочкалар орқали ёруғлантирилганда у натура ранглирига таъсир кўрсатиб, уларни ўзгартириб юборади, яъни натуранинг ҳақиқий ранги бузилади.

Натуранинг ўзига қараб расм чизиш машғулотларида синфни нормал ёруғлантириш имкони бўлмаган тақдирда (айниқса ҳаво булутли пайтлар еки кечкурун) натурани ёруғлантириш мақсадида махсус ёруғлантирувчи асбоблардан фойдаланилади. У сафит деб юритилади. Натурани тўғри ёруғлантириш орқали ундаги ёруғ, соя, ярим-соя, рефлекс, блик кабилар болаларда аниқ ва равшан кўринади. Бундай ёруғлантирувчи асбоблар лампочка, ёруғлик кайтарувчи ва оёқлардан ташкил топган бўлиб, уларнинг оёгини ёғочдан, шунингдек, металлдан осон тайёрлаш мумкин. Бундай асбобларни уста ёки ўқитувчиларнинг ўзлари тайёрлаганларида, унинг лампочка ўрнатиладиган қисмининг расмда кўрсатилганидек вертикал ва горизонтал бўйича бемалол ҳаракаат қиладиган бўлишига эътибор бериш лозим.

Нарсанинг ўзига қараб расм чизиш дарслари учун **таглиқлар** керак бўлади. Одатда уларнинг бир неча хиллари ишлатилади. Кўп тар-

қалган турлари бу оёқли ва деворга осиладиганлари ҳисобланади. У икки горизонтал ва вертикал ҳолатдаги планшетлардан иборат бўлиб, улар ўзаро ошиқ-мошиқ билан маҳкамланадилар.

Бундай тагликлар, асосан доска олдида натура қўйиш учун мўлжалланади. Бундай тагликларнинг горизонтал қисми натурани қўйиш, вертикал қисми эса фонга мўлжалланган драпировкаларга хизмат қилади.

Маълумки, натурани бир ерга қўйиш етарли эмас. Натура ўқувчининг уфқ чизигидан пастга ўрнатилиши сабабли, ҳаммага бир хил кўринмайди. Шунинг учун натура парталар орасига ҳам қўйилади. Бундай шароитда оёқли тагликларни ишлатиш лозим бўлади. Оёқли тагликлар полга қўйиш учун мўлжаллаб ясалади. Ясалиш жиҳатдан жуда содда бўлган оёқли таглик оддий табуретканинг оёғини 20-25 см.га узайтириш ва фон учун вертикал планшетни унинг устки томонига маҳкамлаш орқали ҳосил қилинади. Бундай тагликлардан фақат парталаро натура қўйишда фойдаланилади. Дарслар махсус хонада ўтказилмайди турдаги тагликларни ҳам ёғочдан, шунингдек, металлдан мактаб устахоналарида осонлик билан ясаш мумкин.

Қуйидаги жиҳозларни тасвирий санъат хонасида бўлиши мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади.

1. Махсус синф доскаси (оддий, магнитли в.б.).
2. Кўргазмали кўроллар учун шкафлар.
3. Ўқитувчи ва ўқувчилар учун махсус мебеллар.
4. Болалар ишланган расм ва ҳайкалларни кўриштириш учун стелажлар.
5. Лойдан ишланган ҳайкалларни пишириш учун муфел печи.
6. Диопроектор, фильмоскоп, эпидиаскоп, телевизор, видео, магнитофон, компьютер, фотоаппарат в.б.
7. Диапозитив, эпипроекция, диафильмларни намойиш этиш учун экран.
8. Техника воситаларини ўрнатиш учун таглик.
9. Синф хонасини қороғилатиш учун керак бўладиган пардалар.
10. Натурани ёруғлантирувчи сафитлар.
11. Ҳайкал ишлаш учун тагига линолеум қопланган планшетлар.
12. Тоза сув учун челақ.
13. Мўйқаламни бўёқдан тозалаш учун ишлатиладиган челақ.
14. Ҳар бир ўқувчи учун сув идиш.
15. Оқ ва рангли бўрлар.
16. Ҳайкалтарошлик ишлари учун катта ҳажмли идишда лой.



Хона учун натура фонди ва санъат асарлари репродукцияларини тўтлашга ўқувчиларни, мольберт натура учун тагликлар, ёрулангирувчи асбоблар, шкаф ва стенд тайёрлашга, техника воситаларини сотиб олишга эса хайрия ташкилотлар ва ота-оналарни жалб қилиш яхши натижалар беради. Натура фондида турмушда қўлланиладиган асбоб ва ускуналар катта ўринни эгаллайди. Улар лаган, товоқ, қошиқ, чойнак, пиёла, коса, капкир, сабзи тахта, чўмич, кастрюл, гулдон, тарелка, патнис, мусиқа асбобларидан — доира, чилдирма, рубоб, дугор, фикжак, тор, скрипка, най, спорт буюмларидан — футбол тўпи, теннис ракеткаси, кўтариладиган тошлар-гантел, шахмат доскаси в.б. шулар жумласидандир.

Турмушга яроқсиз (синган ёки чеккаси учган) буюмлардан натура сифатида фойдаланиш мумкин. Бу буюмлар болалар ёрдамида натура фонди учун йиғилади. Улар ишлатилмай ётганлиги сабабли ифлос ва кўримсиз бўлади. Натура учун уларни бундай ҳолда қўйиш ярамайди. Ифлос буюмларни тозалатириш ва ишга яроқли қўришнишга келтириб қўйиш лозим.

Тасвирий санъат асарларининг репродукциялари ва откриткалари ҳақида ҳам ана шундай фикрларни билдириш мумкин.

Маълумки, кўплаб журналларда тасвирий санъатта оид рангли репродукциялар бериледи. Уларни йиғишга ўқувчилар кучидан дарс ва дарсдан ташқари вақтларда фойдаланиш мумкин. Санъат асарлари репродукциялари ва откриткаларини йиғишга ўқитувчи жиддий ва мақсадга мувофиқ ҳолда ёндошгандагина яхши натижалар олиши мумкин. Бундай намуналарни маълум мавзу асосида йиғдириш ва уларни альбомга ёпиштириш, унга баҳо қўйиш, олиб борилаётган (сурат тагига унинг муаллифи номини ёзиб қўйиледи) талбирнинг самарали бўлишига олиб келади.

Тасвирий санъат хонасини мақсадга мувофиқ ташкил этишда унинг бадий безаги алоҳида аҳамият касб этади. Хонанинг бадий безаги деганда аввало, хона жиҳозларини жой-жойига қўйиш, буюмларни, хона деворларини тегишли рангларга бўяш ҳам назарда тутилади. Шунингдек, хонанинг бадий безаги унинг тўғри ёрулангирилиши билан ҳам боғлиқдир. Бадий жиҳатдан тўғри безалган хона ўқувчиларнинг руҳиятига таъсир этиб, уларда илиқ кайфият ҳосил қилади, тез толиқтирмайди, тасвирий фаолиятларга самарали таъсир кўрсатади. Баъзи ўқитувчилар тасвирий санъат хонасини жиҳозлашда унга ортиқча эътибор бериб юборадилар. Ҳагтоки, ўқувчиларнинг чизмачилиқдан чизмаларини, болалар расмларининг кўргазмаларини, турли кўргазмали қуролларни, санъат

асарлари репродукцияларини деворларга осиб қўйишади. Геометрик ва гипсли шакллар, куш тулумлари ва мева сабзавотларнинг муляжларини очиқ сақлашади, турли лозунг ва чақирқиқлар ҳам бўлади. Хонанинг юқори қисмини буюк рассомларнинг портретлари билан тўлгазиб ташлаш ҳоллари ҳам тез-тез учраб туради. Ҳагтоки, шундай ҳоллар ҳам бўладики, хона деворларида бўш жой қолмайди. Бу йўсинда безатишнинг зарари шундаки, хонада турли-туман қуролилар, кўргазмали материалларнинг кўплиги, уларнинг ранглари хонага кирган ўқувчи руҳиятига салбий таъсир кўрсатади. Натижада, ўқувчи ўзини синфда сиқилиб қолаётгандек ҳис қилади ва хонадан тезроқ чиқиб кетишга ҳаракат қилади.

Баъзан, хоналар унинг жиҳози ва бадиий безаги йиллаб ўзгармай тураверади. Натижада, улар ўқувчиларни меъдасига тегади ва уларни мутлақо қизиқтирмай қўяди. Натижада бу ердан болалар янги маълумот ва янги таассуротлар ололмайдилар.

Хонанинг деворларини тинч, сокин ранглар билан бўяш мақсадга мувофиқдир. Чунки, кескин ва ёрқин ранглар болаларни тез толиқтиради. Шунингдек, хонадаги эшик, дераза, пол, шифт, доска кабиларнинг рангларини ҳам хонанинг умумий ранг гаммасига бўйсундириш лозим. Улар бир-бирларидан оч-тўқлиги билан, ранг туси, тўйимлилиги билан кескин фарқ қилмагани маъқул. Хона деворларида турли-туман, умуман, ранг-баранг кўргазмаларнинг бўлиши дарс жараёнида баъзи болаларнинг эътиборини ўзига тортади. Натижада, бола чалғийди, унга ўқитувчининг нуқти эътибордан қолади. Булар ҳаммаси хонада олиб бориладиган таълим-тарбиявий ишларга салбий таъсир кўрсатади.

Шунинг учун ҳам тасвирий санъат хонасида ортиқча нарсаларнинг бўлмаслиги, синфда машҳур рассомлардан биронтасининг портрети, техника воситалари (у ҳам усти ёпиқ ҳолда), тувакли гулларни, синф бурчагининг бўлишлиги етарлидир. Кўргазмали қуролилар эса махсус шкафларда (ўқувчиларнинг кўзи тушмайдиган жойда) сақланиши лозим. Турли хил кўргазма, фотостенд ва эълонлар, диплом ва ёрлиқларни мактаб йўлагига (тасвирий санъат хонасига яқин жойга) ўрнатиш мақсадга мувофиқдир.

Мактабда тасвирий санъат хонаси кўргазмали қуролилар, техника воситалари ва бошқа жиҳозлар сақланадиган, таълим-тарбия ишлари олиб бориладиган маданият ўчоғидир.

Юқорида қайд қилиб ўтганимиздек, хонанинг ташкилий, ўқув-методик, тарбиявий ишлари шунчалик кўп ва турли-туманки, уларни фақат режа асосида олиб боргандагина яхши натижаларга эришиш мум-

кин. Режада тадбирнинг мазмуни, ўтказиладиган вақти, унга жавобгар шахслар, тадбирнинг ўтказилиши, иш тартиби учун жойлар ажратилган бўлади. Ўқитувчида бундай режанинг тайёрланмаганлиги тасвирий санъатдан хонада олиб бориладиган ишларининг чала-чулпа, пала-партиш, тарғибсиз бўлишига олиб келади. Ҳаттоки, баъзи муҳим ишлар ўқитувчининг эътиборидан бутунлай тушиб қолиши ҳам мумкин. Шунингдек, режанинг бўлмаслиги тадбирларнинг эпизодик характерда бўлишига олиб келади. Чунки, уни ўтказишга ажратилган вақт ниҳоятда чегараланган бўлади ва натижада иш сифати пасаяди, улар болаларда яхши таассурот қолдирмайди. Куйида тасвирий санъат хонасида олиб бориладиган иш режанинг намунаси берилган.

### Тасвирий санъат хонасининг ўқув йили учун иш режаси

| Иш мазмуни  | Ўтказиладиган вақти | Масъулар   | Тадбирни ўтган ёки ўлмаганлиги ҳақида белги |
|---|---------------------|--|---|
| 1   | 2                   | 3  | 4   |
| Хонани жиҳозлаш (стол, стул, таглик, планшет, штор, гул, техника воситалари в.б.) | Май-август          | Хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари, тасвирий санъат ўқитувчиси, меҳнат ўқитувчиси   |   |
| Хонани бадиий безаш   | август              | Тасвирий санъат ўқитувчиси, фаол ўқувчилар.  |   |
| Кўргазмали куроллар йиғиш   | Йил давомида        | Хамма ўқувчилар, тасвирий санъат ўқитувчиси.   |   |
| Рассоми ҳаёти ва ижоди ҳақида кеча ўтказиш  | Декабрь             | Тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари, адаб ёт, мусиқа, ўқитувчилари, фаол ўқувчилар. |   |

## 5.4. Ўқувчиларни тасвирий санъатга қизиқтириш

**Мазмуни:** 1.Ўқувчиларни тасвирий санъатга қизиқтиришнинг моҳияти. 2.Ўқувчиларни фанга қизиқтириш йўллари. 3.Ўқувчиларни рағбатлантириш шакллари. 4.Ўйин ва саргузашт тарзида ўтиладиган машғулотлар. 5.Кўргазма турлари ва уларни тасвирий санъатга қизиқтиришдаги аҳамияти.

Тасвирий санъат дарсларининг муваффақияти кўп жиҳатдан болаларни фанга бўлган қизиқишларини шакллантириш ва доимий равишда уни ошириб боришга боғлиқ. Фанга қизиқиши бўлмаган боладан яхши натижа кутиб бўлмайди. Шунингдек, ўқувчи дарсдан бирорта натижани онгли равишда олганида ҳамда унга эга бўлишга ишонч ҳосил қилгандагина фанга қизиқиш пайдо бўлади.

Тасвирий санъатда ўқувчиларнинг қизиқишларини оширишнинг бир қатор йўллари мавжуд:

- санъатнинг моҳиятини болалар онгига синдириш;
- машхур санъат намояндларининг ҳаёти ва ижоди юзасидан суҳбатлар ўтказиш, фильмлар намойиш этиш, альбомлар тайёрлатиш;
- озгина бўлса ҳам болаларни эришган ютуқларини қайд қилиш ва рағбатлантириш, уларнинг ибратомуз ишларини синфдаги барча ўқувчиларга намойиш этиш;
- қизиқарли бўлган санъат асарлари ҳақида суҳбат ва мунозаралар ўтказиш;
- муваффақиятга эришган ўқувчиларнинг ишларидан кўргазмалар ташкил этиш, уларнинг ишларини туман, шаҳар, вилоят кўргазмаларига тавсия этиш;
- ҳар бир дарсда ўқитувчи болаларга янги билим, тушунча ва малакалар бериши;
- тасвирий санъат дарсларини ўйин, мусобақа тарзида ташкил этиш (викторина, кроссворд, чайнворд ечиш);
- болаларнинг тасвирий ижоди учун кўпроқ уларни қизиқтирган мавзуларни тавсия этиш. Айниқса, эртақлар, ҳикоялар, мультипликация фильмлар асосида денгиз тубига ва бошқа планеталарга ҳаёлий саёҳат мавзуларида расм чиздириш;
- болаларнинг тасвирий фаолиятлари учун маълум миқдорда эр-

кинлик бериш. Бунда кўпроқ ўқувчиларни қизиқтирадиган мавзулар назарда тутилади. Хусусан, улар қуш ва ҳайвонлар ҳаётидан олинган мавзулардир. Спорт мавзулари, касб-корга доир мавзулар, жанг мавзулари, афсонавий мавзулар ҳам болаларда катта қизиқиш орттиради;

- дарсда муаммоли вазиятлар ҳосил қилиш орқали дарс ўтиш. Бунда болаларнинг имкониятларини ҳисобга олиш муҳим. Берилаётган муаммоли топшириқлар болаларни зуриқтирмаслиги ва қийнаб қўймаслиги лозим;

- болаларни йирик музей ва кўргазмаларга олиб бориш;

- машҳур санъаткорлар билан учрашувлар ўтказиш в.б.

Қуйида ўқувчиларни тасвирий санъатга қизиқтиришнинг айрим шакллари ҳақида батафсилроқ тўхталамиз. Тасвирий фаолият учун қизиқарли ва сермазмун мавзулар танлаш ўқувчиларнинг тасвирий санъатга бўлган қизиқишларини янада орттиради. Шу соҳада олиб борилган тадқиқотлар ва мактабларда кузатишлар шунини кўрсатадики, болалар қизиқарли мавзулар асосида расмлар ишлаганларида уларнинг ишлари мазмунлироқ ва сифатлироқ бўлади. Бу борада композиция машғулотлари алоҳида аҳамият касб этади. Айниқса, «Ҳаво жанги», «Сув ости дунёси», «Ипподромда», «Дорбоз бола», «Ҳайвон ўргатувчи», «Бўрон», «Циркда», «Ҳайвонот боғида» ва бошқа шу каби мавзулар болалар учун ниҳоятда қизиқарлидир.

Шунингдек, спорт, фантастикага оид мавзулар ҳам ўқувчиларда зўр қизиқиш орттиради. Айниқса, хоккей, футбол, бокс, теннис каби ўйинлар асосида расмлар ишлаш топшириқни муваффақиятини таъминлашга асос бўлади. Бу табиий албатта, чунки болалар ўйиннинг бу турларига қизиқадилар, у билан шуғулланадилар, бундай ўйинларни телевизор экранларида тез-тез томоша қиладилар. Нагизжада, ўйин ёки томошадан олган таассуротлари болаларнинг тасавурида узоқ вақтгача яхши сақланади.

Спорт болаларнинг кундалик фаолиятлари билан боғлиқ бўлганлиги учун ҳам тасвирий фаолиятта самарали таъсир кўрсатса, афсонавий мавзулардаги образ ва кўринишлар ўзининг оригиналлиги (шакл, ранг, мазмун) билан қизиқарлидир.

Маълумки, болалар ўз тасвирий фаолиятларида оригинал, мазмунли расмлар ишлашга қизиқадилар. Бунга болаларни афсонавий мавзудаги асарларнинг мазмуни, катта тезликдаги ва турли шаклдаги ракетапар, бошқа планеталардаги қайтарилмас кўриниш ва мавжудотлар, уларнинг транспорт воситалари, тоғлар, ўсимлик ва дарахлар илҳомлантиради.

Айниқса, фазодаги ғайри табиий, ақд бовар қилмайдиган ранглар болаларни хайратга солади. Айниқса девлар, кентаврлар, сув парилари, аждарлар ва бошқа шу каби афсонавий ҳайвонлар ҳаётидан олинган расм ва ҳайкаллар ишлаш композиция машғулотларида яхши натижалар беради.

Мавзу асосида композиция ишлаш машғулотларида қизиқарли мавзулар муҳим бўлса, нарсанинг ўзига қараб расм чизиш машғулотларида эса оригинал шакл, ранг, тузилишидаги натўра учун буюм ва нарсалар, драпировкалар танлаш, уларни чизиш учун композицион жиҳатдан чиройли қилиб ўрнатиш самаралидир. Расм чизиш учун шундай мавзулар танлаш керакки, улар ҳамма ўқувчиларда расм ишлашга қизиқиш орттирсин ҳамда уларнинг билим ва малакаларини ўстиришга самарали таъсир кўрсатсин. Айниқса, чиздириш учун эстетик аҳамиятга эга ва мазмунан бой нарсаларни қўйиш яхши натижалар беради. Масалан, гул, тарбуз, қовун, анор, олма, қовоқ, бодринг, нок, бақлажон, оби ва пағир ноғалар каби озиқ-овқатлар, сопол ланган, товоқ, гулдон, тулука патнис, чинни, чайнак, пилёла каби буюмлар ва улардан тузилган напортоморлар шулар жумласидандир.

Музыка асбоблари ҳисобланган доира, рубоб, тамбур, дутор, сурнай, най ва бошқалар ҳамда напортоморлар учун яхши материал бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Декоратив композиция машғулотларида хонтахта, гилам, қутича, автомобилни янги маркаси в.б. учун эскизлар ишлаш болаларда катта қизиқиш орттиради.

Шунингдек, ҳаёдан ва тасаввурдан расм ишлаш машғулотларида «Бувим», «Энг яхши кўрган ўқитувчим», «Онам», «Менинг дўстимни портрети», «Автопортрет» каби мавзуларда расмлар ишлатиш ҳам ўқувчиларнинг фанга бўлган қизиқишларини оширишга хизмат қилади. Улар ўзлари севган кишиларнинг расмларини астига ўхшатишга ҳаракаат қиладилар. Эришган ютуқ ва иш натижаларидан эса завқланидилар.

Шуни ҳам қайд қилиб ўтиш лозимки, ўқувчиларнинг қизиқишларини ошириш мақсад қилиб қўйилар экан, мавзулар танлашга бир ёқлама қараш ярамайди. Бунда асосий эътиборни фақат мавзуларнинг ва чиздирилдиган нарсаларнинг, нақшларнинг қизиқарли бўлишига эмас, бу материалларнинг болаларнинг идрокига, тасвирий имкониётларига, қобилиятларига мослигига ҳам қаратмоқ зарур.

Ўқувчиларнинг қизиқишини оширишда санъат асарлари репродукцияларини кўрсатишнинг ҳам аҳамияти катта. Репродукцияни болаларга шунчаки кўрсатиш, унинг мазмунини таҳлил қилиш билан чегараланиб

қолмай, асарнинг яратилиш тарихи, асар ҳақида ириқ олим, расомларнинг айтган фикрларини болаларга етказиш муҳимдир. Аввало кўрсатиладиган асарлар ўз мазмуни ва яратилиш тарихига кўра қизиқарли бўлиши мақсадга мувофиқдир. Масалан, бундай асарлар қаторига И.Решиннинг «Иван Грозний ва унинг ўғли Иван», В.Суриковнинг «Ўқчилар қатл этилган тонг», Н.Генинг «Петр I шоҳзода Алексей Петровични сўроқ қилмоқда», В.Перовнинг «Овчилар манзилгоҳда», Леонардо да Винчининг «Монна Лиза. Жаконда» асарлари, Т.Муҳаммедовнинг «Хўжа Насриддиннинг саргузаштлари» номли китобга ишланган иллюстрациялари, К.Брюловнинг «Помпейнинг сўнги кун» кабиларни киритиш мумкин. Самарқанд, Бухоро, Хива меъморчилиги ёдгорликлари ҳам суҳбат дарслари учун қизиқарли материал бўлиши мумкин.


Булардан ташқари, Ўзбек халқ амалий санъати ва Шарқ миниатюра рангтасвири намуналарини кўрсатиш ва бу ҳақда суҳбатлар ўтказиш ҳам яхли натижалар беради. Ўқувчиларни санъатга ҳавас қилишни оширишда юксак бадиий савияда ишланган мисгаллик, кашгаллик, наққошлиқ, кулолчилик, ганч ва ёғоч ўймакорлигига оид буюмларнинг асл нусхалари ёки бу санъат асарларининг репродукциялари, фотоларининг кўрсатилиши ва уларнинг аэрофлича таҳлил қилиниши, халқ амалий санъат усталари ҳақида суҳбатлар ўтказиш, улар билан учрашувлар ташкил қилиш, болаларни амалий санъат ва ўлкашунослик музейларига (санъат бўлими) олиб бориш муҳим аҳамиятга эгадир.

Маълумки, Шарқ миниатюра рангтасвири маълум даврларда катта шухрат қозongan. Унинг шухрати ҳозирги даврда ҳам Шарқ ва Ғарб шарқшуносларининг эътиборини ўзига қаратиб келмоқда. У ўзининг ишланиш услуби, безакдорлиги билан Ғарб санъатидан кескин фарқ қилади. Шунинг учун ҳам Шарқ миниатюра мактаби асарларини, унинг намойндалари фаолиятини ўрганиш, болаларда фақат турли санъат мактабларини билишда аҳамиятли бўлибгина қолмай, балки Шарқ санъатининг ўзига хос хусусиятлари, ўша даврдаги халқ ҳаётини билиб олишга ёрдам беради. Шарқ миниатюра асарларини ўргатишда ўқитувчи Беҳзод ва унинг миниатюра мактабларига алёҳида эътибор бериши, унинг шогирдлари ҳисобланмиш Султон Муҳаммад, Қосим Али, Дарвиш Муҳаммад, Музаффар Али, Рустам Али, Мир Саид Али, Маҳмуд Музаҳҳиб, шунингдек, Муҳаммад Мурод Самарқандий, Саъди Бухорий, Муҳаммад Нодир Самарқандий, Аҳмад Калта ва болқаларининг ҳаёти ва ижоди ҳақида тўхталиши ўқувчиларнинг санъатга бўлган қизиқишларини бир қадар оширишга ёрдам беради.

Ўқувчиларнинг тасвирий санъатга бўлган қизиқишларини оширишда буюк рассомларнинг таржимаи ҳоллари, уларнинг ҳаётидаги кизикарли воқеалардан сўзлаб бериш ҳам фойдалидир. Ҳаёти қизикарли рассомлар қаторига Камолиддин Беҳзод, Леонардо да Винчи, Рембрант, Рубенс, И.Левитан, Ч.Ахмаров, Ў.Тансиқбоев ва бошқаларни киритиш мумкин.


Ўқувчиларни фанга қизиқтиришда машғулотларни ўйин ва саргузашт тарзида ташкил этиш катта аҳамиятга эга. Қизиқтиришни бундай шаклнинг қуйидаги йўллари мавжуд:

1.Тасвирий, амалий ва меъморчилик санъатига оид чайнворд, кроссворд, викториналар, тестлар ишлатиш. Булар мусобақа, индивидуал тарзда бўлиши мумкин. 57-расм.



### Г – кроссворди (Горизонтал бўйича)

1. Рус рассоми. 2. Ўзбекистон рассоми. 3 Немис шоири ва санъатшуноси. 4. Француз рассоми. 5. Рус рассоми. 6. Италия рассоми. 7. Ўзбекистон ҳайкалтароши. 8. Рус ҳайкалтароши.



57-расм

### Санъат кроссворди (вертикал бўйича)

Тасвирий санъатга доир ушбу кроссвордни ечсангиз горизонтал қаторда қайси ҳарф билан бошланса, ўша ҳарф билан тугалланадиган санъат турини ўқийсиз. Сиз топадиган ҳарфлар ҳам қайси ҳарф билан бошланса, шу сўзлар билан тугалланиши лозим.

1. Амалий санъат тури. 2. Микеланжело асари. 3 Рус рассоми. 4. Ўзбек рассоми. 5. Рус ҳайкалтароши. 6. Амалий санъат устасининг касбларидан бири. 7. Ўзбек рассоми. 8.Ўзбек рассоми. 9. Рассомни ишлатадиган материали. 10. Рассомнинг иш қуроли. 11. Амалий санъатда ишлатиладиган деворий безак. 12. Тасвирий санъатдаги оқим. 13. Нақш тури. 14. Амалий санъатда нусха кучиришда ишлатиладиган атама.



2. Саргузашт асосида ўқитиш. Бунда болаларни сув ости дунёсига, бошқа сайёраларга, афсонавий ҳайвонлар маконига ҳаёлий саргузаштли



58-расм


саёҳат қилинади ва шу асосда болалар тасаввурдан расм ишлайдилар.

3. Ўқувчиларни қизиқтирадиган соҳалар асосида тасвирлар ишлатиш. Масалан, болаларни қизиқтирадиган спортнинг у ёки бу турлари бўйича, қуш ва ҳайвонлар ҳаёти мавзуларида, болаларни ёқтирадиган касблари ҳақида.

4. Тайёр расмдаги камчиликларни топиш, уларни тўлдириш, расмда кўринмайдиган нарса ва ҳодисалар тасвирини топиш. 58-расм.

5. М.Дюбальонинг киши юзининг турлича психологик ҳолатдаги тери мушакларининг қисқаришини кўрсатувчи схематик кўргазмалиликни ўқувчиларга намоён этилиши уларда қизиқиш орттиради. 59-расм.

1. Хотиржамлик. 2. Қайғу. 3. Қувонч. 4. Дард-алам. 5. Кулги. 6. Йиғи. 7. Нафрат. 8. Диққат. 9. Ўйлаш.



59-расм

Ўқувчиларнинг тасвирий фаолиятларида турли материал ва тасвирлаш техникасини қўллаш ўқувчиларнинг бадиий ижодини фоллаштиради, фанга бўлган қизиқишларини оширади.

Мактабларда олиб борилган кузатишлар шуни кўрсатадики, кўпчилик ўқитувчилар дарс ва дарсдан ташқари ишларда турли хил материал ва тасвирлаш техникасини қўллашга етарлича эътибор бермайдилар.

Ҳозирги вақтда мактабларда ўқувчилар расм дафтари, бўёқ

қалам, оддий қалам ва ўчирғичдан фойдаланиш билан чегараланиб қолмоқдалар. Айрим мактабларда эса фақат акварелдан фойдаланилмоқда. Ўз-ўзидан маълумки, бундай шароитда вазифалар болалар учун зерикарли бўлиши табиийдир. Расм ишлашда фақат бўёқ қалам ва акварелгина эмас, гуашь, темпера, тушь, рангли бўрлар, пастель, кўмир, фломастер кабилардан ҳам кенг фойдаланса бўлади. Тасвирий фаолиятларда турли-туман ташландиқ материаллар ҳисобланган қоғозлар, газмол, ип, фольга, фанер, картон кабилардан фойдаланиб коллаж, мозаика, аппликациялар ишлаш яхши натижалар беради.

Расм ишлашда табиий материаллар ҳисобланган қовун, тарвуз, бодиринг, мош, ловия, жўхори, қовоқ уруғлари, ер ёнғоқ, қуритилган барг ва гуллар, буғдой поя, шунингдек, рангли тош, дархт илдизларидан фойдаланиш ҳам машғулот мазмунини бойитади, ҳамда ўқувчиларнинг индивидуал бадий хусусиятларини рўёбга чиқишига имкон беради.

Ўқувчилар ўзлари йил давомида бир хил материал ва бир хил тасвириш техникасида ишлаган расмларини қайта-қайта кўришлари, уларнинг тасвирий санъатга бўлган қизиқишларини бўшаштиради.

Тасвирий санъат машғулотларида ўқувчиларни рағбатлантириш катта таълим ва тарбиявий аҳамиятга эга, у ўқувчиларнинг фанга бўлган қизиқишини оширишга ёрдам беради.

Болалар ўз фаолиятларида оригинал иш яратишга ҳаракат қиладилар, иш натижаларини кўриб ўзларини янгилик очгандек ҳис қиладилар.

Рағбатлантиришга истисносиз барча болалар муҳтож бўладилар. Шунинг учун ўқитувчи ҳар бир болани ўз эътиборида тутиши ва вақти билан уларни рағбатлантириб туриши болалар ижодини фаоллаштиришга, фанга бўлган қизиқишини оширишга хизмат қилади. Айрим ҳолларда синфда рағбатлантиришга лойиқ бўлмаган болалар ҳам учраб туради. Бунда ўқитувчи ўқувчини яхши кўрсаткичга эришишини кутиб ўтирмасдан, у бажарган ишдаги арзимас ютуқларни ҳам бўрттириб кўрсатиши лозим. Бу боланинг тасвирий ижодини фаоллаштиришда дастлабки қадам бўлиши мумкин. Бу омил яхши ўзлаштирувчи болаларни янада яхшироқ бўлишига, бўш ўзлаштирувчи болаларни яхши ўқишга ундайди.

Шуни ҳам ҳисобга олиш лозимки, доимо фақат айрим ўқувчиларнигина рағбатлантиравериш тўғри эмас. У болаларда манман-

лик, ўз-ўзидан мамнунлик, мағрурлик ҳисларини уйғотади. Бу болалар ўзларининг тасвирий фаолиятларида рўй бераётган баъзи бир салбий ҳолатларни яширишга ҳаракат қиладиган бўлиб қоладилар. Шунинг учун, рағбатлантиришда синфдаги ҳар бир болани эътибордан қочирмаслик керак бўлади.

Шуни эсдан чиқармаслик лозимки, болаларнинг тасвирий фаолиятларини баҳолашда ўқитувчи улар эришган натижаларнигина баҳолаб қолмасдан, балки бу натижаларга қайси йўл билан, қандай қилиб эришганлигини ҳам ҳисобга олиб иш тутганда рағбатлантириш яхши самаралар беради. Тасвирий санъат дарсларида болаларни рағбатлантиришнинг ушбу турларини қўллаш мақсадга мувофиқдир:

1. Яхши баҳо қўйиш орқали.
2. Оғзаки рағбатлантириш орқали.
3. Яхши ишланган расмларни кўرғазмага тавсия этиш орқали.
4. Яхши ишланган ишларни бутун синфга намойиш этиш орқали.
5. Тўғарак аъзолигига қабул қилиш орқали.
6. Мактаб ёки синф деворий газетасда эълон қилиш орқали.
7. Ота-оналар мажлисида мақташ орқали ва бошқалар.

Рағбатлантиришнинг у ёки бу шакллари болалар фаолиятининг натижаларига, индивидуал хусусиятларига, шароитга қараб қўлланилади.

Муҳими шундаки, рағбатлантириш кўр-кўрона эмас, у асосли бўлиши, болалар рағбатлантиришга асос бўлган сабабни тушуниб етишлари ва ундан тегишли хулоса чиқариб олишлари лозим.

Мактаб тасвирий санъат кўрғазмаси фан бўйича мактабда олиб борилаётган ҳамма ишларнинг натижаси сифатида катта таълим ва тарбиявий аҳамиятга эга. Кўрғазма орқали мактабда тасвирий санъат соҳасида олиб борилаётган ишларга баҳо бериш мумкин бўлади. Шунингдек, кўрғазма олиб борилган ишлар якуни сифатидагина аҳамиятлигига бўлиб қолмай, балки келгуси ишларда ҳам муҳим ўрин тутди.

Ўқитувчи ва тўғарак раҳбарлари кўрғазмада қўйилган ишларнинг таҳлили орқали олиб борилган ишларга якун ясайдилар, улар санъатнинг қайси турига ўқувчилар қандай муносабатда бўлганликлари, санъатнинг (қаламтасвир, рангтасвир, ҳайкалтарошлик, амалий санъат) қайси турига етарлича эътибор бермаганликлари, ундаги ютуқ ва камчиликлар, кўрғазмада қайси ўқувчилар қандай ютуқларга эришганликлари, ўқувчиларнинг ўсиши ва камчиликлари юзасидан етарлича маълумот оладилар. Кўрғазманинг натижалари ўқитувчини келгусида камчиликларни бартараф этишда олиб бориладиган ишлари-

ни янада такомиллаштиришга имкон беради.

Шу билан бир қаторда, кўргазма ўқувчиларнинг фанга бўлган қизиқишини оширишга таъсир кўрсатади. Ўқувчилар ўзлари ва ўртоқлари ишлаган ишларни кўриш ҳамда уларни солиштириш орқали ўзларининг фаолиятларига хулоса ясайдилар, келгуси режаларини белгилайдилар. Шунинг учун ҳам мактаб кўргазмаларини тўғри ташкил этиш ва ўтказиш таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришда катта роль ўйнайди. Мактабда кўргазмалар ташкил этиш борасида тайёр тавсиялар бериш мумкин бўлмаса-да, баъзи бир йўл-йўриқлар, умумий кўрсатмалар фойдадан ҳоли эмас. Улар кўргазмаларнинг мазмуни, уларнинг характери, йўналиши бўйича бўлиши мумкин. Амалиётда кўргазмаларнинг икки хил шакли қўлланилади:

1. Ўқувчиларнинг ижодий ишларидан ташкил этиладиган кўргазмалар.

2. Машҳур тасвирий ва амалий санъат усталари асарларининг асл нусхалари ёки уларнинг репродукцияларидан ташкил этиладиган кўргазмалар.

Ўқувчиларнинг ижодий ишларидан ташкил этиладиган кўргазмаларнинг шакллари ниҳоятда турли-туман бўлади: Хусусан:

1. Синф кўргазмаси. Алоҳида синф ўқувчиларининг энг яхши ишларидан танлаб олиш орқали ташкил этилади.

2. Мактаб кўргазмаси. Мактаб ўқувчиларнинг энг яхши ишларини танлаб олиниши натижасида яратилади.

3. Шахсий кўргазма. Соҳа бўйича катта ютуқларга эришган ўқувчининг фаолиятига доир бўлади.

Мактаб, синф ва шахсий кўргазмаларни ташкил этишда маълум мавзуга риоя қилиниши мақсадга мувофиқдир. Масалан, «Ўзбекистонда баҳор», «Ўлкамда олтин куз», «Космос», «Дўстлик — тинчлик гарови», «Пахта-ифтихоримиз», «Келажак шаҳарлари», «Қишлоғимиз ҳаёти», «Мактабимиз ҳаёти», «Спорт ва биз» ва бошқалар.

Шунингдек, тасвирий ва амалий санъат, унинг ҳар бир тури ва жанрлари бўйича ҳам кўргазмалар ташкил этса бўлади. Кўргазмаларни болалар расмлари танлови асосида ҳам ўтказиш мумкин.

Умуман, мактабда кўргазманинг қонун-қоидаларга риоя қилган ҳолда ташкил этилиши томошабинда яхши таассурот қолдиради. Натижада болаларда санъатнинг бу турига бўлган ҳурмат ва қизиқиш ошади.

## 6-БОБ

# ТАСВИРИЙ САЊЪАТНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ БЎЙИЧА ТАЛАБАЛАРНИНГ АМАЛИЙ ИШЛАРИ

Талабаларнинг амалий ишлари икки қисмдан ташкил топади:

- Ўқитувчининг раҳбарлигида бажариладиган амалий ишлар.
- Талабалар томонидан мустақил бажариладиган амалий ишлар.

### 6.1 Ўқитувчи раҳбарлигида бажариладиган амалий ишлар.

*Мазмуни.* 1. Тасвирий санъатдан йиллик тақвимий режалаштириш. 2. Дарс конспекти. 3. Кўргазмали куроллар тайёрлаш. 4. Синф доскасида педагогик раём ишлаш. 5. Тасвирий санъатни ўқитиш методикасидан тренинг ўтказиш.

Маълумки, тасвирий санъатни ўқитиш методикаси курсида талабаларнинг амалий ишлари ҳам режалаштирилган: У талабаларда умумий ўрта таълим мактабларида олиб борадиган ишлар юзасидан маълум билим ва малакалар ҳосил қилади.

Ўқитувчи раҳбарлигидаги амалий ишлар қуйидаги йўналишларда бажарилади:

- мактабда тасвирий санъатдан биронта дарс мавзуси юзасидан конспект тайёрлаш;
- мактабда биронта синф учун машғулотларни тақвимий режалаштиришини бажариш;
- биронта дарс мавзусига доир кўргазмали материал, иллюстрация, таблицалар, нарсалар моделини тайёрлаш;
- биронта дарс мавзусига доир хотирадан синф доскасида ишлашни машқ қилиш;
- тасвирий санъатни ўқитиш методикасига доир тренинг.

Мактабда тасвирий санъатдан дарс мавзуларини тақвимий режалаштириш ҳар бир синф ва бир йил учун мўлжаллаб тузилади, у матнли ёки матн ва иллюстрация тарзда бўлиши мумкин. Тақвимий режалаштиришни ишлаб чиқишдан мақсад ҳар бир синфда ўтиладиган мавзулар ҳақидаги назарий маълумотларни мустаҳкамлаш ва

ўқув материалларни йил давомида тўғри ва маълум кетма-кетликда тақсимлашни мақсадга мувофиқ ташкил этиш ҳисобланади.

Мазкур режалаштиришни чораклар бўйича тайёрлаш мақсадга мувофиқдир.

Иллюстратив режалаштириш учун ярим форматдаги вагман қоғоз олиб, уни ўттиз тўрт катакка бўлинади ва ҳар бир катакка дарс рақами, мавзуси ҳамда шу мавзуга алоқадор иллюстрациялар ишланади. Бу амалий ишни бажариш учун аввало талаба мактаб тасвирий санъат давлат стандарти ва дастурини ўрганиб чиқади.

Мазкур режалаштириш ўз мазмунига кўра бироз мураккаблиги учун катакларга мос ўлчовдаги қоғозларга ўттиз тўрт дарсга мўлжалланган мавзулар қўлда ёзиб чиқилади. Сўнгра бу мавзуларни оддий ёки мураккаблигига қараб катакларга қўйиб чиқилади. Бунда албатта мавзуларни бир-бири билан боғлиқлиги, кетма-кетлиги, оддий ва мураккаблиги эътиборга олинади. Шунингдек, мавзуларни белгилашда кейинги мавзу юзасидан амалга ошириладиган ишлар, аввалги дарсда олинган билим ва малакаларга таянилишини назарда тутиш керак. Хуллас, мавзуларни режалаштиришда болаларга бериладиган билим, малака ва кўникмалар юзасидан тизим бўлиши лозим.

Иллюстратив режалаштиришдаги расмлар оқ-қора шунингдек, рангли бўлиши ҳам мумкин.

Қуйида биринчи синфнинг биринчи чораги учун мавзуларни тақвимий режалаштириш намуна сифатида берилган.

|  |  |  |  |
|--|--|--|--|
| 1. Тасвирий санъат нима? Суҳбат  | 2. Рангтасвир нима? Рассомлар нималар билан қандай қилиб расм ишлайдилар? Суҳбат | 3. Чизиқлар ва шакллар. Суҳбат.                                  | 4. Бўёқлар ва ранглар. Суҳбат            |
| 5. 1-октябрь ўқитувчилар куни. Байроқча расмини ишлаш. Байроқча расми. | 6. Соат расмини ишлаш. Соат расми.   | 7. Аквариумдаги балиқларни кузагиш. Аквариумдаги балиқлар расми. | 8. Балиқча расмини ишлаш. Балиқча расми. |

**Дарс конспективни тайёрлаш.** Мазкур топшириқ умумий ўрта таълим мактабларида ўқитувчи томонидан ҳар бир дарс учун зарур бўлган дарс ишланмасини тайёрлаш юзасидан амалий малакаларни ҳосил қилишга хизмат қилади. Бу иш яна шунинг учун ҳам зарурки, ўқитувчи мактабда ўтиши керак бўлган ҳар бир дарсни аввалдан тўлиқ тасаввур этиши машғулотни самарали ва юксак талаблар даражасида ўтказиш имконини беради.

Дарс конспекти икки асосий қисмдан ташкил топади:

1. Дарснинг тузилишини.

2. Дарсни ташкил этиш методикаси. (Машғулот ишланмаси).

Дарснинг тузилиш қисми қуйидагича қисмлардан ташкил топади.

1. Дарс мавзуси. Унга ажратилган соат ҳажми.

2. Ташкилий қисм. Бу қисмда болаларнинг дарсдаги давомати, синфни дарсга тайёр ёки тайёр эмаслигини текшириш. 2 дақиқа.

3. Уй топшириқларини текшириш, аввалги дарсда ўтилган материалларни қайтариш. 3-4 дақиқа.

4. Янги дарс мавзусини эълон қилиш ва уни тушунтириш. 5-10 дақиқа.

5. Ўқувчиларнинг мустақил ишлари. 20-22 дақиқа.

6. Ўтилганларни мустаҳкамлаш. 3-4 дақиқа.

7. Уйга вазифа бериш ва уни тушунтириш. 2-3 дақиқа.

Машғулот ишланмаси эса қуйидагича тузилишга эга бўлади.

1. Дарс мавзуси.

2. Дарснинг вазифалари (таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи вазифалар).

3. Дарснинг жихозланиши.

а) Ўқитувчи учун.

б) Ўқувчилар учун.

4. Дарсни ўтказиш методлари (Сухбат, намойиш этиш, ижодий амалий иш, тренинг, мунозара, реферат ёзиш в.б.).

5. Дарснинг мазмуни. Бу қисмда ўқитувчи томонидан ўқувчиларга мавзу юзасидан топшириқ тушунтирилади. Тушунтириш жараёнида ўқитувчи томонидан айтиладиган фикрлар, намойиш этиладиган кўргазмалар уларни қайси йўллар билан қачон билдирилиши ва намойиш этилиши баён этилади.

Бу қисмда болаларни дарсга жалб этиш мақсадида уларга бериладиган саволлар ҳам акс этган бўлади. Шу билан бирга унда ўқувчиларга кўргазмали қуроллар, уларни ишлаш босқичларига доир иллюстратив материаллар ҳам бериледи.

6.Ўтилганларни мустақкамлаш. Бу қисмда болалар томонидан билим, малака ва кўникмаларни қанчалик ўзлаштирилганлиги аниқланади ҳамда улар қайтарилиб мустақкамланади. Агарда ўқувчилар тасвирий ва амалий ишларни бажарган бўлсалар, уларнинг ишлари бутун синф иштирокида таҳлил қилинади. Уларнинг ютуқ ва камчиликлари кўрсатилади.

7.Уй вазифалари. Бу бўлимда уй топшириқлари эълон қилинади ва унинг мазмуни тушунтирилади.

Шуни ҳам қайд қилиш лозимки, тасвирий санъат дарслари ўз мазмунига кўра ҳам назарий, ҳам амалий тарзда ўтказилади ва улар ўқитиш методлари жиҳатидан бир-бирларидан фарқ қилади. Шуни ҳисобга олиб машғулот ишланмаларининг дарс мазмуни қисмида бу фарқ эътиборга олинаши лозим. Яъни, назарий машғулотлар кўпроқ суҳбат, намойиш, савол-жавоб тарзда ўтказилса, амалий ишлар тасвирий, ижодий йўналишда бўлади. Амалий характердаги машғулотлар суҳбат, савол-жавоб, намойиш этиш каби методлардан фойдаланишни инкор этмайди.

**Дарс учун кўргазмали қуроолар тайёрлаш.** Маълумки, барча тасвирий санъат дарсларида кўргазмали қуроолар ишлатилади. Бу ўқув предметини кўргазмали қурооларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шунингдек, тасвирий санъат дарсларида кўргазмалилик турлари ҳам ниҳоятда турли-тумандир. Хусусан, натура учун, шунингдек, тушунтириш учун мўлжалланган табиий ва сунъий материаллар, чизиш ва ясаш усуллари ҳамда босқичларини кўрсатувчи кўргазмали таблицалар шулар жумласига киради. Айниқса;

1. Табиат маҳсулотларидан-дарахт, гул, барг, шохча расмлари.

2. Ҳайвонот оламидан-капалак, ниначи, қўнғизлар, балиқлар, тўти. Хўроз, бургут, турна, қўй, туя, от, эчки, ит, бўри, қуён, шер, тулки, йўлбарс, фил в.б. расмлари.

3. Турмушда қўлланиладиган буюмлар-ошхона ва спорт буюмлари, меҳнат қуроолари в.б. расмлари.

4. Транспорт воситалари-ҳарбий техника, спорт техникаси расмлари.

5. Одам ва ҳайвонларни турли томондан кўринишини ранглари, шакллари, ҳамда перспектив қисқаришини тасвирловчи расмлар.

6. Одам ва нарсаларнинг чизиш босқичларини кўрсатувчи расмлар.

Бундай кўргазмалар намойиш этилганда синфдаги барча ўқувчиларга яхши кўринадиган ўлчовда тасвирланиши лозим. Бу рас-



млар ўз характерига кўра рангли ёки оқ-қора бўлиши мумкин.

Кўргазмали қурооллар нафақат расмли, балки турли материаллардан (картон, ёғоч, сим, лой, ташландиқ материаллар, табиий ва бадиий материаллар) ясалган бўлиши мумкин. Улар тасвирий санъат назариясига (композиция, перспектива, рангшунослик, ёрусоя), унинг қонуниятларини кўрсатувчи моделлар бўлади.

Бу кўргазмали қурооллар аввал эскиз ёки кичик ўлчовдаги нусха тарзда тайёрланади. У ўқитувчи тасдигидан ўтганидан сўнг катта ўлчовда ишланади. Ҳар бир тайёрланган кўргазмага талаба қисқача тушунтириш хати ёзади. Унда кўргазмадан фойдаланишга оид методик кўрсатмалар, намоиш этиш вақти ва босқичлари кўрсатилади.

Кўргазмали қуроолларни талабалар томонидан тайёрланадиган дарсга доир конспект ва методик ишланмалар билан боғлиқ ҳолда амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир. Лекин, кўргазмали қурооллар дарс ишланмаси билан боғлиқ бўлмаслиги ҳам мумкин.

**Синф доскасида расм ишлаш.** Синф доскасида расм ишлаш машғулотларининг вазифаси мазкур фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари юзидан талабаларда малака ва кўникмалар ҳосил қилишдан иборатдир.

Маълумки, ҳар қандай расм ишлаш малакаларини пухта ўзлаштирган шахс, синф доскасида талаблар даражасида расм ишлай олмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳам бўлгуси ўқитувчи синф доскасида расм ишлаш орқали маълум малака ва кўникмалар ҳосил қилиши керак бўлади.

Синф доскасида расм ишлаш ҳақида гап борганда шуни қайд қилиш лозимки, синф доскасида бўр билан қисқа вақт ичида ишланган тасвир, аввало ўқитувчининг фикрини ўқувчиларга тез ва образли тарзда етказиш имконини беради. Шуни ҳам қайд қилиш лозимки доскада чизилаётган расм болаларнинг кўз ўнгида босқичма-босқич ҳамма бўлаклари ва қисмлари билан бирликда пайдо бўлади, қўйингки у ўқувчилар идрокини анча енгиллаштиради ва тезлаштиради. Болалар ўқитувчининг фикрини бир вақтнинг ўзида ҳам эшитиб, ҳам кўриш орқали объект ҳақида тўлиқ ва мустақам тушунчага эга бўлади.

Доскада бажарилган расм қоғозда ишланган расмга қараганда анча кам вақт, қоғоз ва бўёқларни иқтисод қилишга ҳам ёрдам беради. Талаба доскада расм ишлаш жараёнида уни орзаки нутқ билан биргалликда амалга оширади. Иш жараёнида доскада расм

ишлаётган шахс тингловчилар эътиборини тасвирлашнинг асосий ва муҳим жиҳатларига қаратиб, уни методик жиҳатдан тўғри ва болалар гидрокига мос ҳолда бажариш керак бўлади. Доскада расм ишлаш малакаларини бир галда ёки бир серияли машқлар билан эгаллаб бўлмайди. Уни биринчи курсдан бошлаб тез-тез, дарсдан ташқари вақтларда ўтказиб турилиши лозим бўлади. Доскада расм ишлаш фақат оқ бўр билан эмас, балки рангли бўрлар билан ҳам ишланиши мумкин. Бунда рангли бўрлардан фақат чизик чизишда эмас, нарсаларнинг айрим жиҳатларини ажратиб кўрсатиш мақсадида ҳам фойдаланилади.

Рангли бўрлардан фойдаланиш декоратив композиция (нақш ишлаш) дарсларида кенг қўлланилади.

Доскада расм ишлашга бир қатор талаблар ҳам қўйилади. Бу иш тасвирий санъат ўқув фани билан боғлиқ бўлганлиги сабабли аввало уни саводли бўлишига эътибор бериш лозим. Айниқса, уларни композиция, перспектива, нарсалар тузилиши, ифодалилиги жиҳатдан тўғри ишланганлиги катта аҳамият касб этади. Чунки, ўқувчилар тасвирий санъатнинг қонун ва қоидаларидан хабардорлар.

Доскада расм чизганда нарсаларни характерли ҳолатда, улардаги тилик белгиларни, ўзига хос жиҳатларини бўрттириш ва иккинчи даражали, муҳим бўлмаган жойларини тушуриб қолдириш мумкин.

Доскада расм чизишнинг яна бир муҳим жиҳати чизикларни турли йўғонликда бўлишигидир. Шунингдек, расмлар, нуқталар, чизиклар, штрихлар, тон ёрдамида бажарилиши мумкин.

Доскада расм ишлаганда кўпроқ бўр ва ҳўл, шунингдек куруқ латта, айрим ҳолларда паралондан фойдаланилади.

Бўрларни тўрт ёқли призма шаклидаги ўргача юмшоқликдагиларини ишлатган маъқул. Қаттиқлари доскада аниқ тасвир бермайди, юмшоқлари доскада уваланиб кетади. Доскани эса ялтироқ бўлмагани маъқул, акс ҳолда бўр унга ёпишмайди.

Доскада расм чизишни айрим қоидалари ҳам бор. Расм чизувчи бўрни бош ва кўрсаткич бармоғи билан ушлаб доскадаги расмни тўсмасдан, болаларга чап ёндан туриб тасвирлаши мақсадга мувофиқдир. Бу ишда доскада расм чизувчи унга яқин турмаслиги ва қўлини узатиб ишлаши тўғри бўлади. Шундагина, у доскадаги расмни тўлиқ кузатиб туриш имкони туғилади. Чизиш учун мураккаброқ бўлган шакллар, айлана, овал, тўлқинсимон чизиклар тез

ва энгил ингичка чизиқлар билан чизиб олинади, сўнгра ноаниқ чизиқлар қалинроқ чизиқлар билан тўғрилаб ишланади.

Доскада расм чизганда уни аниқ чиқиши учун симметрия ўқидан ва бошқа ёрдамчи чизиқлардан фойдаланилади.

Расм ҳақида болаларда тўликроқ тушунча ҳосил қилиш мақсадида шрифтлардан ҳам фойдаланилади. Улар бир хил ўлчовда расмнинг юқори ва пастки қисмига ёзилади.

Доскада расм ишлаганда ва шрифтлар билан ёзилганда чизмачилик асбобларидан (чизғич, циркуль, в.б.) фойдаланиш тавсия этилмайди. Расм фақат қўл билан чамалаб ишланади.

Доскада расм ишлаганда унинг қуйидагича чизиш техникаси қўлланилади.

1. Контур чизиқли тасвирлар.
2. Штрихли ҳажмли тасвирлар.
3. Тонли ҳажмли тасвирлар.
4. Апликацияли тасвирлар.
5. Аралаш тасвирлаш техникаси (расм ва апликация).

Доскада бажариладиган амалий ишлар нафақат синф доскасининг ўзида, балки доскага осилган катта ўлчовдаги қоғозларда соус, пастель, уғол, сангина, акварель, гуашь каби бадиий материаллар билан ишланиши мумкин.

**Амалий иш юзасидан тренинг.** Тасвирий санъат методикаси курси бўйича амалий ишлар юзасидан ўтказиладиган тренинг талабаларни бу фанни ўқитишда рўй берадиган мураккаб муаммоли вазиятлар билан таништиради, ҳамда уларни бартараф этиш йўллари излашга мажбур этади. Тренинг аудиторияда ўқитувчи раҳбарлигида мунозара шаклида ўтказилади. Мунозарада эркин равишда ҳар бир талаба иштирок этади.

Мунозара охирида ўқитувчи раҳбарлигида маъқул ва тўғри жавоблар қайд қилинади.

**Амалий ишга доир тренинг қуйидаги мавзуларда ўтказилиши мумкин.**

1. Ўқувчи «чизишни хоҳламайман» деб топшириқни бажармаса нима қиласиз?

2. Ёмон ўзлаштирувчи бола билан қандай иш олиб бориш керак?

3. Иқтидорли бола синфда топширилган топшириқни қисқа вақтда бажариб бўлса, у энди нима қилиши керак?

4. Бўш ишланган ўқувчининг расмини дарс охирида ўтказила-

диган муҳокамага қўйиш мумкинми?

5. Яхши ўзлаштирувчи ўқувчи кучидан ўқитувчи фойдаланса бўладими?

6. Ёмон ишланган расмга яхши баҳо қўйиш мумкинми?

7. Одобсиз, бироқ яхши расм ишлаган болага юқори баҳо қўйиш мумкинми?

8. Синфда энг қобилиятли болани ажратиб кўрсатиш тўғрими? Энг қолоқ ўқувчини-чи?

9. Ўқитувчи тавсия этган мавзудаги топшириқни бажармай, ўзи хоҳлаган мавзуда расм ишлашга ўқувчига рухсат этиш мумкинми?

Масалан, ўқувчи «Расм чизишни хоҳламайман» деб ўқитувчига билдирган эътирозига талабалар қуйидаги жавобларни ўйлаб кўрадилар ва ўз нуқтаи назарларини билдирадилар.

1. Бу болани синфдан чиқариб юбориш керак.

2. Болага ёмон баҳо қўйиш керак.

3. Ота-онасини чақиртириш керак.

4. Директор ёки унинг ўринбосарига, синф раҳбарига бу ҳақда маълум қилиш керак.

5. Яхши расм чизадиган иқтидорли болага бириктириб қўйиш керак.

6. Ҳеч нима қилиш керак эмас.

7. Сабабини билиш керак.

8. Расм чизмаса ҳам, у билан гаплашиб, унга ўрта баҳо қўйиб юравериш керак.

9. Дарсдан кейин қолиб бу бола билан алоҳида ишлаш керак.

10. Унга тасвирий санъатта доир қизиқарли китоблар келтириб бериш керак.

11. Болалар орасида муҳокама этиш ва изза қилиш керак.

12. Ота-оналар мажлисида муҳокама этиш керак.

13. Унинг қизиқадиган соҳасини билиб, тасвирий санъатни шу соҳа билан боғлаб расм ишлашга ўргатиш керак (Масалан: спортга, ҳайвонларга қизиқиши).

14. Ўқитувчи болага нисбатан муомаласини яхши томонга ўзгартириш керак.

15. Унинг соғлиғини суриштириш ва аниқлаш керак.

16. Болани яқин дўстини ишга солиш керак.

17. Болага тасвирий санъат билан шуғулланишнинг аҳамиятини тушунтириш керак.

18. Боланинг бу фанга ёмон муносабатини мактаб деворий газе-тасига ёзиш керак.

19. Болани биронта рассом ёки ҳайкалтарошнинг устахонасига олиб бориш керак (Музейга, кўрғазмага).

20. Болани мажбурлаш, қўрқитиш, уриш керак.

## 6.2 Талабаларнинг мустақил амалий ишлари

**Мазмуни:** 1. Умумий ўрта таълим мактабларининг тасвирий санъат дарсликларини ўрганиш. 2. Тасвирий санъатни ўқитиш методикаси бўйича реферат тайёрлаш. 3. Тасвирий санъатдан намунавий дарс ўтиш.

Тасвирий санъатни ўқитиш методикаси курсидан бажариладиган мустақил амалий ишлар, талабалар мазкур фан бўйича билим ва малакаларини мустақамлаш билан бир қаторда келажакда уларни ўқитувчилик фаолиятларидаги амалий ишлари учун замин яратади.

Талабаларнинг мустақил амалий ишларининг қуйидаги турлари мавжуд:

- умумий ўрта таълим мактаблари учун яратилган тасвирий санъат дарсликларини ўрганиш ва уларни ёзма равишда таҳлил қилиш.

- тасвирий санъатни ўқитиш методикасига доир биронта мавзу юзасидан реферат ёзиш.

- тасвирий санъатни ўқитиш методикасига биронта мавзу бўйича аудиторияда кўрғазмали дарс ўтиш.

**Дарсликларни ўрганиш.** Маълумки, умумий ўрта таълим мактаблари учун бир қатор тасвирий санъат дарсликлари яратилган бўлиб, дарслар асосан ана шу дарсликлар асосида ташкил этилади. Бу фандан машғулотлар олиб борадиган ҳар бир ўқитувчи, шунингдек, талаба ана шу дарсликларнинг мазмуни ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиши лозим. Бунинг учун талаба дарсликларни синчковлик билан қайта-қайта ўқиб ўрганиши, таҳлил этиши, ундаги барча ютуқ ва камчиликларни билиб олиши зарур бўлади. Бунинг учун аввало дарсликлар ҳақида тўлиқ тушунчага эга бўлиши талаб этилади.

Дарсликлар қуйидаги қисмлардан ташкил топади:

1. Дарслик номи. 2. Топпириқлар ёки ўзлаштирилиши лозим бўлган материаллар. 3. Билим ва малакаларни ўзлаштириш, топпириқ-

ларни бажариш юзасидан кўрсатмалар. Улар матнли ёки иллюстратив тарзда бўлиши мумкин. 4. Утилганларни мустақкамлаш учун саволлар ва амалий ишлар. 5. Уй топшириқларининг мазмуни.

Дарсликлар асосий, қўшимча ва изоҳли материаллардан ташкил топади. 1. Асосийга назарий ва амалий материаллар киради.

Назарий материаллар эса асосан тасвирий, амалий ва меъморчилик санъатларининг тур ва жанрлари, санъат тарихи ҳамда композиция, перспектива, рангшунослик, анатомия, ёруғсоя қонунлари ва қоидалари, рассом, уста, меъморларнинг ҳаёти ва ижоди, санъат асарларининг таҳлилига доир маълумотлардан ташкил топади.

Амалий характердаги материалларга натурани ёки биронта мазмунни ифодалаш йўллари кўрсатувчи тасвирлар, мисол ва машқлар киради.

2. Қўшимча материаллар қаторига синфда олинган билим ва маъналарни синфдан ташқарида мустақкамлаш ва кенгайтиришга қаратилган маълумотлар киради. Унга дарсликларнинг бадиий беъзаги ва мундарижаси ҳам тааллуқлидир. Улар схемалар, диаграммалар, таблицалар, саволлар, топшириқлар, шеърлар, эртақ ва хикоялар, чайнворд, кроссворд, ребус, болалар расмлари бўлиши мумкин.

3. Изоҳли материаллар шарҳлар, саволлар, кириш сўзлар, атамалардан ташкил топади.

Маълумки, дарсликлар матнли, ва иллюстратив қисмлардан ташкил топади.

Дарсликларнинг матн қисмини адабий тилда, ихчам, лўнда, гушунарли, содда бўлиши талаб этилади. Матн қисмини дарслик вароғида эркин жойлашуви ва шрифтларнинг ўлчови болалар ёштини ҳисобга олиб танланган бўлишлиги лозим.

Дарслик иллюстрациялари эса аввало машғулот мавзуси ва мазмуни билан боғлиқ бўлишлиги, улар асар муаллифи томонидан юксак бадиий савияда яратилган бўлишлиги, уларни болалар идрокига мослиги, уларни кўп ҳам, кам ҳам меъёрида бўлмаслиги, уларни матнли қисм жойлашган жойга яқин бўлишлиги, улар дарсликда мазмунли ва юқори бадиий савияда ишланган бўлишлиги лозим. Шунингдек, бу материаллар дарслик бетида композиция жиҳатдан тўғри жойлаштирилган, рангли, ўзбек санъатининг миллий бадиий анъаналарини ўзида акс эттирган бўлиши муҳимдир.

Умуман эса тасвирий санъат дарслигига бўлган асосий талаблар қуйидагилардан иборат:

1. Таълим мазмунини миллий истиқлол мафкуриси ва тарбия билан узвий боғлиқ ҳолда ёритилганлиги.

2. Давлат таълим стандарти ва ўқув дастури асосида тузилган бўлиши.

3. Ўз тузилиши ва композицияси жиҳатидан содда ва болалар ёшига мослиги.

4. Дарсликдаги материаллар янги ва ўқувчиларда қизиқиш уйғотиши, уларни уйлашга, изланишга мажбур этиши.

5. Ҳар бир дарс материаллари ўқувчиларда бадиий эстетик дидни, тасвирий малака, ижодий қобилиятларини ўстиришга қаратилган бўлиши.

6. Тасвирий санъатни бошқа фанлар, ўқув фанидаги блок ва мавзулараро алоқаларни эътиборга олиши.

7. Материалларни дидактик принципларга риоя қилган ҳолда баён этилиши.

8. Мағна қисми кўп бўлмаслиги, содда ва адабий тилда баён этилиши.

9. Таълим мазмуни ўқувчиларни синфдан ташқари мустақил ишларини кучайтиришга йўналтирилган бўлишлиги.

10. Таълим мазмуни теварак-атроф, меҳнат, ўқувчиларнинг ҳаёти билан боғлиқ бўлиши.

11. Таълим мазмунининг ишлаб чиқишда миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигига риоя қилиниши.

**Реферат ёзиш.** Юқорида қайд қилинганидек, амалий иш тасвирий санъатни ўқитиш методикаси юзасидан рефератлар тайёрлашни ҳам назарда тутлади.

У ўтилган мавзуга алоқадор бўлиб, талабадан кўп вақт ва масъулият талаб этади.

Рефератлар ёзиш орқали талабалар тасвирий санъатни ўқитиш методикасини пухта ўзлаштирибгина қолмай, балки уни такомиллаштиришнинг айрим қирраларини очиш имконига ҳам эга бўладилар.

Реферат мактабда тасвирий санъат дарсларига доир борлиқни идрок этиш, бадиий қуриш - яшаш, натурага қараб тасвирлаш, композицион фаолият, санъатшунослик асослари блоклари бўйича, шунингдек, айрим мавзуларни ўтиш методикасини такомиллаштириш юзасидан бўлиши мумкин.

Маълумки, рефератлар ёзишда, унинг муаллифи фақат адаби-

ётларни ўрганиш, таҳлил қилиш, хулоса билан чегараланиб қолмасдан, уни кўпроқ илмий йўналишда олиб бориши керак бўлади. У ўз ўрнида мактабда тасвирий санъат дарсларини кузатиш, унда тажриба - синов ишларини ўтказиш, муаммонинг тарихига мурожаат этиши, архив материалларидан фойдаланиш рефератни илмийлигини таъминлайди. Кейинчалик бу реферат курс иши, битирув малакавий иш мавзуга айланиши мумкин. Қолаверса, у магистратура, аспирантурадаги тадқиқот ишига асос бўлади.

Талабалар йил давомида камида 2 та реферат ёзишлари талаб этилади.

Рефератлар учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1.Тасвирий санъат дарсларида ўқувчиларни миллий истиқлол мафкураси руҳида тарбиялаш.

2.Тасвирий санъат дарсларида ўқувчиларни эстетик дидини ўстириш.

3.Тасвирий санъат дарсларида ўқувчиларнинг бадиий-ижодий фаоллигини ошириш.

4.Ўқувчиларни тасвирий санъатга қизиқтиришнинг самарали йўллари ва методлари.

5.Тасвирий санъатни ўқитишда замонавий педагогик технологияларни қўллаш.

6.Тасвирий санъат дарсларида турли материаллар ва тасвирлаш техникасини қўллаш.

7.Тасвирий санъат дарсларида ўқувчиларнинг кузатувчанлиги ва хотирасини ўстириш.

8.Мактабда тасвирий санъатнинг назарий асосларини ўрганишнинг самарали йўллари ва методлари.

9.Тасвирий санъат дарсларида ўқувчиларни билиш фаоллигини ошириш.

10.Тасвирий санъат дарсларида фанлараро алоқалар.

11.Тасвирий санъат дарсларида ўқувчиларни ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш.

12.Тасвирий санъат дарсларида ўзбек халқининг миллий, бадиий анъаналаридан фойдаланиш.

13.Тасвирий санъат дарсларида ўқувчиларни тасвирий малакаларини ўстириш.

14.Тасвирий санъат дарсларида турли касб ва ҳунарларга йўллаш методикаси.



15. Тасвирий санъатдан ўқувчиларнинг билим ва малакаларини назорат қилишни такомиллаштириш.

16. Тасвирий санъатни чуқур ўргатадиган мактаблар ва синфларда таълим мазмуни ва методикасининг ўзига хос хусусиятлари.

17. Мактабда тасвирий санъатдан олиб бориладиган (амалий санъатдан) тўғрақ машғулотларининг мазмуни ва методикасининг ўзига хос хусусиятлари.

18. Таълим тизимида бадиий таълимнинг шаклланиши ва тараққиёти.

19. Тасвирий санъатдан ўқувчиларни мустақил ишларини ташкил этиш методикаси.

20. Тасвирий санъатни ўқитишга табақалашган ёндошув.

**Тасвирий санъатдан намунавий дарс ўтиш.** Мактабда тасвирий санъатни ўқитиш методикаси курсининг муҳим қисмларидан бири ҳисобланган намунавий дарс ўтиш талабаларни ўқувчилар жамоаси орасида ўзларини тўғри бошқариш, ўқитувчи билан болалар, ўқувчилар ораларида рўй берадиган келишмовчилик ва ситуацияларни бартараф этиш йўллари бўйича маълум билим ва малакалар ҳосил қиладилар. Шу билан бир қаторда бундай дарслар талабаларни мактабдаги фаол педагогик амалиётлари ҳамда келгусидаги ўқитувчилик фаолиятларида ҳам қўл келади.

Намунавий дарс ўтиш учун талаба белгиланган мавзу асосида тайёргарлик кўради. Бу тайёргарлик мазкур дарсликни амалий ишлар қисмида баён этилган бўлиб, у қуйидаги қисмлардан ташкил топади:

1. Дарс конспектини мухтасар қилиб тайёрлаш. 2. Дарс ишланмасини қойдасига кўра ишлаб чиқиш. 3. Кўргазмали қуроллар тайёрлаш. 4. Тайёрланган материаллар асосида мустақил равишда дарс ўтишни машқ қилиш. Намунавий дарс учун дарс конспекти ва дарс ишланмаси талабанинг авваллари тайёрлаган конспекти, дарс ишланмаси бўлиши мумкин. Тайёрланган конспект, дарс ишланмалари ва кўргазмали қуроллар методика ўқитувчисига кўрсатилиб, унинг ижобий фикр олингандан сўнг аудиторияда талабалар олдида намунавий дарс ўтилади.

Бу дарсда талабалар ўқувчилар ўрнида фаоллик кўрсатишлари мақсадга мувофиқдир. Қирқ беш минутлик дарсдан сўнг ўқитувчи ва талабалар орасида намунавий ўтказилган дарс муҳокама этилади.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. // Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.- Тошкент: Шарқ, 1997.
2. Умумий ўрта таълим мактабларида тасвирий санъат таълими концепцияси. - Тошкент, 1995.
3. Тасвирий санъат. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури. - Тошкент: Шарқ, 1999.
4. Азимова Б. Натюрморт тузиш ва тасвирлаш методикаси. - Тошкент: Ўқитувчи, 1984.
5. Альберти Л.Б. Три книги о живописи. - Москва, 1933.
6. Бакушинский А.В. Художественное творчество и воспитание. Исследование и статьи. - Москва: Сов. художник, 1981.
7. Башилов Я. Кондахчан Е. Детский рисунок. - Москва - Ленинград: Искусство, 1940.
8. Бейер В.И. Воскресенский А.К. Рисование на начальной ступени обучения в связи с лепкою и черчением. - Спб. 1912.
9. Бойметов Б., Толипов Н. Мактабда тасвирий санъат тўраги. Тошкент, 1995.
10. Булатов С. Амалий санъат қисқача луғати.-Тошкент: ҲБМ, 1992.
11. Булатов С. Ўзбек халқ амалий безак санъати.-Тошкент: Меҳнат, 1994.
12. Гиппиус Г.А. Очерки теории рисования как общего учебного предмета. - Спб., 1844.
13. Известие Турк ЦИКа. 1920. 4 январ.
14. Коменский Я.А. Великая дидактика. Избр.пед. соч. - Москва: Учпедгиз, 1955.
15. Кондахчан Е. Методика преподавания рисунка в средней школе.- Москва: Искусство, 1951.
16. Кузин В.С. Психология.-Москва: Высшая школа, 1982.
17. Кузин В. С. Основы обучения изобразительному искусству в школе- Москва: Просвещение, 1977.
18. Леонардо да Винчи. Книга о живописи.-Москва: Изогиз, 1934.
19. Набиев М. Рангшунослик. - Тошкент; Ўқитувчи, 1995.

20. Никонорова Н. М. Наглядные пособия и оборудования для занятий изобразительным искусством. - Москва: Просвещение, 1975.
21. Ойдинов Н. Рассом-ўқитувчилар тайёрлаш муаммолари. - Тошкент; Ўқитувчи, 1997.
22. Орипов Б. Тасвирий санъат дарслари самарадорлигини ошириш омиллари. - Тошкент: Ўқитувчи, 1978.
23. Павлинов П. Я. Графическая грамота. - Москва: Учпедгиз, 1933.
24. Радлов Н. Рисование с натуры. - Ленинград, 1935.
25. Радлов Н. Сборник заданий по рисованию. - Москва - Ленинград: Искусство, 1938.
26. Расм солиш. Бошланғич синф программалари. - Тошкент: Ўқувпедавнашр, 1953.
27. Расм. Бошланғич синф программалари. - Тошкент: Ўқувпедавнашр, 1956.
28. Ростовцев Н. Н. Методика преподавания изобразительного искусства в школе. - Москва: Просвещение, 1974.
29. Руссо Ж. Ж. Эмил или о воспитании. Изб. пед. соч. в 3-х томах. - Москва: 1961.
30. Сапожников А. Курс рисования. - СПб, 1875.
31. Справочная книга школы Соцвосо: Сборник основных циркуляров Наркомпроса по школам соцвосо. Вып. 1. - Самарканд, 1929.
32. Тасвирий санъат. Ўрта мактаб программалари (1-3 ва 4-6 синфлар). - Тошкент: Ўқитувчи, 1968.
33. Умаров А. Аҳмедов М. Тасвирий санъат атамаларининг изоҳли луғати. - Тошкент: ЎзТСМУ, 1998.
34. Усмонов О. Комолиддин Беҳзод ва унинг наққошлик мактаби. - Тошкент: Фан, 1977.
35. Шарқ миниатюра мактаблари. - Тошкент: Ғофур Фулом, 1989.
36. Қосимов Қ. Наққошлик. - Тошкент: Ўқитувчи, 1990.
37. Ҳасанов Р. Тема асосида расм чизиш жараёнида эстетик тарбия. - Тошкент: Ўқитувчи, 1980.
38. Ҳасанов Р. Мактабда тасвирий санъат машғулотларини тақомиллаштириш йўллари. - Тошкент: Ўқитувчи, 1986.
39. Ҳасанов Р. Бешинчи синфда тасвирий санъат дарслари. -

- Тошкент: Ўқитувчи, 1997.
40. Ҳасанов Р. Тасвирий санъат ва бадиий меҳнат. Биринчи синф учун дарслик. - Тошкент: Ўқитувчи, 1998.
  41. Ҳасанов Р. Учинчи синфда тасвирий санъат дарслари. Ўқитувчилар учун қўлланма. - Тошкент: Ўқитувчи, 1988.
  42. Ҳасанов Р. Тасвирий санъат. 1-синф ўқувчилари учун дарслик. - Тошкент: Ёзувчи, 2002-2004 йй.
  43. Ҳасанов Р. Тасвирий санъатдан давлат таълим стандартларини амалиётга жорий этиш. - Тошкент, 2000.
  44. Ҳасанов Р. Амалий безак санъати машғулотилари методикаси. Ўқув қўлланма. - Тошкент, 2003.

## МУНДАРИЖА

### Кириш

|   |   |
|---|---|
| Тасвирий санъатни ўқитиш методикаси ҳақида умумий тушунча ..... | 3 |
|---|---|

### 1 БОБ.

|   |    |
|---|----|
| <b>Тасвирий санъатни ўқитилиш тарихи</b> .....              | 6  |
| 1.1. Чет элларда тасвирий санъатни ўқитиш тарихидан .....   | 6  |
| 1.2. Ўзбекистонда тасвирий санъатни ўқитилиши .....         | 22 |
| 1.3. Мустақиллик йилларда тасвирий санъатни ўқитилиши ..... | 38 |

### 2 БОБ.

|   |    |
|---|----|
| <b>Тасвирий санъат таълимининг мақсад ва вазифалари</b> ..... | 43 |
|---|----|

### 3 БОБ.

|   |    |
|---|----|
| <b>Мактабда тасвирий санъат машғулотларининг мазмуни</b> .....  | 54 |
| 3.1. Тасвирий санъат давлат таълим стандарти .....              | 54 |
| 3.2. Тасвирий санъат дарсларининг мазмуни .....                 | 62 |
| 3.3. Тасвирий санъат бўйича дарсдан ташқари ишлар мазмуни ..... | 70 |

### 4 БОБ.

|  |     |
|--|-----|
| <b>Мактабда тасвирий санъатни ўқитишнинг назарий ва методик асослари</b> ..... | 83  |
| 4.1. Тасвирий санъатни ўқитишда дидактик принциплар .....                      | 83  |
| 4.2. Бошланғич синфларда тасвирий санъатни ўқитиш методикаси .....             | 98  |
| 4.3. 5-7 синфларда тасвирий санъатни ўқитиш методикаси .....                   | 136 |
| 4.4. Тасвирий санъатни табақалаштириб ўқитиш .....                             | 180 |
| 4.5. Тасвирий санъатдан топшириқлар, уларни назорат қилиш ва баҳолаш .....     | 188 |

### 5 БОБ.

|  |     |
|--|-----|
| <b>Тасвирий санъат ўқитувчиси, унинг ташкилиш, методик ва ижодий ишлари</b> .....                  | 200 |
| 5.1. Тасвирий санъат ўқитувчисининг маънавий ва касбий сифатларига бўлган замонавий талаблар ..... | 200 |
| 5.2. Тасвирий санъат ўқитувчисининг мустақил ишлари .....  | 209 |
| 5.3. Тасвирий санъат хонасини ташкил этиш ва жихозлаш .....  | 214 |
| 5.4. Ўқувчиларни тасвирий санъатга қизиқтириш .....  | 224 |

### 6 БОБ.

|   |     |
|---|-----|
| <b>Тасвирий санъатни ўқитиш методикаси бўйича талабаларнинг амалий ишлари</b> ..... | 233 |
| 6.1 Ўқитувчи рақбарлигида бажариладиган амалий ишлар .....                          | 233 |
| 6.2 Талабаларнинг мустақил амалий ишлари .....                                      | 241 |

**Раҳим Ҳасанов**

**МАКТАБДА ТАСВИРИЙ САНЪАТНИ  
ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ**

Дарслик Гулистон давлат  
университетида тайёрланди

**Муҳаррир: М.Солиқова**

Теришга берилди \_\_ Босишга рухсат этилди 16.06.04  
Қоғоз бичими 60x84 1/16.

ЎзР ФА «Фан» нашриёти: 700047, Тошкент, акад.  
Яҳё Ғуломов кўчаси. 70.

«Сано-Стандарт» МЧЖ босмахонасида  
офсет усулида chop этилди.  
Тошкент, Широқ кўчаси, 100.